

ХУДО, ҚАЕРДАСАН?

ЎЗ ЧЎЛИНГИЗДА
КУЧ ВА МАҚСАДНИ
ҚЎЛГА КИРИТИНГ



ЖОН БИВЕР

Азиз дўстим

Биз синов ва қийинчиликларга дуч келганимизда Худонинг ваъдаларини осонликча кўздан қочириб қўйишимиз мумкин. Бу китобни, ҳаётнинг ҳар бир даврида, ҳатто чўл даврида ҳам мақсад борлигини айтиб, сизга далда бериш учун ёздим.

Биз айнан чўлдан ўтаётганимизда Худо бизнинг юрагимизни юмшатади ва бизнинг феълимизни шакллантиради, шу аснода, У биз учун тайёрлаб қўйган буюк режаларга бизни тайёрлайди. Сизга Худо сукут сақлаб тургандек ва Унинг ҳузури жуда узоқдадек туюлиши мумкин, бироқ Худо сизни ташлаб кетгани йўқ; У сизда Ўз фаолиятини амалга оширмақда. Ушбу китобнинг саҳифаларида, сиз чўлдан муваффақиятли ўтганингизда, тараққиёт келишини кўрасиз.

Бу китоб – сиз учун туҳва. Бу китобдан далда олишга муҳтож бўлган имонли дўстларингиз билан, уни тортинмай бўлишингиз мумкин. Шунингдек, ҳаётингизни ўзгартиришга қодир бўлган бошқа кўплаб манбаларни ўз она тилингизда урганиш ва юклаб олиш учун CloudLibrary.org саҳифасига ташриф буюринг.

Сиз Унинг кучи ва ҳокимиятини янада кўпроқ меъёрда қўлга киритиб, Унинг овозини яхшироқ эшитишга қобилиятли бўлган ва ҳамдардликка тўлган ҳолда, ўз чўлингиздан чиқишингиз учун ибодат қилиб қоламан. Олтин оловда тозаланганидек, сизнинг покланиш доврингиз ҳам, тоза олтинни келтириб чиқарсин деб Худодан сўраб қоламан.

Унинг ваъдаларини сақланг ва ўз йўлингизни муваффақиятли якунланг!

Худо марҳаматласин!

Жон



CloudLibrary.org

Жон Бивер
JohnBevere@gmail.com



MESSENGER
INTERNATIONAL
MessengerInternational.org



ХУДО, ҚАЕРДАСАН?

ЎЗ ЧЎЛИНГИЗДА
КУЧ ВА МАҚСАДНИ
ҚЎЛГА КИРИТИНГ

ХУДО, ҚАЕРДАСАН?

ЎЗ ЧЎЛИНГИЗДА
КУЧ ВА МАҚСАДНИ
ҚЎЛГА КИРИТИНГ



ЖОН БИВЕР

God Where Are You? John Bevere, Uzbek

© 2019 Messenger International

www.MessengerInternational.org

Originally published in English as God Where Are You?

Additional resources in Uzbek by John Bevere are available for free download at: www.CloudLibrary.org

To contact the author: JohnBevere@ymail.com

“Худо, қаердасан?” Жон Бивер, ўзбек тилида

© 2019 Messenger International

www.MessengerInternational.org

Илк бора инглиз тилида “God Where Are You?” номи билан нашрдан чиқарилган.

Жон Бивернинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини:

www.CloudLibrary.org сайтидан бепул юклаб олиш мумкин.

Муаллифнинг алоқа учун электрон манзили: JohnBevere@ymail.com

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	vii
КИРИШ	1
1 “ҚАЕРДАСАН?”	5
2 ЯХШИ ДАВРА	19
3 ЗАРУР БЎЛГАН ЧЎЛ	31
4 ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР	43
5 ЯНГИ ШАРОБ	59
6 САМОВИЙ МУКОФОТ	77
7 ХУДОНИНГ ЮКСАК ЙЎЛИ	91
8 МУСТАҲКАМ ҚУРИНГ	109
9 КУЧНИ МАШҚ ҚИЛДИРИШ	127
10 ЧЎЛДА СУВ	143
11 РАББИЙ ЙЎЛИНИ ТАЙЁРЛАНГ	159
12 ЧЎЛДАГИ ҒАЛАБА	177
МУЛОҲАЗА УЧУН САВОЛЛАР	199
ИЛОВА	205

СЎЗ БОШИ

“Чунки Раббий Сионни юпатади, унинг ҳамма харобаларини юпатади, унинг саҳроларини Адан боғидек ва унинг чўлларини Раббийнинг боғидек қилади. Унда қувонч ва шодлик, миннатдорчилик ва мусиқа садолари бўлади”.

– Ишаъё 51:3

Мен Ишаъё китобини ёқтираман – у мен учун эски аҳд пайғамбарларининг ичида энг севимлиси. Худо бизнинг бепушт ерларимизни боққа айлантиришни ва уларни ҳаёт билан тўлдиришни чин юракдан исташини тушунтириш мақсадида, Ишаъё ушбу оятда қочиримдан фойдаланган. Унинг сўзлари, чўл жойдаги қуруқ ерлар, аслида ўзгариш учун бизга омил эканини кўрсатмоқда. Биз ҳамма нарсамиздан бутунлай ажралганимиздагина келажак ҳақида ваҳий оламиз. Бизнинг Отамиз ваъда қилинган ерга олиб бориш учун, бизни тайёргарлик давридан ўтказди.

Мен хўжайним билан оёқ ботиб кетадиган ғамгинлик қумлари, бизни кўмиб юборишга таҳдид солаётган умидсизлик чўлидан ўтиш бахтига мюяссар бўлганмиз. Мен унинг ибодат қилгани, мулоҳаза юритгани ва ҳайқириб: “Худо, қаердасан?” деганини диққат билан кузатганман.

Биз у билан кўпинча, қаерда нотўғри қадам қўйганимизни ўйлаб, ярим тунгача ўтирар эдик. Балки биз тузатишимиз зарур бўлган хатога йўл қўйгандирмиз ёки қаердадир лоқайдлик қилгандирмиз, деб ўйлаганмиз?

Ҳар куни тонг отардан қуёш чиққунича Жон, айнан манашу кун аниқлик ва ўзгаришлар олиб келишига умид билан, саволларига

жавоб олиш учун ўйдан чиқиб кетар эди. Мен эса уни хавотир билан кутиб ўтирар эдим. У қайтиб келганида бизнинг ўғилларимиз ўйғонган бўлишарди.

Худодан бирор нарсани эшитдингизми? – деб шивирлаб сўрар эдим ундан.

Жон бошини чайқарди. Шунда менинг юрагимни қайғу тўлдирар ва умидим сўнишни бошлар эди.

Балки биз телба бўлгандирмиз? Биз Худони умуман эшита оламизми? Наҳотки, бу ҳақиқат бўлса? Агарда Худо бизни шу ерга олиб келган бўлса, нега унда У чўлнинг ўртасида бизга сукут сақлади?

Ҳа, мен чўлда нолидим.

Ҳозир билганларимни, ўша пайтда билганимда қанийди! Мен бу даврни анча енгилроқ юрак ва имонга тўла қадамлар билан ўтган бўлар эдим. Мен тозаланиш ва тайёргарлик жараёнидан ўтаётганимни англаган бўлардим.

Юқорида айтиб ўтганларимдан келиб чиқиб, ушбу китоб – сизга қўлланма ва кўп нарсаларда совға бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблайман. Ушбу даврнинг дарсларини қабул қилинг ва келажақда улар сизга аъло даражада хизмат қилади.

Дадил бўлинг! Сиз ёлғиз эмассиз!

“Нью-Йорк Таймс” нинг фикрича оммабоп китобларнинг муаллифи

“Мессенжер Интернейшнл” хизматининг асосчиларидан бири

–Лиза Бивер

КИРИШ

Бу китоб менинг чўлда бўлган вақтим ва шунингдек, шунга ўхшаш бошқа кўплаб бошимдан кечирганларим ҳақида ҳикоя қилади. Худо мен учун тайёрлаб қўйган барча нарсаларга ҳали “эришганим” йўқ, бироқ ушбу саҳифаларда, сизнинг Худодаги даъватингизга интилишда журъат ва куч топишингиз учун ибодат қилиб қоламан.

Бу ерда ёзилган нарсалар тўла-тўқис ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилган хулосалар деб айта олмайман. Ушбу мавзуга бағишланган яна кўплаб китоблар мавжуд. Аммо мен чин юрагимдан бўлишган бу ҳикоя, чўлга мансуб асосий жиҳатларни ўз ичига олган. Бу китобнинг мақсади – Муқаддас Рухга ушбу мактубни сизнинг ҳаётингизда қўллашига имкон берган ҳолда, сизга тақдим этишдир.

Бу китобда чўл нималиги ва нима эмаслиги – унинг мақсадлари ва фойдали томонлари ҳақида гап боради. Китобдаги мисоллар ва насиҳатлар ёрдамида, чўл мавсумидан қандай қилиб донолик билан ўтишни тушуниб олишингизни Худодан сўраб қоламан.

Ўқиш жараёнида, ҳаётимдан олинган аксарият мисоллар, менинг жамоатдаги биринчи иккита хизмат давридаги йилларимга тегишли эканини пайқаб оласиз. Биринчи хизматимда мен тўрт ярим йил давомида Техасдаги Даллас шаҳрида, ўз чўпонимга ва унинг меҳмонларига хизмат қилдим. Ўша хизматдаги йилларимнинг охириги ўн саккиз ойларида менинг ҳаётимда чўл мавсуми бўлди. Иккинчи чўл мавсуми, мен Флоридадаги бир жамоатда икки ярим йил ёшлар чўпони бўлиб хизмат қилган пайтим бошланди. Бу ердаги чўлнинг олдида, Далласдаги чўлдаги вақтим худди ҳордиқ чиқариш билан баробар бўлиб қолди. Ғалати томони шундаки, иккинчи чўл ҳам бу ўша ердаги хизматимнинг охириги ўн саккиз ойини ўз ичига олди.

Менинг ҳаётимда бошқа чўл даврлари ҳам бўлганми? Ҳа, бўлган. Бироқ улар келгунига қарад, мен аллақачон бу нима экани ҳақида

кўп нарсаларни билиб олган эдим. Натижада, мен: “Худо, нималар бўляпти?” ёки “Худо, қаердасан?” – деган саволларни қайта ва қайта такрорлаганим йўқ. Кейинги мавсумлар давомида чўл вақтида нималар содир бўлиши ва бунга қандай тайёр бўлишимиз ҳақида кўп нарсаларни ўрганиб олдим.

Мен ушбу даврдан ўтаётган кўплаб аёл ва эркеклар билан сўхбатлашганман. Мана шундай сўхбатларда уларда саросима ва умидсизликни кузатганман. Уларнинг аксарияти ҳаётида нима содир бўлаётганини тасаввур ҳам эта олмас эдилар. Яқинда мен рафиқам Лиза билан чўл ҳақида иккита аудио дастур ёзиб тугатдик ва бутун хизматимиз давомида бу мавзуга нисбатан одамлардан олган фикрлардек, бунчалик кўп фикр ҳеч қачон олмаган эдик. Бу мени аввал “Чўлдаги ғалаба” номи остида нашр этилган биринчи китобимни қайтадан кўз югуртиришга мажбур қилди.

Мен бу китобни тахминан ўттиз йил илгари ёзган эдим. Уни диққат билан ўқиб чиққач, ушбу мактуб 1980-йилларнинг охири ва 1990-йилларнинг бошига тегишли бўлган башорат эканини тушундим. Шундай қилиб, мен ва менинг муҳарририм вақтдан ташқари бўлган ҳақиқатни ажратиб олдик ва унга ўттиз йил давомида олган бир дунё ваҳийларимни қўшиб, китобни бошқатдан ёздик. Алқисса, бу янгиланган ва қайта қўриб чиқилган китоб эмас, балки янги тандирдан узилган ваҳийлар ҳисобланади. Сиз қўлингизда тутиб турган китоб, вақтдан ташқарида бўлган мактуб эканига, қолаверса, замондошларимизга ва келажак авлодга ушбу муҳим мавсумдан ўтишда ёрдам беришига ишонаман.

Ёзилганки: “Ҳар ишнинг ўз фурсати бор ва осмон остидаги ҳар нарсанинг ўз вақти бор” (Воиз). Ҳаётимизда турли хил мавсумлар бор ва уларнинг ҳар бири ўз мақсадига эга. Тўғри иш тутиш учун ҳар битта мавсумнинг мақсадини билиб олиш жуда муҳим. Бирор кишининг, қишки коржомда арқон йўлидан сноубордда сирғаниш учун белгиланган мосламалар билан тоққа кўтарилгач, юзи билан ерга йиқилишини кузатиш, қизиқ бўлар эди. Нима учун? Негаки

бу воқеа ёзда, қор йўқ пайти содир бўляпти! Унинг ҳаракатлари қиш вақтида фойдали бўлар эди, бироқ ҳозирги мавсумда бу унга ҳалокат олиб келди.

Менинг мақсадим – қўлингиздаги китоб орқали ушбу муҳим мавсум даврининг донолиги билан бўлишиш ва сизни мустаҳкамлашдир. Бу мавсумнинг мақсади – тайёрлаш. Мен бу ерда хизмат ҳақида кўп гапирганимни бир зумда пайқаб оласизлар. Биз турли соҳаларда хизмат қилиш учун даъват этилганмиз – тадбиркорлик, маърифат, соғлиқни сақлаш, давлат бошқармаси ва бошқалар. Менинг даъватим – беш қиррали хизмат ҳисобланади ва бу нарса китобимдаги ҳикояларда ўз аксини топган. Аммо қуйидаги қоидаларни, Худо сизни тайинлаган барча соҳаларда қўлласа бўлади. Тадбиркорлик соҳасидаги одамлар ҳам, Хушxabар хизматидаги одамлар сингари ўз даъватига кириш учун тайёргарлик даврига муҳтож. Ва бу ҳаётимизнинг барча соҳаларига тегишли.

Яна бир фикр: мен бу китобга “Чўлдан қандай ўтиш керак” деб номланган қўшимча матнлар ҳам қўшиб қўйдим. Бу қисқа далда сўзлари ва алоҳида фикрлар, шунингдек бу чўлдаги вақтингизни имкон қадар маҳсулдор қилиш учун кўмак ҳисобланади. Бу мактуб сизга равшанлик олиб келади ва бир пайтлар мендек билим-сизликдан қийналишнинг олдини олади, қолаверса, бизга ҳақиқий бахтиёрликни бера оладиган Ягона шахсга нисбатан бўлган доимий интилишингизда сизни руҳлантиради деб умид қиламан.

Чин юракдан,
Жон Бивер
2019 Январь


“ҚАЕРДАСАН?”

“Биз қурғоқчилик ва харобазорликдан хотиржамликда ўтсак, бу Худога бўлган севгимиздан гувоҳлик беради; У бизни Ўз ҳузуридаги эзгулик билан тўлдириши эса, Худонинг бизга бўлган севгисининг гувоҳлиги ҳисобланади”.

– Гюйон Хоним / Жанна-Мария Бувье де ла Мотт Гюйон

“Мана, мен олдинга бораяпман, бироқ У йўқ ва орқага қайтаяпман, аммо Уни топа олмаяпман. У чап томонда нимадир қилаяптими, мен илғай олмаяпман; ўнг томонда яширинаяптими, кўра олмаяпман”.

– Аюб 23:8-9



Мен ҳаммадан жаҳлим чиққан эди. Бунинг сабабини эса ўзим билмас эдим.

Ҳаётда ҳаммаси ёмондек туюлар эди.

Бизнинг катта ўғлимиз, Эдисон ўн саккиз ойлик эди ва унга менинг сабрим чидамас эди.

Мен хотиним, Лизага бақирар эдим.

Мен чўпонимдан ҳафсалам пир бўлган эди.

Бирга ишлайдиган одамларга ҳам ғазабда эдим.

Очиғини айтадиган бўлсам, ҳойнаҳой, мен Худодан ҳам кўнглим қолган ва Ундан хафа эдим. Мен Унга: “Нима қиляпсан?” – деб нолир эдим.

“Нега ҳаётимда ҳеч нарсани ўзгартирмаяпсан?”

“Сен менга берган ваъдаларнинг бажо бўлгани қани?”

“Нега ҳаммаси ёмон?”

“Нима учун менга гапирмаяпсан?”

Мен қайта ва қайта ўз норозилигимни билдириб: “Қаердасан?” – дер эдим.

Сиз бирор марта Раббийни, Унинг исмини шивирлаб айтган заҳоти, У келган ва шу заҳоти сизга жавоб берадиган даражада Уни яқин ҳис этганмисиз?

Бироқ кейин шундай вақт келадики, сиз Унга қайта-қайта хабарларни юбораверасиз, жавоб эса йўқ. У худди ҳаётингизни

умуман тарк этгандек туюлади. Балки сиз ҳозирнинг ўзида шундай ҳолатдадирсиз ва сиз ҳам менга ўхшаб, жимликка қараб: “Худо, қаердасан?” – деб бақришни истарсиз.

Мен чўлда бўлганимда, қаердалигимни билмаганман. Мен Техас штатидаги Даллас шаҳрида яшардим ва ўзимни Худо унутган, Исонинг яхши издоши деб ҳисоблардим. Мен ўшанда ёш масиҳий эдим ва ўша пайти биринчи марта чинакамига чўлдан ўтганман деб ўйлайман.

Бундан авваллари, Раббийга мурожаат этган заҳотим, У менга жавоб берар эди. У энг оддий илтижоларимга ҳам жуда тезкорлик билан жавоб берганини эслайман. Унинг ҳузурни жуда яқин, кўринарли ва кучли эди. Мен нима содир бўлаётганини тушунмай қолдим. Ҳар куни Худонинг қаршисида тиз чўкиб: “Художон, нималар бўляпти? Менимча Сен мендан миллион километр узоқдадек туюляпсан!” – дер эдим.

Мен доим ҳаётимни кўздан кечирар ва ўзимдан: “Қандай даҳшатли гуноҳ содир қилган бўлишим мумкин?” – деб сўрар эдим.

Ҳақиқат шундаки, мен ҳам бошқа одамлар сингари вақти-вақти билан гуноҳ қилиб қўяр эдим, бироқ мен шу заҳоти тавба қилар, Исо менга бераётган кечиримни сўрар эдим. Билишимча, ҳаётимда давомий ва атайин амалга оширилган гуноҳлар йўқ эди.

Манашу қурфоқчилик вақтида ҳар куни: “Художон, нега менга гапирмай қўйдинг?” – деб айтар эдим.

Албатта, мени Муқаддас Китобдаги буюк қаҳрамон бўлмиш, Аюб билан таққослаб бўлмайдим, лекин менинг ўз вазиятимга бўлган муносабатим, унинг ўз вазиятига бўлган муносабатига қисман ўхшаб кетади. Аюбнинг, қачонлардир мен учун бегона бўлган сўзлари, энди мазмунга эга бўлишни бошлади. Унинг айрим сўзлари ҳаётимдаги харобазор чўлнинг ҳиссини аниқ тасвирлар эди:

Мана, мен олдинга бораяпман, бироқ У йўқ,
Орқага қайтаяпман, аммо Уни топа олмаяпман.

У чап томонда нимадир қилаяптими, мен илғай олмаяпман;
ўнг томонда яширинаяптими, кўра олмаяпман.
(Аюб 23:8-9)

Мен ибодат қилишда давом этдим, аммо само худди мисдек қотиб турарди.

Шунда Раббий менга, масиҳийлик ҳаёти боланинг улғайиб бориши билан ўхшаш жиҳатлари борлигини кўрсатди. Мен рўҳий гўдак эдим, лекин янги поғонага кўтарилишга шайланиб турган эдим. Ўша пайт мен ҳайратли бир табиий мисолни кўра олдим. Эдисон тахминан ўн саккиз ойлик эди. Лиза ажойиб она эди, Эдисон инжиқлик қилганида, у болага ғамхўрлик қилиш учун бирдан унинг ёнига борар эди. Бир лаҳзада у онасининг бағрида бўлиб қолар, унинг ёрдамидан завқланар ва она сути билан юпанар эди.

Аммо Эдисон ҳам, бошқа болалар сингари, улғайиши учун ўсиши зарур эди. Бизнинг тўртта ўғлимиз бор, уларнинг ҳар бири мустақил равишда овқат ейишни ўрганиш давридан ўтишган. Эҳ, бу пайти нақадар тартибсизлик бошланар эди! Мени тушуняпсиз деб ўйлайман. Улар ўзлари овқатланишга уриниб, овқатнинг ярмини стулига ва полга тушуриб юборар эди.

Болалар, уларни олдингидек сиз овқатлантормаётганингиздан хафа бўлишади, бироқ сиз масъулиятли ота-она бўлганингиз учун шундай қиласиз. Болаларимиз овқатини ҳамма жойга тўкиб ейишни бошлаганида, қошиқни қўлидан олиб, ўзимиз унга овқат едиришни истар эдик, бироқ бу нарса уларнинг ривожланишига ҳалал беришини билардик. Биз фарзандларимиз ўсишига имкон яратар эдик. Биз уларнинг бирортасини ўн саккиз ёшгача ўзимиз овқатлантириб қўйишни хоҳламас эдик!

Янги туғилган чақалоқ улғайишни бошлайди ва улар ўсиши ҳамда ривожланишини кучайтириш учун, улар оладиган ёрдам савияси ўзгариб боради. Биз руҳан ривожланишимиз ва етукликка эришимиз учун, Худо ҳам биз билан қарийб шу аснода йўл

тутади. Биз юқоридан туғилиб, Унинг Рухи билан тўлганимизда, У биз чақирган заҳоти ҳозир бўлади. Лекин улғайиш ва етукликка етишимиз учун ёрдам бериш вақти келганида эса (биз улғайиб, фақат сут ичишни иташни бас қиламиз, деб умид қиламан, Ибронийларга 5:12), У бизга шундай дамлардан ўтишга йўл қўядики, яъни биз Уни чақирган пайт, ҳар доим ҳам жавоб беравермайди.

Раббий менга руҳий етуклик жараёни ҳар битта инсон ёшлигида ўтиши зарур бўлган жараёнга ўхшаш эканини тушунишга ёрдам берганида, мен бу ҳақда мулоҳаза юрата бошладим ва ўзимдан қуйидагича сўрадим: “Наҳотки мен адашган бўлсам? Мен бошимдан кечираётган нарса, Раббийдан келган жазо бўлмасачи? Мен бирор нарсани ўрганишим, янада улғайишим ва Исо Масиҳнинг хизмати учун тайёргарлик кўришим учун чўлга олиб келинган бўлишим мумкинми?”

Шунда, Исо Масиҳ билан ҳам айнан шу нарса содир бўлгани ёдимга тушди. Яхё Исони чўмдиргандан ва Унинг Отаси Уни мақтагандан сўнг кўп вақт ўтмай, У Муқаддас Рух томонидан чўлга олиб кетилди. Исо учун бу жазо эмас эди ва шубҳасиз, У ҳеч қандай гуноҳ содир қилмаган эди.

Хуллас, ғазабга ва ўкинчга тўлиб, охир-оқибат шундай деб ўйладим: *“Эҳтимол чўл кечинмалари унчалик ҳам даҳшатли эмасдир, балки мен ўзим уни қийинлаштираётгандирман?”*

Чўл тушунчаси

Агарда биз Исо Масиҳга ўхшаш бўлишни истасак, бизнинг табиатимиз ривожланиб бориши зарур. Бунга амалга ошириш учун Худо аҳамиятли равишда – чўлни танлади. Кўп ҳолларда, Худо биздан қанча километрлар узоқдадек ва Унинг ваъдалари қуруқдек туюлади. Бироқ бу нотўғри фикр, бу бизга шундай туюлади, холос. Бунга ишонинг. У доим биз билан, чунки У бизни ҳеч қачон ташлаб кетмасликка ва қолдирмасликка ваъда берган (Ибронийларга 13:5).

Чўл – бу сиз орзу қилган, Худо бир куни сизга берган ваъдасига

амин бўлган нарсангиздан қарама-қарши томонга кетаётгандек туюладиган вақт. Сиз чўлда руҳий ўсиш ва тараққиётни ҳис қилмайсиз. Сизга олдинга эмас, балки худди ортга кетаётгандек бўлиб кўринади, сиз ўзингизни камситилган ва сеvimсиздек ҳис қиласиз, аммо бу ундай эмас.

Чўл – бу Масиҳнинг барча ҳаққоний издошлари ўтадиган жой ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, у жойда бўлганингизда ўзингизни ўта ёлғиз сезасиз. Ҳақиқат шундаки, Худонинг ҳар битта фарзанди учун чўлдан ўтиш жуда муҳим. Исо Масиҳнинг соғлом ва етук шогирди бўлишингиз учун, эҳтимол, сиз кўп марта чўлдан ўтишингизга тўғри келар.

Бу қуриб қолган ердан ўтишнинг энг яқин йўлини ёки уни четлаб ўтиш йўлини харитадан кўрсатишни қанчалик истамай, бундай йўл мавжуд эмаслигини сизга айтиб қўйишни истардим. Аммо, биродар, бу яхши хабар, чүкни биз ўзимизнинг ваъда қилинган еримизга боришни истасак, чўлдан ўтишимиз, яъни бу даврни ёки мавсумни қабул қилишимиз зарур.

Чўл нима?

Бахтимизга, кўпчилигимиз бундай сув танқис ва пана топиш мушкул бўлган қурғоқзор бўлмиш – ҳақиқий чўлда жисмонан кун кечиришга мажбур эмасмиз. Чўлда аслида, кундузи иссиқ, кечқурун эса совуқ бўлади ва биз у ерда ёлғиз, чанқаган ва очлик ҳолатига тушамиз. Бундан ташқари биз адашиб қоламиз ва у ердан қандай чиқиб кетишни тасаввур ҳам эта олмаймиз. Эҳтимол, сиз ҳаётингизда бундай нарсаларни бошдан кечирмагандирсиз, бироқ сизда чўлдалик ҳисси бўлган. Ушбу китобда менинг чўлда бўлган пайтларимнинг асосий томонларини ҳикоя қилиб бераман. Бундай ҳолатдан бир неча марта ўтганман ва уларнинг бирортаси енгил бўлмаган.

Яхши хабар шундаки, агар биз Худога итоат этишни истасак, чўл биз учун салбий вақт бўлмаслиги лозим. Бу мантиқсиз бўлиб

эшитилишини биламан, аммо чўлнинг мақсади жуда ижобий – у бизни янада маҳсулдор қилиш учун Худо Рухининг янги ҳаракатига бизни тайёрлайди, мустаҳкамлайди, поклайди ва ўргатади.

Аксарият кишилар чўлда бўлганида, ўзлари билмаган ҳолда таҳликага тушиб қоладилар ва ўйламасдан қадам қўядилар. Улар тушунмаган ҳолда, нотўғри нарсалар қилишади ва нотўғри нарсаларни излашади. Бунинг мисоли тариқасида айтишим мумкинки, инсон бу пайтда ўз касбини тубдан ўзгартиради ёки бир жамоатдан бошқа жамоатга ўтиб кетади – ҳар қандай кескин ўзгариш уларга бахт олиб келади ва олдинги меъёрдаги ҳаёт тарзини қайтариб беради деб ўйлайдилар. Жумладан, турмушга чиқмаган ва уйланмаган кишилар оғриқли узилишдан сўнг мулоҳазасизлик билан янги муносабатларни бошлашлари мумкин.

Худо сизни маълум бир чўлга нима мақсадда жойлаштирганини англамай туриб, ундан чиқиб кетишга уринсангиз, сиз ўзингиз билмаган ҳолда унинг муддатини узайтирасиз. Натижада, сиз кўпроқ қийинчилик, хафсаласи пирлик ва ҳатто мағлубиятга дуч келасиз, негаки сиз Худо сизни қаерга ва нима сабабдан олиб бораётганини тушунмайсиз.

Исроилликлар билан чўлда қирқ йил давомида айнан шу нарса содир бўлди. Улар ўзлари билан содир бўлаётган нарсаларни тушунмагани учун, бутун бошли авлод ваъда қилинган ерни меърос қилиб олишга яроқсиз бўлиб қолди. Бу нақадар аянчли! Худо уларни синаш, ўргатиш, тайёрлаш ва ўзларининг янги ватани бўлмиш – илоҳий ваъдани қўлга киритишга қодир бўлган, қучли жангчи қилиш учун чўлга олиб борган эди. Аммо исроилликлар бунинг ўрнига, чўлни жазо деб хато ўйладилар; шу боис, улар тўхтовсиз нолидилар, шикоят қилдилар ва қўнгида бошқа нарсаларни қумсадилар.

Улар учун чўлни қолдириб, ваъда қилинган Ерни эгаллаш вақти келди. Бироқ айғоқчилар қайтиб келиб, кўрганларини сўзлаб берганларида, халқ нолийдиган ва зорланадиган одамларнинг ёмон хабарига қулоқ тутишди. Бир томондан Худонинг ваъдалари

ва қудрати ҳамда бошқа томондан инсоний тушунча ва заифлик танлови қаршисида туриб, улар Худога эмас, инсонга ишонишни афзал топдилар. Улар мағлубиятга учраймиз ҳамда сут ва асал оқадиган ерга эриша олмаймиз деган ёлғонга сотилдилар. Улар Худонинг табиати ва феълини билмаслиги туфайли, бетавфиқларча йўл тутдилар.

Худо бунга нисбатан қуйидагича муфассал жавоб берди: “Яхши, сизлар истагандек бўла қолсин”. Оқибатда чўлдаги бир йиллик сафар, уларнинг умрининг охиригача давом этди.

Эҳтиёт бўлинг! Мен ва сизнинг ҳаётимиз ҳақидаги хулосамизда бундай қарор бўлишини истамаймиз! Бироқ биз ҳаворий Повул кўрсатганидек, уларнинг хатосидан дарс олишимиз мумкин: “Буларнинг ҳаммаси уларда намуна сифатида содир бўлган” (Коринфликларга 1-мактуб 10:11).

Биз чўлга келган заҳотимиз, тишларимизни ғичирлатиб, нолишнинг ўрнига, уни таниб-билишни ўргансак, биз бунинг ортида етуклик, куч, марҳамат, имконият ва ваъдаларнинг амалга ошиши каби “ваъда қилинган Ер” турганини билиб, миннатдор бўламиз. Бунинг натижасида, мушкул давр унчалик ҳам мушкул эмасдек бўлиб кўринадимиз ва Ёқубнинг қуйидаги сўзларига қўшилаемиз:

“Биродарларим, сизлар турли васвасаларга тушиб қолганингизда ҳам, буни бутун қувонч билан қабул қилинглар... Сабр-тоқатингиз эса амалда мукамал бўлсин, токи сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз, етук ва комил бўлинглар” (Ёқуб 1:2, 4).

Чўл мен жиддий адашиб қолганимни билдирадими?

Яхши савол!

Кўпчилик чўлга тушиб қолганида, ўзидан: “Мен қандай хатога йўл қўйдим экан? Қайси ишим Худога ёқмади?” – деб сўраши аниқ.

Бунинг сабаби – инсон чўлнинг маъноси ва мақсадини билмаслиги ҳисобланади.

Муқаддас китобда ва бутун тарих бўйлаб, кўплаб аёллар ва эркарлар, инсон ўз даъватига кириши учун чўл – тайёргарлик вақти деган фикрга келганлар. Хуллас, чўл – бу Худо сиздан юз ўгирган

Чўлдан қандай ўтиш керак

#1 Қайси мавсумда эканингизни тушунинг

Аксарият кишилар чўлга келиб қолганида ҳайрон бўладилар. Худо шунчалик эзгуки, биз Унинг марҳаматлари, ҳузури ва ваъдаларига ўрганиб қоламиз. Бу яхши дамлар тугаши ҳаёлимизга ҳам келмайди. Бироқ, кунларнинг бирида нималардир ўзгарганини англаб қоламиз. Шу боис, таҳликага тушишнинг ўрнига, юзага келган вазиятга қараш зарур. Нималардан ўтаётганингизни тушунишингиз керак, агарда қайси мавсумда ва қайси жойда эканингизни тушунмасангиз, сиз бу вазиятга нотўғри муносабат билдирасиз.

Жанубий Флориданинг иқлимидан шимолий Канаданинг иқлимига ўтишни, бунга намуна сифатида олиш мумкин. Қиш келиб, термометрнинг кўрсаткичи нолдан пастга тушса, сиз яшаётган жойда иссиқ устки кийимсиз кўчага чиқиш мумкин эмаслигини билиш фойдали.

Бу мисолни чўлга ҳам қўллаш мумкин. Чўлга келганингизни кўрсатадиган белгиларга эътибор бермасангиз, сиз кўп ҳафсаласи пирликни бошдан кечирасиз ва ҳатто эртага сизга қимматга тушадиган хатоларни ҳам содир қилишингиз мумкин. Биз Эски Аҳдда Иссохорнинг ўғиллари: “Исроил нимани қачон қилиши кераклигини биладиган, доно кишилар эдилар” – деб ўқиймиз (2-Йилномалар 12:32).

Чўлда эканингизни англаган заҳоти, нима қилиш кераклигини ҳам тушуниб етасиз.

вақт эмас, балки У тайёргарлик учун сизни қўйган жой.

Албатта, нотўғри қарорлар оқибатида ҳам чўлга тушиб қолиш мумкин. Ҳақиқат шундаки, биз нақадар Исога ўхшашга ҳаракат қилмайлик, барибир гуноҳ билан курашиб яшашимиз лозим ва жиддий адашишларга учраб қолишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун битта нотўғри қарор ёки бир нечта унчалик муваффақиятли бўлмаган қарорлар, бизни жиддий муаммоларга олиб келиши мумкин.

Бироқ яна бир ҳақиқат шундаки, бизни кечирадиган Худо ва бизнинг заифликларимизни тушунадиган буюк Олийруҳониймиз бор. Шундай экан, жиддий муаммолардан чиқишнинг бирламчи йўли ёки ўзимиз туғдирган чўлдан чиқишнинг биринчи қадами, бу бизнинг севувчи Отамизнинг қаршисига келиб, қуйидагича ибодат қилишдир: “Отажон, _____ (бўш жойни тўлдиринг) ни амалга ошириб, гуноҳ қилдим. Илтимос, мени кечиргин. Мен бу гуноҳ учун тавба қиламан ва шу вақтдан эътиборан, Сенинг июнинг билан, бошқача яшашни бошлайман”.

Айтмоқчиманки, борди-ю, ўз хатоингиз туфайли чўлга тушиб қолган бўлсангиз ҳам, Раббий билан муносабатларингизни тўғриланг ва У сизга ўргатмоқчи бўлган нарсаларни қабул қилинг, олдинга боринг ва чўлдан имкон қадар тезроқ чиқишга урининг. Шубҳасиз, Унинг Ўзи вақт-соатни белгилайди. Саночи дейди: “Менинг кунларим Сенинг қўлларингдасан” (Санолар 30:16).

Ҳатто буларнинг барини ҳисобга олсақда, сиз чўлдаги даврингизда, Худо сизни ҳозир айнан шў жойда кўришни исташини билишингиз зарур. Сиз бу қийинчиликлар жойига хатога йўл қўйганингиз учун келиб қолмадингиз. Бу қандайдир маънода вазиятни янада чигаллаштиришини биламан. Бу китобни ёзишимнинг муҳим сабабларидан бири – Худонинг чўлга бўлган муносабати ва Худо сиз Исога кўпроқ ўхшашга эришингиз ва руҳий ўсишда кўмак сифатида, чўлдан фойдаланишини исташини билиб олишингиз учун ёрдам беришдир!

Биз қўйидаги ҳақиқатни аниқ англаб етишимиз зарур: Худо сизни шайтоннинг тўрига ташлаб қўйиш ва сизни унутиш учун чўлга олиб келмайди. Худо Чиқиш даврида иштирок этган иккинчи авлодга ваъда қилинган Ерга киришга рухсат беришдан олдин, уларга шуни эслатди:

“Раббий Худойинг сени бўйсундириш учун, сени синаш учун ва юрагингда нима борлигини: Унинг амрларига риоя қиласанми ёки йўқми билиш учун сени саҳродан олиб ўтган бор йўлни ёдда сақлагин” (Қонунни қайтарилиши 8:2).

Исроилликлар жиддий адашишди ва ўзларининг мулоҳазалик-сизлиги, ношукурчилиги ва исёни туфайли чўлда узоқ вақтга қолиб кетган бўлишса-да, Худо буларнинг барини яхшиликка ўгирмоқчи бўлган эди. У ҳар доим шундай йўл тутади ва мен бу учун хурсандман! Сизчи?

Чўл ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлманг. Биз чўлда бўлганимиз учунгина, Худо биз билан ишлашни тўхтатиб қўймайди. Худо бизни ундан олиб ўтади; биз Худосиз ҳеч қачон ундан ўта олмаймиз. Боз устига, чўл Худо бизни фойдаланиш учун яна қайта олмагунча олиб қўядиган жавон эмас. Бизнинг шафқатли Отамиз бундай йўл тутмайди. Аксинча, бу жой У қудратли тарзда ҳаракат қиладиган жойдир.

Эҳтимол сиз: “Дарахтлар туфайли ўрмонни кўра олмайсиз” деган иборани эшитгандирсиз. Чўл ҳақида ҳам қарийб шундай дейиш мумкин. Худо фаолиятининг ўртасида турганингизда, Унинг ҳаракатини кўриш қийин.

Биз бу муҳим ҳақиқатни равшан тарзда кўрсатишимиз лозим: чўл – бу ҳеч бўлмаганда, Худого итоат қиладиган кишилар учун мағлубият жойи эмас. Исо очликдан заифлашиб, таянадиган ва далда оладиган кишисиз, қирқ кун давомида жисмоний қулайлик ёки ғайритабиий ҳодисаларсиз қолганида, шайтон унга

хужум қилди. Исо эса уни Худонинг Сўзи билан енгди! Чўл – Худо фарзандлари учун мағлубият вақти эмас: Лекин Худого шукроналар бўлсинки, У бизни Масихда ҳамиша зафарона тантанада олиб юрмоқда...” (Коринфликларга 2-мактуб 2:14).

Исроил халқи чўлда бўлганида, ўша ерлик халқлар уларга ташланар эдилар. Ҳар сафар Раббий исроилликларга улар билан жанг қилишни буюрарди ва Исроил ўғиллари аморийларни (Чиқиш 21:21-25), мадианларни (Чиқиш 31:1-11) ва Васан халқини (Чиқиш 21:33-35) мағлуб қилдилар. Чўл мағлубият жойи бўлмаса ҳам, кўпчилик исроилликлар ваъда қилинган Ерга кира олмасдан ўлиб кетдилар. Бу Худонинг иродаси эмас эди, аммо бу уларнинг итоатсизлигининг оқибати эди.

Сиз чўл Худонинг жазоси ёки норизолигининг натижаси эмаслигига амин бўлдингиз деб умид қиламан. Қолаверса, чўл – бу Худо бизни ташлаб кетадиган ёки унутиб қўядиган жой эмас. Бу биз ўз мағлубиятимизга иқрор бўлиб, ерга йиқиладиган жой ҳам эмас!

Худо яхши нарсани ўйлаб қўйган!

Чўл – аломатлар, марҳаматлар, тўқинчилик ва мўъжизалар излаш вақти эмас, балки Худонинг юрагини излаш вақтидир, айнан манашу бизда феъл ва кучни келтириб чиқаради. Бу ўз мақсадимизни сақлаб қолиш вақти. Аксинча бўладиган бўлса, Худонинг ваъдалари ҳақида равшан мақсадга эга бўлмасак, чўл мавсуми бизни сиқилиш ва нолишга олиб келиши муқаррар.

Агар сиз ҳаётдаги ўз ўрнини билгани билан олсангиз, келажагини билгани билан кўришни бошлайсиз. Ўшанда Худонинг ҳузурини ҳис этмасангиз ҳам, Унинг қўли бошқараётган нарсаларни кўра бошлайсиз. Манашу пайт сизнинг Унга бўлган севгингиз етила бошлайди ва сиз Ундан: “Мен учун нима қила оласан?” деб сўрашнинг ўрнига: “Сен мендан нимани истайсан?” деб сўрашни бошлайсиз.

Бундан сал олдин, мен умидсизлик ҳисси ҳақида гап очган эдим. Қадимда ўтган муқаддас киши бўлмиш Аюб, Худонинг

қилаётган ишларини түшүнмагани үчүн үмидсизликка түшган эди. У қаерга қарамасин, ҳеч қаердан Худони топа олмади! Бироқ Аюб руҳан чўкмади ва таслим бўлмади, у үмид ва имонга тўла қуйидаги сўзларни эълон қилди:

“Бироқ У менинг йўлимни билади, майли мени синасин:
олтин каби чиқаман” (Аюб 23:10).

Нақадар ҳайратли ваҳий! Худо бизни қаерга олиб бораётганини түшүнишга қанчалик уринмайлик, У йўлни билишини үнүтманг. Биз унга тўлиқ таянишимиз мүмкин, негаки ҳаворий Павул шундай деган: “Сизларнинг ичингизда яхши ишни бошлаган Худо буни Исо Масиҳнинг кунигача амалга оширишига аминман” (Филиппиликларга 1:6).

Бу ҳақиқат... чўлда ҳам ҳақиқат бўлиб қолишини биламиз.

2

ЯХШИ ДАВРА

“Масихийлар бўронлар қаршилиги билан юзма-юз келганларида, ёрқин жамол сочиб кўтарилишлари мумкин. Улар тоғ чўққисидаги шамоллар билан урилган, бироқ энг мустаҳкам ёғочга ўхшайдилар”.

– Билли Грэм

“Исо Муқаддас Рухга тўлиб... Рух томонидан саҳрога олиб борилди”.

–Луқо 4:1



Чўлга марҳабо! Сизни бундай қувончли қарши олишим ажаблантирдими? Одатда биз руҳий чўлни яхши нарса деб қутмаймиз, аммо сиз бизнинг севувчи Отамиз бу жой ҳақида юқори фикрга эга эканини билишингиз зарур, энди яхши даврадасиз.

Агар сиз имон йўлидаги чўлга, умуман тушмаганимизда яхши бўларди деб ҳисобласангиз, ўз фикрингизни қайта қараб чиқишни қатъий тарзда сўраб қоламан. Аслида, биз чўлда бўлганимизда, у ердаги тумонат муқаддасларнинг изини топамиз, - ҳатто бу жойда кўп вақтини ўтказган, Худо Ўғлининг изи ҳам бор.

Бошқача қилиб айтганда, чўлда бўлганимизда, биз яхши даврадамиз... биз ёлғиз эмасмиз.

Ўтинаман, мени чўлда яшаган кишиларнинг рўйхатини келтириб, сизни лол қолдиришга уринганликда айбламанг, аммо бу рўйхат ақл бовар қилмас даражада.

Албатта, Муқаддас Китобда “Шарқдаги энг машҳур киши” (Аюб 1:3) деб айтилган Аюбни тилга олиб ўтдим. У бор-бутини – мол-мулки, болалари, соғлиғи ва хотинининг далдасини йўқотди. Аюб намунали ҳақ киши бўла туриб, дўстлари томонидан сирли гуноҳларда айбланди. Аюб ўз чўлида шу қадар эзилган эдики, у туғилганига пушаймон эканини айтди.

Чўлда Иброҳимнинг изидан борасиз. Худо бу қулай ҳаёт кечериб келаётган, Урлик бой кишига, ҳамма нарсасини қолдиришни ва янги

ваъда қилинган ер томон йўлга отланишни айтди. Иброҳимнинг ёнидаги Соро, унга қадамма-қадам эргашар эди. Уларнинг сафарининг кўп қисми чўлда ўтди.

Мусо ҳам чўл билан яхши таниш эди. У фиръавннинг саройида шахзода сифатида ўсди, бироқ бир мисрликни ўлдириб қўйиб, узоқ чўлга қочиб кетишга мажбур бўлди. У чўлда қирқ йил давомида қўй боқди ва айнан ўша жойда Худо унга ёниб турган бутада намоён бўлди:

“Мусонинг қайнатаси Йитро – Мидиан юртининг руҳонийси эди. Мусо унинг подасини боқар эди. У подани саҳронинг орқа томонига ҳайдаб, Худонинг тоғи Хоробга келди. Бирдан бутадаги алангада Раббийнинг фариштаси Мусога зоҳир бўлди. Мусо ҳайрон бўлди: бута ёнарди-ю, аммо ёниб битмас эди. Мусо: “Бориб, бу буюк аломатни кўрай-чи, нима учун бута ёниб битмаяпти?” – деди. Раббий унинг қараш учун келаётганини кўриб, бутанинг орасидан: –Мусо! Мусо! – деб чақирди. У: – Лаббай, шу ердаман, – деб жавоб берди” (Чиқиш 3:1-4).

Сўнг, Мусо Мисрга қайтгани ва ўз халқини Мисрдан... яна чўлга олиб чиққанини биламиз.

Шунингдек чўлда, отасининг энг севимли ўғли бўлган, акалари томонидан чуқурга ташланган, кейин Мисрга қуллиққа сотилиб юборилган Юсуфни учратасиз. Кейинроқ Юсуфни у содир қилмаган жиноятда айблаб қамоққа ташладилар. Фиръавннинг ўша зиндонида Худо Юсуфга намоён бўлди ва у шаробдор ва нончининг тушини таъбирлади. Бу уни тушунмаган ҳолда фиръавннинг тушини таъбир қилишга тайёрлади.

Уерда шоҳДовудҳам бўлган. Шомуил навбатдаги шоҳу бўлишини башорат қилган эди, шундай сўнг, Довуд тез орада ғорларда яшаб, чўлда дарбадарликда юриб, тахтга ўтиришга тайёргарлик кўришни бошлади. Ўша ерда Худо Довудга унинг Чўпони, Кучи, Қалқони ва Қалъаси сифатида намоён бўлди.

Яҳё Чўмдирувчи буюк пайғамбар бўлиш учун даъват этилган эди;

бу унинг отасига ваҳийда айтилган эди. Худо Яҳёга Муқаддас Китобни ўрганиш мактабида эмас, балки айнан чўлда, у Яҳудиянинг чўлларида яшаб, ҳайвоннинг терисидан кийим кийиб ва ҳашоратларни еб юрган пайтида намоён бўлди. Луқо 3:2-3 да ёзилган: "...саҳрода яшаётган Закариёнинг ўғли Яҳёга Худонинг сўзи келди. Яҳё Йордан дарёси атрофидаги барча юртларни кезиб юриб, гуноҳлар кечирилиши учун тавба чўмдирилишини воизлик қилар эди”.

Худо ҳаворий Повулга, келгусида Янги Аҳднинг катта қисмини ташкил этган сирларни айнан Арабистоннинг чўлларида берди ва у Худонинг мақсади: “мажусийлар орасида Унинг Хушхабарини воизлик қилиш учун Ўз Ўғлини менга зоҳир қилишни маъқул кўрганида, мен шу заҳотиёқ тана-ю қон билан маслаҳатлашмадим ва Йерусалимга мендан олдин ҳаворий бўлганларнинг ёнига ҳам бормадим, лекин Арабистонга кетиб, яна Дамашққа қайтдим”- дейди (Галатияликларга 1:16-17).

Ҳаворий Юҳанно Исо Масиҳнинг Ваҳийини қаерда олди?

“Мен – Исо Масиҳнинг азоби, салтанати ҳамда бардошига шерик бўлган биродарингиз Юҳанно, Худонинг сўзи ҳамда Исо Масиҳнинг гувоҳлиги учун Патмос номли оролда эдим” (Ваҳий 1:9).

Патмос ташландиқ орол бўлиб – у чўлни бошдан кечириш учун аъло даражадаги жой эди.

Энг муҳими, сиз Ўз Отасининг дуосини олиб, Муқаддас Рух билан тўлишиб, илоҳий равишда шайтоннинг васвасаларига қарши туриш учун чўлга олиб борилган Исо Масиҳнинг даврасидасиз.

Мен аксарият ҳолларда шундай тарзда рўй беришининг гувоҳи бўлдим. Худо келажакда биз орқали амалга оширишга бел боғлаган буюк нарсаларни бизга кўрсатади, сўнгра бизни бунга тайёрлаш учун тўппа-тўғри чўлга етаклайди.

Агар буюк муқаддаслар ва Раббимиз Исо Масиҳ чўлдан ўтган

бўлса, гарчи мен ҳам бошқа енгилроқ йўл бўлишини истасам ҳам, у жойда бироз вақт ўтказсак, ёмон бўлмасди деган хулосага келаман. Чўл – бу Худо бизни синайдиган, жиловлайдиган, мустаҳкамлайдиган ва тозалайдиган жойдир. Айнан манашу ерда У бизда илоҳий табиатни шакллантиради. Бу жой келажакда, Унинг шоҳлигида маҳсулдор фаолият кўрсатиш учун тайёргарлик жойидир.

Энг ажабланарлиси шундаки, Худо бу ерда бизга янгича тарзда очилади! Ишаъё пайғамбар шундай деб ёзган:

“Чунки Раббий Сионни юпатади, унинг ҳамма харобаларини юпатади, унинг саҳроларини Адан боғидек ва унинг чўлларини Раббийнинг боғидек қилади. Унда қувонч ва шодлик, миннатдорчилик ва муסיқа садолари бўлади” (Ишаъё 51:3).

Адан боғи Худо Одам Атога Ўзини намоён қилган ва у билан мулоқотда бўлган жой эди.

Чўлда бизда Раббийга нисбатан чанқоқлик ва очлик юзага келади. Сиз кўп нарсадан маҳрумликка чидайсиз ва кўпроқ Унга диққат қаратасиз. Шу боис, Худо сизга юзланмоқчи бўлганида, сизга мана шундай ҳолатда бу ҳаётдан воз кечиб, Унга бурилиш осон кечади. Агар биз Худонинг чорловига рози бўлсак, чўлга олиб кетиламиз. Айнан чўлда Худо бизга янгича тарзда очилади. Ишаъё 45:15 да айтилган: “Ҳақиқатан ҳам Сен – Эл-Сатар (яширин Худо), Исроилнинг Худоси, Нажоткорсан”. Худо бунини, У билан бўлишни кучли истайдиган кишилар учун амалга оширади, шунинг учун аснода, инсонда У билан яқин муносабатлардан завқланишга чанқоқликни кучайтиради. Худди шунингдек, Раббий Унга чанқоқ бўлмаган кишилардан Ўзини яширади. Худо ҳеч қачон, Ўзига нисбатан оддий нарсасидек ёки ўз-ўзидан шундай бўлиши керак деган муносабатда бўлишимизга йўл қўймайди.

Чўлдан қандай ўтиш керак

#2 Биз ўзимизни қанчалик ёлғиз ҳис этмайлик, Худо биз билан

Чўлнинг энг хавотирли томони – кўпинча, Худо бизни батамом ташлаб кетгандек туюлишидир! Сиз Унинг ҳузурини ҳис этишга энг кўп муҳтож бўлган вақтда, У худди миллион километр узоқдадек бўлиб кўринади.

Сиз Худонинг икки турдаги ҳузурини тушуниб олишингиз зарур. Биринчиси қуйидаги сўзларда ўз аксини топган: “Мен сени тарк этмайман ва ташлаб кетмайман” (Ибронийларга 13:5). Бу Худонинг ҳар ерда ҳозирлигини билдиради. Бу шоҳ Довуд айтган сўзларда ҳам мужассамлашган: “Осмонга чиқсам – Сен ўша ердасан, ер остига тушсам, у ерда ҳам Сен борсан” (Санолар 137:8). Ҳақиқат шундаки, агар сиз Ёзувга ва Худога ишонсангиз, сиз нимани ҳис қилишингиздан ёки нималар содир бўлишдан қатъий назар, Худо сиз биланлигини биласиз.

Худо ҳузурининг, биз ёқтирадиган ва масиҳийлик

Худого нисбатан очлик

Худо Уни чин юракдан излайдиган одамларга Ўзини очади.

Ёдингиздами, Худо исроилликларни жиловлаш ва очликда ушлаш учун, уларни чўлга олиб чиққанини айтган эди. Йешуа Бин Нун билан содир бўлгани каби Худого нисбатан очликни ҳис этишни ўрнига, халқ Раббий улардан олиб қўйган нарсаларга ташна бўлар эдилар. У Мусога ўзини кўрсатганидек, уларга ҳам намоён бўлиш учун келганида, уларда Худо билан учрашишга хоҳиш йўқ эди. Моҳиятан улар Худони рад этишди. Қонунни тақрорланишида қуйидагича ўқиймиз:

ҳаётининг бир қисми саналган бошқа кўриниши – бу Унинг аниқ намоён бўлишидир. “Намоён бўлиш” кўринмас, эшитилмас ва мавҳум дунёдан кўринадиган, эшитиладиган ва биз билган дунёга ўтиш дегани. Манашу нарса содир бўлганида, Худо бизнинг жисмоний ҳисларимизда намоён бўлади. Сажда ва шахсий ибодат пайти, ўрмонда сайр қилаётганингизда, одатий кундалик ишлар билан машғул бўлганингизда ва бошқа сиз ўйламаган ҳар қандай ҳолатда, бундай учрашувнинг гувоҳи бўлишингиз ва бундан завқланишингиз мумкин.

Хуллас, агар сиз руҳий оч бўлиб, чўлда ташна бўлсангиз-у, Худо Ўзининг ҳайратли ҳузури билан мўъжизавий равишда сизнинг ёнингизга келиб, сизни марҳаматламаса, шунчаки тинчланинг ва Унинг ваъдаларига таянинг, уларнинг энг муҳимларидан бири шундай жаранглайди – “Сени қолдирмайман ва ташлаб кетмайман”. Биз Худонинг яққол намоён бўлган ҳузурисиз ҳам У билан қувонганимизда, бу бизнинг Унга бўлган севгимизни янада яққолроқ кўрсатади.

“Сизлар зулмат ичидан овозни эшитганингизда ва тоғ оловда ёнаётганида, сизлар, қабилаларингизнинг бошлиқлари ва оқсоқолларингиз менинг олдимга келиб, дедингизлар: “Мана, Раббий Худойимиз бизларга Ўз шўхратини ва буюклигини кўрсатди, бизлар Унинг овозини олов ичидан эшитдик. Бугун бизлар Худонинг инсон билан гаплашишини ва у тирик қолишини кўрдик. Аммо бизлар нима учун ўлишимиз керак? Зеро бу буюк олов бизларни ямлаб ютади. Агар бизлар Раббий Худойимизнинг овозини яна эшитсак, бизлар ўламиз. Зеро бирор вужуд бормики, бизга ўхшаб олов ичидан гапирган тирик Худонинг овозини эшитган бўлса ва тирик қолган бўлса? Сен бориб, Раббий Худойимиз айтадиган гапларнинг барчасига

қулоқ сол ва Раббий Худойимиз сенга айтадиган ҳамма гапларни бизларга айтиб бер, бизлар эса қулоқ соламиз ва бажарамиз” (Қонунни такрорланиши 5:23-27).

Хуллас, Худо Мусога Ўзини очганидек, чўлда халққа ҳам Ўзини очмоқчи эди, аммо улар ортга тисарилдилар ва Мусога: “Сен бориб, Раббий Худойимиз айтадиган гапларнинг барчасига қулоқ сол ва Раббий Худойимиз сенга айтадиган ҳамма гапларни бизларга айтиб бер, бизлар эса қулоқ соламиз ва бажарамиз” - дедилар.

Афсуски, улар Худони таниб-билмай ўлиб кетишди; улар фақат Худо ҳақида билишар эди. Айнан шунинг учун улар Худонинг амрлари бўйича яшай олмадилар. Улар Худони таниб-билмаганлари учун, уларга ваъда қилинган ерни кўра олмай, умрининг охиригача чўлда қолиб кетдилар.

Худо бизни Юҳанно, Мусо, Довуд, Юсуф, Повул ва бошқаларга ўхшаб, чўлга олиб келганида, биз Унга ташналигимиз ёки биз маҳрум бўлган қулайлик ва роҳатли ҳаётга ташналигимиз синовдан ўтади. Ёқуб шундай деб ёзган:

“Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки ҳирсларингизни қондириш учун ёмонликка сўраяпсизлар. Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким дунё билан дўст бўлишни хоҳласа, у Худога душман бўлади. Наҳотки сизлар Ёзувда: “Бизнинг ичимизда яшаётган Рух рашк қадар севади”, – дейилгани бекор деб ўйласангиз? Лекин У янада кўпроқ иноят ато қилади. Шунинг учун айтилган: “Худо мағрурларга қарши туради, лекин камтарларга иноят ато этади”. Шунинг учун Худога бўйсунинглар, иблисга қарши турунлар ва у сизлардан қочиб кетади. Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Эй, гуноҳкорлар, қўлларингизни тозаланглар! Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар!” (Ёқуб 4:3-8).

Биз Худони чин юрагимиздан излаб, Унга яқинлашганимизда, У ҳам бизга яқинлашади. Исроил ўғилларини шахсий истаклари (ёки ҳирслари), Худонинг истакларидан кўра кўпроқ қизиқтирар эди. Улар бу билан зинокорлар ва фоҳишалардек бўлишган; улар бу дунёнинг йўлларида юриб, қўлга киритиш мумкин бўлган қулайлик ва хавфсизликни излашган. Улар ҳашамат ва таъминот, мисрликларни ва уларнинг қўшинини қутқара олмаганини унутишган.

Худо Унга яқинлашиш учун, биз иккита нарса қилишимиз зарурлигини айтади. Биринчидан, биз ўз қўлларимизни тозалашимиз даркор. Коринфликларга 2-мактуб 7:1 да ёзилган:

“Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етказайлик”. Гуноҳ бизни Худодан ажратади: “Лекин сизларнинг қонунбузарликларингиз сизлар билан Худойингиз орасида бўлиниш олиб келди ва гуноҳларингиз сизларни эшитмаслик учун Унинг юзини сизлардан беркитмоқда” (Ишаъё 59:2).

Иккинчидан, биз ўз юрагимизни поклашимиз лозим. Бунинг калити Ёқубнинг сўзларида мужассамлашган: “Эй, фикрида иккиланаётганлар, юракларингизни покланглар!” (4:8). Иккиланувчи кишилар Руҳ билан тананинг ўртасида тебраниб турадилар. Уларнинг фикрлари ва ҳислари Худога қаратилмаган. Колосаликларга 3:1-2 да айтилган: “Шундай қилиб, агар сизлар Масих билан бирга тирилган бўлсангизлар, унда юқоридаги нарсаларни, яъни Масих Худонинг ўнг томонида ўтирган жойдаги нарсаларни изланглар. Ер юзидаги нарсалар эмас, балки юқоридаги нарсалар ҳақида фикр юритинглар”.

Сиз фикрларингиз ва ҳисларингиз қаратилган нарсаларни жон-жаҳдингиз билан излайсиз. Бу ердаги муҳим сўз – қаратилган ҳисобланади. Мисол учун, аёл кишининг сочларини текислаётганларида, унинг сочларининг ҳар бир толаси кимёвий

Ўзгаришга дучор бўлади. Унинг сочлари бир маромда ўрама шаклга киради, чунки ҳар бир қатори шу тарзда текисланади. Сиз уни тортиб, тўғирлашингиз мумкин, лекин уни қўйиб юборганингизда, у яна ўз ҳолига қайтиб, текисланган шаклига киради.

Одамлар жамоатга бориши, ҳамду-сано жамоасида куйлаши ва масиҳийлик фаолиятларида иштирок этиши мумкин, бироқ улар “масиҳийлик” фаолияти билан шуғулланмаганда, уларнинг онги қаерда бўлади? Қаерга қараб турган бўлса, ўша ерда бўлади. Бундай одам жамоат биносидан ёки масиҳийча муҳитдан чиққан заҳоти, унинг онги текисланган соч қаторлари сингари ўз ҳолига қайтиб қолаверади.

Мен давлатимиздаги жамоатларимизда ҳамду-санода куйлайдиган, воизлик вақтида тушунганларини ёзиб оладиган ва ҳатто вақтини жамоатдаги турли хизматларга бағишлайдиган ҳар хил одамлар билан гаплашганман. Албатта, буларнинг бари ёмон эмас, аммо жамоат йиғинлари билан холисона хизматларнинг ўртасида, уларнинг билган гапи бу пул, профессионал спорт, кийим, ижтимоий тармоқлардаги янгиликлар, шахсий қизиқишлари, йигитлар ва қизлар, егулик, харид қилган нарсалари, телефон учун сеvimли илова ва бошқа дунёвий нарсалардир. Улар юқоридаги нарсаларни гапирганида, юзлари порлаб кетади, бироқ Муқаддас Китобни ўқиганларида, ибодат ва воизлик қилганларида, одамларга ёрдам берганларида ва ҳатто жамоатга борганларида – буларни ўз бурчини бажариш учунгина бажарадилар.

Йигит қиз болани севиб қолиб, у билан никоҳ тузиш учун унаштирилганда, уни бўлажак рафиқаси ҳақида ўйлашга ва гапиришга мажбурлашнинг ҳожати йўқ. У доим йигитнинг фикрида бўлади ва йигит унинг исмини тилга олганида овози ўзгариб кетади. Бунинг сабаби унинг қизга бўлган севгисидир. Унинг юраги қизга қаратилган. У бошқа қизлар ҳақида ўйламайди. У севиб қолган!

Довуд 15-сано 8-оятда “Мен Раббийни доимо кўз ўнгимда тутдим” дейди. Унинг онги риёкор бўлмаган. Унинг юраги тоза эди.

Унинг юрагида Раббий билан бирдек севадиган бошқа нарсалар бўлмаган. Унинг Худого бўлган севгиси бу дунё таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай эзгуликни тўсиб қўйган. Биз бирор нарсани Исодан кўра кўпроқ севсак ёки Ундан кўра бошқа нарсага кўпроқ таянсак, бу бут ҳисобланади. Довуд қўйидагича ёзган:

“Ким Раббийнинг тоғига чиқа олади? Ёки ким Унинг муқаддас жойида тура олади? Кимнинг қўли пок ва юраги тоза бўлса, ким жонини беҳудаликка оғдирмаган ва ёлғон қасам ичмаган бўлса” (Санолар 23:3-4).

Исони ҳаммадан кўра ортиқроқ севадиган, ҳар нарсадан кўра кўпроқ ёқтирадиган, Унга ҳаммадан кўра кучлироқ таянадиган инсон пок юракли инсон ҳисобланади. Исо Масих Матто 10:7 да: “Ким ўз отаси ёки онасини Мендан кўра кўпроқ севса, у Менга лойиқ эмас; ким ўз ўғлини ёки қизини Мендан кўра кўпроқ севса, Менга лойиқ эмас” –дейди.

Келинг, чўлда бўлган даврида, ерлик ҳаётини кучли севгани учун, Худони таниб-билиш имкониятини қўлдан бой берган исроилликларга ўхшамайлик.

Ишаъё 35:1-2 да айтилган:

“Сахро ва қуруқ чўл шодланади,
дашт қувонади ва наргис гули каби яшнайти.
У қийғос гуллайди, қувониб ва ҳайқириб шодланади.
Лебаноннинг шўхрати ва Кармел билан Шароннинг
улуғворлиги унга берилади. Улар Раббийнинг шўхратини,
бизнинг Худойимизнинг буюклигини кўрадилар”.

Худонинг шарафи айнан чўлда намоён бўлади.

Келинг, бизгача яшаб ўтган улуғ муқаддасларнинг даврасига қўшилаемиз. Келинг, Довуд, Мусо, Повул, Юсуф ва бошқа буюк эркак ва аёллар сингари, Худого пок қўллар ва юрак билан яқинлашамиз!

3

ЗАРУР БЎЛГАН ЧЎЛ

Фикран бошдан кечирганларингизни эсга олинг. Раббий сизни қай тарзда чўлда бошқаргани, сизни озиклантиргани ва ҳар куни кийинтиргани тўғрисида мулоҳаза юритинг. Худо қай тарзда сизнинг ёмон хулқингизга чидагани, сизнинг нолишларингизга кўнгани ва “Мисрнинг ҳиссий лаззатлари”ни қумсашларингизга бардош берганини эсланг. Раббийнинг инояти сизнинг барча мусибатларингизни қоплашга етарли бўлгани ҳақида ўйлаб кўринг”.

– Чарльз Спержен

“...Раббий Худойинг сени бўйсундириш учун, сени синаш учун ва юрагингда нима борлигини билиш учун сени саҳродан олиб ўтди”.

– Қонунни такрорланиши 8:2



Мен илк бора чўлда бўлганимда, бу мен учун буткул кутилмаган ҳодиса эди. Очиғини айтсам, менинг Масиҳга эргашган биринчи йилларим узайтирилган асал ойига ўхшаб кетар эди. Ўшанда биз Лиза билан Техас штатининг Даллас шаҳрига кўчиб ўтдик. Мен ўша ерда бир қанча вақт муҳандис бўлиб ишлаганимдан сўнг, жамоатимизда хизмат мансабига тайинландим. Менинг “ишим” чўпонимга ва унинг рафиқасига хизмат қилиш ҳамда бизнинг катта жамоатимизга келадиган меҳмон воизхонларни кутиб олиш эди. Мен бундан жуда мамнун эдим! Ўзимни, худди самога тушиб қолгандек ҳис этардим. Бизнинг жамоатимиз Америкадаги энг машҳур жамоатлардан бири бўлгани сабабли, мен ер сайёрасидаги энг буюк Рухий хизматчиларни кутиб олар эдим.

Бу миллий ва халқаро хизматчилар аэропортга келганларида, мен уларни қарши олар ва жамоатга ёки тунаш учун қоладиган жойига элтиб қўяр эдим. Улар бизнинг жамоатимизда меҳмон бўлган вақти мобайнида, мен уларни олиб юрар ва улар билан тушлик қилар эдим. Мен бизнинг кунларимиздаги буюк хизматкорларнинг айримлари билан кўп соатлаб бирга вақт ўтказганман. Менинг биринчи йиллардаги хизматим ақл бовар қилмас даражада ҳаёт билан тўлиб-тошган эди.

Аммо кейинчалик ҳаётимда қийинчиликлар бошланди. Ўта улкан қийинчиликлар. Ўша вақт мен чўлга юборилганимни билмас

эдим, негаки Худо бунни менга очмаган эди. Чўл Худо бизни тайёрлайдиган жой. Бу жойда бизнинг табиатимиз шаклланади ва имонимиз мустаҳкамланади. Бу зарур бўлган чўл.

Қуйидагиларни кўз олдингизга келтириб кўринг: сиз бир умр қулликда яшаган исроилликсиз ва яқиндагина озодликка чиқдингиз. Сиз ҳалигина қўрқинчли ва ҳаяжонли ҳисларни бошдан кечирган эдингиз: сиз икки томондан тўлқинланиб, қайнаб турган сувли деворнинг ўртасидан ўтдингиз. Қайрилиб, ортга қараганингизда, ўша сизни ҳимоя қилиб турган деворлар душманларингизни ютиб юборганини кўрдингиз. Сизга тазйиқ ўтказадиган кишилар умрбод қириб ташландилар! Сиз Худонинг ғолибона халоскорлигини кўриб, қувонч билан шодландингиз ва рақсга тушдингиз. Худо сиз томондалигини билиб, ўзингизни енгилмас деб ҳис этдингиз. Унинг кучи ва садоқатига энди ҳеч қачон шубҳаланмасликка қарор қилдингиз.

Бироқ ҳозир ҳаммаси бошқача. Бир неча кун ўтиб, сиз толиққан, чанқаган ва иссиқдан чарчаган ҳолда ўтирибсиз. Сиз ҳали “ваъда қилинган” ернинг бўсағасида ҳам эмассиз; бунинг ўрнига, илон ва чаёнлар билан лиқ тўла чўлда мақсадсиз кезиб юрибсиз. Сиз энди отличлари отлари билан бирга денгизга фарқ бўлгани ҳақидаги қўшиқни куйламаяпсиз ва рақсга тушмаяпсиз, балки раҳбарингизга: “Нега сен бизни Мисрдан олиб чиқдинг? Бизни, болаларимизни ва чорваимизни қурғоқчиликдан ҳалоқ қилиш учун олиб чиқдингми?” – деб шикоят қиляпсиз.

Энди сиз ҳақда гаплашамиз. Худо сизни фақатгина саросима ва жимжитлик ҳукм сурадиган чўлда мақсадсизликда ва ноаниқликда кезишга ташлаб қўйиш учун, буюк қудрати билан душманнинг қўлидан озод қилганига чиндан ҳам ишонасизми? Албатта, йўқ! Шунчаки сиз ваъда қилинган ерга киришингиз учун чўлдан ўтишингиз зарур.

Раббий исроилликларни Мисрдан чўлга олиб борди; сизни ҳам худди шундай олиб бормоқда. Сизни чўлга шайтон эмас, Худо

олиб келди. Ушбу саҳрода Унинг сиз учун ғайритабиий режаси бор. У бизни аввал жиловлайди, сўнг синайди. У бу нарсани, биз ўз юрагимизнинг ҳақиқий аҳволини билиб олишимиз учун қилади.

У бизни қандай қилиб жиловлайди? “У сени бўйсундирар эди, очликдан тинкангни қуритар эди ва манна билан сени боқар эди” (Қонунни такрорланиши 8:3). У исроилликларнинг оч қолишига йўл қўйиб, уларни жиловлар эди. Бироқ кейин, У шу заҳоти уларни манна билан таъминлар эди. Бу зиддиятли ҳаракатлар бўлиб кўриниши мумкин. У қандай қилиб уларни очликда қолдириб, сўнг манна билан озиқлантирди?

Манна – бу энг олий озуқа; у фаришталарнинг овқати! Илёс маннадан тайёрланган иккита кулчани еб, қирқ кунлик йўлни босиб ўтиш учун куч олган. Исроилликларда эса манна тўлатўкисликда эди. Улар олти кун давомида, ҳар эрталаб самодан янги ёғилган манналарни териб олар эдилар, олтинчи кун йиққан манналар, еттинчи кунга мўъжизавий равишда сақланиб қолар эди. Исроилликлар Худо уларга манна беришни бошлаган биринчи кундан бошлаб, то ваъда қилинган Ернинг чегарасида иккита қароргоҳга бўлинмагунларича, бирор кун маннасиз қолмадилар.

Унда Худо нега: “Сени очликда тинкангни қуритар эдим” – демоқда? У қандай очлик ҳақида гапирмоқда? Бунини тушуниш учун уларнинг қандай ҳолатда бўлганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Тасаввур қилинг, сиз нонуштага ҳам, тушликка ҳам, кечликка ҳам фақат нон ейсиз. Ёғ, ер ёнғоқли ёғ, мураббо, яхна ёки балиқ билан эмас; ноннинг ўзи. Улар шу тарзда бир неча кун эмас, балки бутун қирқ йил давомида озиқландилар!

Мен ёшлар чўпони бўлганимда, биз эллик олтида ёшлар билан Тринидадга саккиз кунлик хизмат учун саёҳатга бордик. Тринидаддаги жамоат бизга овқат тайёрлар эди ва улар жуда сахий эдилар. Бироқ биз ҳар куни товуқ гўшт ер эдик. Улар товуқни турли тарзда тайёрлашар ва бизга гуруч, сабзавотлар билан тортиқ қилишар эди, аммо дастурхонда доим товуқ бўлар эди.

Саккиз кун товуқ егач, биз бошқа нарсаларга нисбатан очликни сездик. Ортга қайтганимизда, жамоамиздаги бир бола уйига келгач, онасидан тушликка нима тайёрлаганини сўраганида, онаси унга: “Товуқ” – дейиши билан, қичқириб юборди ва унга гамбургер сотиб олиб беришини илтимос қилди.

Тринидадда биз бор-йўғи саккиз кундан сўнг яширинча шикоят қилдик; энди қирқ йилни тасаввур этиб кўроласизми? Тўрт йил эмас, қирқ йил давомида бир хил овқат! Худо уларни очликдан тинкасини қуритганини энди тушунамиз. Худо улар истаган нарсани бермади, шунга қарамай, улар тирик ва соғлом бўлиши учун, уларга чиндан ҳам зарур бўлган озукани берди.

Уларнинг вазиятида, улар эга бўлмаган яна нимага эришишга интилдилар? Биз бу воқеани ўқиганимизда, уларнинг кийими ва пойабзали эскирмаганини ўқиб, ҳайратда қоламиз; иқтисодий томондан оила учун бу нақадар тежалиш! Наҳотки сиз қирқ йил давомида бир хил кийинишни истасангиз? Бу зерикарли-ку! Бирорта ҳам шаҳобчага бормаисиз ёки интернет орқали чиройли кийимларни буюртма бермаисиз. Қирқ йил давомида битта малла шиппакни кийиб юрасиз!

Ҳа, уларнинг энг муҳим эҳтиёжи ҳисобланган – иссиқдан ва совуқдан ҳимоя – қондирилди, бироқ улар эга бўлишни истаган нарсалар жуда кўп эди.

Чўлдаги ҳар кунги бир хиллик ҳақида ҳам ўйлаб кўринг, - бу бир неча ҳафтага эмас, балки қирқ йилга чўзилган. Сиз шилдираган жилғалар, гуркираган ўрмон, хушманзара узумзор ва чиройли кўллардан маҳрум бўлиб, кун сайин бир хил қуманжир, қамиш ва қуруб кетган ерни – фақат чўлни кўришни хоҳлармидингиз?

Улар ўзлари истаган нарсаларга эмас, улар учун зарур бўлган нарсаларга эга эдилар. Буларни тушунган ҳолда, келинг, бу оятни яна бир бор ўқиб чиқамиз:

Чўлдан қандай ўтиш керак

#3 Вазиятни ўз қўлингизга олиш васвасасига қарши туринг

Орамизда мустақил ва фаол бўлган кишилар учун, чўлдаги энг катта саналган васваса – ўз кучимиз билан қандайдир чора кўришни бошлашга киришиш ҳисобланади. Раббий бизни ташлаб кетгандек ва У биздан миллион километр узоқдадек туюлган пайтда, Унинг шоҳлигида нимадир қилиш учун энг камтарона ҳаракатларимиз ҳам муваффақиятсизликка учрайверганда, ибодат соатларимиз кўкарган тиззалардан бошқа ҳеч нарсани бермаганда, нимадир содир бўлиши учун, ноумидлик билан таваккал, тўғри келган ишни қилишни бошлаймиз. Бу ёмон фикр. Аслида, чўлда жуда кам нарса бўлади; у ерда фақат озроқ сув ва бир хил озуқа бор. Бу қурғоқчиликда, ҳаёт биз қила оладиган ишларимиздан ва эга бўлган нарсаларимиздан анча каттароқ эканини ўрганамиз. Ҳаётнинг мазмуни – Худони яқиндан билиш ва Унинг хоҳишларини ҳар куни бажаришдир.

“У сени бўйсундирар эди, очликдан тинкангни қуритар эди ва сен ҳам, сенинг оталаринг ҳам билмаган манна билан сени боқар эди, токи сенга инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқадиган ҳар бир сўз билан тирик эканлигини кўрсатсин” (Қонунни такрорланиши 8:3).

Худо уларнинг танаси истаган ва интилган нарсаларидан маҳруб қилиб, очликда қолдирди, аммо уларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондиришда давом этди. Бу очлик уларни си-нади: Худо улар қолдириб келган нарсаларидан кўра Худо билан бўлишни истайдиларми, йўқми буни кўришни истади. Улар Худони

Чўл мавсумларидан бирида, менинг ҳар бир куним бир ҳафтадек – ҳафталарим ойлардек туюлар эди, негаки менда мақсад, олов ва интилиш қарийб йўқ эди. Лекин мен ўз йўлимни давом эттиришим зарур эди. Мен юришда давом этишим, юрагимда жо бўлган Худонинг Сўзи билан озиқланишим, аъло даражада хизмат қилишим, йиғинларга келишим ва сабрсизлик оқибатида юзага келадиган беўрин ҳаракатлардан ўзимни тийишим лозим эди. Мен ўзимга Худо истаган жойдалигимни доим таъкидлаб туришим керак эди. Худо эса вақтни беҳуда сарфламас эди ва Ўз ваъдасини амалга ошириш ниятига эга эди.

Албатта, чўл – бу шахсий тараққиёт йўли эмас. Ёдингиздами, чўлда сиз тозаланиш ва тайёргарликдан ўтасиз, шу боис, сиз ҳар қандай гуноҳли васвасага қарши туриш ва уни енгиш учун ғайрат қилишингиз зарур.

Раббий чўлда қурган йўлда бўлганингизда, доим У билан бирга юринг. Худо сизнингча, жуда секин ҳаракатланаётгани учун, Уни узиб ўтиш васвасасига йўлиқманг.

излайдиларми ёки танаси соғинган нарсаларними? Улар ҳақликка ташна ва оч бўладиларми ёки қулай ҳаёт ва роҳатгами? Афсуски, исроилликларнинг юраги ташналик ва очликни қондирадиган Ягона шахсга қаратилмаган эди, шу боис, улар бу синовдан йиқилдилар:

“Уларнинг ораларидаги мусофирлар очкўзлик қила бошладилар. Улар билан бирга Исроил ўғиллари ҳам яна йиғлаб, дедилар: “Ким бизларни гўшт билан боқади? Бизлар Мисрда текинга еган балиқ, бодринглар, қовунлар, кўк пиёз, бошпиёз ва саримсоқлар ёдимизда, энди эса жонимиз ўртанмоқда; ҳеч нарса йўқ, кўз ўнгимизда фақат манна» (Сонлар 11:4-6).

Улар Мисрда қолдирган нарсаларини қумсар эдилар. Ҳатто зулм остидаги қуллик, Худо олиб борган қуруқ ердан афзалроқ туюлар эди. Улар гўшт сўраб, йиғлаб, шикоят қилишни ва нолишни бошладилар. Ва Худо уларнинг фарёдини эшитди:

“Улар (гўшт, яъни беданаларни) еб тўйдилар, уларга истаганларини берди. Худо уларнинг хоҳишини бажарди, бироқ уларнинг қалбига яра юборди” (Санолар 77:29; 105:15).

Улар ўзлари истаган нарсани қўлга киритдилар, ammo бу уларга қимматга тушди. Улар гўшт билан бирга қалблари учун ярани ҳам орттирдилар. Бу яра ёки заифлик туфайли ҳолдан тойишни бошладилар ва синовдан ўтишга мадорсиз бўлиб қолдилар, натижада, шу аснода улар ваъда қилинган Ерга кира олмадилар. Уларнинг гуноҳи гўшт сўрагани эмас, балки улар буни қандай тарзда сўрагани эди. Улар бу билан Худога, Унинг ғамхўрлигига ва Худо уларни бу ерга олиб келганига нисбатан норозилигини билдирдилар. Қолаверса, бу улар Мисрда қолдириб келган ҳаётга нисбатан кучли иштиёқини ҳам кўрсатди. Улар Мисрда қул бўлганларини унутиб, у ердаги ёқимли лаҳзаларни эслар эдилар.

Бу ҳар биримиз учун ҳушни жойга соладиган мисол. Борди-ю, биз ваъда берганнинг Ўзига эмас, нуқул ваъдаларнинг афзалликларига интилсак, чўлимиздан ўтиш учун зарур бўлган кучдан маҳрум бўлаемиз. Биз эски яхши кунларни қумсашимиз муқаррар, агар ҳақиқатнинг юзига қарайдиган бўлсак, Худосиз ўтган кунларимиз умуман яхши бўлмаган, бу қулликдаги кунлар бўлган.

Худони, сиз учун бирор нарсани амалга ошириши ёки сизга бирор нарса бериши учун излаш – битта нарса. Раббийни Уни таниб-билиш учун излаш – умуман бошқа нарса. Биринчи йўл манфаатпараслик ва худбин ният бўлиб, бу камида, Худо билан етилмаган муносабатларга олиб келади. Худони Ўзини таниб-билиш учун Уни излаш эса, биз барчамиз истайдиган яқин ва кучли муносабатларни қуради.

Муқаддас камчилик

Кутилгандек, қурфоқчил чўл имкониятларнинг чекланганлигини – жумладан, вақтнинг танқислигини, истаган нарсангизни эмас, ҳиссий, жисмоний ва моддий зарур бўлган нарсанигина олишингизни кўзда тутаяди. Худо бизнинг муҳим эҳтиёжларимиз учун ғамхўрлик қилишга ваъда берган; шу боис, У чўлда ҳамма нарсани тўлатқисликда таъминламайди, балки кунлик нонимизни беради.

Америкада одамлар яхши даврларни бошдан кечирганида, сараланган гўшт бўлагини еймиз, дейдилар. Чўлда эса гўшт умуман йўқ. Бу кечинма турли хилдаги йўқчиликларни ўз ичига олади. Бу сиз истаган ҳаёт эмас, сизга зарур бўлган ижтимоий ҳаёт бериладиган вақтдир. Чўлда Худо сизга руҳан нима кераклигини билади, бироқ бу сизнингча керак бўлган нарса бўлмаслиги мумкин! Бу мавсумда У бизнинг истакларимизни эмас, балки эҳтиёжларимизни таъминлайди.

Чўлнинг мақсади – бизни тозалаш ва мустаҳкамлашдир. Биз Унинг таъминотини эмас, Унинг юрагини излашимиз зарур. Ўшанда, фаровонлик вақтлари келганида, Раббий Худойимиз Ўз аҳдини ўрнатиш учун фаровонлик беришини ёдда тутамиз (Қонунни такорланиши 8:2-18).

Жиддий муаммо шундаки – бизнинг муҳтожлик ва истакларимизга берган таърифимиз, воқелиқдан фарқ қилади. Биз ўз истакларимизни муҳтожлик деб атаймиз, гарчи бу шундай бўлмаса-да! Эҳтимол, кўпчилигимиз Повул қуйида нимани назарда тутганини тушуниб етишимиз лозимдир:

“Мен буни муҳтож бўлганим учун гапирмаяпман, чунки менда бори билан қаноатланишга ўрганиб қолдим (шу даражада қаноатланганманки, ташвишланмайман ва безовта бўлмайман): мен етишмовчиликда ҳам, мўлчиликда ҳам қандай яшашни биламан. Ҳар ерда ва ҳамма нарсада тўқ бўлишни, очликка тоқат қилишни, мўлчиликда ва муҳтожликда

бўлишни ўргандим. Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихда мен ҳамма нарса қила оламан” (Филиппиликларга 4:11-13).

Повул Масихнинг кучи билан, етишмовчиликда ҳам, мўлчиликда ҳам бир хил қаноатли бўлишни ўрганган. Менимча, биз Ғарбдаги жамоатлар қаноатли бўлишга ҳеч ўрганмадик-да, афсуски, кўпчилик мўлчиликда яшайдиганлар, етишмовчиликда яшайдиганлардан қаноатлироқ эмас. Борди-ю, бизнинг фикримизча, биз эга бўлишга ҳақли бўлган нарсаларни қўлга кирита олмасак, ўзимизни бир нарсадан қуруқ қолгандек ҳисоблаймиз. Биз одамларнинг руҳий ҳолатини, уларнинг феъл-атвори ва имонига эмас, уларнинг мулкига, ютуғига ёки ижтимоий вазиятига қараб баҳолаймиз.

Исроил мисрликлардан – кумуш ва тиллодан бўлган буюмлар ва кўркам кийимларни йиғиб олиб, улкан бойлик билан Мисрдан чиқди. Бироқ улар бу қимматли буюмлардан чўлда бут яшаш учун, кўркам кийимлардан эса бутнинг қаршисида рақсга тушиш учун фойдаландилар. Шубҳасиз, бойлик уларнинг художўйлигининг белгиси эмас эди, аксинча. Чиқишнинг фақат иккита иштирокчиси ваъда қилинган Ерга киришга ва уни қўлга киритишга имкон берадиган ахлоққа эга эдилар. Ваъда қилинган ерга фақат Йешуа Бин Нун ва Калев кира олдилар, чунки уларда бошқача руҳ бор эди – улар Худога буткул итоат этдилар (Сонлар 14:24).

Борди-ю, биз бир-биримизни кимлигимизга қараб эмас, нимага эга эканимизга қараб баҳолайдиган бўлсак, унда бизнинг қадриятларимиз бузилган.

Бошқа томондан, аксарият ҳолларда, масиҳийлар моддий фаровонликка етганида ёки бошқарувчилик мансабини ва нуфузли мансабни эгаллаганларида, бу Худо уларга, калласига келган ишни қилиши учун руҳсат берадигандек бўлиб туюлиши мумкин! Бундай одамлар одатда истаган нарсаларини харид қилишади, пулларини ўз истакларини қондириш учун сарфлашади ёки ўз нуфуздан шахсий мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Бундай йўл тутадиган

одамлар, чўл мавсумидаги синовлардан ўта олмаганини кўрсатади. Аслида, молиявий мўлчилик ва катта ҳоқимият бизни Худонинг мақсадлари ва бошқарувининг ортидан бориш учун, Унга боғлиқ бўлишга олиб келиши лозим.

Исо Ўзининг хизматиға қандай ёндошгани тўғрисида фикр юритиб кўринг. Унда худбин ниятлар бўлмаган. У бизнинг гуноҳларимиз, касалликларимиз ва ўлимға маҳқумлигимизни Ўз елкасига олди. У бизнинг фаровонлигимизни Ўзиникидан устун қўйди, гарчи У бирорта ҳам гуноҳда айбдор эмас эди. Унинг ҳаётининг ва хизматининг мақсади манфаат бўлмаган. У Ўзидан кечди ва бизға энг буюк инъом – абадий ҳаётни совға қилди.

4

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

“Ички дунё тартибга солинган заҳоти, ҳайратланарли даражада, қанчадан-қанча қийинчиликлар ўз-ўзидан ғойиб бўлади”.

–Э. У. Тозер

“Агар Мени севсангизлар, Менинг амрларимга риоя қилинглар”.

– Юҳанно 14:15



Худо бизни саҳрога юборганида, шахсан Ўзи учун нимани истайди? Юқорида чўл бизга берадиган бир нечта имтиёзларни тилга олиб ўтдик ва бунни давом эттирамиз, аммо бизнинг чўлдан ўтишимизда, Худо учун ҳам қандайдир фойда борми? Ҳа, албатта. У бизнинг Ўзи билан ўзаро мулоқотимизнинг даражасини ўстиришни хоҳлайди. Биз У билан яқин бўлишимизни истайди. Афсуски, аксариятимиз, Худо билан муносабатларимиздан шахсий мақсадларимизда фойдаланишга мойилмиз, шу тарзда, Унга бўлган севгимиз совишига йўл қўйиб берамиз.

Мен Лиза билан унаштирилган пайтларим, бутун фикр-у ҳаёлим унда эди. Мен тўхтовсиз у ҳақида ўйлар эдим. У билан кўпроқ вақт ўтказиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Агар унга бирор нарса керак бўлса, нима билан банд бўлишимдан қатъий назар, машинамда учиб бориб, унга шу нарсани олиб келар эдим.

Ёдимда, бир марта унинг ота-онасининг уйида тахминан беш соат бирга вақт ўтказдик. Мен уларникидан аранг кетдим. Уйимга келган заҳотим, телефоним жиринглаб қолди. Бу Лиза эди. У мулойим ва мафтункор овози билан: “Азизим, костюмингизни бизникида қолдириб кетибсиз” – деди.

Бу менинг қулоқларимга ёқимли мусиқадек ёқди. Узоқ ўйлаб ўтирмасдан, жавоб бердим: “Унда ҳозирнинг ўзида бориб, уни олиб келишим шарт”.

Мен уларникига қайтиб бордим ва биз яна уч-тўрт соат бирга вақт ўтказдик. Бу ажойиб кун эди.

Ўша вақтларда, борди-ю, Лиза менга қўнғироқ қилиб: “Азизим, мен музқаймоқ ейишни хоҳлаяпман” деса борми, мен қувонч билан: “Мен ўн дақиқада сенинг уйингда бўламан! Музқаймоқнинг мазаси қандай бўлсин? – деб жавоб берган бўлар эдим. Мен ўша пайтларда у билан вақт ўтказиш учун фурсат ва баҳона излаб юрар эдим. Унга бўлган кучли севгим туфайли, у истаган нарсаларни амалга оширишдан, ўзимни бахтиёр сезардим. Мен бу нарсаларни унга бўлган севгимни исботлаш учун эмас, балки уни севганим учун қилар эдим.

Одамларга у ҳақида айтиш учун, ўзимни мажбурлашнинг ҳожати йўқ эди... эшитишга тайёр бўлган, ҳар битта кишига Лизани мақтар эдим. Агар бирор киши билан мулоқотимиз тўхтаб қолса, шу заҳоти ўйланмай, мавзунини ўзгартириб, Лиза ва келажакдаги тўйимиз ҳақида гапиришни бошлар эдим. Мен севиб қолган эдим!

Бироқ оила қурганимиздан сўнг, бир неча йил ўтиб, менинг диққатим бошқа нарсаларга, жумладан спорт, дўстларим билан мулоқот ва айниқса, хизматимдаги ишимга кўпроқ қаратила бошлади. Менда у билан вақт ўтказишни ёки биргаликда нимадир қилиш истаги йўқ эди. Лиза ҳақида олдингидек, кўп ўйламай қўйдим. Унга фақат Таваллуд айёмида, тўйимиз кунда ва туғилган кунларда совға берар эдим, ҳатто шуни ҳам қилишга менда истак йўқ эди. Бир кун севишганлар кунда унга совға олишни унутиб қўйдим. У қаттиқ хафа бўлди. Мени эса ундан кечирим сўрашдан бўлак, иложим йўқ эди. Энг маъюс томони, мен ўша вақтда ҳали ёр бўлганим туфайли, никоҳимиз мавсумларининг белгиларини тўшунмаганман. Бир мунча вақт ўтиб, бизнинг муносабатларимиз танглашиб қолди; менинг биринчи муҳаббатим якун топаётган эди!

Шукурки, охир-оқибат, Худо эътиборимни Ўзига тортди ва юрагимни ўзгартирди. У мен нақадар худбин бўлиб кетганимни

кўришимга имкон яратди. Худо Ўзининг шафқати билан бизнинг севгимиз гулханини қайта ёқди ва муносабатларимизни шифолади.

Худо билан муносабатларимизда ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз бериши мумкин. Масиҳнинг кўпчилик издошлари муайян қулайлик доирасига ёки босқичига эришадилар-да, бошқа нарсаларга интилишни тўхтатиб, шу ҳолатини сақлаб қолишга уринадилар. Худога чанқоқлигини йўқотадилар. Улар ўзларини бошқалар билан қиёслаб ёки етарли деб ҳисоблаган поғонага таяниб, ўзининг руҳий қолипларини ўрнатадилар. Улар Худони Шахс сифатида чуқурроқ таниб-билишга интилмай қўядилар. Диққат марказда кундалик вазифалар, ютуқларга интилиш ва бу дунёнинг ташвишлари туради. Улар энди Худони таниб-билиш учун эмас, Ундан марҳамат олиш учун излайдилар. Одамлар Худодан ўзи томонга бурилиб, юракларида адашадилар. Эҳтимол, улар масиҳийлар билан дўстона муносабатларни давом эттирар ва Жамоатда ўз ҳолатини ёки мавқеини қуриб борар, бироқ улар аллақачон, уларга ҳаёт Берадиганни изламай қўядилар.

Биз Худони У билан яқин муносабат учун эмас, балки ўз фойдамиз ва барака олиш учун Уни изласак, осонликча адашиб кетамиз. Келинг, ҳаққоний бўламиз: биз ибодат қилганимиз учун ўзимизни мақтаймиз, аммо агарда биз бунга Худонинг кўзлари билан қараганимизда эди, биз Ундан фойдаланишга уринаётганимизни кўрар эдик. Биз Худони муҳтожлик пайтида мурожаат қиладиган ёрдам манбаси даражасига тушуриб қўйганмиз. У бизни кучли севгани сабабли, бизни бундай ёлғонда қолдириб қўймайди. Исо Масиҳ Уни излаган буюк оломон учун нима деган бўлса, бизга ҳам шундай дейди:

“Кейинги куни денгизнинг ўша қирғоғида турган халқ, Исо ҳам, Унинг шогирдлари ҳам бу ерда йўқлигини кўрганларида, улар қайиқларга тушдилар ва Исони излаб Кафарнаҳумга

сүзиб келдилар. Исони денгизнинг у томонида кўриб, Унга: –Раввий, Сен қачон бу ерга келдинг? – дедилар. Исо уларга жавобан деди: –Ростини, сизларга ростини айтаман, сизлар мўъжизалар кўрганнгиз учун эмас, балки нон еб тўйганингиз учун Мени излаясизлар” (Юҳанно 6:22-26).

Исо бизнинг ҳаракатларимиздаги ниятни билади. Тумонат одам Уни излаб келганида, уларни мўъжиза ва аломатларни кўриш ва тушуниш эмас, бошқа нарса (текин тушлик) қизиқтиришини фаҳмлади. Аломатлар йўналиш ёки маълумот беради; у ўзини тасдиқламайди. Оломон Исони тасдиқлайдиган аломатларнинг ортидан эмас, балки ўз қоринларини тўлдириш учун юрганини билар эди.

Сизга фақат бирор нарсага муҳтож бўлганида ёки сиздан бирор нарса ундириш учун қўнғироқ қиладиган танишларингиз борми? Ёки янада ёмони, сиз билан дўст бўлишни истаётгандек туюлиб, аслида сиздан бирор нарса – мансаб, пул ёки моддий ёрдамни қўлга киритишни кўзлаган одамлар билан мулоқотда бўлганмисиз? Бу одам сизга нисбатан самимий ғамхўрлик ёки севгига эга эмас; шунчаки қандайдир вақт сиз унинг мақсади бўлиб хизмат қилишингизни кўзлайди. Кимдир сиздан шу тарзда фойдаланиши жуда ёқимсиз!

Бундай худбин муносабатлар бизнинг жамиятимизга ҳам, қолаверса, Масиҳнинг Танасига ҳам кириб олган. Жамоатдаги кўпчилик норози бўлиб юришади; уларнинг Масиҳга бўлган севгиси совиб қолган. Улар Раббийга нисбатан иштиёқли севгиси тўфайли эмас, балки шахсий фойдасини кўзлаб хизмат қиладилар. Қисқаси, Худо уларнинг истакларини бажо қилиб турса, улар бахтиёр бўладилар ва Ундан илҳомланадилар. Бироқ муаммолар келганида ва ҳаёт қийинлашганида, уларнинг юрагидаги ҳақиқий ниятлари юзага чиқишни бошлайди.

Ҳар сафар, инсон ўзига диққат қаратганида, нолишга дучор

бўлади. Нима учун? Негаки, ҳаммасиз бир куни муаммо ва қийинчиликларга дуч келамиз. Бу нарсалар келганида, биз худбинлик билан алангаланган шикоятлар билдиришни бошлаймиз. Қийинчилик чўзилган сари, норозилик ҳам чўзилаверади. Биз исроилликларнинг ҳаётида бунинг гувоҳи бўламиз. Раббий одамларни фиръавн ҳукмдорлигидаги миср қуллигининг даҳшатларидан озод қилгач, улар хурсанд бўлишди:

“Аҳароннинг сингиси, пайғамбар Марям чилдирмани қўлига олди ва ҳамма аёллар чилдирма чалиб ва рақсга тушиб унга эргашдилар. Марям уларнинг олдидан бориб, қўшиқ кўйлади: “Раббийга кўйланглар! Зеро У улўғвор юксалди, отни ва унинг чавандозини денгизга улоқтирди!” (Чиқиш 15:20-21).

Исроилликларнинг қувончининг чеки йўқ эди. Исроилликлар уларни золимнинг қўлидан қутқарган Худонинг буюклиги, мўъжизавий қудрати ва Унинг эзгулигидан лол қолган эдилар. Бироқ атиги уч кундан сўнг, чўлдаги Сўрнинг аччиқ сувига етиб келганларида, нолишни бошладилар: “Энди нима ичамиз?” (Чиқиш 15:24). Уларнинг шикояти маъносиз эди. Наҳотки, яқиндагина Қизил денгизни иккига бўлган Худо, ичиш учун сув бера олмаса? Наҳотки, уч кун олдинги ўша қаҳрамон Мусо ўзгариб қолган бўлса?

Аслида Худо аччиқ сувни ширин сувга айлантирди. Аммо бу мўъжиза ҳам уч кунда унутилиб кетди. Бир неча кундан сўнг одамлар яна нолишни бошладилар, бу сафар эни овқат деб. Улар: “Худо бизни озод қилишидан олдинги ҳаётимиз яхшироқ эди” – деб вайсадилар. Ростданми? Наҳотки ғишт яшаш ва қўриқчиларнинг белингиздаги қамчисининг зарбаларини ҳис этиш яхшироқ бўлса?

“Исроил ўғилларининг бутун жамоаси саҳрода Мусо билан Аҳаронга нолидилар ва Исроил ўғиллари: “Қанийди, бизлар

Миср ерида гўшт солинган қозон бошида ўтирганимизда тўйғунимизча нон еяётган вақтимизда Раббийнинг қўлидан ўлганимизда эди! Сизлар бутун жамоани очликдан ўлдириш учун бизни бу саҳрога олиб келдинглар” (Чиқиш 16:2-3).

Ооғир ва қурғоқчилик, қурғоқчилик дамларда норозилик жамоат бошқарувчисига, оиланинг аъзоларига, дўстларга, душманларга ва ҳатто ҳукуматга қаратилган бўлади. Кўпчилигимизнинг (қўрққанимиздан), барча офатларимнинг ўчоғи Худо деб айтишга ҳеч қачон тилимиз бормайди. Худди шундай, исроилликлар Мусо ва Аҳаронга шикоят қилар, лекин аслида:

“Раббий бизга панд берди” - деб ўйлар эдилар. Мусо бунини тушунар эди ва уларга шундай деди: “Сизлар биздан эмас, Раббидан нолидингизлар” (Чиқиш 16:8).

Чўл юрагимизнинг ниятларини юзага чиқаради; у ниятларимиз худбинликда қурилганми ёки фидокорликка, кўрсатади. Муқаддас Рухдан юрагингизда, аслида, нималар содир бўлаётганини ва сизни нима бошқараётганини кўрсатишини сўранг. Қандай муносабатлар ва қандай ҳатти-ҳаракатлар сизни “Миср” қуллигида ушлаб турибди ва улар сизни чўлда жоврашга мажбур қиляпти? Келажакда муваффақиятли бўлиш учун самимий муносабатни сақлашимиз ва Унинг севги билан тузатишига очиқ бўлишимиз ўта муҳим.

Ҳар биримиз учун яхши хабар шундаки, ҳеч нарса бизни тавба қилишдан ва юрагимизнинг ҳолатини ўзгартиришдан ушлаб тура олмайди. Худодан манба сифатида фойдаланишга уринишнинг ўрнига, бир лаҳзада нолишни бас қилиб, Худо билан муносабатларни излашни бошлашимиз мумкин.

Хуллас, Худо бизни севгани учун чўлга юбориши мумкин.

Чўлдан қандай ўтиш керак

#4 Ўз режаларингизни аниқлаб олинг

Чўлдан ўтган илк йилларимда, ижобий муносабатни сақлаш мен учун жуда оғир бўлган эди, чунки ҳеч нарса ўзгармайдигандек туюлар эди. Аслида, мени кутишдан ҳам кўра, кутиш вақтидаги алам ташвишга солар эди. Худо менга саёҳатчи воиз хизматини олиб бориш орзусини берган эди. Менга бу орзуни амалга ошишига ҳалақит бераётгандек туюлаётган вазиятдан шунчаки чарчар эдим. Раббий мени тозалаш учун чўлдан фойдаланганини очди. Бироқ навбатдаги гал, бу чўл йўли нега бунча узунлигини тушунтир, деб фарёд қилганимда, Раббий менга: “Сен ўз орзуинга хизмат қиласанми ёки Менга хизмат қиласанми, шунга кўришни истайман” – деб бу ҳақиқатни ёдимга солди.

Бу чиндан ҳам менинг эътиборимни тортди! Мен юрагимдаги орзуим бўлмиш, Хушxabарни бутун дунё бўйлаб воизлик қилиш хизматини амалга оширишни кўпроқ истайманми ёки бундан ҳам яхшироқ бўлган бошқа мақсадга – Худога итоаткорлик билан таяниб, ҳаётимда У гапирган пайтда ҳаракат қилишни кутишни истайманми, шу ҳақда кўпроқ ўйлашим ва ибодат қилишим керак эди. Фақат ўшанда менинг истакларим Унинг хоҳишларига тўғри келади.

Шундай экан, сизга маслаҳатим: Худо сизга берган ажойиб орзу, сиз учун Унинг ҳузури ва Отангизнинг хоҳишларини бажаришдан муҳимроқ бўлиб қолмасин.

Худо формула эмас

Исроилликларнинг мақсади Худо эмас эди, шу боис, улар Уни таниб-била олмадилар. Улар Худонинг буюк ишларидан илҳомланар эдилар, аммо Худонинг ғайритабиий кучи намоён бўлмаганида, улар Худодан юз ўгирар эдилар. Мусо тоғда бўлганида, улар Худодан юз ўгирдилар ва айши-ишрат қилишни бошладилар. Уларга нажотнинг фақат фойдаси керак эди. Улар Худога яқин бўлишга ва Уни кўпроқ таниб-билишга интилмас эдилар.

Бир куни чўлда, Худо Мусога халқнинг олдига тушишни буюрди ва “халқ ўзини муқаддасласин, чунки Мен Синай тоғига келаман ва Мусо билан қандай гаплашган бўлсам, улар билан ҳам шундай гаплашаман”, деди. Лекин ўша кун келиб, Раббий Ўзининг қудратли кучида тушганида ва Ўз улуғворлигида намоён бўлганида, одамлар бунга бардош бера олмадилар:

“Бутун халқ момақалди роқ ва чақмоқни, бурғунинг товушини ва тутаетган тоғни кўрди. Халқ буларни кўриб ортга чекинди ва узоқроққа бориб турди. Халқ Мусога: – Бизга ўзинг гапиргин, биз эшитайлик. Лекин Худо бизга гапирмасин, токи ўлиб кетмайлик, – деди” (Чиқиш 20:18-19).

Улар Мусога ёлвордилар: “Сен бизнинг ўрнимизга Худо билан гаплаш ва Унинг гапларини бизга етказ, биз эса Унга қулоқ солаемиз” дейишди (маъноси). Улар шу тарзда Худо билан муносабатларсиз, Ундан фойда олиш учун яна ўзларининг худбин истакларини намоён қилдилар. Эҳтимол, уларнинг нияти яхши бўлгандир – улар Худонинг Сўзини юрагида сақлашни истагандир; бироқ У билан яқин муносабатларсиз, улар Унга мукамал тарзда эргаша олмас эдилар.

Исроилликлар муносабат ўрнига, ўз муаммоларига жавоб олишни хоҳладилар ва Худо уларга жавобан, Ўнта амрни берди.

Бугунги авлод ҳақида нима дейиш мумкин? Қанчамиз аъло ниятлар билан Худонинг йўлларини сақлашга уринамиз? Биз то аҳволимиз оғирлашиб қолиб, ибодатларда уялганимиздан овозимиз чиқмай диган бўлиб қолгунича, ваъда ва аҳдларни берамиз, лекин уларни бажармай юраверамиз. Биз қандайдир чўпонни, эримизни, хотинимизни ёки севимли блогеримизни эшитамиз ва қандайдир тарзда унинг Худони излаш услубини ўзлаштиришга ва У билан муносабатларимизни яхшилашга умид қиламиз. Биз ҳам исроилликларга ўхшаб, У билан шахсий, тирик муносабатларни қўлламай, Худонинг Сўзини – Унинг амрларини сақлашга уринамиз. Исо Юҳанно 14:21 да шундай деган: “Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса, ўша одам Мени севади. Мени севганни эса Отам севади, Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиламан”.

Ушбу оятни ўқиганимда, Раббий қуйидагиларни назарда тутяпти деб ўйлаган эдим: “Жон, агарда сен Менинг амрларимга риоя қилсанг, Мени севишингни исботлайсан”. Лекин Раббий бир куни бу оятни қайтадан ўқишимни айтди. Мен қайта ўқиганимда, У деди: “Сен ҳали ҳам, Мен нимани назарда тутганимни тушунмадингми; бу оятни яна бир бора ўқи”. “Хуп, Раббим”. Шу аснода, мен бу оятни тўққиз ёки ўн марта ўқишимга тўғри келди.

Охири, мен Раббийга ҳайқириб: “Раббий, менинг билимсизлигимни кечиргин, бу оятнинг маъносини очгин!” – дедим.

“Жон, Менинг амрларимни бажариб, сен Мени севишингни исботлайсан деганим йўқ” – деди У. – “Сен Мени севиш, севмаслигингни Ўзим яхши биламан! Агар инсон бор юраги билан Мени севса, амрларимни бажаришга қодир бўлади!”

Тушундим! Бу қонун эмас, бу муносабатлар. Мен бунга амр – қонун деб қараганман, бироқ У муносабатларнинг муҳимлигини очиб берди.

- Худони қоидалар ва қарорлар орқали таниб-билишнинг имкони йўқ.
- Худони услубларда топа олмайсиз.
- Муқаддас ва Қудратли формула даражасига тушмайди.

Аксарият кишилар, Раббий ҳақида айнан шундай деб ўйлайдилар. Биз Худо билан муносабатларни бахтли ҳаётнинг еттита қадами, нажотга эришиш учун тўртта қадам, муваффақиятли муносабатларнинг беш томони ёки ибодатга жавоб олишнинг текширилган услуби каби қонун ва формулаларни биламиз. Худо Ўзининг ваъдалари билан, қандайдир тарзда қўтичада чекланган ва биз уларни керакли пайтларда бирма-бир чиқариб олишимиз мумкин деб тасаввур этамиз. Борди-ю одамлар, Худога шу тариқа яқинлашадиган бўлишса, улар гуноҳни енгишга қодир эмаслигига ҳайрон қолиш мумкинми?

Инсон ўзини камолотга етказиши учун Худо янги формула эмас. У Ўз фарзандларида – сизда ва менда яшайдиган Тирик Худо. У бизни билишни ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларида ва барча ишларимизда ишток этишни истайди! Унинг мақсади – биз билан чин юракдан мулоқот қуриш. Инсонда севги совушига мойиллик борлигини ҳисобга олиб, Исо қўйида нега шундай деганини тушуниш мумкин:

“Лекин сенга қарши бир даъвойим борки – сен илк муҳаббатингни тарк этдинг. Энди, қаердан қўлаганингни ёдга ол! Тавба қил ва илгариги ишларингни қилиб юргин. Акс ҳолда, тавба қилмасанг, Мен сенинг олдинга тезда келиб, сенинг чироғингни ўз жойидан қўзғатаман” (Ваҳий 2:4-5).

Бошқа исроилликлардан фарқли ўлароқ, Мусо фақат узоқдан Худога сажда қилиб қўйиш билан қаноатланмади. Худонинг намоён бўлганини кўрганида, у ортга чекинмади. У олдинга борди. Чиқиш

20:21 да ёзилган: “Шундай қилиб, халқ узоқ масофада тураверди. Мусо эса Худо турган қуюқ зулматга кирди”. Мусо нуфуз ва ҳокимиятга эга бўлишига, уч миллиондан ортиқ одамнинг раҳбари, Эски Аҳддаги энг ҳайратли мўъжизаларнинг иштирокчиси бўлишига қарамай, бу нарсаларнинг бари уни қаноатлартира олмаслигини билган эди. У бу барча ажойиб мўъжиза-ю аломатларни бошдан кечиргач, нима деб ибодат қилганига қаранг:

“Шунинг учун агар мен Сенинг нигоҳингда илтифот топган бўлсам, илтижо қиламан: Менга Ўз йўлингни очгин, токи Сенинг нигоҳингда илтифот топишим учун Сени чуқур билайин... агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин... менга шўхратингни кўрсатгин” (Чиқиш 33:13-18).

Худо Мусога ўзига тортадиган таклифни айтди. Аёвсиз чўлнинг ўртасида, Худо унга исроилликларни олиб, ваъда қилинган Ерга етаклаб боришни буюрди. У ҳатто уларни бежавотир элтиб қўядиган қудратли фаришта юборишини ҳам айтди. У Мусога, бу ер нақадар яхши – сут ва асал оқадиган, гўзал адирлар, манзара ва яйловлар билан тўла эканини тушунтирди. Лекин Худонинг Ўзи улар билан бормаслигини айтди. Мусо бу ҳақда эшитган заҳоти, Худонинг саҳий таклифларидан воз кечди. Моҳиятан, у деди: “Мен Сенинг ҳузурингсиз ваъдаларга эга бўлгандан кўра, ваъдаларсиз Сенинг ҳузуринг билан қолишни афзал кўраман”. Мусо Худого бунчалик ташналиги, Худого маъқул келганига аминман.

Мусо янада кўпроғини истаган; У жасорат билан: “Сени таниб билишим учун, менга Ўз йўлларингни очгин” - деди (Чиқиш 33:13). Биз Худони таниб-билишимиз учун, аввал Унинг йўлларини таниб-билишимиз зарур! Худо ўз йўлларини, Унинг фақат кучи ва таъминотини эмас, балки Унинг юрагини излайдиган кишиларга очади. Унинг юрагини биладиган кишилар, Унинг кучида юрадилар:

“...Ўз Худосини таниб-билган одамлар кучайиб, ҳаракат қиладилар” (Дониэл 11:32).

Мен эндигина хизматга қўйилганимда, қарийб ҳар эрталаб бир соатдан икки соатгача ибодатда вақт ўтказар эдим. Менинг ибодатларим тахминан қуйидагича эди: “Художон, одамларга нажот бериш, касалларни шифолаш ва жинларни қувиб чиқариш учун, мендан фойдалангин”. Мен бу нарсани ҳар хил сўзлар билан сўраб, ибодатимни давом эттирар эдим. Мен Худодан катта миқёсдаги хизматни сўраб, ўзимни ўта фидокор киши деб ҳисоблар эдим.

Бироқ бир сафар Раббий менга мурожаат этиб: “Ўғлим, сенинг ибодатларинг худбинликнинг ўзгинаси ва улар мақсадга бориб етмаяпти” – деди. Унинг айтган сўзларидан мен ўзимни йўқотиб қўйдим.

У мендан: “Буларни амалга ошириш учун сени нима ундаяпти?” – деб сўради. – “Мен сендан доим: “Мендан фойдалан...” – деган гапни эшитаман. Ибодатларингнинг марказида ўзинг турибсан. Мен сени жонларни қутқариш, жинларни қувиш ва касалларни шифолаш учун яратганим йўқ. Мен сени Ўзим билан яқин муносабатлар учун яратганман; менинг мақсадим манашу”.

Буни эшитиб, қотиб қолдим. Ўшанда Худо мен ҳеч қачон унутмайдиган бир гапни айтди: “Яҳудо ҳам Менинг номим билан одамларни озод қилган ва касалларни шифолаган эди!” Чиндан ҳам, Исо ўн икки шогирдини хизматга юборганида, У ҳаммасини – кейинчалик Унга хиёнат қилган Яҳудони ҳам юборган эди. Мен шу пайтгача бошқа нарсаларга диққат қаратган эканман. Худонинг биз учун мақсади – Унинг самовий мукофоти бўлмиш, Исо Масиҳни таниб-билиш экан (Филиппиликларга 3:10).

Бир неча йиллар олдин Лиза ҳам йиғинга тайёрланаётиб, шу ҳақда ибодат қилган. Ўша куни у Худони эшитган. Худо унга: “Лиза, Мен одамлардан фойдаланмайман; Мен уларни мойлайман,

шифолайман, ўзгартираман, Ўз тимсолимга ўхшаш қиламан, лекин улардан фойдаланмайман” – деб айтган. У қуйидагича давом этиб, сўраган: “Лиза, бирорта дўстинг сендан бирор марта фойдаланганми?”

“Ҳа” – деб жавоб берган у.

“Сен бундай ҳолда ўзингни қандай ҳис этгансан?” – деб сўраган Раббий.

“Ўзимга нисбатан хиёнатни сезганман!”

Раббий давом этган: “Кўп хизматкорлар, Мен улардан фойдаланишимни сўраб ибодат қиладилар: “Мендан шифолаш учун, таъсирга эга бўлиш учун, қутқариш учун фойдалангин” – дейдилар. Мен уларнинг юракларига эга бўлиш умидида, уларга жавоб берганман, бироқ улар вақт ўтиб, хизмат билан керагидан ортиқ банд бўлиб қолишади. Улар Менинг йўлларимни билиш учун ўзларини қийнамайдилар, натижада, шахсий шоҳлигини қуриш йўлида Мен берган инъомлардан фойдаланишади. Қийинчиликлар келганида, улар Менга фарёд қиладилар, бироқ Мен уларнинг ибодатларига, ўзлари истаган пайтда ва ўзлари истагандек жавоб бермаганим учун, Мендан хафа бўлдилар. Улар ўзларини, Мен улардан фойдалангандек ҳис этдилар ва Менга нисбатан ғазабландилар. Улар Мени билмагани учун йиқилдилар”.

Эрини яқиндан билишга интилмайдиган, бироқ битта-ю битта орзуси, ундан фақат бола кўришни истайдиган аёл ҳақида нима деб ўйлаган бўлар эдингиз? У эрининг оёқларига йиқилиб: “Хўжайин, сиз учун болалар дунёга келтиришимда мендан фойдаланинг! Ўтинаман, менга бола беринг ёки бўлмаса, мен ўлиб қоламан!” – деб фарёд қилади. Бу нарса бизга ғалати эшитилади, аммо биз ҳам Худо билан жиддий муносабатларга эга бўлмай туриб, Унга “одамлар нажот топиши учун мендан фойдалан” деб ёлворганимизда, худди шундай қилган бўламиз. Биз Худо билан яқин бўлганимизда, атрофимиздаги одамлар ўз-ўзидан нажот топадилар, бу ҳам эр-хо-

тиннинг яқин муносабатларига ўхшайди.

Хуллас, исроилликлар нотўғри нарсаларни излаганлар ва уларга интилганлар. Улар Яратувчини эмас, яратилган нарсаларни излаганлар. Улар билан нима содир бўлганини эса биз яхши биламиз. Чўл уларга олдинда кутиб турган қийинчиликлар учун донолик ва куч берадиган, тайёргарлик жойи бўлишнинг ўрнига, оқибатда, бир бошли авлодни ўз қаърига ютиб юборган ташвишлар ерига айланди. Қандай катта йўқотиш! Ахир, ваъда қилинган Ер жуда яқин эди!

Бу биз учун қандай катта дарс! Биз ушбу шарафли яқинлик йўлида тайёрлик билан чўлимизни қабул қилишимиз зарур.

5


ЯНГИ ШАРОБ

“Ҳамма нарсани янгилайдиган Сенинг янги шаробинг учун, биз идишлар бўлайлик”.

– Ефрем Сирин

“Сизлар аввалгиларини эсга олмайсизлар ва қадимгилар ҳақида мулоҳаза қилмайсизлар. Мана, Мен янгисини бунёд қиляпман. Энди у униб чиқади. Наҳот буни ҳам билишни истамайсизлар? Мен саҳрода дарёлар ва даштда йўл ўтказаман”.

– Ишаъё 43:18-19



Худони яқиндан таниб-билишимиз учун, биз ўзгаришларга тайёр бўлишимиз зарур. Ўзгаришлар амалга ошиши учун чўлдан яхшироқ жой йўқ. Манашу ҳосилсиз ва унутиб юборилгандек туюлган ерда, ўз кўзларимиз билан Муқаддас Рухнинг янги ҳаракатини кўрамиз.

Кўпчилик: “Ўзгаришларни кўриш учун, нега оғир ёки ташналик вақтларидан ўтиш керак?” – деб сўрайдилар. Ушбу бобда биз бунга жавоб топишга уриниб кўрамиз.

Мен ўн саккиз ой давомида, қийин чўлдан ўтганимдан сўнг, бир қанча вақт ўтиб, Флорида штатидаги бир жамоатда ёшлар чўпони қилиб тайинландим (бу жуда кўп йиллар илгани бўлган!). Бу жамоат ўша пайтда Америкадаги энг тез ўсаётган жамоат эди. Мен эса ёшлар чўпони хизматида тажрибага эга бўлмаганим учун, бироз иккиланар эдим. Аммо у ерга мени Худо юбораётганини ва шижоат билан Уни изласам, ҳаммаси яхши бўлишини билар эдим.

У ердаги ёшлар хизмати анъанавий услуб бўйича қурилган эди, бу услубга кўра ёшлар турли хил қизиқарли машғулотларга жалб этилган эди. Афсуски, уларнинг кўпчилиги руҳан ўсмас эди. Уларнинг аксарияти назоратсиз ҳаёт кечирар эди. Мен бу хизматга қўйилганимдан сўнг, Муқаддас Рух менга: “Сен уларга тавба қилиш, муқаддаслик, итоаткорлик ва ҳокимият тўғрисида воизлик қилишинг зарур” – деб айтаётганини ҳис этдим. Мен бу ҳақда воизлик қилишни ва таълим беришни бошладим, шундан сўнг, хизматда кескин

Ўзгаришлар бошланиб кетди.

Натижалар ақл бовар қилмас даражада эди. Бор-йўғи бир неча ойнинг ичида ёшлар сафи уч баробарга кўпайди. Кўпчилик безори гуруҳларнинг ва оқимларнинг аъзолари ёки шунчаки Худодан узоқда бўлган ёшлар Исо Масиҳни қабул қилишни бошладилар. Ёшлар хизматидан кетиб қолган кўпгина гуруҳлар ҳам, яна ёнишни бошлади. Ҳаммамиз Худонинг мўл-кўл ҳузуридан бахтиёр эдик ва Унга бўлган севгимиз янада ўсиб борар эди. Худо бизни ва уринишларимизни сероб марҳаматлар эди.

Далласдаги биринчи чўл мавсумидан чиққач, ҳаётимда энди ҳеч қачон чўл мавсуми бўлмайди деб ҳисоблар эдим. Чунки мен энди, ўз даъватимда эдим ва Хушхабарни воизлик қилар эдим. Агар Исо бир марта чўлдан ўтган бўлса, мен билан ҳам шундай бўлади деб ўйлар эдим. Мен нақадар хато ўйлаган эканман! Мени ҳали яна кўп тозаланиш ва мустаҳкамланишлар кутиб турган экан, қолаверса, чўл мавсуми ҳақида бошқа кўп нарсаларни билиб олишим керак экан. Олдинги ўн саккиз ой, кейинги чўлга тушган пайтимга нисбатан болалар ўйинига ўхшаб қолди.

Муқаддас Рух бизнинг хизматчилар жамоамизга кўплаб янги ғояларни берар эди. Бу биз чўл мавсумидаги тайёргарликдан сўнг, “Худо томонидан юборилганимизда”, яъни бизга янги самовий шароб берилганда амалга ошади. У бизга Мусо, Довуд, Юсуф ва бошқалар сингари, қай тарзда самарали ва маҳсулдор бўлиш кераклигини кўрсатади.

Бизнинг ёшлар хизматимиз бошдан кечирган ўша руҳий ўсиш, дарҳақиқат нотабиий эди. Бироқ шу билан бир қаторда, мен ичимда кучли юкни ҳис этар эдим, бу юк фақат бизнинг маҳаллий гуруҳимиз билан боғлиқ эмас эди. Мен биз бутун Марказий Флоридадаги ёшларни Худога олиб келишимиз зарурлигини ҳис этар эдим. Хуллас, бир кун ибодат вақти менга қуйидагича ғоя келди: “Ёшлар хизматимизни ойнаижаҳон орқали узатсак қандай бўлади?” Ўша вақтларда – 1980-йилларнинг ўртасида, - бу одамларга воизлик

қилишнинг энг яхши йўли эди. Ўша пайтларда интернет, ижтимоий тармоқлар, “YouTube”, смартфонлар – бир сўз билан айтганда, ҳеч нарса йўқ эди. Мен энг кучли маҳаллий телевизион тармоқлардан бири, қарийб тўрт миллион аҳолига ахборотни етказиб бериш имконига эга эканини билиб олдим. Ажабланарлиси шундаки, бу тармоқда шанба кuni соат 22-00 да бўш эфир вақти бор эди. Бу ёшларни “ушлаш” учун яхши вақт эканини билар эдим.

Мен бу ҳақда катта чўпонга айтдим, у эса бuni амалга ошириш учун маблағ йўқлигини айтди. Мен ундан, ойнаижаҳонда чиқиш учун ёшларимиздан моддий ёрдам йиғишим мумкинми, деб сўрадим. У рози бўлди, мен уларга гиёҳвандликдан, ароқхўрликдан ёки бошқа муаммолардан азоб чекаётган Марказий Флоридадаги ёшларни қай тарзда Раббийга олиб келиш мумкинлиги ҳақидаги, ўз ғоямни тақдим қилдим. Ёшлар хизматидагилар бу ғояни англаб етишди ва ўз маошларидан моддий ёрдам ажратишга бел боғлашди, уларнинг айримлари газета тарқатар, айримлари тезкор овқатланиш жойларида, бошқалари шахобчаларда ишлар эди. Натижада, биз ҳар ҳафта шанба кунлари кечги ойнаижаҳон орқали хушхабар айтиш учун етарлича маблағ йиғишга муваффақ бўлдик.

Бизнинг катта чўпонимиз бундан ҳайратга тушди ва бу ғоя Худодан эканини тушунди. Бу янги шаробнинг натижаси эди, чунки ҳали ҳеч ким шу пайтгача шанба кuni кеч соат 22:00 да ойнаижаҳон орқали жамоатдаги ёшлар хизмати узатилиши ҳақида эшитмаган эди. Бу нарса иш берди. Тез орада, Хушхабарни эшитган жонлар хирмонининг гувоҳи бўлдик, агар биз “янги шароб”ни қабул қилмаганимизда эди, бу нарса содир бўлмасди. Мен ёшлар хизматининг чўпони ўрнидан кетганимдан кейин ҳам, бизнинг “Оташин ёшлар” деб аталган теледастуримиз орқали ҳаёти ўзгарган кишиларнинг гувоҳликларини кўп йиллар давомида эшитиб юрдим.

Ўзгаришлар – бу яхши

Тез орада ёшлар хизматига яна қайтамыз. Лекин аввал, келинг, янги шароб нима экани ва унинг аҳамияти ҳақида гапирамиз.

Худо бизни ундайдиган ўзгаришлар, аксарият ҳолларда ўта қийин кечади, аммо доим яхши ва маҳсулдор бўлади. Одатда биз ўзгаришларга қарши чиқамиз, негаки улар бизнинг қулайлик даражамизга таъсир кўрсатади. Биз ўз одатларимиздан ташкил топганмиз дейишимиз мумкин. Уларни тадбиқ этганимиздан эътиборан, уларни ўзгартириш жуда қийин. Лекин Унинг шоҳлигида янада самарали бўлиш учун, биз ўзгаришларга очиқ туришимиз лозим.

Агарда биз художўй оилада ўсган бўлсак, бизнинг одатларимиз, услубларимиз ва имонимиз билан боғлиқ анъаналаримиз ёшлигимиздан бошлаб бизда шаклланиб келган ва чуқур илдиз отган. Албатта, ҳамма анъаналар ҳам нотўғри эмас, бироқ одамлар юракларига қулоқ солиб эмас, фақатгина анъанадан келиб чиқиб ҳаракатлансалар, унда бундай киши ўз имонини фақат ўлик ишлар орқали кўрсатиши мумкин.

Аслида, бундай ишлар, бориб-бориб руҳий қалъага ҳам айланиб кетиши мумкин. Инсон диндорлик ҳолатигача инқирозга учраган бўлса, у художўйликнинг фақат ташқи кўринишига эга бўлади. Бундай киши Худо олдин амалга оширган нарсаларни ушлаб олиб, ҳозир амалга ошираётган нарсаларга қаршилик қилиши мумкин.

Исо давридаги фарзийлар ва бошқа диний раҳбарлар айнан шундай бўлишган. Улар Иброҳимнинг фарзанди, аҳднинг ўғиллари ва Мусонинг шогирдлари бўлганидан мақтанишган. Худо қилган ишларни қаттиқ тутиб, ўрталарида турган Худонинг ўғлига қаршилик кўрсатардилар. Улар ўз анъаналарига ва сажда қилиш тимсолига рашк билан ёндошар эдилар, шу боис Худонинг ўғли келиб, уларнинг ҳаётидаги ҳар битта қулай ва турғун бўлган соҳаларига ўзгариш олиб келмоқчи бўлганида, Унга қарши чиқардилар. Исо уларга

бир нарсани, Худо уларнинг шартларига мослашмаслигини аниқ кўрсатди... аксинча, улар Худонинг шартларига мослашиши зарур эди. Улар эса ушбу ўзгаришларга қарши курашар ва ўзларининг анъаналарига тиш-тирноғи билан ёпишар эдилар.

Фақат диний бўлган одам, ўзига нисбатан оқ суюклик муносабатини, - “Худо фақат биз орқали ва бизнинг чизиқларимиз бўйича ҳаракатланади” – деган муносабатни шакллантиради. Бундай муносабат хурфотга ва бунинг олди олинмаса, охир-оқибат нафрат ва хоинликка олиб келади. Исо даврида, айнан мана шундай ҳодиса юз берди ва бу Жамоат тарихи бўйлаб ҳам юз бериб келмоқда.

Биз ўзгаришимиз, имоннинг бир даражасидан, иккинчи даражасига ўтишимиз учун, қўлайлик доирамизни қолдириб, Худонинг Руҳи бошқараётган томонга қараб боришимиз керак. Бу йўл бизни одатда, Худо бераётган янги ҳаётнинг боши бўлмиш, чўлга олиб келади.

Биз бу кетма-кетликни Яҳё чўмдирувчининг ҳаётида кўришимиз мумкин. Унинг отаси руҳоний эди ва бир вақт келиб, олийруҳоний ҳам бўлди. Яҳё Иерусалимдаги мактабда ўқиб чиқиши ва Гамалиил исмли машҳур руҳоний бошқарувида ўқиши шарт эди. Бироқ Раббийнинг Руҳи бир кунни уни чўлга ундади. Яҳё ибодат қилган сари, чўлга бориш учун ички ўндовни кучлироқ ҳис этар эди. Аминманки, унинг ичида зиддият туғилган, эҳтимол, у қуйидагича мулоҳаза қилгандир:

“Менинг бирга ўсган барча ўртоқларим “Муқаддас Китобни ўрганиш мактаби”га кирадилар. Улар у ерни тугатгач, халқ ардоқлайдиган раҳбарлар бўлиб етишадилар.

Улар руҳий хизматга бағишланиб, давлатнинг ҳар битта синагогасида воизлик қилишлари мумкин. Улар мен ҳақда нима деб ўйлайдилар? Агар мен “Муқаддас Китобни ўрганиш мактаби”га кирмасам, ўз даъватимни қандай амалга ошира оламан?

Мен ҳаётимда даъватга эга эканимни биламан. Менинг отам,

юқори ўриндаги фаришта, унга менинг туғилишим ва хизматкор бўлишим ҳақида билдирганини айтган. Борди-ю, мен манашу чўлга кетсам, ҳеч ким менинг кимлигимни билмайди. Одамлар мени ҳеч қачон воизлик қилиш учун таклиф қилмайдилар”.

Бироқ, Яхёнинг юрагидаги кўйдираётган чўлга бориш ундови, унинг онгига ҳужум қилаётган барча саволларни босиб кетди ва у Рухнинг ортидан чўлга боришга қарор қилди. Биз у ҳақда ўқиймиз: “Чақалоқ эса улфайиб ва руҳан қувватланиб, Исроилга зоҳир бўладиган кунигача саҳроларда бўлди” (Луқо 1:80). Қизиғи шундаки, Яхё ўз чўлига тайёргарликни болалигидан бошлаган ва бор-йўғи олти ой давом этган хизматига йиллар давомида тайёрланган. Лекин, барибир, Исо у ҳақда “аёлдан туғилганларнинг” орасида ундан буюкроқ пайғамбар бўлмаган дейди.

Худонинг Сўзида Яхё дуч келган чўлларнинг ва ҳолдан тойдирадиган вазиятларнинг сони, уларнинг қанча вақт давом этганлиги ёзилмаган. Луқо 3:2 да айтилган: “Ҳанан ва Каяфа олийруҳонийлиги пайтида, саҳрода яшаётган Закариёнинг ўғли Яхёга Худонинг сўзи келди”. Ҳанан ва Каяфа Худодан узоқдаги диний тизимга айланиб қолган эътиқодда яшаб юрган бир пайтда аёвсиз ва қурғоқчил бўлган жойда янги идиш шаклланаётган эди. Мана янги шароб қаерда намоён бўлиши керак эди.

Худо Яхёни, унинг кунларидаги донғи кетган “Муқаддас Китобни ўрганиш мактаби”да эмас, балки чўлда тайёрлади! Яхё томонидан чўлда воизлик қилинаётган Худонинг Сўзини тинглаш учун Яҳудия ва Иерусалимдан тумонат одам келар эди. Диний муассасаларда эмас, балки чўлда Рухнинг янги ҳаракати бошланди – янги шароб қўйилди. Диний иккиюзламачилиқдан ва анъаналардан чарчаган ва чин юракдан ўзгаришни истайдиган кишилар, Худо Ўғлининг келишига тайёргарлик кўриш учун Яхёнинг олдига чўлга келар эдилар.

Бундан тез ўтмай, Исо Яхё томонидан чўмдирилиш учун Ирдун дарёсига келди. Яхё Исони чўмдиришга лойиқ эмаслигини билса-да,

Чўлдан қандай ўтиш зарур

#5 Уй қурманг; чодирда яшанг

Чўл вақтинчалик жой эканини ва сиз ундан ўтиб, манзинглизга етишингиз кераклигини ҳеч қачон унутманг. Шу боис, чўлда бўлганингизда, чодирда яшанг. Ва уй қуришни ҳаёлингизга ҳам келтирманг!

Исроилликлар чўлда бир неча ўн йиллар давомида кезган бўлса-да, бу Худонинг режаси эмас эди. Худо ҳақиқат туюлган ҳолатнинг таъсирига тушиб, исроилликларга яхшироқ жой топиб, у жойга ўрнашишни ва уй қуришни буюрмади. Йўқ, улар чодирда яшадилар ва ҳар сафар йўлбошчи булут қўзғалганида, нарсаларни йиғиштириб, йўлда давом этишга тайёр эдилар. Чўл ҳар доим охири манзил эмас, балки вақтинчаликка белгиланган жой эди. Худо бирор марта уларга шундай деб айтмади: “Биласизларми, чўл унчалик ҳам ёмон жой эмас. Ваъда қилинган Ерни кимга кераги бор? Пойдевор солиш учун манашу ерни ковланглар ҳамда ўзларинг ва Мен учун мустаҳкам уйлар қуриглар”. Ҳатто Худонинг Ўзи ҳам бутун чўл сафари давомида чодирда яшади.

Чайлалардан қурилган шаҳарчада дам олиш, балки қизиқарли ва ҳатто қисқа вақт учун ёқимли ҳам бўлиши мумкин, бироқ кўпчилигимиз очиқ жойни қолдириб, ҳақиқий уйда яшашни маъқул кўрган бўлар эдик. Янглишиб кетманг, чўлда пойдевор солманг. Доим нарсаларингизни йиғиб, то эски чайлангизни уйингизнинг омборхонасига қўймагунингизча, йўлингизда давом этишга тайёр туриг.

Исо уни бунга мажбурлади. Исонинг хизмати, Худонинг Руҳи ўша пайтда ерда амалга ошираётган ишларидан келиб чиқиши зарур эди. Шундан сўнг, Исо Руҳ билан тўлишди ва шу заҳоти, чўлга олиб кетилди.

Муқаддас Китоб Исо чўлга олиб кетилишидан олдин Руҳ билан тўлишганини аниқ кўрсатмоқда, қирқ кунлик синов ва васвасалардан кейин, У чўлдан Руҳнинг кучида қайтиб келгани айtilган. Исо ерга қандай хизматни кўзлаб келган бўлса, шу хизмат учун чўлдаги вақт орқали отланган эди. Шундан сўнг, Яҳёнинг хизмати бошланганига бир неча ой ўтиб, чўлда яна бир янги ҳаракат – Исо Масиҳнинг хизмати бошланди.

Янги идишлар

Исо Ўз хизматини бошлагач, тез орада қўйидаги сўзларни ўқиймиз: “Шунда улар Унга: – Мана, Яҳёнинг ҳамда фарзийларнинг шогирдлари тез-тез рўза тутиб, ибодат қиладилар. Сенинг шогирдларинг эса еб-ичиб юрибдилар, – дедилар” (Луқо 5:33). Авваламбор, Унинг ёнига келганлар, яъни “улар” кимлар эканини билиб олиш зарур. Биз бунинг жавобини Матто Хушхабариде топамиз: “Шунда Унинг олдига Яҳёнинг шогирдлари келиб...” (9:14). Кўп йиллар давомида, бу ерда фарзийлар ҳақида гап боряпти деб ўйлаб юрар эдим, бироқ улар Яҳё Чўмдирувчининг шогирдлари бўлганини билиб олгач, Худонинг Каломидеги бу матн менга умуман бошқача тарзда очилди! Бу одамлар ғазабда эдилар, чунки улар кўпинча овқатдан рўза тутишар ва узоқ вақт давомида ибодат қилишар эдилар, аммо Исонинг шогирдлари бундай қилмас эдилар. Яҳёнинг издошлари фидокорона ҳаётда яшар, бироқ уларнинг бор эътибори Исонинг шогирдларига қаратилган эди.

Яҳёнинг кунларида Худо Руҳи ҳаракатининг муҳим жиҳатларидан бири, беҳисоб рўзаларда эди. Аммо Яҳёнинг шогирдлари янги даврга ўтмадилар ёки Яҳё хизматининг намунасидан, Худонинг

Рухи ҳозир амалга ошираётган фаолиятга ўзгармадилар. Унинг шогирдлари фақат, уларнинг хизмат ва сажда услуби ҳосил келтиради, деб ишонар эдилар. Улар Яҳё Чўмдирувчининг ортидан борганларида, ўз оилаларини қолдириб, чўлда яшашни бошладилар ва ҳашоратлар билан озиқланиб, ўз хизмати учун катта нарх тўладилар, бироқ энди уларнинг раҳбари қамоққа тушиб қолди. Янги Хизматкор эса Яҳё издошларининг қоюдалари бўйича юрмайдиган, Ўз шогирдларига эга эди. Яҳёнинг жамоасидагилар хафа бўлишган эди ва улар диний бўлиб қолиш хавфига эга эдилар.

Ёдингиздами, диний руҳлар, доим Худо шу пайтгача амалга оширган нарсаларни маъқуллашади, бироқ У ҳозир амалга ошираётган нарсаларга қарши чиқадилар. Эҳтимол, Яҳёнинг издошлари Худо ҳозир айтаётган ва амалга ошираётган нарсалардан кўра, ўз раҳбарига бўлган садоқатини сақлаб қолиш ва унинг издошига лойиқ тарзда йўл тутиш учун кўпроқ қайғургандирлар. Уларнинг диққати энди Худонинг юрагига қаратилмаган эди. Уларнинг диққат марказида, уларни қачонлардир Худонинг юрагига олиб келган услуб турар эди.

Уларда мағрурлик ва хафагарчилик пайдо бўлишни бошлади. Яҳёнинг шогирдлари, унинг хизмати учун ўз вақтини, балки пулларини ҳам сарфлагандирлар. Энди улар амалга оширган, асраган ёки қўлга киритган ютуқлари хавф остида эди. Оқибатда уларнинг йўлбошчиси Исо ҳақида, ҳатто: “У ўсиши, мен эса кичрайишим керак” (Юҳанно 3:30) деб айтган бўлса ҳам, улар ўзгаришларга юрагини ёпдилар ва бунга қарши турдилар.

Исо уларга нима деб жавоб берганига қаранг: “Тўйдаги меҳмонларни кўёв улар билан бирга бўлганида, рўза тутишга мажбур қила оласизми?” (Луқо 5:30). Исо уларнинг диндорлигини фош қилиб, шундай деди: “Худонинг Ўғли уларнинг ўртасида турганда, уларга рўза тутишнинг нима кераги бор? Агарда улар Худодан ниманидир сўрашни истасалар, шунчаки Менинг олдимга келишлари мумкин!” (Бизнинг тилимиз билан айтганда).

Диндорларча тафаккур, уларни Худога фақат рўза ёки бошқа диний фаолиятлар орқали маъқул бўлиш мумкин деб ишонишга мажбур этар эди. Улар учун рўза Худога келишнинг йўли эди ва улар ўзларини рўза тутмайдиганлардан (ёки уларда бор бўлган услублардан фойдаланмайдиганлардан) устунмиз деб ҳисоблар эдилар. Шу аснода, улар кибрга берилдилар. Услубнинг ўзи, у бошида олиб келган ҳосилдан кўра муҳимроқ бўлиб қолди.

Овқатдан рўза олишнинг имтиёзлари кўп бўлишига қарамай, бу инсон Худони йўлга солишининг бир услуби эмас; рўзанинг мақсади – сизни Худонинг гапларини яхшироқ эшитиш ҳолатига олиб келишдир. Худо уларнинг ёнида турган бўлса, Уни эшитиш учун рўза тутишнинг нима кераги бор? Келинг, Луқо 5:34-35 да Исонинг жавобини ўқишда давом этамиз: “Исо уларга: – Тўйдаги меҳмонларни кўев улар билан бирга бўлганида, рўза тутишга мажбур қила оласизми? Аммо кўев улардан олинадиган кунлар келади, ўшанда рўза тутадилар, – деди”.

У “балки улар ўша кунни рўза тутарлар” демаяпти. У улар рўза тутадилар деб айтаяпти. Бу одамлар фақат овқатдан рўза олиш ҳақида сўраган эдилар, аммо Исо уларга рўзанинг бошқа тури ҳақида айтди. Эътибор беринг, улар ўрталаридан Кўев олиб қўйилганда рўза тутадилар. Исо овқатни эмас, балки ўзининг яққол ҳузурини назарда тутаяпти. Биз бунни, у бу сўзлардан сўнг айтган ҳикмат орқали биламиз. Ёдингиздами чўлнинг сифатларидан бири – Худо ҳузурининг сезиларли даражада етишмаслиги ҳисобланади.

Келинг, У нимани назарда тутганини тушунтириб берадиган ҳикматни ўқиймиз:

“Шунингдек, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Акс ҳолда, янги шароб мешни йиртади ва тўкилиб кетади, меш ҳам яроқсиз бўлади” (Луқо 5:37).

Муқаддас Китобда шароб Худо ҳузурининг тимсоли

ҳисобланади. Повул Эфесликларга 5:18 да дейди: “Шунингдек, бузуқлик келтирадиган шароб ичиб маст бўлманглар, балки Рухга тўлиб-тошинглар”.

Биз руҳ, яъни Худонинг ҳузури билан тўлишимиз зарур! Янги шароб – Худо Рухининг янги ҳаракатини билдиради.

Ушбу муҳим саволни яна бир марта қисқача кўздан кечиришга ижозат беринг. Сиз эндигина руҳ билан тўлишган, ўша ажойиб дамлар ёдингиздами? Ўшанда Худонинг ҳузури ёқимли ва сероб эди. Сиз ҳар сафар ибодат қилганингизда, шу заҳоти Унинг ҳузури сизни тўлдирар ва сиз бутун кун давомида Уни ёнгангизда ҳис этар эдингиз. Вақти-вақти билан, жамоатда шунчаки ўтириб, Унинг яқинлигидан, йиғлар эдингиз.

Аммо кўп вақт ўтиб, бир куни, Унинг ҳузури сиздан узоқлашиб қолганини сезиб қолдингиз. Сиз олдингидек ибодат қилишни давом эттирар эдингиз, бироқ энди: “Худо, қаердасан?” – деб сўраяпсиз. Сиз чўлга келдингиз!

Чўл ёки Худонинг ҳузуридан рўза тутиш маълум бир мақсадга эга. Сиз янги меш бўлишингиз учун Худо сизни тайёрляпти. Сиз янги шаробни ёки Муқаддас Рухнинг янги ҳаракатини эски мешларга қуя олмайсиз.

Исо даврида ишлатилган мешлар қўйнинг терисидан ясалган эди. Бу мешларга биринчи марта шароб қўйилганда, улар эгилувчан ва юмшоқ бўлган. Шароб кенгайганида, меш осонгина чўзилар ва ҳеч қандай тўсқинликсиз ўзгариш хусусиятига эга бўлган. Бироқ Яқин Шарқдаги ҳаво, йиллар ўтиб, уни қуритиб ташлар ва идиш қаттиқ ва мўрт бўлиб қолар эди. Шунда, ундан эски шаробни олиб, янғисини қўймоқчи бўлсангиз, у қаттиқ ва мўрт бўлиб қолгани сабабли, шаробнинг оғирлигини ҳам, унинг бижғишини ҳам кўтара олмас эди ва у осонликча ёрилиши ёки йиртилиши мумкин эди. Бу муаммони бартараф этиш учун эски мешлар бир неча кун давомида сувга ивितिб қўйилиб, сўнг унга зайтун ёғи суртилган. Бу мешнинг юмшоқлигини ва эгилувчанлигини тиклаган.

Бу жараён бизнинг ҳаётимизда ҳам содир бўлади, негаки биз ҳам янги руҳий шароб учун мешлар саналамиз. Биз Худонинг ҳузурини олиб юриш учун даъват этилганмиз. Биз яшаётган муҳит, бизни Худонинг йўлларига сезгир бўлишдан маҳрум этиши мумкин. Биз самода яшаётган эмасмиз; биз дунё деб аталадиган чирик муҳитда яшамоқдамиз. Шу боис, бизнинг онгимиз янгиланиб туришга муҳтож. Бизнинг мешларимиз доим эгилувчан бўлиши ёки янги шароб қўйилишига тайёр туриши учун, биз “ивитилиб” қўйилган ёки Худонинг Сўзи билан сингдирилган бўлишимиз зарур. Повул Эфесликларга 5:26 да қўйидагича ёзган: “Масих жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади”. Мешларга зайтун ёғи сурилиши, бизнинг ибодатда ўтказган вақтимизга ўхшайди. Биз Худо билан Сўз ўқишда ва ибодат қилишда вақт ўтказганимизда, бизнинг онгимиз янгиланади ва биз шафқатсизликдан шифоланамиз ҳамда ўз йўлларимизда ва услубларимизда қаттиқ туриб олмаймиз.

Эски мешларни янгилашдан аввал, ундаги эски шаробни тўкиш лозим! Мешдаги шоробнинг йўқлиги – Худо ҳузурининг яққол тарзда йўқлигини билдиради! Бу Худонинг сезиларли даражадаги ҳузуридан рўза олиш ёки биз юқорида айтганимиздек, қуруқ мавсумни бошдан кечиришдир. Бундай даврда сиз ўзгаришларга тайёрланасиз!

Худо нега Ўзининг сезиларли ҳузурини сиздан олиб қўяди? Сиз ноумидликка тушинингиз учунми? Йўқ, гарчи бундай ҳолатлар юзага келиб турса ҳам! Худо сиз Унга керак бўлиб қолгунингизча, сизни “жавонга олиб қўяди”ми? Йўқ! Сиз Унинг ҳузурини янада тиришқоқлик билан излашингиз учун, У Ўз ҳузурини сиздан олиб қўяди. Уни қидириш, сизни яна юмшоқ ва эгилувчан қилади. Қаттиқ ва мўрт одамлар – Худони қидиришдан тўхтайдилар. Улар ўзларининг илк ҳақиқий кечинмаларидан олган тажрибалардан келиб чиққан услуб ва формулаларига маҳкам тирмашиб оладилар.

Яҳё Чўмдирувчининг шогирдлари айнан шундай вазиятга

тушиб қолдилар. Улар Худо Яҳё орқали қудратли ишлар амалга оширганини кўриб, унга эргашдилар. Бироқ самовий мукофотга – Худони яқиндан таниб-билишга интилишда давом этишнинг ўрнига, ўз эътиқод ва услубларидан нарига ўтмайдиган бўлиб қолдилар.

Худонинг ҳар битта ҳаракатида янги таълимотлар пайдо бўлади. Соғлом таълимот ва назариялар – бизни Худонинг юрагига яқинлаштиришга қодир. Аммо, борди-ю биз таълимот ёки назариянинг ўзига тўхталиб қолсак, охир-оқибат улар бизни диндорлик қўллигига, қонунчиликка, адашишларга ёки бирйўла буларнинг ҳаммасига дучор қилади.

Сиз шунга ўхшаш сажданинг мўрт услуби билан Худони таниб-била олмайсиз, бироқ аксарият масиҳийлар ўзлари сезмаган ҳолда, мана шундай ҳаёт тарзига тушиб қоладилар. Улар ўзларининг сажда қилиш йўли ва қоидасини ўрнатадилар. Сўнг, охир-оқибат, намунали масиҳий бўлиш кераклиги ҳақидаги билимларга эга бўлгач, Уни излашни тўхтатиб, ўзлари белгилаган одат ва анъаналар бўйича яшашни бошлайдилар. Шунга қарамай, улар Хушхабарга биноан яшаяпман деб ҳисобласалар-да, ўзларини бўм-бўш ҳис этадилар.

Йермияҳ 29:12-13 да ёзилган:

“Сизлар келиб, Мени чорлайсизлар ва ибодат қиласизлар, шунда Мен сизларни эштаман. Сизлар Мени излайсизлар ва агарда бутун юрагингиз билан изласангизлар Мени топасизлар”.

Уни топиш учун биргина ибодатнинг ўзи етарли эмас. Диний формулалар билан боғлиқ бўлган ва доимий равишда ибодат қиладиган одамлар кўп. Худо ибодатларимизда ғайрат билан Уни излашимиз зарурлигини айтган. У бу матнда, Уни қидиришимиз зарурлигини аниқ тарзда кўрсатмоқда ва буни амалга оширишда шунчаки одатларни бажаришдан кўра кўпроқ нарса талаб этилади. Бунинг учун ёниб турган юрак ва Унинг юрагини тушуниш учун

интилиш керак бўлади. Мана нима учун Худо Ибронийларга 11:6 да деган: “Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ. Чунки Худонинг олдига келадиган одам Унинг борлигига ва Уни изловчиларни У тақдирлашига ишониши керак”.

Энди, келинг, Исонинг сўзларини яна бир марта ўқиймиз:

“Шунингдек, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Акс ҳолда, янги шароб мешни йиртади ва тўкилиб кетади, меш ҳам яроқсиз бўлади. Аксинча, янги шаробни янги мешга қуйиш керак, шунда у ҳам, бу ҳам сақлаб қолинади. Ҳеч ким эски шаробни ичиб, ўша заҳоти янгисини истаб қолмайди. Лекин у: “Эскиси яхшироқ”, – деб айтади” (Луқо 5:37:39).

Эски шаробга ўрганган бирорта киши, ўша заҳоти янгисини истамайди. Бу матндаги муҳим сўз “шу заҳоти” ҳисобланади, негаки биз – одамлар, маълум бир одат ва ҳатти-ҳаракат тарзидан ташкил топганмиз. Худо бу қулайлик доирасини бузиши, бизни эски шаробдан бўшатиши ва бизда янги широбга чанқоқлик пайдо бўлиши учун, шаробсиз, қуруқ тайёргарлик вақтига боришимизга замин яратиши лозим. Сиз чанқаб, ичишга ҳеч нарса тополмаганингизда: “Янги шаробни истамайман, эскисини истайман” – деб шикоят қилмайсиз. Агарда сиз Худонинг ҳузури ва кучини истасангиз, сиз ҳаётингизда Худо Руҳининг янги ҳаракатига очиқ бўласиз. Сиз Довудга ўхшаб, ўз чўлингизда қуйидагича гапирасиз:

“Ё, Худо! Сен менинг Худойимсан, Сени эрта тонгдан излайман. Менинг жоним Сенга ташна. Қурғоқ, чанқоқ ва сувсиз ерда менинг танам Сенга талпинади, токи Муқаддас Маконда кўрганимдек, Сенинг кучингни ва шўҳратингни кўрайин” (Санолар 62:2-3).

Довуд Унинг ҳузурига ва кучига чанқоқ бўлган. Натижада, у даъват этилган юмушига қўйилганида, Раббийнинг истаклари учун

эгилювчан бўлган. Шоул эса ундан фарқли ўлароқ, Худонинг йўллари эмас, ўз хоҳишлари бўйича йўл тутган.

Яна битта чўл

Ушбу бобнинг бошида айтиб ўтганимдек, ёшлар чўпони бўлиш, менинг илк чинакам ўқитувчилик хизматим эди. Ойнаижаҳон орқали узатиладиган ёшлар йиғинлари катта муваффақиятга эга бўлди. Биз шунингдек, бизнинг минтақамиздаги мушхурлиги бўйича иккинчи ўринда турадиган радио бекати орқали қисқа хушxabар дастурларини ҳавола этар эдик. Ҳаммаси кўнгилдагидек эди.

Лекин бир куни ибодат қилаётган пайтим, Худонинг Руҳи менга ўзгаришлар келаётгани ҳақида айтиб: “Сен ёшлар чўпони хизматидан четлатиласан ва Мен сени Американинг Ғарбий Қирғоғидан Шарқий Қирғоғигача, Канаданинг чегарасидан Мексиканинг чегарасигача, Аляска ва Гавайдаги жамоат ва анжуманларга юбораман...” – деди.

Лизага Худо менга очганларини айтиб бердим ва биз бу ҳақда юрагимизда ўйлай бошладик. Биз бунини бошқа штатдаги чўпон дўстимиздан ташқари, ҳеч кимга айтмаган эдик. Худо бунини Ўзи амалга оширишини айтди ва борди-ю, бу сўз Ундан келган бўлса, бунини амалга ошишида менинг ёрдамимнинг ҳожати йўқ эди.

Бироқ, бир йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳам, ҳеч нарса содир бўлмади. Бу кутиш даври мобайнида, Худонинг ҳузурига киришим тобора қийинлашиб бораверди ва оқибатда бу умуман имконсиздек туюлиб қолди. Мен ибодатга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ вақт ажратишни бошладим, аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Бундан ташқари, менинг ёшлар хизмати учун олган ғояларим ўз аҳамиятини йўқота бошлади (эски шароб тўкилиб кетаётган эди). Қанча ибодат қилсам, менинг хизматимнинг шашти шунча пасайиб кетаверди. Ташқи томондан ҳеч нарса ўзгармаган бўлса-да, бироқ ичимдаги интилиш сусайиб борар эди.

Мен ёшлар хизмати бошлангунича соатлаб ибодат қилар

эдим, ҳатто бир-икки марта Худодан, воизлик қилиш учун бирор кишини юборишини ёлворган эдим. Мен хизматга бўм-бўш ҳолда жўнардим, аммо хизмат пайти Худонинг ҳузури мени ёпинғичдик қоплар эди. Хизматни тугатиб, уйга етай деб қолганимда, Унинг ҳузури бир-неча ҳафтага, яна қаёққадир ғойиб бўлар эди!

Устига-устак, бизнинг ҳаётимизга, биз бундан олдин ҳеч қачон бошимиздан кечирмаган ташқи ва ички қийинчиликлар бошланди. Мен буларнинг барига, эҳтимол, ўзим сабабчиман деб ўйлаб, ҳар битта эсимга тушган гуноҳларим учун тавба қилар эдим, аммо қурғоқчиликдан озгина бўлса-да енгиллик сезилмасди.

Бир куни қайтадан гуноҳларим учун тавба қилишга уринганимда, Раббий шундай деди: “Сен бу чўлга гуноҳ қилганинг учун келганинг йўқ! Мен сени олдиндаги ўзгаришлар учун тайёрлаяпман”.

Худо хизматимнинг кейинги босқичидаги Унинг даъватини қабул қилишим учун зарур бўлган ички феъл-атворимни ривожлантираётган эди. Келинг, Ишаё 43:18-19 ни ўқиймиз:

“Сизлар аввалгиларини эсга олмайсизлар ва қадимгилар ҳақида мулоҳаза қилмайсизлар. Мана, Мен янгисини бунёд қилаяпман. Энди у униб чиқади. Наҳот буни ҳам билишни истамайсизлар? Мен саҳрода дарёлар ва даштда йўл ўтказаман”.

Китобнинг давомида, Раббий Ўз вақтида, қандай қилиб мўъжизавий тарзда “тайёрлаб қўйилган ўзгаришлар”ни намоён қилганини сўзлаб бераман. Бу вақт ичида, ҳатто, чўлдаги энг оғир кунларимда ҳам, Раббий мени янги туғиладиган хизматга тайёрлаётган эди. Бу хизматнинг таъсири бутун Америка бўйлаб, кейинчалик бутун дунё бўйлаб ёйилди.

Дўстим, Худо янги шароб келганида, сиздаги эски шаробни тўкиб ташлайди. Сиз эскисига қайтишни истамаслигингиз учун, янгиси билан бирга синовлар ҳам келади.

6

САМОВИЙ МУКОФОТ

«Баъзи одамлар ўзининг ўтмишига қайтадилар ва қачонлардир бошдан кечирган машаққатларини ковлайдилар, сўнгра келажакка қараб, уларда янада кўпроқ қийинчиликлар бўлишини кутадилар, шундай аснода улар бутун ҳаёти давомида тебраниб ва иккиланиб юрадилар».

- Д. Л. Муди

«Биродарларим, мен ўзимни буларга эришганман, деб ҳисобламайман. Фақат орқамдагиларни унутиб, олдимдагиларга интилаяпман. Мен бир мақсад сари, яъни, Исо Масиҳдаги Худонинг олий унвонининг соврини сари интилаяпман».

- Филиппиликларга 3:13-14



Хаворий Повул Янги Аҳд мактубларининг учдан икки қисмини ёзган ва маъжусийлар орасида қўлаб жамоатларга асос солган шахсдир. Унинг хизмати бутун дунё бўйлаб тарқалган, бироқ ҳаётининг якунида у шундай деган: *“Мен ҳали эришганим йўқ”*. У қаноатланмаган ва ўз масофасининг якунига етиб бормагунига қадар ва самовий мукофотни олмагунига қадар тинчланиш пайида бўлмаган.

Ўз масофамизни якунлаш ва мукофотни олиш учун, биз биринчи навбатда ҳали бунга эришмаганлигимизга ўз юрагимизда қатъий ишончга эга бўлишимиз лозим.

Биз ҳали комилликка эришмадик; биз ўзгаришда ва ўсишда давом этишимиз лозим.

Мусо ҳам буюк даъватга эга бўлган, у уч миллионли халқни бошқарган ва бошқаларга қараганда қадимги аҳд мўъжизаларининг ва аломатларининг энг кўп иштирокчиси бўлган. Лекин Худо Мусони ер юзидаги энг камтар (ўрганадиган) инсон деб айтган. У ўзини эришган деб ҳисобламаган, бироқ ўзининг масофасини тугаллаш ва самовий мукофотни олиш учун олдинга боришда давом этган. Ўсиш ва ўзгариш учун, бизлар ўрганувчан бўлишимиз зарур.

Биз Худо учун ўз йўлимизни тугаллаш мақсадида қилишимиз лозим бўлган иккинча нарса, бу орқада қолган ҳамма нарсаларни (ютуқларни ва ғалабаларни) унутушимиз лозим!

Худо Ишаъё 43:18-19 да яна қуйидагиларни айтяпти:

«Ўтмишдагини унутинглар;
 Кечмиш ҳақида ўйламанглар.
 Мана, Мен янгисини қиялпман!
 У аллақачон содир бўляпти – наҳотки тушунмасангиз?
 Мен чўлда йўл,
 ва қақраган ерда дарё ўтказяпман”.

Ўтмишдаги муваффақиятсизликлар, хўрланиш ёки гуноҳлар ҳақида доимий равишда фикрлаш, Масихда олдинга юришга йўл қўймайди. Бироқ, бизни ўтмишдаги ғалабалар ҳам ушлаб қолиши мумкин. Агар биз ўзимизга бино қўйсак ёки ўзимизга ҳаддан зиёд ишонсак ва ўтмишдаги ютуқларимиздан тасалли олиб ўтираверсак, Худо биз учун ҳозир тайёрлаб қўйган нарсаларни қўлдан бой берамиз. Худо Ишаъё 43-бобда айнан шуни назарда тутган. Илгариги ҳаракатлар ҳам Ундан бўлган, лекин олдинга юриш ва У биз учун белгилаган нарсаларни амалга оширишимиз учун, Худо аввал бошқарган йўлларни қолдиришга тайёр бўлишимиз лозим. Акс ҳолда биз эски меш бўлиб қолиш хавфи остидамиз.

Повул манашу ҳақиқатни таъкидлаяпти:

«Мен гўдак бўлганимда, гўдак каби гапирар, гўдак каби фикр юритар, гўдак каби мулоҳаза қилар эдим. Аммо вояга етгач, гўдаклигимни қолдирдим. Ҳозир биз гўё хира ойна орқали тахминан кўраяпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўраемиз. Ҳозир мен қисман билмоқдаман, аммо ўша кунда мен ўзим таниб- билингандек таниб- биламан»
 (Коринфликларга 1-мактуб 13:11-12).

Болани ноҳақ деб айтиб бўлмайди: у шунчаки ҳали етук эмас. Мен беш ёшда бўлганимда, менинг дунёим ўйинчоқ автомобиллар ва қурилмалардан иборат эди. Алифбони айтиб бериш катта ютуқ деб ҳисоблар эдим. Ўша пайтлар мен ҳаётни хира ойна орқали кўрар эдим, чунки унинг мураккаб ва бепоён масалаларини англай

Чўлдан қандай ўтиш керак

#6 Нима қилиш керак эмас

Худонинг Сўзи бизга исроилликларнинг саҳродаги ўқинчли тажрибаси ҳақида айтганига асосан, биз қақшаган жойда вақтинчалик бўлган вақтимизда, қилишимиз керак бўлмаган баъзи нарсалар бор. Аслида бу рўйхат масиҳийлик ҳаётининг ҳар қандай мавсумига тааллуқлидир, аммо эҳтимол, биз саҳрода бўлганимизда ушбу гуноҳларнинг васвасаси кучлироқ бўлади ва биз бундан қийналамиз. Мана биз қилишимиз керак бўлмаган ишларнинг асосий бандлари ёки ҳеч бўлмаса қисман рўйхати.

1. Ёвузликка нисбатан ҳирсли бўлиш. Баъзан, айрилиқлардан сўнг нотўғри нарсалар, ўзимизни яхшироқ, ҳатто бахтиёрроқ ҳис этишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.
2. Бутпараст бўлиш. Бу бизнинг истакларимиз Худонинг Сўзига қарши эканини била туриб уларга интилишни англатади, шунингдек, бирор кишини ёки бирор нарсани Исодан кўра кўпроқ севишни билдиради.
3. Зино ва аҳлоқсизлик васвасасига оғиш.
4. Раббийни синаш.
5. Нолиш, нолиш, нолиш.

олиш учун етарлича етук эмас эдим.

Мен ўн саккиз ёшга кирганимда эса ўйинчоқ автомобиллар ва қурилмалар ўтмишда қолган эди. Энди йиллар ўтиб, мен ҳаётга хира ойна орқали қарамас эдим. Менинг илғаш даражам ва қобилиятим ўсган эди. Ўн саккиз ёшли киши беш ёшли болага ўхшаб йўл тутса бу нормал ҳол эмас. Улғайиб, бизлар илгариги болалик йўлларини ва

Повул Коринфдаги имонлиларга ёзган биринчи мактубида, биз саҳродаги оталаримиздан қандай йўл тутмаслик кераклиги ҳақида кўп нарсаларни ўрганишимизга ишора қиляпти:

Биродарларим, сизлар бу ҳақида билимсиз қолишингизни хоҳламайман: оталаримизнинг ҳаммаси булут остида бўлган эдилар ва денгизнинг ўртасидан ўтган эдилар. Лекин Худо уларнинг кўпларига илтифот қилмади, зеро улар саҳрода йўқ қилиндилар. Улар ёвузликка ҳирс қўйганларидай, бизлар ҳам ёвузликка ҳирс қўймаслигимиз учун улар бизларга намуна бўлдилар. (Коринфликларга 1-мактуб 10:1, 5-6)

Исроилликлар ўзларининг қилмишлари учун катта нарх тўладилар; шундай экан келинлар уларнинг мисолидан дарс оламиз.

Дўстим, сиз саҳрода Худонинг йўлларини ва ҳатто, Унинг юрагини топишингиз мумкин, лекин сиз матонатли бўлишингиз ва ўз юрагингизда сабот билан: «Худо, мен Сенинг эзгу Худо эканингга, мен Сенинг эзгулигингни ва севгингни ҳис этмаганимда ҳам, Сен мени севишингга ишонаман» дейишингиз зарур.

тушунчаларни қолдирамиз ёки уларни унутамиз, улар энди бизнинг эҳтиёжларимизни қондириш ва истақларимизни бажаришда иш ҳам, фойда ҳам бермайди.

Худди шунингдек, биз Худода ўсганимизда ва ҳаёт босқичларидан ўтаётганимизда, илгариги хом нарсаларни қолдиришимиз лозим. Повул биз ҳозир Худонинг йўлларини ва

Унинг шўхратини хира кўрмоқдамиз, лекин самовий мукофотга қанчалик кўп интилсак, то Худони юзма-юзма кўрмагунга қадар, шунчалик аниқроқ кўришимизни айтган. Бошқача сўзлар билан айтганда, биз Худони, У бизни билгани каби билиб оламиз!

Повул таъкидлаб ўтган самовий мукофот нима? У ушбу саволга олдинги оятда жавоб берган. Филиппиликлар 3:10 да шундай деб ёзилган: «Худонинг самовий мукофоти – бу Унинг Ўғли Исо Масихнинг суратига ўхшаб ўзгаридир – У бизни таниб билганидек, биз Уни таниб билишимиздир!» Биз мақсадга эришмагунимизча, чекинмаслигимиз зарур. Бунинг учун ҳеч қачон Худонинг юрагини қидиришдан тўхтамаслигимиз лозим.

Самовий мукофотга эришимиз учун қилишимиз керак бўлган учинчи нарса бу «мақсадга интилишдир». Интилиш биз қаршиликлар ёки босим билан тўқнаш келишимизни англатади. Раббийни таниб-билишга нисбатан қаршилиқ мавжуд.

Шайтон учун энг буюк таҳдид – бу Исо Масихнинг суратига ўзгарган инсон ҳисобланади, зулмат кучлари бошқаларга қараганда, бундай кишига қарши кўпроқ ғазаб билан курашади. Имонлилар Исо Масихнинг суратига ўзгарганида, улар ўзлари учун яшамайдилар, бироқ уларнинг ичида яшайдиган Исо учун яшайдилар. Бу имонлилар ўзларининг Масихдаги ҳаёти билан бу дунёга янада кўпроқ таъсир ўтказадилар. Мана нима учун Повул Уни таниб-билиш учун, биз Унинг азобларида иштирок этишимиз кераклиги ҳақида айтган. У айтган танавий азоб – бу мендаги «менимни» ўлишидир, унинг ортидан эса тирилиш ҳаёти келади! Петъор шундай деб ёзган:

«Шундай қилиб, Масих биз учун Ўз танаси билан азоб чеканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролланинглар. Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишдан тўхтайдди, токи бу танада қолган вақтида инсоний ҳирслар бўйича эмас, балки Худонинг иродаси бўйича кун кечирсин» (Петъорнинг 1-мактуби 4:1-2).

Танасида азоб чеккан одам, ўзи билган йўлдан бормайди ва бу дунёнинг гуноҳли мақсадларига интилмади. Шунда бизда Масихнинг табиати амал қилади! Бу биз эришишимиз лозим бўлган нишондир!

Масих билан азоб чекиб

Масихнинг азоблари нима? Кўплаб одамлар, айрим диний таълимотлар Муқаддас Китобнинг ушбу атамасини бузгани учун, буни нотўғри тушунадилар. Масих билан азоб чекиш касалликдан ўлишни ёки ҳисобларни тўлаш учун етарлича пулга эга бўлмасликни билдирмайди. Бу бир неча ҳафталаб озуқасиз қолиб, ўзингизни Худога қўрбон қилиб кўрсатиш ҳам эмас. Азоб – бу жафо эмас; бу итоаткорлик! Ибронийларга Мактубининг муаллифи Масих азоблари нима эканини аниқ кўрсатяпти:

«Масих танадаги кунларида Ўзини ўлимдан қутқаришга қодир бўлган Худога кучли фарёд ҳамда кўз ёшлари билан ибодату илтижолар қилди ва ҳудожўйлиги туфайли Уни Худо эшитди. У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб чекиш орқали итоат қилишни ўрганди» (Ибронийларга 5:7-8).

Исо итоаткорликни ўзи билан олиб келмади; У итоат қилишни ўрганиши лозим эди. Унга итоат қилмаслик осонроқ бўлган пайтда, У Ўз Отасига бўйсунганини ўрганди. У одамларга эмас, Худога маъқул бўлишга интилар эди. Исо Унинг итоати натижасида, одамлар кўпроқ фойда кўришини билар эди. Петъор ҳақиқий азоб инсоний истаклар бўйича эмас, балки Худонинг иродаси билан яшашни билдиришини кўрсатди. (Петъорнинг 1 мактуби 4:2).

«Масихнинг азоблари» ибораси Худонинг йўли билан боришни англатади, бизнинг онгимиз, ҳиссиётимиз ва туйғуларимиз бизни беғамлик, бу дунёга қўл бериш ва лаззат томонга тортади. Бу

кўпинча тўқнашув авжига чиққанда содир бўлади, Худо бизга бир йўналиш бўйича юришни буюрганида, бизнинг дўстларимиз, оиламиз, ҳамкасбларимиз ва бошқалар бизни бошқа йўл билан боришимизни истайдилар. Афсуски, одатда бундай қаршилик, бизнинг энг яқинларимиз томонидан келади. Ушбу ҳақиқатнинг биз учун мисол бўлган томонини – Петъор Исонинг ўлими ва унинг дафн этилиши билан рози бўлмаганида кўрамиз:

«Шу вақтдан бошлаб, Исо Ўзининг Йерусалимга бориши ва оқсоқоллар, олий руҳонийлар, уламолардан кўплаб азоб чекиб, ўлдирилиши ва учинчи куни тирилиши кераклигини шогирдларига очиқ айта бошлади. Шунда Петъор Уни четга чақириб, таъна қила бошлади ва Унга: – Ўзингга раҳм қил, Ҳазрат. Сен билан бундай бўлмасин! – деди. Лекин У ўгирилиб, Петъорга: – Йўқол Менинг олдимдан, шайтон! Сен Мен учун васвасасан, чунки сен Худонинг нарсалари ҳақида эмас, балки инсоннинг нарсалари ҳақида ўйлаяпсан, – деди» (Матто 16:21-23)

Исо Ўзининг шогирдларига гапириб, У Худога бўйсунуши учун Йерусалимга бориб, азоб чекиши, ўлдирилиши ва учинчи куни тирилиши кераклигини ошкор қилди. Шубҳасиз, Петъор Исонинг тирилиши ҳақидаги гапларини эшитмади, бўлмаса, у Исо Ўзининг яқинлашаётган ўлими ҳақидаги гапларини эшитиб, бунчалик ҳаяжонга тушмас эди.

Наҳотки сиз Петъор ўйлаган нарсаларни эшитмаяпмиз?

«Тўхта, ахир Сен – Масихсанку (бу унга ҳозиргина очилган эди) ва Сен Исроилнинг шоҳлигини тиклашинг ва мустаҳкамлашинг керак. Мен Сенга эргашиш учун ўзимнинг ишимни, хотинимни ва оиламни қолдирдим. Қолаверса дўстларимни йўқотдим. Мен Сенинг ортингдан бориш учун жуда кўп вақтимни сарфладим ва энди менинг муайян обрўйим

бор. Синагогаларнинг етакчилари Сени ақлдан озган деб ўйлашади. Газета ва журналлар Сенинг турган-битганинг зиддият экани ҳақида ёзишади. Сен ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама этиладиган мавзусан ва кўпчиликнинг фикри Сен тарафда эмас. Кўплаб обрўли диншунослар ва раҳбарлар Сени бидъатчи деб ҳисоблашади. Энди эса Сен ўлим ҳақида гапиряпсан. Мен билан эса нима бўлади? Сен билан бирга бўлиш учун сарфлаган вақтим зоя кетади ва мен фақат ёмон отлиқ бўлиб қоламан».

Петъор ўйлаб ўтирмай деди: «Йўқ, Раббий! Сен бундай қилолмайсан!» (ўз сўзларим билан айтганда).

Исо шу заҳотиёқ, Петъорни худбинга ўхшаб, дунёвийларча фикр юритаётганини кўрсатишга мажбур бўлди. Петъор Худонинг кўзлари билан қарамади. Бу дунё ўз манфаатини кўзлашни шайтондан ўрганган (шайтон дунёнинг худоси (Коринфликларга 2-мактуб 4:4). Осмон шоҳлиги – бунинг тўлиқ тескарисидир. Шу боис, Худонинг иродасини бажариш учун, биз ўзимизнинг маданиятимизнинг оқимига қарши боришимиз лозим, ҳаттоки, тафаккури бу дунёнинг таъсири остига тушиб қолишга ўта мойил бўлган “Раббийдаги баъзи биродарлар ва опа-сингилларга” қарши боришга тўғри келса ҳам. Петъор ёмон одам бўлмаган, бироқ бу масалада унинг фикрлари Масиҳнинг эмас, балки бу дунёнинг таъсирига тушиб қолишга мойил бўлган. У бундай ўзгаришларга қаршилиқ қилган, чунки буларнинг бари қандай содир бўлиши кераклигини бошқача тасаввур қилган.

Канъан ерини кўришга борган айғоқчилар ушбу ҳақиқатнинг яна бир мисоли бўла олади. Худо Мусога ваъда қилган Ерни ўрганиб келиш учун, одамларни юборишини буюрган пайтда, исроилликлар бир йилдан ортиқ вақт давомида саҳрода юрган эдилар. Худо улар бу ерни забт этишларини истаган эди. Мусо хар битта қабиладан бир кишини олиб, улардан ўн иккита сардорни танлади. Уларнинг иккитаси Йошуа Нун ўғли ва Калев эдилар.

Айғоқчилар ерни ўрганиб қайтганларидан сўнг, улар кўрган

нарсалар ва уларнинг нима қилиш кераклиги тўғрисидаги гаплари бир-бирига қарама-қарши эди. Уларнинг ўнтаси шундай дедилар:

«Улар унга сўзлаб дедилар: «Сен бизларни юборган ерга бордик, ҳақиқатан ҳам унда сут ва асал оқмоқда, мана булар — унинг ҳосиллари. Бироқ у ерда яшайдиган халқ кучли ва шаҳарлари мустақамланган, ўта катта шаҳарлар. Боз устига, биз у ерда Анак ўғилларини кўрдик. Лекин Калев халқни Мусонинг олдида тинчлантириб: «Бориб, уни босиб оламиз, чунки биз уларни енга оламиз», — деди. У билан бирга борган кишилар эса: «Биз бу халққа қарши бора олмаймиз, зеро улар биздан кучлироқ», — дер эдилар (Сонлар 13:28-29, 31-32).

Калев ва Йошуа Нун ўғли бошқача хабарни келтирдилар:

«Лекин Калев халқни Мусонинг олдида тинчлантириб: «Бориб, уни босиб оламиз, чунки биз уларни енга оламиз», — деди... агар Раббий бизга илтифот қилса, У бизни ўша ерга олиб боради ва уни: сут ва асал оқадиган ерни бизга беради. Фақат Раббийга қарши исён қилманглар ва у ернинг халқидан қўрқманглар, зеро улар бизнинг ўлжамиз бўлади. Уларнинг ҳимояси йўқ, бизлар билан эса Раббийдир; улардан қўрқманглар»» (Сонлар 13:31; 14:8-9).

Ваъда қилинган ерни ўрганиб чиқиш учун ўн икки киши жўнаб кетди. Улар ўша ерларни, шаҳарларни ва одамларни кўрдилар. Нима учун уларнинг ўнтаси битта хабар билан, иккитаси эса умуман тескари хабар қайтиб келдилар? Гап уларнинг вазиятга бўлган муносабатида эди!

Худо Калев ва Йошуа Бен Нуннинг ичида ўзгача руҳ бўлганини айтди, чунки улар Худога тўлиқ бўйсунган (Сонлар 14:24). Бошқача сўз билан айтганда, улар инсоний истаклардан Худонинг иродаси томонга ўтдилар. Улар вазиятга ўзларининг ҳаётини сақлаб қолиш

истаги билан эмас, балки Худонинг кўзлари билан қарадилар. Бу ўнта айғоқчи нима сабабга кўра ўша бир хил нарсаларни Йошуа Бен Нун ва Калевга ўхшаб кўрмаганликларини тушунишнинг калитидир. Ўнта айғоқчи Худонинг истаklarидан кўра, кўпроқ ўзининг шинам ҳаёти, хавфсизлиги ва оиласи ҳақида ташвиш қилишди. Улар Худонинг Шоҳлиги эмас, балки ўзларининг ҳаёти ҳақида ўйлашди. Худо уларни ҳеч қачон қолдирмаслигини ва У уларни чақирган ҳамма нарсада уларга муваффақият беришини англамадилар. Халқнинг орасидаги бошқалар ҳам нотўғри тафаккурга эга бўлишган, чунки улар шундай дедилар:

«Исроилнинг барча ўғиллари Мусо ва Аҳаронга нолиб, бутун жамоа уларга деди: «Қани эди, бизлар Миср ерида ўлганимизда эди ёки мана шу саҳрода ўлганимизда эди! Нима учун Раббий бизни ушбу ерга бизлар қиличдан қулашимиз учун олиб бормоқчи? Бизнинг хотинларимиз ва болаларимиз душманларга ўлжа бўлади-ку. Бизлар Мисрда қайтганимиз яхши эмасми?» (Сонлар 14:2-3).

Исроилликлар Мисрдаги «яхши кунларни», улар тўйиб еган кунларни, уларнинг ҳаётида муайян барқарорлик бўлганини эсладилар. Гарчи улар Мисрда қул бўлган бўлишса ҳам, улар тўқнаш келган вазият, уларнинг қуллигидан оғирроқ бўлиб туюлди. Уларнинг ҳаммаси зарур бўлган ўзгаришларга қарши чиқдилар. Гарчи уларнинг кўчманчи ҳаёт тарзи ва озуқаси намунали бўлмаса ҳам, улар кўникиб қолган саҳрода ўзларини хавфсизликда ҳис қилишни бошладилар. Натижада, улар ваъда қилинган Ерни кўрмадилар ва ўзларининг ҳаётидаги Худонинг иродасини бажармадилар.

Бироқ Йошуа Нун ўғли ва Калев мақсадга интилишлари лозим эди. Улар тўқнаш келган қаршилиқ, ўзларининг «биродарлари» томонидан юзага келди. Халқ уларни бу ҳақда батамом, оғиз очмай юришга мажбурламоқчи бўлдилар. «Бутун жамоа эса: —Уларни тошбўрон қилинглр! —деди»» (Сонлар 14:10). Йошуа Нун ўғлига

ва Калемба қаршилиқ қилган кишилар янгиланган тафаккурға эга эмас эдилар, улар ҳали ҳануз бу дунёға ўхшаб ўйлашға ва кўришға мойил эдилар. Улар ўзларининг йўлларига ... ва саҳро тафаккурига чирмашиб олишган эди.

Йошуа Нун ўғли ва Калемба ўхшаб, ҳаворий Повул орқадагиларнинг барисини унутиш ва мақсадға, самовий мукофотға интилиш кераклиги ҳақида айтган (Филиппиликларға 3:14).

Келинг яна Ишаъё 43:18-19 ни ўқиймиз; ушбу насиҳат бугун бизни шубҳасиз руҳлантиради:

«Ўтмишдагини унутинглар;

Кечмиш ҳақида ўйламанглар.

Мана, Мен янгисини қиялман!

У аллақачон содир бўляпти – наҳотки тушунмасангиз?

Мен чўлда йўл, ва қақраган ерда дарё ўтказяман”.

Афсуски, бугун ҳам кўпчилик Худонинг иродасини бажариб ғалабаға интилишнинг ўрнига, ўзининг «хавфсиз» қуллигида қолишни афзал кўради. Улар олдиндаги, ўзларининг ўрганиб қолган, лекин ситамли ҳаётидан бошқачароқ бўлган ўзгаришлардан қўрқадилар. Худо ҳаётда шу пайтгача амалға оширган нарсалар билан кифояланадиган одамлар ҳам бор, улар янги чўққиларға кўтарилишни истамайдилар. Аслида Худо улар орқали буюк ишларни амалға оширди, бироқ улар олдинги ютуқлари билан тўхтаб қолишди.

Худонинг иродасига бўйсунуш ҳаёт ва озодликни келтиради, шунингдек, бу чинакам қаноатни топишнинг ягона йўлидир. Бироқ, самовий мукофотға интилиш сизнинг ҳозирги вазиятингизда имконсиздек туюлиши мумкин. Худо Ишаъё пайғамбар орқали янги нарсани қилишини, бироқ бу янги нарса саҳрода содир бўлишини айтяпти. Бошқача сўз билан айтганда, биз Худонинг иродасини бажариш учун, Унинг Руҳининг кетидан эргашганимизда, бизга

имконсиз бўлиб туюлган вазиятга тушиб қоламиз. Аммо биз биламиз – инсон учун имконсиз бўлган нарса, Худо учун имконлидир (Луқо 18:27). Сизнинг ҳозирги саҳронгизининг нариги томонида ғалабалар, қаноатланиш ва тўлақонли ҳаёт бор.

Худонинг истакларини қабул қилишни истамаган ўнта айғоқчиларга ва ўша қарши турган одамларга ўхшаманг, бу одамлар уларни саҳродаги йўқчиликдан озод қиладиган ўзгаришларга қаршилиқ қилдилар. Бунинг ўрнига ваъда қилинган Ер сари – сиз учун тайёрлаб қўйилган, Худонинг самодаги мукофотига қаттиқ ишонч билан интилинг!

7

ХУДОНИНГ ЮКСАК ЙЎЛИ

«Қийинчиликлар – бу оддий қурол эмас. Қийинчиликлар бизнинг руҳий ҳаётимизни олдинга силжитиш учун энг самарали қуролдир. Биз инқироз сифатида қараётган вазиятлар ва ҳодисалар кўпинча бизни жўшқин руҳий ўсиш босқичларига олиб келади. Биз буни тушунишни бошлаган ва руҳий воқелик деб қабул қилган заҳотимиз, биз учун қийинчиликларни кўтариб ўтиш осонроқ бўлади».

– Чарльз Стенли

*Мана, саҳрода хитоб қилаётганнинг овози:
“Раббийга йўл тайёрланглар,
Худойимизга чўлда йўлни текисланглар.*

– Ишаъё 40:3



А жабланарлиси шундаки, Худо айнан чўл орқали юксак йўлни ўтказди! Айнан шу ерда Унинг йўли тайёрланади – бу Худо яшайдиган ва фикр юритадиган юқори ёки тепалиқдаги ҳаёт сари йўлдир.

Бутун тарих мобайнида жуда оз кишилар бу йўл бўйлаб Унга эргашишган. Бироқ ҳозир Худо кўпларни бу йўлдан юришга тайёрламоқда. Бу ҳақда Ишаъё 35:6, 8 да ёзилган:

Зеро чўлда анҳорлар, саҳрода эса сувлар ёриб чиқади... У ерда катта йўл бўлади ва у йўл “муқаддас йўл” деб аталади.

Худонинг чўлдаги йўли «И-95» ёки «66 Йўналиш» сингари белги рақамга эга эмас. У шунчаки муқаддаслик деб аталади.

Муқаддасликнинг ифодаларидан бири – бу «тозалик ҳолати». Исо деди: «Юраги поклар бахтлидир, зеро улар Худони кўрадилар» (Матто 5:8). Исо номуқаддас ёки нопок жамоат кетидан қайтиб келмайди; У доғсиз ва нуқсонсиз жамоат кетидан келади.

Бир марта, бир неча ўн йиллар муқаддам, мен ҳали ёш йигит бўлган пайтимда, хизматда илк қадамларимни босишни бошлаганимда, ибодат вақти Раббий менга, У менинг ҳаётимни тозалаш пайида эканини кўрсатди. Мен илҳомга тўлиб кетганимдан Лизага дедим: «Худо мендаги барча аралашмаларни йўқ қилади». Унга Худо мендаги тозаламоқчи бўлган барча ноъмақул нарсаларни санашни бошладим (балки, рафиқам мен тилга олмай ўтган бошқа нарсаларни ҳам қўшгандир!).

Аммо келгуси уч ой давомида ҳеч нарса содир бўлмади. Аслида ҳаммаси қайтанга ёмонроқ бўла бошлади ва мен тозаланишга олдингидан ҳам кўпроқ муҳтож бўлиб қолганимни пайқадим. Ибодатда мен Раббийдан сўрадим: Нима сабабдан менинг ёмон одатларим йўқолишнинг ўрнига, ҳаммаси баттар бўляпти?»

«Ўғлим», - деди У, - «Мен сенга, сени Мен тозаламоқчиман деган эдим. Сен эса буни ўз кучинг билан қилишга уриндинг. Энди эса Мен буни ўзим истагандек амалга ошираман». Мен ўзимнинг саҳродаги биринчи сафаримга отланаётганим ҳаёлимга ҳам келмаган эди, бу сафар ўн саккиз ой давом этди.

Унинг йўллари – бизнинг йўлларимиз эмас

Мен масиҳийлик ҳаётимнинг бошланғич даврида Ти Эл Осборннинг хизмати билан танишдим. Доктор Осборн ажойиб хизматкор ва муаллиф эди. У ўзининг рафиқаси Дейзи билан бутун дунё бўйлаб, бир неча ўн йиллар давомида ҳаракат қилган ҳамда шифоларга ва мўъжизаларга тўлган забардаст хушxabар хизматини бошқарган. Уларнинг хизмати ўн миллионлаб одамларни нажотга олиб келди.

Шундай экан, доктор Осборн бизнинг Жамоатимизда воизлик қилиш учун Далласга келганида, мен уни кутиб олганимдан қанчалик бошим кўкка етганини тасаввур эта оласизми? Бундан ташқари, менинг вазифам меҳмон бўлиб келган воизларни кутиб олиш бўлгани сабабли, мен у билан шахсан танишдим. Ти Эл эътиборни тортадиган одам эди. Мен у билан бирга бўлганимда, гўё Исо билан биргадек туюларди.

Ти Эл бизнинг жамоатимизга бир неча марта келди ва биз бир-биримизга жуда яқин бўлиб қолдик. У менга, ёшлигида хизматга тайёрланган пайтида ўрганган барча китобларини совға қилди. Шунингдек, у икки марта ўзининг кийимларидан кўп нарсалар берди (бизнинг ўлчамимиз бир хил эди). Ўша пайтлари Лиза

билан менда кийим харид қилиш учун етарлича маблағимиз йўқ эди; шу боис, бу совғалар менга жуда ҳам ёрдам берди. Ўша меҳмондорчиликлардан сўнг, у билан Дейзи, мен ва Лиза учун ота-онадек бўлиб қолишди.

Бир неча йиллар аввал, мен ҳали американинг битта ширкатларидан бирида ишлаган пайтим, Ти Эл Осборн воизлик қилаётган хизматларнинг бирида Муқаддас Рух менга пичирлади: «Шундай пайт келадик сен унга хизмат қиласан. Сен доктор Осборн билан бирга ишлайсан». Шундан кейин, бу мен унинг жамоасида бўлишимнинг тасдиғи ва келажакда унга ўхшаб хушxabар хизматини бошлайман деб ўйладим.

Лекин ҳеч нарса содир бўлмади; мен ҳали ҳануз саҳрода эдим. Осборнлар хизматининг марказий ишхонаси Талсада жойлашган эди, лекин улар Орландода яшар эдилар. Вақт ўтарди ва мен ўз хизматимни бошлаш учун ичимда шунчалик кучли босим бор эдики, Осборнларга яқинроқ бўлиш учун Орландога кўчиб ўтишим керак деб қарор қилдим. Менинг мақсадим икки ёқлама эди. Биринчидан, Ти Эл мен энди бирорта ҳам жамоатда хизмат қилмаётганимни тушунган бўлар эди, чунки у яхши номга эга ҳалол инсон эди. У мени бизнинг жамоатимиздан олиб кетиб, ўзининг хизматига олмаслигини билар эдим. Иккинчидан, агар Орландога кўчиб ўтсак, Лиза билан мен учун уларнинг хизматига қўшилиш осонроқ бўлар эди. Флорида штатининг анашу шаҳрига кўчиб ўтсам, мен у билан яқин масофада бўлган бўлар эдим.

Албатта, мен мулоҳазаларимда бироз ошириб юборганимни биламан. Мен Худого, менинг ҳақиқий даъватимга йўналтиришида «ёрдам» беришни жуда ҳам истаган эдим.

Шундай қилиб, мен Далласдаги чўпонимга хизматдан кетишим ва Орландога кўчиб ўтишим ҳақида хабар беришим учун учрашишни сўрадим. Лекин ўша учрашувдан бир кун олдин турли хил шахарлардан учта чўпон менга қўнғироқ қилди. Уларнинг ҳар бири, мен эртаси кuni нима қилмоқчи бўлганимни билиб олиб, бир

хил савол берди: «Лиза сен билан тўлиқ розими?»

У рози эмас эди. У бир неча бор менга: «»Жон, мен сенга бўйсунаман, лекин сен нотўғри иш қилаётганингни юрагим билан сезяпман» дер эди.

Мен унинг гапларига қўлимни силтардим. Мен: «Лиза шунчаки тушунмаяпти ва мен оила бошлиғи бўлганим учун у менга бўйсунуши шарт» - деб ўйлар эдим. Ўшанда менинг фикрларим қанчалик хом ва аҳмоқона эканлигини билсам эдим!

Алламаҳалда менга учинчи чўпон қўнғироқ қилиб, ундан олдин икки кишига ўхшаб, ўша бир хил саволни берганида, менинг ичимда нимадир синди. Менинг кўзларим очилди ва мен Худога Ўз режасини амалга ошириши учун йўл беришнинг ўрнига, Унга ёрдам бермоқчи бўлганимни кўрдим.

Кейинги куни Лиза билан мен чўпоним ва унинг рафиқаси билан учрашдик. Мен улар икковига нима сабабдан учрашишни сўраганимни, бироқ ўша ўтган кечадаги учта қўнғироқдан сўнг фикримни ўзгартирганимни айтдим. Улар иккалови ҳам менга илтифот кўрстишди ва Лиза билан менга хизматда қолишимизни исташларини айтишди. Шунда мен хизматимни давом эттира олдим.

Мен елкамдан бир оғир юк тушганини ҳис этдим ва Худонинг Ўзи биз учун ҳаракат қилишига тайёр эдим. Тозаланиш жараёни ҳали тугамагани умуман ҳаёлимга келмаган эди. Ўша куннинг ўзида менинг устимга яна битта тўлқин ёғилди.

Чўпоним ва унинг рафиқаси билан бўлган учрашувдан бор йўғи олти соат ўтгандан сўнг, жамотимизнинг бошқа ишчилари билан бирга баскетбол ўйнаш учун уйимда спорт кийимимни кияётган пайтим, телефон жириглаб қолди. Бу Ти Эл Осборн эди! Очиғини айтсам, мен қотим қолдим!

Тўқсон дақиқа давом этган ушбу телефон орқали бўлган сўхбатда у Лиза билан менга, уларнинг хизматида иш таклиф қилди. Биз Дейзи билан унга ёрдам беришимиз керак эди, шунингдек улар билан бирга бутун дунё бўйлаб сафар қилишимиз керак эди.

Қолаверса, биз бошқа жамоатларга асос солиш үчүн ўрناق бўладиган жамоатни бошлашимиз керак эди. Бундан мақсад уларнинг бутун дунё бўйлаб катта хушxabар йиғинларини ўтказаётган жойларда жамоатлар бошлаш эди.

Ушбу телефон сўхбат чоғида мен нуқул ўйладим: «Отам, Сен ҳаракат қилишингни билар эдим, лекин Сен бунни шунчалик тезлик билан амалга оширганингдан ҳайратдаман!» Ти Эл билан телефон орқали сўхбат қилганимда, мен бошимдан кечирган ҳайратимни ва кўтарингки руҳда бўлганимни айтишга тил ожиз. Бу мен кутган саҳродан чиқишнинг йўли эканига ишончим комил эди. Мен нақадар бахтиёр эдим! Мен сакрасам бошим ўйимизнинг тепасига бориб уриладигандек туюларди. Гўшакни қўйиб, мен Худога раҳматлар айтдим, лекин руҳимда тақиқ ва тебранишни сездим. Бу ёқимсиз ва ични чуқур тилка-пора қиладиган ҳиссиётга ўхшар эди.

Мен шундай деб ўйладим: «Йўқ, Худойим, йўқ, йўқ, йўқ, Сен бундай қила олмайсан! Сен менга бунни бир неча йиллар аввал, вақти келиб мен Ти Эл Осборн үчун ишлашимни ваъда берган эдинг! Сен энди бунни тақиқлай олмайсан!»

Тақиқ ҳисси мени тарк этмасди. Кетма-кет уч кун давомида мен ибодатда бор кучим билан бунни ўзимдан ҳайдашга ва хавотирдан қутулишга ҳаракат қилдим. «Худойим, менга бу ишни бошлаш үчун қувонч бер!», - деб хитоб қилар эдим. Лиза ҳам тақиқни ҳис қилган эди, гарчи у ҳам Осборнлар билан ишлашни жуда истаган бўлса-да.

Ахийри, мен бу тебраниш Худодан эканига ишонмасликка қарор қилдим (бу менинг яна битта хом ва хавфли қададим эди). Шундай қилиб, Лиза ва мен Оклахомага учиб кетдик ва гўё ҳаммаси қовушгандек эди. Ти Эл ва Дейзи бизга расмий иш тафлик этишди ва Таваллуд оқшомида улар бизни хизматидаги бутун жамоас билан таништирди.

Биз Далласга қайтиб бордик ва мен жамоатдаги лавозимимни қолдирдим. Бироқ тақиқ ҳисси мени тарк этмас эди. Мен соатлаб ибодат қилар эдим, лекин барибир ўша хавотирни ҳис этардим. Мен кўпроқ ибодат қилиб бу ёқимсиз ҳиссиётдан қутулишга ури-

нардим, аммо ҳеч нима ўзгармас эди.

Охир-оқибат мен Лизага дедим:

- Мен нима бўлаётганини билмайман, лекин нимадир жойида эмас.

- У мен ҳам шуни ҳис қилаяпман, – деб гапимга қўшилди.

Мен Ти Элга қўнғироқ қилиб нималарни ҳис қилаётганимни айтиб бердим. У:

- Кел кўришамиз ва бу ҳақда гаплашамиз деб, таклиф қилди.

Биз Талсага учиб бордик ва икки соатлик учрашувдан сўнг, Ти Эл деди:

- Биз сизларга ўшбу лавозимни сизларни чиндан ҳам севганимиз учун ва сизлар ҳам бизларни севишингизни билганимиз учун таклиф қилдик. Лекин биз бунинг кетида Худо тургани йўқ деб ўйлашни бошляпмиз.

- Мен ҳам нима бўлаётганини тушунмаяпман, лекин сиз ҳақсиз деб ўйлайман – дедим мен.

Мен бу сўзларни ўз оғзим билан айтганимга ишонгим келмасди. Буни айтиш учун мен ўзимни тўлиқ тута олишим керак бўлди. Ти Эл Осборн билан бирга ишлаш бутун ҳаётимнинг орзуси эди.

Ўша йиллар мен уйдан эрта тонгда чиқар эдим ва ярим соатдан то икки соатгача ибодат қилар эдим. Лекин менинг қаҳрамоним Ти Эл Осборн билан боғлиқ бўлган ўшбу ҳодисадан ҳафсалам пирлигидан, икки ҳафта давомида, эрта тонгда уйдан чиқиб ибодат қила олмадим.

Мен фақат йиғлар эдим. Мен охириги икки ой давомида содир бўлган нарсаларни эсга олиб бунга ишонгим келмас эди. Менинг ғамимни таърифлашга тил ожиз эди. Мен гўёки севган кишимнинг ўлими устида кўз ёш тўкаётганга ўхшар эди. Икки ҳафтадан сўнг мен хилват жойда бўлганимда, бор овозим билан бақариб дедим:

- Нима учун?! Нима учун Сен мени бу таклифдан воз кечишга мажбурладинг? Олти йил муқаддам Сен менга гапирганингда, мен у билан ишлашим тўғрисида айтган эдинг. Нима учун?

Чўлдан қандай ўтиш керак

#7 Дўст танлашда эҳтиёткор бўлинг

Эҳтимол, бу бизни ҳайрон қолдирмаслиги мумкин, бироқ кўпинча бизнинг энг ўткир танқидчиларимиз ва энг ашаддий рақибларимиз – бизнинг тарафдорларимиз деб ўйлаган одамлардир! Кўпинча қувғинлар, сиз дўстим деб ўйлаган кишилар орқали келади.

Чўлда ҳақиқий қувғинлар бўлиши мумкин ва биз Масиҳ ортидан бора туриб қувғинларга дуч келишимиздан воқиф бўлишимиз зарур. Ҳаворий Повул шундай деган: «Зотан Исо Масиҳда художўй яшамоқчи бўлганларнинг барчаси ҳам қувғин қилинадилар» (Тимўтийга 2-мактуб 3:12). Қувғинлар – бу тозаланиш жараёнидир. Ким сизни қувғин қилиши мумкин? Масалан, қаллоб одамлар, улар Худо халқининг орасига кириб олишган, улар четдан имонлидек туюлади, аслида эса уларнинг юраги Худога интилмайди. Мана нима сабабга кўра Повул Мусога қаршилик қилган Янний ва Ямбрий ҳақида ёзаяпти. Бу одамлар четдан эмас эдилар, улар Раббий жамиятининг одамлари эди.

Повул бошидан кечирган бир неча қувғинлар ва

Ўшанда Раббий менга айтган сўзини ҳеч қачон унутмайман: “Чунки Мен, сен Менга хизмат қиласанми ёки ўзингнинг орзуингга хизмат қиласанми, шуни кўрмоқчи эдим”.

Мен довдираб қолдим.

У давом этиб деди: «Анашу сабабдан Мен Иброҳимга Исҳоқни қўрбонликка келтиришни буюрдим. Унинг Менга бўлган севгиси, Мен унга ваъда берган баракага қараганда камроқми ёки йўқми, кўрмоқчи эдим. Бу у фақат ўз орзусини қўлга киритиш учун Менга хизмат қиладими ёки Менинг ҳақгўйлигимга ишониб ва Мен ушбу орзун

хавф-хатарларни таърифлаб беряпти ва у тўқнаш келган баъзи қийинчилар “сохта биродарлар” томонидан келганлигини айтяпти (Коринфликларга 2-мактуб 11:26).

Чўлда бўлганингизда ёнингизда сизни севадиган ва сиз ҳақингизда ғамхўрлик қиладиган одамларга эга бўлиш жуда фойдали; сизга Худонинг иродаси бўйича насиҳат берадиган одамларга. Сизга танқидчилар ва Аюбнинг турмуш ўртоғи ва унинг дўстларига ўхшаб, Худога итоат қилмасликка ишонтирадиган кишилар керак эмас. Ва диёнатли тузатилиш керак бўлган бир пайтда, сизга тилёғламалик қиладиган сохта пайғамбарлар ҳам керак эмас. Сиз бундай пайтда сизни севадиган ва Худонинг донолиги билан бўлишадиган одамлар керак.

Сергак бўлинг. Агар кимдир сизга, чўлга тушиб қолишда ўзингиз айбдорсиз дея, сизни танқид қилишни ва ҳаттоки сизни айблашни бошласа, бу одам сизга дўст бўлмаслиги мумкин. Муқаддас Рух бизнинг гуноҳимизни фош қилади ва кўпинча У биз ўз гуноҳимизни ўзимиз кўришимизга ва тавба қилишимизга ёрдам бериш учун яна кимнидир ишлатади. Лекин умид уйғотмайдиган доимий айбловлар душмандан келади. Эҳтиёт бўлинг!

амалга оширишимга ишониб, Менга хизмат қиладими, шуни кўрсатди».

Унинг сўзлари, мен охириги икки ҳафта ичида курашган саволларимга жавоб бўлди. Ва ўн саккиз ой ўтиб, биринчи марта менинг руҳимдан қувонч отилиб чиқди. Менинг ҳаётим гўёки қайта гуллагандек бўлди ва мен ўша пайтда қанчалик баракага тўлганимни тушундим. Мен гўзал аёлга уйланган эдим, бизнинг ажойиб гўдагимиз бор эди. Мен турмуш ўртоғимни ва ўғлимни қайтадан севиб қолдим. Биз янги кўпқаватли уйда, бор йўғи ўттиз қадам нарида жойлайган чиройли бассейн олдида яшар эдик, осмон қарийб ҳар куни ёрқин

ва серкүёш эди. Мен Худога маъқул бўлиш учун, хизматга жудаям шўнғиб кетганим сабабли бунинг барчасини сезмаган эканман.

Ҳозир барчасини эслаб тушунаманки, Худо айтгани бўйича Ти Эл Осборнга хизмат қилишга аллақачон муваффақ бўлган эканман. Чунки у бизнинг Далласдаги жамоатимизга келганида мен унга жуда кўп хизмат қилганман.

Энди эса мен ишсиз эдим. Мен жамоатдаги ўз ишимга қайтишим мумкинми ёки йўқми билиш учун у ерга камтарлик билан қайтиб бордим. Мен чўпоннинг ёрдамчиларидан бири бўлган дўстимга қараб айтган сўзларим ҳалигача эсимда:

- Менимча мен шунчалик кичикманки, ҳатто манашу эшикнинг ҳам остидан ўта оламан.

Мен айнан шундай айтдим. Мен барчага Ти Эл ва Дейзи қўлида ишлайман деб айтиб чиққан эдим. Чўпонимиз буни ҳаттоки саҳнада эълон қилган эди, бироқ бу нарса содир бўлмади.

Жамоат хушмуомалалик билан менга ярим ставкали бошқа иш берди ва мен у ерда яна саккиз ой хизмат қилдим. Шундан сўнг, менинг даъватимнинг кейинги босқичи бошланди – бу Худо мени тайёрлаган хизмат эди. Мендан Америкадаги энг тез ўсаётган жамоатларнинг гуруҳига аъзо бўлишимни сўрашди. Мен уларнинг ёшлар чўпони бўлишим керак эди. Бу мўъжизавий тарзда содир бўлди. Биз Лиза билан, бу Худонинг эшиги эканини билар эдик. Мен аллақачон янги ҳаётни бошлаган эдим, менда янги мақсад бор эди, чунки мен шу кунгача янги хизмат учун тайёрланган меш эдим ва ўз ичимда янги шаробни олиб юрган эдим.

Тозаланиш йўли

Исо ердан кўтарилиб кетганидан бошлаб, аслар давомида, Унинг издошлари ўз кучи билан муқаддасликка эришишга уринишган. Бундай пуч ҳаракатларнинг натижасида, бутун бошли жамоат йўналишлари юзага келган. Биз ўзимизни осонгина

қонунбозчиликка қул қилдик, чунки муқаддаслик – бу ташқи томондан танани чеклаш эмас, балки Худо иноятининг фаолиятидир.

Худо мағрурларга эмас, камтарларга иноят беради. Мағрур киши Худонинг ёрдамисиз ҳам муқаддасликка эришиб бўлади деб ўйлайди, у ёзилган қоидаларга ва қарорларга эргашади. Камтар одам буни бефойда эканини билади ва Раббийнинг иноятига (кучига) таянади. Худо билан яқин муносабатлар софдир, чунки фақатгина шундай суҳбат орқали одам юракларда ёзилган амрларни бажариш учун куч олиши мумкин.

Кўпларимиз Янги Аҳднинг ҳарфига ёки Муқаддас Китобдан бўлмаган муайян эътиқодларга итоат қилиш орқали муқаддасликка эришмоқчи бўлдик ва қарсиллаб йиқилдик. Қонуннинг ҳарфини бажариш орқали нажотга эришиш учун беҳуда ҳаракат қилган ибронийларга ўхшаб, биз ҳам бу қоидаларни бажариб муқаддасликка эриша олмаймиз. Кўплар ўзларини қонунчилик ғоялари билан чеклаб, муайян хулқ-атвор ёки ҳаракатларга амал қилишди. Улар ички муқаддасликка эришишга уриниб, ташқи чекланишлардан фойдаландилар.

Лекин Худо муқаддасликнинг ташқи кўринишига қарамайди; У юрагингизда ички ўзгариш содир бўлишини истаydi, чунки тоза юрак тоза хулқ-атворга олиб келади. Исо Матто 23:26 да айтган: «Коса-ю лаганнинг (юракнинг) сирти тоза бўлиши учун сен аввало унинг ичини тозалагин».

Агар сизнинг юрагингиз тоза бўлса, сиз Исонинг номига доғ туширадиган ишларни қилишни истамайсиз. Сиз интернетдаги бузуқ сайтлардан нари юрасиз ёки шаҳват уйғотадиган кийимлар киймайсиз. Кўпгина эраклар ва аёллар ҳеч қачон ажрашмаганлиги билан мақтанишлари мумкин, лекин уларнинг юраги иш жойидаги ҳамкасбига нисбатан ҳирс билан тўлган бўлса ёки улар вақти-вақти билан интернетдаги бузуқ суратларни кўрса, буни муқаддаслик деб аташ мумкинми?

Агар сизнинг юрагингиз тоза бўлса, компьютер ёки смартфон

сизга фойдали материалларни қидиришингизда панд бермайди. Технология ўз-ўзидан сизни ифлослантормайди. Сиз юрагингизда бўлган нарсалар тўфайли маълум бир қарорларни қабул қиласиз. Агарда сизнинг юрагингиз тоза бўлса, сиз фақат Худо истаган нарсани истайсиз.

Чўл – бу Худо бизнинг мақсадларимизни ва ниятларимизни тозалаш учун ишлатадиган тобланма жойлардан биридир. Худо Ўз жамоатининг ортидан қайтиб келишидан олдин, бизнинг юракларимизни тайёрлайди. Худо инсон ўзининг эмас, балки Унинг шўхратини кўрсатадиган, Унинг сурати бўйича яратилган ва Унинг табиатига мувофиқ тарзда иш тутадиган одамлар авлодини кўтаряпти.

«Катта бир уйда нафақат олтин ва қумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол идишлар ҳам бор; уларнинг баъзилари шарафли, баъзилари эса шарафсиздир. Шундай қилиб, ким булардан (ғуноҳдан/қонунсизликдан) ўзини покласа, у шарафли, муқаддасланган ва Эгаси учун фойдали, ҳар бир яхши иш учун тайёрланган идиш бўлади» (Тимотийга 2-мактуб 2:20-21).

Этибор беринг, икки турдаги идишлар бор – улар шарафли ва шарафсиз иш учун ишлатилади. Юнонча “атимия” сўзи, “паст” деб таржима қилинади, бу сўз “баднолик, ўпкаламоқ, шармандалик, жирканчлик” маъноларини билдиради. Юнонча “тима” сўзининг таржимаси эса “ҳурмат” ва у “қимматли” деган маънони билдиради. Худо шундай дейди: «Агарда арзимайдиган нарсадан қимматбаҳо нарсани ажратиб олсанг, Менинг оғзим каби бўласан» (Йермияҳ 15:19). Қимматбаҳо буюм, уни аралашмадан синчиклаб тозалаш ёки озод қилиш орқали чиқариб олинади.

Малахи – қадимги аҳд пайғамбари бўлиб, у янги аҳд даврлари ҳақида кўп башорат қилган. Лекин гап шундаки, у янги аҳд атамаларини билмаган. Шунинг учун у, Муқаддас Рух унга янги аҳд масиҳийлари ҳақида айтган ва кўрсатганларини таърифлаш учун

“левитлар” ва “руҳонийлар” каби сўзларни ишлатган.

Малахи, Раббий Ўз маъбадининг ортидан қайтиб келишидан олдин, Ўзининг маъбадига (Ўзининг жамоатига) кириши ҳақида башорат қилган. Бунинг мақсади – бизни тозалаш ҳисобланади. У шундай деб ёзган:

“Раббий кумушни эритувчи ва тозаловчи каби ўтириб,
Леви ўғилларини тозалайди. Улар ҳақликда қурбонлик
келтиришлари учун Раббий уларни олтин ва кумуш каби
эритади” (Малахи 3:3).

Левитлар – бу “шоҳона руҳонийларнинг” (Петъорнинг 1-мактуби 2:9) ёки Масиҳнинг жамоатдаги издошларининг тимсолидир. Худо бу руҳонийликни олтин ва кумушни тозалаш жараёни билан солиштираётгани сабабли, олтин ва кумушнинг хусусияти ҳақида ва улар қандай тозаланиши ҳақида билиб олиш фойдали бўлади. Мен фақат олтин ҳақида гапираман, чунки ушбу металларни тозалаш жараёни ўхшашдир.

Олтиннинг ранги сариқ ва кўркам, у майин метал каби ярқираб нур сочади. У табиатда кенг тарқалган, лекин олтин доим кам миқдорда ва камдан кам тоза кўринишда топилади. Тозалангандан сўнг олтин юмшоқ, эгилувчан бўлиб қолади, унда занг ва бошқа моддалар бўлмайди. У бошқа металллар (мисс, темир, никел) билан аралашиб янада қаттироқ бўлади, унинг эгилувчанлиги камаяди ва зангни кўпроқ юқтиради. Бунақанги қоришма қотишма деб аталади. Бошқа металлларнинг фоизи қанчалик юқори бўлса олтин шунчалик қаттиқроқ бўлади. Ва аксинча, қотишма миқдорининг фоизи қанчалик паст бўлса у шунчалик юмшоқроқ бўлади.

Биз шу тарзда ўхшашликни кўряпмиз: Худонинг олдидаги тоза юрак тоза олтинга ўхшайди. Тоза юрак юмшоқ, майин ва эгилувчан бўлади. Шунинг учун Муқаддас Рух айтганидек:

“Бугун агар Унинг овозини эшитсангиз, саҳродаги васваса кунда Худонинг жиғига тегиш вақтида бўлганидек, юракларингизни тош қилманглар! Ҳали “бугун” деб айтиш мумкин экан, сизлардан ҳеч ким гуноҳнинг алдови билан юрагини тош қилмаслиги учун ҳар куни бир-бирингизга насиҳат қилиб туринглар (Ибронийлар 3:7-8, 13)

Гуноҳ – бу қўшилган моддадир, у бизнинг юрагимизни қаттиқлаштириб соф олтинимизни қотишмага айлантиради. Юмшоқ юраксиз, биз сезгирликни йўқотамиз ва Раббийнинг овозини эшита олмаймиз.

Афсуски, бугун кўп одамлар шундай ҳолатда яшайдилар, улар диёнатнинг кўринишига эга, лекин Исо учун ловуллайдиган сезгир эракка эга эмаслар. Худога нисбатан оппоқ чўғ қадар қиздирилган севги фақат лаззатни, қулайликни ва ўз манфаатини излайдиган, ўзига нисбатан йўналтирилган ва совуқ севгига алмаштирилган. Диёнат даромад учун хизмат қилади деб ўйлаб (Тимўтий 6:5), одамлар фақат ваъданинг фойдасини излашади ва англамаган ҳолда ёки ўйламасдан ушбу ваъдаларни берган Худони рад этишади. Алданган ҳолатида бўлиб, улар ушбу дунёдан лаззат оладилар, шунингдек, самога боришни ҳам кутадилар! Бу Худо истаган ҳаёт эмас:

«Отамиз Худо олдида пок ва бенуқсон диёнат – етимларнинг ва беваларнинг қайғуларида уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда бу дунёдан ўзини беғубор сақлашдир» (Ёқуб 1:27).

Исо муқаддас, доғи йўқ, бенуқсон жамоат (Эфесликларга 5:27) – юраги бу дунёнинг йўллари билан бўлганмаган одамлардан ташкил топган тананинг кетидан қайтиб келади.

Олтиннинг яна битта хусусияти бор – бу куюга ёки зангга нисбатан чидамликдир. Гарчи бошқа металлар атмосфера шароитида хиралашса ҳам, тоза олтин бундай таъсир остига түшмайди. Жез моддаси (мис ва рухнинг сариқ қотишмаси) олтинни эслатгани

билан у олтин эмас. Жез осонлик билан хиралашади. У олтинга ўхшайди, лекин у олтиннинг хусусиятига эга эмас. Жамоатда олтин кўринишига эга, лекин олтиннинг хусусиятларига эга бўлмаган идишлар бор. Фақатгина тозаловчи оловгина бу икки хил идишнинг фарқини кўрсата олади. Малахи тозаланишдан сўнг нима содир бўлиши ҳақида айтяпти:

Ўшанда ҳақ одам билан бетавфиқ орасида ҳамда Худога хизмат қиладиган ва Унга хизмат қилмайдиган одам орасидаги фарқни яна кўрасизлар» (Малахи 3:18).

Келинг, олтинни тозалашга қайтамыз. Олтинда бошқа моддаларнинг миқдори юқори бўлгани сабабли у нафақат қаттиқроқ бўлади, шунингдек, занглашга ва бузилишга янада мойил бўлади. Биз яшайдиган дунёнинг атмосфераси унга осонликча таъсир ўтказа олади.

Ҳозирги вақтда бу дунёнинг йўллари жамоатга сизиб кирмоқда. Биз бу дунёнинг маданиятини шимиб олиб, ўзимизга доғ туширдик. Америкадаги қадриятлар дунёнинг қадриятлари билан ифлосланган. Кўплаб одамлар сезгир эмас ва тозаланиши кераклигини англамайдилар.

Малахи 3:3 кўрсатяптики, темирчи олтинни оловда тозалашига ўхшаб, Исо ҳам Ўзининг жамоатини бу дунёнинг таъсиридан тозаламоқчи. Тозалаш жараёнида олтин кукундек майдаланиб кетади, сўнгра флюс оҳактош билан аралаштирилади. Ушбу қоришмани печга қўйишади ва кучли олов билан эритишади. Бошқа металллар ёки аралашмалар флюсга ёпишади ва юқори қатламга кўтарилади. Олтин (оғирроқ бўлиб) тубда қолади. Сўнг аралашмалар (мисс, темир ва флюс билан бириккан рух) олиб ташланади.

Энди эса Худо бизни қандай тозалашига эътибор беринг:

«Мен Ўз қўлимни сенга қарши ўгираман. Ишқор каби сени аралашмаларингдан поклайман ва сендан ҳамма қўрғошинни ажратиб ташлайман. Шунда сенга яна илгаридадик

судьяларни ва азалдагидек маслаҳатчиларни тайинлайман.
Ўшанда сени: “Ҳақлик шаҳри, содиқ шаҳар!” деб атайдилар»
(Ишаъё 1:25-26).

Бизни тозалаш учун Худо қанақа оловни ишлатади? Бунинг жавобини кейинги парчада ўқиймиз:

«Ана шунинг учун, энди агар керак бўлса, турли васвасаларда бироз қайғурсаларингизда қувонинглар, токи сизларнинг синалган имонингиз оловда синаладиган, аммо нобуд бўладиган олтиндан ҳам қимматроқ бўлсин. Ўшанда, Исо Масиҳнинг намоён бўлишида сизларга ҳурмат-иззат, мақтов ва шараф бўлади» (Петъорнинг 1-мактуби 1:6-7).

Синовлар ва қийинчиликлар Худонинг тозалаш олови бўлиб, улар чўлдаги асосий қурол ҳисобланади. Уларнинг кучли олови бизнинг аралашмаларимизни ичимиздаги Худонинг хулқидан ажратади. Бу бизни назария жиҳатидан муқаддасликка етаклайди (тез орада мен “назарияга жиҳатидан” сўзини нима сабабга кўра ишлатганимни тушунтираман).

Олтиннинг энг тоза кўринишдаги кейинги хусусияти – бу унинг шаффофлигидир (ойна орқали кўришдек, буюм оқрали кўриниш қобиляти). “Шаҳарнинг кўчалари тиниқ шишадек соф олтин эди” (Ваҳий 21:21). Сиз оловли синовлар билан тозаланган заҳотиёқ, шаффоф бўлиб қоласиз! Шаффоф идиш ўзига шўҳрат олиб келмайди, балки ичидагини улуғлайди. У одамларни ўзи билан чалғитмайди ва уни қарийб сезиб бўлмайди.

Биз тозаланганимиздаёқ дунё яна Исони кўради. «Агар биз шаффоф бўлсак, - агар биз ҳақиқатни гапирсак, ўзимизни мағрур тутмасак, сўзимизда турсак, ростгўй бўлсак ва яширадиган нарсаларимиз бўлмаса, - бу дунёнинг одамлари буни сезишади».

Ишаъё пайғамбарнинг китобида буни аниқроқ кўраимиз:

«Мана, Мен сени эритдим, лекин кумушга ўхшатиб эмас; сени азоб-уқубат ўтида синадим. Мен Ўз ҳақим, Мен Ўз ҳақим буни қиляпман, зеро Менинг номим қандай булғаниши мумкин? Ўз шўхратимни ўзгага бермайман» (Ишаъё 48:10-11).

Олов ватобланма—букумуш (ёки олтин) тозаланадиган ҳақиқий олов эмас, балки азоблардир. Бу нима сабабдан У: «кумушга ўхшатиб эмас» - деганини тушунтиради. Бизнинг синовларимиз – бу арзимайдиган нарсадан қимматбахо нарсани ажратиб оладиган оловдир.

Худо бу нарсаларни бизнинг иродамизга қарши тозаламайди. Анашу сабабга кўра Повул Тимўтийга 2-мактуб 2:21 да тоза бўлишни истаган одам “ўзини тозалайди” деб айтган.

Агар сизни нуқсонлар ушлаб туришига йўл қўйиб, ўзингизни оқлашда давом этсангиз, Худо сизни улардан воз кечишга мажбурламайди. Азоблардан ўтиш жараёни бефойда бўлади (шу сабабдан мен бундан аввал «назария жиҳатидан» сўзини ишлатдим). Муқаддаслик йўлидаги тозаланиш – бу доим давом этувчи ва кўпинча оғриқли жараёндир. Бироқ, унинг ҳосилларини билиб, мен уни қабул қиламан.

Ибронийларга Мактубнинг муаллифи таъкидлапти: «Ҳамма билан тинчликда бўлишнинг ва муқаддасликнинг пайида бўлинглар, чунки муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўра олмайди» (Ибронийларга 12:14). Исо шундай дейди: «Юраги поклар бахтлидирлар, чунки улар Худони кўрадилар» (Матто 5:8). Довуднинг юраги Худога интилган ва у шундай хитоб қилган: «Ким ўзининг хатоларини англай олади? Мени яширин гуноҳларимдан поклагин...» (Санолар 18:13).

Бубизнингибодатимиз бўлсин. Агар биз Худодан юракларимизни тозалашни сўрасак, У бизнинг кўзларимизга кўринмай турган ифлосликлардан бизни тозалайди. Худо ҳатто биз ўзимиз билмаган бизнинг ички фикрларимизни ва ниятларимизни билади.

Мен сизни руҳий вақтни ва чўл мавсумини билишга ва қабул

қилишга ўрганишга даъват қилмоқчиман. Оловли синовлар келганида ранжиманг ва бошқаларни айбланманг; бунинг ўрнига бунинг мақсадини тушунишга ҳаракат қилинг.

Ўз юрагингизни ўрганиб чиқинг ва Худога арзимайдиган нарсдан қимматбаҳо нарсани ажратиб олишига йўл беринг. У шундай деб буюряпти: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман» (Петъорнинг 1-мактуби 1:16)

Эсда тутинг, тозаланиш барча яхши нарсаларни мустаҳкамлайди ва заифлаштирадиган ҳамда ифлос қиладиган нарсаларни йўқ қилади. Худонинг тозалаш майдонига хуш келибсиз, токи сиз Унинг шуҳратини эътиборга лойиқ тарзда ва шаффофлик билан кўрсатишга қодир бўлган шарафли идиш бўлинг.

МУСТАҲҚАМ ҚУРИНГ

“Энг ёрқин юлдузлар – бу қутбдаги осмонда порлаётганлар. Энг ширин сув – бу саҳрода қум ўртасидан оқиб чиққан сув. Энг қимматбаҳо имон – бу қийинчиликлардан ўтиб, яшаётган ва ғалаба қозонаётган имон. Синалган имон тажрибага эга. Сиз қийинчиликлардан ўтишга мажбур бўлмаганингизда эди, ҳеч қачон заиф эканингизни билмас эдингиз. Синовлардан ўтиш учун Худонинг кучига муҳтож бўлмаганингизда эди, унинг мавжудлигини ҳеч қачон билмас эдингиз”.

– Чарльз Стенли

“Чунки тана изми бўйича яшовчилар танавий нарсалар ҳақида, Руҳ изми бўйича яшовчилар эса руҳий нарсалар ҳақида фикр юритадилар”.

–Римликларга 8:5



Худонинг хизматкорлари саналган эркаклар ва аёллар мойланиш орқали эмас, ўз феъл-атвори орқали тасдиқланадилар. Айнан чўлда, яъни босим келганида, умидсизлик ортиб борганида, орзулар етиб бўлмас туюлганида, зарур бўлган тозаланиш содир бўлади – инсоннинг хулқ-атвори шаклланади.

Мен чўлдаги давримда, ичимдан кўтарилаётган кучли ғазаб билан курашганим ёдимда. Мен бу ҳақда биринчи бобда айтиб ўтган эдим. Мен Худодан сўрадим: “Нега мен бунчалик ҳаммага нисбатан жаҳлдаман? Мен ҳаётимдан нимани ҳайдаб чиқаришим ёки нимани боғлашим керак?”

У шундай деди: “Ўғлим, сен танавий табиатингни ҳайдаб чиқаролмайсан ёки уни боғлаб қўя олмайсан; сен уни хочга михлашинг зарур”.

Мен янада таассуф билан сўрадим: “Бундай қаҳр менда қаердан пайдо бўлди? Мен олдинлари, нажот топмаган пайтларимда ҳам, бунақасини ҳеч ҳис қилмаган эдим”.

“Сенда у доим бор эди”, - деди У, - “биноқ у ҳам сенинг тилло узугингдаги аралашмаларга ўхшаб, ўтда эримаса, кўринмай тураверади. Борди-ю, уни ўтга солсанг, аралашмалар юзага чиқади. Мен сени қийноқлар қозонига солиб, сендаги қаҳрни кўрсатдим”.

Мен Худонинг айтганларини ҳаётимда қай тарзда қўллашни, унчалик ҳам тушунмас эдим. Шунда У менга ётиғи билан тушунтиришни бошлади: “Сен хотининг, ҳамкасбларинг, дўстларинг, янги туғилган чақалоқнинг ташвишларини ва ўз вазиятларингни айблашинг мумкин. Агар сен шундай қилсанг, сендаги ғазаб ўзинг билан қолади ва олов бироз пасайганда, у яна сенга сингиб кетади, оқибатда ҳаммасини яна қайтадан бошлаш керак бўлади. Ёки сен тавба қилиб, ибодат қилишинг: “Художон, мени кечир; илтимос, мендан бу ғазабни олиб ташла” – дейишинг мумкин. Агарда сен шундай қилсанг, Мен Ўзимнинг катта чўмичимни оламан ва буни сендан чиқариб ташлайман”.

Мен шундай қилдим. Сахро алангасининг босими мендаги қаҳрни юзага чиқарганида, мен бу гуноҳни тан олдим, бунинг учун тавба қилдим ва Худодан мендан буни олиб ташлашини сўрадим.

Чўлдан ўтиш нақадар оғир бўлишига қарамай, бу ўта даражада қимматли эканининг яна бир сабаби шундаки, у охирида буюк қувончга олиб келади:

“Ана шунинг учун, энди агар керак бўлса, турли васвасаларда бироз қайғурсаларингизда қувонинглар, токи сизларнинг сигналган имонингиз оловда синаладиган, аммо нобуд бўладиган олтиндан ҳам қимматроқ бўлсин. Ўшанда, Исо Масихнинг намоён бўлишида сизларга ҳурмат-иззат, мақтов ва шараф бўлади” (1-Петъор 1:6-7).

Чўл – бу биз тозаланадиган ва феълимиз ривожланадиган жой. Айнан мана шу қийинчиликлар ва қувғинлар гирдобида, чинакам имонли кишининг шаклланиши содир бўлади. Римликларга 5:3-4 да шундай деб ёзилган: “Фақат булар билангина эмас, балки қайғулар билан ҳам мақтанмоқдамиз, чунки қайғу сабр-тоқатни келтириб чиқаришини биламиз. Сабр-тоқат эса тажрибани, тажриба эса умидни келтириб чиқаради”.

Довуд Худога маъқул бўлганининг сабаби, у ердаги шоҳликка

эмас, Худонинг юрагига интилган эди. Шоҳ Шоул эса тозаланиш учун чўлга келмади ҳам; шу боис, у покланмади ва ўзига нисбатан қатъиятсизлик ҳолатида қолиб кетди. Довуд эса саҳрода тозаланди ва Худо уни ўша ерга олиб бориш учун ҳатто, Шоулдан фойдаланди!

Худонинг йўлларини онгимизга сиғдира олмаслигимиз мумкин, бироқ Унинг режалари доим эзгуликка!

Тўшнинг амалга ошиши кейинга қолдирилдими?

Шунга қарамай, покланиш оғриқли бўлиши мумкин. Сизни алдаб нима қилдим: чўл – бу Диснейлендга ташриф буюриш эмас. Қийналиш дегани қийналишни билдиради ва баъзида у ўта оғриқли бўлади.

Эҳтимол, Худо сизни даъват этган нарсаларнинг орзу ва мақсадларини кўрсатгандир. Аммо чўлда, кўпинча, Раббийни қанча излаган ва Унинг Сўзига бўйсунган сари, У юрагингизга қўйган орзудан шунча узоқлашаётгандек туюлади.

Келинг, Юсуфнинг ҳаётини кўриб чиқамиз. У ҳукмдор бўлиши ҳақида туш кўрди. Тушида ҳатто унинг ака-укалари ва бутун оиласи унга бўйсунганини кўрди. Шундан сўнг, нима содир бўлди? Аслида уни ҳимоя қилиши керак бўлган акалари, уни чуқурга ташладилар, кейин тез ўтмай, у бегона юртга қул қилиб сотилди. Унинг саросимасини, умидсизликка тушганини ва аламини тасаввур эта оласизми?

У Худо ғайритабиий равишда ва тез орада уни қутқаради деб ўйлагани, муқаррар. Бироқ унинг умидлари рўёбга чиқмади, чунки унинг қуллиги бир неча ой ёки бир йилга эмас, балки ўн йилдан зиёд вақтга чўзилди. Бу жуда узоқ муддат! У ҳар доим, уни азобга дучор қилган одамлар озодликда яшаётганини ва бой отасининг уйида бахтиёрликда ҳаёт кечираётганини билиб яшар эди.

Юсуф нима қилди? У ўзининг чўл мавсумига қандай муносабатда бўлди? У ўз имонини сақлади, хизмат қилди ва Худонинг ваъдаларини унутмади. У садоқатли, доно, ғайратли эди, натижада, марҳамат ва муваффақиятга эришди.

Кутилмаганда, унинг вазиятлари яна ёмон томонга юз бурди.

Унинг раҳбарининг хотини унга ҳирс билан қаради. У бир-икки марта эмас, кўп марта уни зино тузоғига илинтиришга уринди. Шунга қарамай, Юсуф Худого итоат этарди ва ҳар сафар жинсий ахлоқсизликдан нари юрарди. Охир-оқибат, бу аёл шу қадар тажовузкорликка ўтдики, ҳеч муболағасиз, Юсуф унинг чангалидан қочиб кетишига тўғри келди. Рад этилган аёл, Юсуфни қилмаган ишида ёлғон айблади. Юсуф адолатсизларча ҳукм этилди ва зиндонга ташланди (одатда, мансабдор кишининг ҳовлисида хизмат қиладиган бегона юртлик қул, хўжайнининг хотинини зўрлашга уринган бўлса, у умрининг охиригача нурни кўришдан маҳрум этилар эди).

Қамоқда ўйлаш учун одамнинг вақти кўп. Юсуф қандай фикрлар билан курашишига тўғри келганини кўз олдингизга келтириб кўра оласизми? “Мен бутун умр Худого садоқат билан хизмат қилдим, лекин бу менга нима берди? Мен айбсиз бўла туриб, шу зиндонга тушдим ва шу ерда чириб кетаман. Энди ҳаётдан умид узсам ҳам бўлади! Менинг ёвуз акаларим эса озодликда, ҳайнаҳой фаровон ҳаётда яшаб юришибди. Мен нимани нотўғри қилдим? Мен шунчаки уларга, Худодан берилган деб ўйлаган тушумни айтиб бердим холос, бу эса мени қаергача олиб келди! Худого хизмат қилганимдан фойда нима? Менимча, Унга қанча бўйсунсам, ҳаётим шунча ёмонлашиб боряпти”.

Ким Юсуфни мана шундай фикрлар учун айблаётди? Улар жуда мантиқли туюлади, шундай эмасми?

Юсуф қамоқдалиги пайтида, бир куни чўлдаги энг оғир синовга дуч келди. Худо уни икки киши – нон тарқатувчи ва шарбатдор билан таништирди. Уларнинг иккиси ҳам туш кўришди ва саросимага тушишди. Улар тушларининг таъбирини билишни исташди. Борди-ю Юсуф Худого ва Унинг ваъдаларига бўлган имонини йўқотганида эди, диққат эътибори фақат ўзида бўлиб, бу иккиласига хизмат қилмаган бўлар эди. У буларга: “Сизлар шу кеча туш кўрдингизми? Эҳ! Мен ҳам бир куни туш кўрган эдим. Мен ҳам ўша тушни Худо-

дан деб ўйлаган эдим. Бироқ ҳақиқат шундаки, орзулар амалга ошмайди. Орзулар қуруқ, фойдасиз ва алдоқчи хаёллардир. Шундай экан, мени тинч қўйинглари!” – деган бўлар эди.

Агарда Юсуф шундай қилганда эди, у яна кўп йилларга ёки эҳтимол, ҳаётининг охиригача чўлда қолиб кетган бўлар эди. У озодликка чиқиш учун чиптасини йўқотиб қўйган бўларди (кейинроқ шарбатдор фиръавнга, Юсуф унинг тушини таъбирлаганини айтиб берди, бунинг шарофати билан Юсуф қамоқдан чиқарилди ва юқори мансабга тайинланди). Борди-ю, у ўзига ачиниб ўтирганда эди, ўша қамоқда аламзада, сурбет ва умидсиз одам бўлиб ўлиб кетган бўларди. У доим бошқаларга: “Худо ёлғончи; У Ўз ваъдаларини амалга оширмайди!” – деб эълон қилиб яшаган бўлар эди.

Аммо Юсуф бундай йўл тутмади. У онгига келган фикрларни ва Худонинг ваъдаларига зид бўлган мантиқий хулосаларни ҳайдаб юбориб, нон тарқатувчи ва шарбатдорга хизмат қилди. У Худога итоат этишда давом этди. Натижада, нима содир бўлди? Охиروқибат, у озодликка чиқди ва бир кунда Миср фиръавнидан иккинчи ўринда тўрадиган шахс мансабига эришди!

Юсуф ҳукмдор бўлганига тўққиз йил ўтиб, оғир қаҳатчилик туфайли, унинг акалари Мисрга келишди ва у билан юзма-юз туришди. Юсуф кўпларга ўхшаб, улардан ўч олишга уринмади. Чунки унинг феъли энди, Худо шоҳлигининг ҳаққоний раҳбариникига мос эди. Унга ёвузлик қилганларга, у яхшилик билан қайтарди. У аламзада эмас эди; у имонга, севгига ва унга хиёнат қилганларга нисбатан кечиримга тўлиб-тошган эди. Саночи Юсуф ҳақида шундай дейди:

“(Худо) уларнинг олдидан одамни юборди: Юсуф қулликка сотилди. Унинг оёқларини кишанлар билан сиқдилар, унинг жони темирга кирди, токи Раббийнинг сўзи амалга ошгунича; Раббийнинг сўзи уни синади” (Санолар 104:17-19).

Худо Юсуфга берган ваъдаси қачон амалга ошишини, фақат Унинг Ўзи билар эди (бу у кўрган тушидан, йигирма йил ўтиб, амалга ошди). Чўл унинг феълини тарбиялади ва у мана шундай феъли билан ҳаётини, оиласини ва раҳбарлик ҳолатини мустаҳкам равишда қурди. Унинг барча муваффақиятларининг калити, Раббийнинг қаршисидаги ҳурматга эга бўлган қўрқув эди. Юсуф атрофидаги вазиятлардан қатъий назар, Худонинг Сўзи бўйича ҳаракатланди ва Худонинг Сўзига итоат этди.

Сиздачи? Юқорида айтилганидек, эҳтимол, Худо сизга ҳам, Унинг Ўзи сизни чорлаган нарсалар ҳақида туш, мақсад берган бўлиши мумкин. Эҳтимол, У сиз учун тайёрлаб қўйган режалар тўғрисида сизга айтгандир. Лекин Юсуф билан содир бўлганидек, сиз бугун чўлдасиз ва Худога қанча итоат этманг, худди У сизнинг юрагингизга жойлаган орзулардан шунча йироқлашаётгандек туюляпти.

Эҳтимол, сизга қарши ҳаракат қилган одамлар, аллақачон хизматида (ёки бошқа соҳаларда) олдинга силжиётганини, сиз эса Худо кўрсатган мақсадларга нисбатан қарама-қарши йўналишда кетаётганингизни кўраётгандирсиз. Эҳтимол, мақсадлар амалга ошиши учун ҳамма нарса қилиб кўрдингиз, лекин улар амалга ошмаётгандир.

Сизнинг ёнингиздаги ҳатто, танавий бўлган одамлар ҳам, тараққиёт ва гуллаб-яшнашга эгадек туюлади. Улар молиявий ва ижтимоий “марҳаматлар”ни қўлга киритадилар. Эҳтимол, улар тилёғламачилик ва ҳийлалар ёрдамида кўтариляптилар ёки ёлғон ва каззоблик йўли билан муваффақиятга эришиб, инсофсизларча ҳаракат қиляптилар. Лекин, барибир, улар сизга “марҳаматлироқ” бўлиб кўринади, сиз эса Юсуфга ўхшаб – фиръавннинг зиндонида занжирбанд бўлиб ўтирибсиз.

Сиз бу вазиятга қандай баҳо берасиз? Сиз нолийсизми? Худо бу ҳақда мана нима деб айтган:

«Менга қарши айтадиган сўзларингиз қўполликдир, — дейди Раббий. — Сизлар эса: “Биз сенга қарши нима деяпмиз?” — дейсизлар. Мана, сизлар: “Худого хизмат қилиш беҳудадир. Унинг низомларига риоя қилганимиздан ва Қўшинлар Худовандининг олдида ғамгин юрганимиздан нима фойда? Энди биз мағрурларни бахтли деб ҳисоблаймиз. Бетавфиқлик қиладиганлар фаровонликда яшамоқдалар. Улар Худони васваса қилсалар ҳам, аммо тирик қолмоқдалар,” — деб айтасизлар” (Малахи 3:13-15).

Бундай нолувчи одамлар нима дейишади? Улар: “Худого итоат этганимиздан нима фойда? Ҳаётимизда барибир, ҳеч нарса ўзгармаяпти. Биз эмас, айнан ёвуз – танавий ва ўзбилармон одамлар олдинда бормоқда, Худодан марҳамат олмоқда ва гуллаб-яшнамоқда” – дейдилар (бу Бивернинг ўз сўзлари билан айтгани). Худо буни қўпол сўзлар демоқда ва бу сўзлар Унга қаратилган деб ҳисобламоқда. Қисқача айтганда, бу шикоят ва нолишдир.

Норозилик исроилликларни ваъда қилинган Ерга киришига тўсиқ бўлди. Нега нолиш Худого қаратилган ҳақорат ҳисобланади ва нега у шафқатсиз ҳукмга маҳкум бўлади? Норозилик билвосита Худого дейди: “Сен менинг ҳаётимда амалга ошираётган нарсалар менга ёқмайди, мен Сенинг ўрнингда бўлганимда бошқачароқ йўл тутган бўлар эдим. Нолиш – бу Худого нисбатан заррача ҳам ҳурматнинг йўқлигини билдиради.

Худо ким Унга интилади-ю, ким ўз фойдасини кўзлашини ойдинлаштирмоқда. Биринчи тоифадаги одамлар ўз интилишларида барқарордирлар; иккинчиси эса вазиятлар улар истагандан бошқачароқ томонга юз бурса, зорланишни бошлайдилар. Айримлар марҳамат деб атайдиган нарсалар ва чиндан ҳам марҳамат ҳисобланган нарсаларнинг ўртасида жуда катта фарқ бор. Агарда сизнинг муносабатингиз (юрагингиз) нотўғри бўлса, айрим марҳаматлар сиздан олиб қўйилиши мумкин. Раббий ғаразли ниятга эга бўлган ва нолийдиган одамларга қарата, У

бундайларнинг марҳаматлари билан нима қилишини айтган:

“Шундай қилиб, эй руҳонийлар, бу амр сизлар учундир: “Агар сизлар бунга қулоқ солмасангиз, Менинг номимни улуғлашни юракларингизга қабул қилмасангиз, — дейди Қўшинлар Худованди, — унда Мен сизларнинг устингизга лаънат юбораман ва сизларнинг дуоларингизни лаънатлайман. Ҳатто аллақачон лаънатладим ҳам, чунки сизлар буни юракларингизга қабул қилмаяпсизлар” (Малахи 2:1-2).

Бизнинг мукофотимиз ва меросимиз буюмлардан ёки ҳолатимиздан иборат эмас! Бизнинг меросимиз ёки тақдиримиз – бу Раббий!

Эзекил 44:28 да шундай деб ёзилган: “Улар учун улуш мана шудир: Мен уларнинг улушиман. Уларга Исроилда мулк берманглар, Мен уларнинг мулкиман”.

Аксарият Масихийлар чинакам меросдан юз бурдилар ва бунинг ўрнига буюм ва мансаб орттиришга диққат қаратдилар. Эҳтимол, бу буюмларни ва яхши нарсаларни уларга Худо бергандир. Бу ўғилга отаси билан ўзаро муносабатлардан кўра, кўпроқ ундан оладиган нарсаларга қизиқишига ўхшайди. Менинг тўртта ўғлим бор ва мен уларга ўзим эга бўлган нарсалар билан улашишни ёқтираман. Бироқ улар мендан фақат бирор нарса ундириш учунгина мен билан муносабатда бўлишса, юрагим чилпарчин бўлар эди. Малахи давом этмоқда:

“Лекин Худодан қўрқадиганлар бир-бирларига шундай дейишади: “Раббий бунга диққат қилади. Раббийдан қўрқадиганлар ҳақида ва Унинг номини ҳурмат қиладиганлар ҳақида Худонинг ҳузурда хотира китоби ёзилмоқда» (Малахи 3:16).

Бундай одамлар ҳам “нолийдиганлар” ўтадиган чўлдан ўтадилар, бироқ бу гуруҳнинг асосий мақсади – мансаб, эътироф

ёки буюм эмас. Улар Худонинг юрагини излайдилар! Уларда Худони билиш истаги ёнади. Сиз улар билан ижтимоий мавзуларда ёки тадбиркорлик ҳақида гаплашишингиз мумкин, бироқ улар билан Раббий ва Унинг Сўзи ҳақида гапирганингизда, уларнинг юраклари жўшиб кетади.

Луқо бундай одамлар ҳақида ёзиб, шундай дейди: “Улар эса бир-бирларига: “У йўлда биз билан гаплашиб, Ёзувларни тушунтираётганида, юрагимиз ёниб турмаганмиди, ахир!” – дедилар” (Луқо 24:32). Уларнинг истаклари Рухий нарсалар билан тасдиқланган: “Мен Худони билишни истайман. Мен Унга маъқул бўлишни хоҳлайман. Мен Раббийнинг Сўзига нисбатан очлик ва ташналикни сезяпман. Мен Уни қувонтиришни хоҳлайман, чунки У – мендаги қувончнинг манбаи”. Улар учун мана нима муҳим. Улар биринчи навбатда нуфуз, ном ёки мулк эмас, балки – Исони севадилар.

Улар чўлда бўладиларми ёки миллионлаб одамларга воизлик қиладиларми, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ўзгармайди.

“Чунки биз Худонинг ҳамкорларимиз, сизлар эса Худонинг экинзори, Худонинг иморатисизлар. Мен Худодан берилган иноят бўйича доно қурувчи сифатида пойдевор қўйдим, бошқаси эса унинг устида қурмоқда. Лекин ҳар ким қандай қураётганига эътибор берсин” (Коринфликларга 1-мактуб 3:9-10).

Биз ҳаётимизни қандай қураётганимизга эътибор беришимиз зарур! Ёзувда уйнинг қурилиши бизнинг ҳаётимиз ва шоҳлиқдаги хизматимиз қурилишининг тимсоли ҳисобланади. Биз Худога тегишлимиз, чунки – биз Унинг иншоатимиз:

“...Масихни чуқур англашлар. Мусо Худо уйининг ҳамма нарсасига содиқ бўлгани каби, Исо ҳам Уни тайин Этанга содиқдир. Чунки уйнинг қурувчиси ўзининг қурган уйдан кўра кўпроқ ҳурматга сазовор бўлганидек, Исо ҳам Мусодан

кўра кўпроқ шуҳратга муносибдир. Зеро ҳар бир уй бирор киши томонидан қурилади; ҳаммасини қурган эса – Худодир” (Ибронийларга 3:1-4).

Уйни ким қураётганига эътибор беринг: уни Раббий қурмоқда. Бу уй бизнинг тана кучимиз билан қурилмайди. Худо қурадиган ҳамма нарса доимий, биз қурадиган нарсалар эса – доимий эмас. “Агар уйни Раббий қурмаса, уни қураётганлар беҳуда хизмат қиладилар” (Санолар 126:1). Инсон ўз ҳаётини, уйини ёки ҳатто хизматини ҳам Худосиз қурадиган бўлса – бу узоққа чўзилмайди.

Ибтидо 11:4 да бунинг мисолини кўрамыз: “Улар: “Келинлар, ўзимизга шаҳар ҳамда боши осмонга етар минора қурамыз. Шу тариқа, бутун ер юзига тарқалиб кетишдан аввал, ном чиқарамиз”, – дедилар”.

Бобил минорасини қурган кишиларнинг нияти нима эди? Улар иншоатини ўзларининг шарафи учун кўтариб, шахсий худбин мақсадларини амалга оширишни истаган эдилар. Улар худди Худодек бўлишни, бироқ Ундан тамоман мустақил яшашни хоҳладилар. Бу интилиш Худонинг иродасини эмас, уларнинг шахсий истаги ва иродасини қондиришга қаратилган эди. Худосиз бўлган қурулиш ҳеч қачон муваффақиятга эга бўлмайди, негаки бизнинг ниятларимиз қанчалик эзгу кўринмасин, Худонинг аралашувисиз, бу бефойдалиқдир. Мана нима учун бизга шундай огоҳлантириш берилган:

“...ҳар ким қандай қураётганига эътибор берсин. Чунки ҳеч ким қўйилган пойдевордан, яъни Исо Масиҳдан бошқа пойдеворни қўя олмайди. Бу пойдевор устида кимдир олтиндан, кимдир кумуш ва қимматли тошлардан, кимдир эса ёғочу хашак ёки сомондан қурмоқдаки, ҳар бир кишининг иши ошкор бўлади, чунки ўша кун буни кўрсатади. Бу оловда фош бўлади ва олов ҳар кимнинг иши қандай эканлигини синайди” (Коринфликларга 1-мактуб 3:10-13).

Олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар Худога маъқул тарзда қуришни билдиради. Ёғоч, җашак ва сомон бу дунёнинг режаси бўйича қуришнинг тимсоли ҳисобланади. Наҳотки ушбу оятлар самода бўладиган ҳукмнигина таърифласа? Йўқ! Бу ерда Худо Ўз маъбадига келиши ҳақида айтилган (Малахи 3:16-4:1 ва Коринфликларга 1-мактуб 3:16-17). У ёғоч, җашак ва сомонни кулга айлантирадиган ёки олтин ҳамда кумушни тозалайдиган олов билан келади. Мана нима учун у давом этиб шундай деб ёзган: “Кимнинг қилган иши ёниб кетса, у зиён кўради. Бироқ ўзи нажот топади, лекин олов ичидан қутулгандек бўлади” (15-оят).

Агарда сиз ўз ҳаётингизни, ишингизни ёки хизматингизни қўлбола ғишлардан, яъни шахсиятингизнинг кучи таъсирида ёки дунёвий дастурлар ва услублар билан қўрсангиз... агарда одамларни ҳийла билан алдаш, уларни назорат қилиш йўли билан қўрсангиз... агарда нуфузга эришиш мақсадида бошқаларнинг мавқеидан фойдалансангиз ва айёрлик қилсангиз... агарда қуриш жараёнида танқид ёки ғийбатлар билан атрофингиздагиларни бузсангиз... шунда, юқоридаги йўллар билан нимага эришган бўлсангиз, ҳаммасини йўқотасиз ва улар ёниб кетади.

Кўпчилик ёлғон услублардан фойдаланиб, ўзини олдинга суради ёки одамларни очикчасига алдаб, имтиёзга эришмоқчи бўлишади. Бу ҳам ёниб кетади! “Ҳеч ким ўз-ўзини алдамасин: сизлардан ким бу дунёда доно бўлишни ўйласа, у доно бўлиш учун ақлсиз бўлсин. Чунки бу дунёнинг донолиги Худонинг ҳузурида телбалиқдир. Худди ёзилганидек: “У доноларни уларнинг ҳийлагарлиги билан овлайди” (Коринфликларга 1-мактуб 3:18-19).

Худонинг кўзлари қаршисида ҳаётингизнинг қайси соҳасида ғаразли ният бўлса, бу ёғоч, җашак ва сомон ҳисобланади. Ҳатто сиз буни бошқаларга ёрдам беряпман, Раббийнинг номи билан ҳаракат қиляпман ёки вақтимни қўрбонлик қиляпман деб амалга оширган ишларингиз ҳам ёниб кетади.

Дунёвий доноликнинг марказида – шахсий “мен” турибди. “Агарда юрагингизда сизлар аччиқ ҳасадга ва рақобатга эга бўлсангиз, унда мақтанманглар ва ҳақиқатга қарши ёлғон гапирманглар. Бу юқоридан тушаётган донолик эмас, балки дунёвий, шайтоний, жонга оид доноликдир” (Ёқуб 3:14-15).

Ҳасад аслида рақобат ва шубҳани туғдиради. Ўз мавқеимизни сақлаб қолиш учун, биз ўз ҳокимиятимиз учун курашишни бошлаймиз, бу бизни дўстларимиздан, самимийликдан ёки энг муҳими, Худо билан муносабатларимизнинг бутлигидан маҳрум қилиши мумкин. Ҳатто чўпонлар ва бошқа хизматкорлар ҳам Худонинг юраги билан яқинликка путур етказишнинг ҳисобига, ўз нуфузи, номи ва маоши учун қайғуриш пайида бўлишлари мумкин.

Худонинг юрагини ҳаққоний равишда излайдиганлар эса, Худони қанча кўп изласалар, шунча Ундан узоқлашаётгандек бўлиб кўриниши мумкин. Умидсизликка тушиб, улар фарёд қиладилар: “Художон, Сени қанча изласам, юқорига эмас, шунча пастга томон кетмоқдаман”.

Худо эса дейди: “Чуқурроқ ковла!”

“Менинг олдимга келган ва сўзларимни тинглаб, уларни бажарган ҳар бир кишининг кимга ўхшашини сизларга кўрсатайин: У уй қураётганида, чуқурроқ қазиган ва пойдеворини тош устига ўрнатган одамга ўхшайди. Сел тошиб, ўша уйни сув босди, лекин уйни қўзғата олмади. Чунки у тош устига маҳкам ўрнатилган эди” (Луқо 6:47-48).

Биз оиламиз билан Далласда яшаганимизда, мен қурувчилар осмонўпар бинолар кўтарганини кузатганман. Қурилишнинг бошидаги жараён аста-секин кечар эди, чунки улар бир неча ойлар давомида пойдевор учун ерни ковлар эдилар. Иморат қанча улкан бўлса, ўра ҳам шунча чуқур ковланар ва унинг пойдевори ҳам шунча кенг қўйилар эди. Ташқаридан, қурувчилар айтарли

натижаларсиз, секин ишлаётгандек туюлар эди. Кейин тўсатдан, баланд бино тезда битиб қолар эди. Бинонинг тайёргарлик жараёни билан таққослаганда, унинг қурилишига бир кун кетгандек бўлиб кўринарди.

Устки қисмидаги изчиллик пастки қисмидаги тайёргарликнинг олдида ҳеч нарса эмас эди.

Мен ишонаманки, Масихнинг танасидаги кўпчилик, эҳтимол, айниқса ёш авлод вакиллари, бугун пастки қисмдаги тайёргарлик жараёнидан ўтмоқдалар. Мен бу учун Худони шарафлайман! Эҳтимол, улар хизматда даъватга ёки Раббийдан бирор бир орзуга эга бўлсалар-да, бугун улар хизматда муҳим ўринларга эга эмасдирлар. Ҳамма нарса секин содир бўлади, бироқ мен ишонаман, улар чўлда Худонинг бошқаруви остида пухта тайёргарликдан ўтмоқдалар. Уларга пойдевор солинмоқда – Масихнинг табиати шаклланмоқда. Бу табиат Масихга ва Унинг шоҳлигида ғайрат билан хизмат қиладиганларнинг кўпчилигини узоқ йиллар давомида мустаҳкамлайди.

Чўлда бўлмаганлар, сиёсат орқали ёки ўзини олдинга суриш эвазига жадал кўтарилаётгандек туюлади. Бизнинг чўлда яшаётганларга, улар худди қопқонда ўтиргандек бўлиб кўриниши мумкин. Улар ҳатто тез ва енгил йўлни танлаш васвасасига йўлиқишлари ҳам мумкин. Лекин улар бу йўл орқали феъл-атвори барқарор бўлмаслигини ва ўзида шаклланиб улгурган феълени хатарга қўйишини билиб, хавф ўта улканлигини тан оладилар. Улар Бош Қурувчи Қоя уларга мустаҳкам пойдевор солишига имкон бериш учун Худони кутадилар.

Ҳозирда Худони жон-жаҳд билан излайдиган чўпонлар бор, бироқ уларнинг ҳаётида жуда кам нарса содир бўлаётгандек ёки, хатто умуман ҳеч нарса содир бўлмаётгандек туюлади. Улар қурғоқчилик вақтида ёки жойида яшамоқдалар. Улар, бошқалар дунёвий маркетинг услубидан фойдаланиб, муваффақият билан ўзини ва ўз хизматини юрғизаётганини кўрадилар. Бундайлар ижтимоий тармоқларда сохта бахт ва муваффақият тушунчасини

яратадилар. Чўлда бўлганларга эса, Худо бундай услублар орқали қуришига йўл қўймайди, чунки У уларга мустаҳқам ва узоқ вақтга

Чўлдан қандай ўтиш керак

#8 Йешуа Нун ўғли ҳаммасини тўғри тушунди

Агар чўл бизнинг эзгулигимиз учун белгиланган бўлса, қандай қилиб чўлда яхшилиқни олишимиз ва ёвузликдан сақланишимиз мумкин?

Йешуа Нун ўғли – юраги чўлда тўғри бўлган кишининг ажойиб намунасидир. Мусо Синай тоғига чиққанида, Йешуа Нун ўғли тоғнинг этагида қолган. У Худонинг ҳузурига иложи борича яқин бўлишга ҳаракат қилган. Мусо Худо билан чодирда учрашганда, Йешуа Нун ўғли ҳам у ерда бўлган. Ҳатто Мусо Раббий билан гапиришни тугатганда ҳам, Йешуа Нун ўғли йиғин чодирда қолган (Чиқиш 33:11).

Йешуа Нун ўғли китобида биринчи авлоддаги исроилликлар қутула олмаган ҳаётининг бешта соҳасидаги гуноҳлар, иккинчи авлодда (Йешуа Нун ўғли авлодида) бу қадар осон намоён бўлмади. Бу нарса фақат битта Ахан исмли киши орқали намоён бўлди. Бироқ етакчилар билан халқ бунга ҳал этиш учун зудлик билан Худони изладилар. Иккинчи авлод ҳаммасини тўғри тушунди, чунки улар олдинги авлоднинг муваффақиятсизларини кўрган эдилар. Бу авлод уларнинг ота-оналари Худонинг ваъдасига эришмай чўлда ўлиб кетганини кўрди.

Йешуа Нун ўғли ва унинг авлоди ўз диққатини Яратувчига қаратди ва ваъда қилинган ерга кирди. Улар Худонинг Сўзини бажаришда кучли эдилар ва тушкунликка тушмадилар. Улар нолишдан бош тортдилар ва Худога ишонишда тез эдилар.

чидайдиган пойдевор тайёрламоқда.

Яна шундай тоифадаги одамлар борки, Худо уларга ҳали муайян вазият ёки жойни кўрсатмаган, лекин У уларга орзу берган. Улар бу орзу қай тарзда амалга ошади деб сўрайдилар ва орзуларидан янада узоқлашаётгандек бўладилар.

Худо бу қуруқ ёки чўл вақти учун, ўзини олдинга суриш ёки найранг билан ёлғондан фойдаланадиганларнинг ичидан, итоат билан Уни кутадиганларни ажратиб олади. Худони Ўз маъбадига келишини кутадиганларга, Худодан чинакам тараққиёт ва чўлдан чиқиш келади. Худо дейди:

«Мен белгилаган вақтда адолат билан ҳукм қиламан... Зеро кўтарилиш – шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам, саҳродан ҳам эмас, лекин Худо – судьядир: бировни пасайтиради, бошқасини юксалтиради” (Санолар 74:3-8).

Тананинг беҳудалиги

Тана ва Рухнинг жанги ҳақидаги ҳақиқат фақат хизматга эмас, балки ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқлидир. Худонинг ваъдалари тана орқали туғилмаслигини ҳеч қачон унутманг! Агар тана бирор нарсани туғса, бу сизга муаммо олиб келади, чунки уни айнан тана қўллаб туриши керак бўлади. Агар бирор нарса Рухдан туғилса, буни Худо таъминлайди.

Танавий ҳаракатлар одатда найранг ва назорат учун муҳит яратади. Етакчилар натижаларга эришиш учун одамларни ёки мажбурлайдилар, ёки уларнинг ҳиссиётини ўйинчоқ қиладилар. Агар сиз шундайларнинг издошлари қаторида бўлсангиз, тез орада, сиз уларнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун жавобгар бўлиб қоласиз, бу сиз уларнинг кўрсатмаларига қандай жавоб беришингизга боғлиқ бўлади. Бундай муҳитда босим, қонунбозлик, хўжайинлик ва найранг кўп бўлади.

Гарчи мен асосан хизмат ҳақида айтаётган бўлса ҳам, бу фақат хизматга тааллуқли эмас. Мен тананинг кучи билан яратилган ҳар қанақа муҳит ҳақида гапиряпман. Бу бизнинг тадбиркорликка, таълимга, соғлиқни сақлаш соҳасига, ҳукуматга, армияга, профессионал спортга ва Худо Ўзининг халқини хизмат қилишга чақираётган бошқа кўплаб даъватга тааллуқли бўлиши мумкин.

Аксинча, Рухдан туғилган эса ўзининг шаклланишида ҳеч қандай ҳисса қўшмаганини билади, шу боис ўзига ўзи ҳомийлик қила олмаслигини ёки ўз кучи билан ўзини ўстира олмаслигини тушунади. Худо яратган (қурган) нарса учун Унинг Ўзи масъулдир.

Исҳоқ туғилганида, Исмоилнинг тақдири ҳал бўлди (Ибтидо 16-21). Мен ўз тажрибамда кўрдимки, Исмоил туғилиши учун мумкин бўлган имконият, ҳар доим ваъда қилинган Исҳоқ ҳақидаги орзу туғилишидан аввал келади. Худо бизга ваъда қилган ўғил туғилиши учун ўз кучимиздан фойдаланиш васвасасига қарши туриш керак. Кейинги оятни эсланг: “Иброҳимга: “Бу чўрини ва унинг ўғлини ҳайдаб юбор! Чунки бу чўрининг ўғли менинг ўғлим Исҳоқ билан меросхўр бўлмайди”, – деди” (Ибтидо 21:10).

Раббий Ўзининг халқига: «Ўзингиз Исмоилни туғиш учун қилаётган ҳаракатларингизни бас қилинг, чунки танадан туғилган ваъдадан туғилган билан бирга меросхўр бўлмайди» - дейдиган кун келяпти. – “Ҳаттоки, бу услублар маҳсулдор бўлиб кўринса ҳам, Худо шундай дейди: «Буни ўзингиздан улоқтиринг!», токи бирор киши Унинг ҳузурида мақтанмасин!»

Худонинг ҳукми келганида, сиз ўз маҳоратингиз билан ҳаётингизда қурган ҳар қандай нарса тозалайдиган оловга бардош бера олмайди. Агар ҳаётингизда барча уринишингиз ўзингизни сақлаб қолишга ва ўзингизни олға суришга қаратилган бўлса, буларнинг бари ёниб кетади. Лекин биз “олов ичидан қутулгандек” бўламыз.

Фақат ваъда орқали олинган, Худонинг Рухи ва инояти билан ҳосил бўлган ва туғилган нарсагина қолади.

9

КУЧНИ МАШҚ ҚИЛДИРИШ

*«Раббий Ўзининг энг аъло аскарларини азоблар
чўққисидан топади».*

– Чарльз Х. Сперджен

*«Чақалоқ эса улғайиб ва руҳан қувватланиб, Исроилга
зоҳир бўладиган кунигача саҳроларда бўлди».*

– Луқо 1:80



Кўп йиллар аввал мен тўқнаш келган қийинчиликлар шуни кўрсатдики, биз Масиҳнинг издошлари кучга тўлишимиз ва имонимизни мустаҳкамлашимиз учун тайёргарлик вақтига эга бўлишимиз керак экан. Ишонасизми ёки йўқми, бу синовлар қуруқ, беҳосил чўлда эмас, балки спорт мажмуаларида ва соғломлаштириш марказларида амалга ошди.

Мен ўттиз беш ёшда эдим ва Жоржия штатининг Атлантадаги жамоатларидан бирида, чин юрагимдан воизлик қилганимдан сўнг, саҳнада турган пайтим қарийб ҳушимдан кетиб йиқилдим. Ўшанда мен жисмонан заиф бўлиб қолганимни тушундим ва агар мен садоқат билан хизмат қилишни давом эттиришни истасам танамни мустаҳкамлашим кераклигини билар эдим.

Мен Жоржиядан уйга қайтиб келиб, бўлган воқеани Лизага айтиб бердим. Сўнг:

- Мен машғулот залига қатнайман дедим.

У эса мени ўзининг жавоби билан лол қордириб, шундай деди:

- Худога шукр! Мен, сен машғулот залига қатнашинг учун ибодат қилган эдим!

Чиндан ҳам ўзининг эри учун қандай ибодат қилиш кераклигини билган хотининг бўлса бу эътиборга лойиқ.

Ўша вақти биз Флоридада яшар эдик ва биздан иккита уй нарида Кип исмли Умумжаҳон Рестлинг Федерациясининг курашчиси яшар

эди. Биз у билан оилавий дўстга айланган эдик, чўнки бизнинг фарзандларимиз чамаси бир хил ёшда эдилар. У бир неча марта мени машғулот залига бирга боришни ва биргаликда машқ қилишни таклиф этар эди, лекин мен доим: «Йўқ, мен жуда ҳам бандман. Менинг вақтим йўқ» дер эдим. Мен банд эдим, лекин шўнингдек, мен бироз қўрқардим ҳам; ким ҳам профессионал курашчи билан машқ қилишни хоҳларди?

Кипнинг гавдаси катта эди: бўйи - 190 сантиметр, вазни – 108 кило ва бор йўғи олти фоиз бадан ёғига эга эди. Унинг жуссаси намунали “V” шаклда эди ва қорнидан машқ қилинган тўрт жуфт мушаклар ажралиб турарди.

Кўпинча у, бизнинг фарзандларимиз ва мен кўча басбетболи ёки хоккей йўнар эдик. Мен у билан тўқнашганимда у ҳатто жойидан жилмасди, мен эса бир ярим икки метр орқага учиб кетар эдим!

Атлантага қилган сафаримдан сўнг, унинг олдига кириб дедим:

- Кип, мен машқ олишим керак. Сен менга ёрдам бераман деган эдинг. Сен ҳали ҳам ёрдам беришга тайёрмисан?

У ўзоқ ўйламай деди:

Албатта, мен сени ўзим билан машғулотларга олиб бораман.

Мен унинг бешафқат табассумига диққатлироқ бўлишим керак эди. Ўшанда мени нима кутаётганини умуман тасаввур ҳам қилмаган эдим!

Кейинги кун эрталаб икковимиз машғулот залига бордик. Мен у ерда фақат жиддий спортчилар шуғулланишини бирданига тушундим. Атроф-муҳит тестостеронга тўлган ва тернинг ҳидига эса деярли чидаб бўлмас эди. Биринчи кўни мен ўзлаштирган дарслардан бири қўйидагича эди. Штангага енгил вазни осиб, уни йигирма ёки ўттиз марта кўтариб мушак ҳажмини ўстириб бўлмайди. Бўнинг ўрнига штангага сиз бор йўғи уч ёки тўрт марта кўтара оладиган катта вазни осийингиз керак.

Сизнинг мушакларингизда машқни учинчи ёки тўртинчи марта қайтаришдан бошлаб, яхши ўзгаришлар содир бўлади. Шу пайти

ичингиздаги ҳамма нарса: «Мен буни бошқа кўтара олмайман!» – дейди. Лекин ўриндиғингиз атрофида йиғилган йигитларнинг ҳаммаси бақириб: “Итар, итар, портлагин!” деганда, ичингизда нимадир бутун кучни охиригача сарфлашга ва анашу вазни тўртинчи ёки бешинчи марта кўтаришга мажбурлайди. Жуда мураккаб бўлган жараёни оддий қилиб тушунтирсак, мушаклар айнан шундай тарзда ўсади.

Тан олишга уяламан, лекин биринчи кун иётган ҳолда, силтамасдан бор йўғи 40 килони кўтара олдим. Кип ўша пайтда қўшнисининг сафари узоқ давом этишини англаганига аминман! Икки ҳафтадан сўнг машғулоти залида мен 45 килони кўтардим. Яна бир неча ҳафтадан сўнг мен 55 килони кўтардим. 60 килога етиб борганимда, мен шуқадар ғурурландимки, мен штанганинг ҳар бир тарафига иккита стандарт ўттиз килоли дискларни оса олдим. Мен штангани кўтаришга бошқа уялмас эдим.

Мен ўзимнинг ҳикоямни ушбу бобда яна давом эттираман, лекин менинг аста-секинлик билан жисмоний кучга тўлишиш жараёним, Раббий бизни Ўзининг чўлдаги «машғулоти залига» олиб бориб бизга руҳий мушакларни ўстиришда ёрдам беришига ўхшайдиган яхши мисолдир.

Бизнинг руҳимиз айнан чўлда кучли бўлади, чунки бу нафақат биз: «Худо, қаердасан?» деб хитоб қиладиган қурғоқчил жой, қолаверса, катта синовлар ва имтихонлар жойидир. Хушхабар шундаки, гарчи чўл – мураккаб ва оғир жой бўлса ҳам, биз руҳий куч машғулоти вақтида вазни кўтариш учун, ким бизни руҳлантиришини эсда тутишимиз керак.

«Агар Худо биз томонда бўлса, ким бизга қарши?»
(Римликларга 8:31).

У биз томонда экани ва бизни руҳлантиришидан ташқари, бизга яна битта мустаҳкам ваъда берган:

«Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келган эмас. Худо эса содиқдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос бўлиш йўлини ҳам беради» (Коринфликларга 1-мактуб 10:13).

Шунинг учун қанақа синов билан тўқнаш келишингиздан, қақшатқич ва қурғоқ жойлардан ўтаётганингиздан қатъий назар Худо бизга, биз ҳеч қачон енгиб ўта олмайдиган синовга тушмаслигимизни ваъда беряпти. Агар ўйлаб кўрсак, бу жуда ҳайратомуз.

Сиз синовлар билан тўқнаш келганингизда, ким эканингизни нутманг. Исо сизга, яъни Худонинг суюкли фарзандига шундай деяпти: «Мана, Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босиш учун ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.» (Луқо 10:19). Демак, душман бизга нима улоқтираётгани муҳим эмаслигини тушунапмиз; биз бошимизга тушган синовни енга оламиз. Акс ҳолда Худо бунга йўл қўймаган бўлар эди!

Бироқ, бу ерда яна битта муаммо яширинган. Кўп одамлар катта муаммоларни уддалаш қобилиятини ўстирмайдилар. Улар машғулот залидан қочишади ёки у ерга тушиб қолганидан нолишади ва шикоят қилишади деса ҳам бўлади. Шундай бўлса-да, Повул умуман бошқа муносабатни таърифлаяпти. У шундай деб ёзган:

«Чунки сизларга Масих ҳақи Унга ишонишгина эмас, балки У учун азоб чекиш ҳам берилган (ёки совға қилинган)» (Филиппиликларга 1:29).

Азоблар сизга берилган ёки инъом қилинган деб ўқиганингизда бу сизга ғалати бўлиб туюлмайдими? Аслида бу нима дегани? Агар кимдир менга: «Сенга нимадир берилган» деса, мен баракаларни кутган бўлардим. Мен буни кутган ҳолда шундай дер эдим: «Қизиқ, мен нимани қўлга киритар эканман?»

«Инъом қилинган» ва «азоблар» сўзларини қандай қилиб битта гапда қовуштириш мумкин? Бу кимгадир шундай дейишга ўхшайди: «Сизга туғилган кунингизда тиш духтурига бориб, тишингизнинг илдиз йўлидаги пульпасини олдириш учун бориш совға қилинган». «Сиз жиддий айтяпсизми? Раҳмат, лекин мен истамайман». Бу беъманиликдек туюлади, чунки Қўшма Штатларга ўхшаган замонавий давлатда яшаб, биз қулай ва бирмунча енгил ҳаётга интиламиз. Шунинг учун, азоблар сизга инъом этилгани ҳақидаги ғоя саросимага солиб қўйиши мумкин. Кўп одамлар қийинчиликларга дуч келиб шундай дейдилар:

«Мен билан шу нарса содир бўлаётганига ишонгим келмаяпти».

«Нима учун мен?»

«Нима учун бу нарсалардан мен ўтишим керак?»

«Бунга тоқатим етмайди!»

«Ҳем ким мен нимадан ўтаётганимни тушуна олмайди».

«Нима учун мен нормал ҳаёт билан яшай олмайман?»

«Худойим, илтимос, менинг ҳаётимдан бу нарсани олиб ташла!»

«Курашишнинг нима кераги бор? Бундан кўра бирдан таслим бўлганим яхши...»

Аминманки, вақти-вақти билан биз шундай деб ўйлаганмиз, ёки қийинчиликлар билан тўқнаш келганимизда шунга ўхшаш гапларни айтганмиз. Афсуски, кўпинча биз (чўлдаги) синовларнинг ва азобларнинг мақсадини тушунмаймиз.

Лекин, доимгидек, Худо биз нимага муҳтож эканимизни ва Унинг шоҳлигида янада маҳсулдор бўлишимиз учун бизга қанча куч кераклигини тушунади. Повул манашу сабабдан бизга Худонинг ваъдаси ҳақида хабар қилади, бизнинг имон мушакларимиз каттариши учун бизга «мақсадга асосланган азоблар» берилади ёки инъом қилинади.

Васвасанинг роли

Мен илгари эслатиб ўтганимдек, бизнинг куч машғулотларимизнинг мақсадларидан бири – бу васвасани аниқлаш ва унга қаршилик кўрсатиш қобилятида ўсишдир. Исо бунақа вазиятдан Ўз хизматининг бошида ўтди, Ота шайтонга Исони чўлда васвасага солишга рухсат берган пайтда: «Исо Муқаддас Рухга тўлиб, Йордан дарёсидан қайтиб келди. У Рух томонидан саҳрога олиб борилди. У саҳрода қирқ кун иблис томонидан васвасага солинди. Ўша вақтда У ҳеч нарса емади. Бу кунлар тугагач, У охири оч қолди» (Луқо 4:1-2).

Мен «рухсат берди» сўзини атайлаб ишлатдим, чунки Худо ҳар қандай вазиятда васвасанинг муаллифи эмас: «Васвасага тушганда, ҳеч ким: “Худо мени васвасага солаяпти”, – демасин. Чунки Худо ёвузликка васвасага тушмайди, Ўзи ҳам ҳеч кимни васвасага солмайди» (Ёқуб 1:13).

Биз васваса қилинганимизда, биз билан нима содир бўлади? Биз шайтоннинг мақсади – бизни Худога итоат қилиш қувончидан ва У билан бўлган муносабатимиздан олиб кетиш учун бизни гуноҳга етаклаш эканини биламиз. Агарда шайтон шундай мақсад билан бизни васваса қилса, унда Худо бу васваса билан тўқнашишимизга йўл қўйса, унда У қандай мақсадни кўзлайди? Ҳаворий Петъор бизга шу саволга жавоб беряпти?

«Шундай қилиб, Масих биз учун Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролланинглар. Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишдан тўхтайдди» (Петъорнинг 1-мактуби 4:1).

Бошқача сўзлар билан айтганда, биз чўлда тўнқаш келадиган васваса орқали бўлган синов ва гуноҳ ёки бошқа муаммолар устидаги ғалабанинг мақсади – бизга руҳий мушакларимизни ўстиришга ва янада етукроқ бўлишимизга ёрдам беришдир. Бу

Чўлдан қандай ўтиш керак

#9 Исмоилни туғманг

Биз чўлда эканимизни англаганимизда, бу ерда узоқ ушланиб қолдим деб ўйласак, бизга ўзимизнинг орзуимизни амалга ошириш учун «шунчаки ниманидир қилиш» васвасаси келади. Мен буни Исмоилнинг туғилиши деб атайман ва бу Худо бизга ваъда қилган нарсани ўзимизнинг кучимиз билан амалга оширишга ҳаракат қилишимиздир. Кўпинча Исмоиллар қандайдир асосланган муҳтожликка жавоб тариқасида туғилади, лекин улар тана изми бўйича туғилади.

Албатта, бу ғоя Иброҳим ва Соро ҳақидаги ҳикояга бориб тақалади, Худо уларга ўғил ваъда қилган эди. Улар бу ваъдани ўн бир йил кутдилар; Иброҳим 86 ёшда эди, Соро эса фарзанд кўриш учун жуда кекса эди. Шунинг учун улар «Б режага» ўтдилар – Соро Иброҳимга Ҳожарни олишни ва ваъда қилинган ўғилни у орқали туғишни таклиф этди. Бу режа яхши режа эмас эди. Исмоил билан боғлиқ бўлган ҳар қанақа режа, гарчи бу арзигуликдек туюлса ҳам, бу ёмон

оятдаги асосий сўз “қуролланинг” ҳисобланади.

Жангга қуролсиз бораётган ҳарбий қисмни тасаввур қила оласизми? Жанговар вертолёт, танклар, винтовка ва ўқ-дориларсиз – умуман қуролсиз? Бу ҳолат фалокатга айланган бўлар эди. Азоб чекиш ва синовлардан ўтиш учун қуролланмаган Масиҳнинг издоши, ҳудди шундай фалокатга дучор бўлади.

Хусусий авиайўналишларнинг учувчилари – турли хил муаммоалар учун тайёрланган одамларнинг яхши мисоли бўла олади. Бундай авиайўналишлари ҳар олти ойда ишчиларини вақти-вақти билан ўқувга юборишади. Бу учувчилар симуляторга ўтириб, содир бўлиши мумкин бўлган энг ёмон вазиятларда

режа ҳисобланади. Доим ёдда тутинг: агар сиз бирор нимани ўз кучингиз билан туққан бўлсангиз, сиз буни ўз танангизнинг кучи билан қўллаб туришингизга мажбур бўласиз.

Бир неча марта чўлда бўлганимда, мен «Б режани» ишлатиб кўрганман. Худо менга бир куни келиб, менга умумжаҳон воизхон бўлиш хизматини ваъда қилганини билардим. Лекин бу амалга ошмаётгани сабабли мен ўзимни маҳаллий жамоатнинг хизматида «ботиб қолган» дек ҳис қилар эдим. Шу боис, мен бир неча маротаба чўлдан қутулиб қочиб кетишга уринганман. Мен бундай уринишлар учун катта нарх тўладим ва бундай уринишлар менга барибир ҳеч қандай фойда келтирмади. Мен таслим бўлганимданоқ, Худонинг Ўзи ишлашни бошлади ва ҳамма нарсани ўзгартирди.

Сизга маслаҳатим: ўзингизни беъмани азоблардан халос қилинг – Исмоилни туғманг. Худо сизга ваъда қилган нарсаларни амалга ошириши учун йўл беринг.

учоқни самарали бошқаришни ўрганишади. Мақсад ҳар битта учувчининг фавқулотдаги вазиятларни уддалай олиш маҳоратини мустаҳкамлашдан иборат.

Одатда, учоқда юзага келган хавфли ҳолат пайтида нима қилишга ўргатилмаган йўловчилар шунчаки таъсирга тушиб қоладилар, учувчи эса чора кўради. Нима учун? Чунки учувчи ўргатилган ёки қуролланган.

Чўл итоатли масиҳий билан манашу нарсани амалга оширади. У бизнинг йўлларимизга қийинчиликларни қўяди, уларнинг мақсади – бизни кутаётган ғалабалар учун қуроллашдир. Биз чўлда қийинчиликлар бўлишини тушунишимиз керак. Исо, биз бу дунёда

қийинчиликлар ва азоблар билан тўқнаш келишимиз ҳақида, бироқ уларни енгилда У бизга ёрдам бериши ҳақида айтган. Биз улар орқали ўтиб биз кучлироқ бўламиз.

Буюк имконият

Биз чўлга ўзимизнинг руҳий мушакларимизни қувватлаш ва Раббий ҳаётимизнинг кейинги босқичида бермоқчи бўлган нарларса учун янада кучлироқ бўлишимизда буюк имконият деб қарашимиз керак. Ҳаворий Ёқуб шундай дейди:

«Биродарларим, сизлар турли васвасаларга тушиб қолганингизда ҳам, бунинг бутун қувонч билан қабул қилинглари» (Ёқуб 1:2).

Биз барчамиз имконият нималигини биламиз, чунки биз америкаликлар тадбиркорларни севамиз. Бизнесда, масалан ўсиш, муваффақиятга эришиш ва фаровонлик учун имкониятлар мавжуд. Бу бизнинг сарҳадларимизни кенгайтиришнинг имкониятидир. Биз қийинчиликларимизга айнан шундай тарзда қарашимиз керак, Ёқуб айтганидек:

«Шуни билингларики, имонингизнинг синалиши сабр-тоқат ҳосил қилади. Сабр-тоқатингиз эса амалда мукамал бўлсин, токи сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз, етук ва комил бўлинглари» (Ёқуб 1:3-4).

Чўлда бизда ўзимизнинг чидамлик маҳоратимизни ўстириш имконияти туғилади. Бугун биз «чидамлик» сўзини қандай маънода ишлатамиз? Кўпинча, чидамликни ўстириш машғулоти — чидамликни ривожлантириш учун бир қатор машғулоти қилиш маъносида ишлатамиз. Оддий сўз билан айтганда,

чидамлиликни ўстириш машғулоти, келажакда бизнинг қийинчиликларимизни енгиб ўтиш қобилиятимизни кенгайтиради.

Бунинг маъноси қуйидагича: биз дуч келган ҳар қандай синовда, Худо қийинчиликларнинг келишига муайян мақсад билан йўл қўяди, мақсад – бизнинг қобилиятларимизни ўстиришдир. Худо қийинчиликларга йўл қўяди ва мен бу сўзни яна таъкидлаб ўтаман, эртага биз қийинчиликлар билан тўқнаш келишимизни Худо билгани сабабли, босим даражасини имитация қиладиган (учиш симуляторининг мисолини эсланг) қийинчиликларнинг келишига бугун йўл қўяди. Айнан шунинг учун синов, доим бугунги тайёргарлик ва масъулият даражамиздан кўра каттароқдек туюлади. Шундай қилиб, биз келажакда йирик ғалабаларга эга бўлишимизда, Худо бизнинг ҳозирги қийинчиликларимизни бизни мустаҳкамлаш учун ишлатади.

Энди эса менинг машғулотларимизга қайтамыз. Мен аввал айтиб ўтганимдек, Кип мени шундай шуғуллантирдики, мен жимда ётган ҳолда 60 килони кўтара оладиган бўлдим. Гарчи бу мен учун катта ютуқ бўлган бўлса ҳам, мен бундан кўпроғини қила олармикинман деб ўйлар эдим. Агар менинг куч йиғиш машғулотимни руҳий тайёргарлик ва куч билан солиштирсам, бундай ҳолда Раббийда мен учун, 60 килони кўтаришдан кўра кўпроқ кучни талаб этадиган вазифа бўлган бўлсачи?

Шундай қилиб, мен машғулот залига қатнашни давом эттирдим. Ниҳоят мен 90 килони кўтардим, лекин мен икки йил мобайнида манашу оғирликда қолиб кетдим. Мен Калифорниядаги анжуманларнинг бирида воизлик қилаётган эдим ва бир неча хизматкорлар менга: Жон, сен бирор марта 100 кило кўтарганмисан дейишди?

- Мен бироз умидсизлик билан: Йўқ, лекин мен беш йилдан бери уриняпман – дедим.

- Улар: Биз сенга ёриб ўтишга ёрдам берамиз – дейишди.

Мен чиндан ҳам, ўша куни ётган ҳолда жим билан 100 кило

кўтардим! Мен ўта илҳомланиб кетдим!

Шундан сўнг бизнинг «Мессенджер Интернейшнл» хизматимизга янги ишчи қўшилди. Мен уни оғир атлетика билан шуғулланишини билиб қолдим ва биз биргаликда шуғулланишни бошладик. Унинг ёрдамида мен 105 кило ва ҳатто бир марта 110 кило ҳам кўтара олдим. Бироқ мен бундан кўпроғига қодирмидим?

Бир йилдан сўнг мен Дейтройт шаҳридаги жамоатларнинг бирида воизлик қилдим. Якшанба хизматидан сўнг чўпон менга:

Жон менинг тренерим – бутун Америка бўйлаб машҳур фитнес-йўриқчи, у бизнинг жамоатимизга қатнайди. Эртага менинг навбатдаги машғулотим бўлади. Мен билан борасанми? – деди.

- Мен кўтаринки руҳда албатта, деб жавоб бердим.

Кейинги куни биз у ерга бордик. Бу тренер мени баҳолади-да, кейин сўради:

- Шундай қилиб, сен энг кўп кўтарган оғирлик 110 кило эдими?

- Ҳа, лекин бу фақат бир марта бўлган эди.

- Бугун сен бундан ҳам оғирроғини кўтарасан.

«Нима?!» Мен бундай деганим йўқ, лекин ичимда ўйладим: «*Сен ақлдан озибсан! Бунинг иложий йўқ!*». Лекин озгина машғулот ва маслаҳатлардан сўнг мен 120 кило кўтардим.

Мен илҳомга тўлдим. Мен оғир атлетчи ишчимизнинг ёнига, Колорадога қайтиб бордим ва ўша йўриқчи бизни ҳар ҳафта электрон хат орқали шуғуллантирди. Биз ғайрат билан меҳнат қилишда давом этдик ва кейинги йили Дейтройтдаги ўша жамоатга яна қайтиб бордим. Ўша пайти мен 42 ёшда эдим.

Ўша якшанба куни мен Муқаддас Рухнинг ажойиб сифатлари ҳақида воизлик қилдим. Душанба куни биз биргаликда машғулот залига бордик. Ўша тренер менга:

- Жон ўтган оқшом мен туш кўрдим, тушимда сен 140 килодан кўпроқ кўтарибсан деди.

- Мен: Ақл бовар қилмайди! - дедим. Аммо мен: «*Баракалла, лекин мен бунақа туш кўрмадим-ку!*» – дедим.

- Жон, сен кеча Муқаддас руҳнинг кучи ҳақида воизлик қилдинг. Бу тушни кеча менга У берди! Курсига ёт. Бу бизнинг қўлимиздан келади!

Озгина машғулотдан кейин штангага тошларни илдик ва азамат овоз билан мен 150 килони кўтардим!

Мен ниҳоятда илҳомланиб кетдим ва Лизага Дейтройт аэропортидан қўнғироқ қилиб, дедим:

- Мен уйга учишим учун учоқ керак эмас, мен ҳозир манашундай кўтаринки руҳдаман!

Мен 150 килони кўтарганимдан сўнг 100 кило билан бемалол шуғулландим. Мен ҳаттоки бу оғирликни ўн мартагача кўтариб қайта-қайта кўтарардим. Лекин етти йил илгари нимадан бошлаганимни эслаб кўринг. Агарда 35 ёшимда Кип штангага 40 килонинг ўрнига 100 кило қўйганида нима содир бўларди? Бу штанга мени ўлдириши мумкин эди! У бор оғирлиги билан устимга тушиб мени эзиб ташлаган бўлар эди! Ҳозирги кучимга эга бўлишим учун йиллаб давомида кетма-кет уринишлар керак бўлди. Ҳозир мен учун оддий ҳисобланган оғирлик, мени етти йил олдин ўлдириши мумкин эди!

Ана шу сабабдан биз ўтаётган синовлар, ҳаётимизда кўпинча узоқ вақтга қолиб кетиб, руҳий кучимизни машқ қилдиради ва биз келажакдаги янада йирикроқ бўлган синовларга тайёрланишимиз учун ёрдам беради. Биз Раббийда кучлироқ бўлганимизда, бизда Унинг шоҳлигини қуришда кўпроқ ҳаракат қилиш қобилияти ҳосил бўлади.

Афсуски, Масих ҳукми олдида турадиган одамлар бўлади ва У кўз ёшлари билан уларга шундай дейди: «Мен сен учун анча кўпроқ режам бор эди, лекин сен улар билан бирга келадиган қийинчиликларни эплаш учун сенинг қобилиятинг йўқ эди». Бу жуда ҳам фожеали, чунки Худо бизга ҳеч қачон биз бардош бера оладиганимиздан ортиғини бермайди. У бизга буни ваъда қилган!

Шундайэкан, келинг менинг машғулотларимни намуна сифатида

ишлатамиз. Агар сиз 60 кило руҳий қаршилиқни кўтара олсангиз, Худода эса 80 кило қаршилиқни, қувғинларни, васвасаларни ва машаққатларни кўтара оладиган қобилиятни талаб этадиган режа ёки хизмат бўлса, У бунга ҳозир йўл қўймайди, чунки сиз етарлича кучли эмассиз. Бунинг ўрнига сизни ўқиш жараёнини бошлашга йўналтиради. Эҳтимол, У сизни текширишда давом этадиган, лекин сизни яқсон қилолмайдиган 65 кило қийинчиликнинг келишига йўл қўяди (лекин буни Ўзи яратмайди).

Масалан, эҳтимол кимдир сиз ҳақингизда ғийбат қилар ва миш-мишлар тарқатар. Бундай ҳужумга қарши туриб, ўзингизни ҳимоя қилишнинг ва ўзингиз ҳам ўша одам ҳақида ғийбат қилишнинг ўрнига, сиз Худонинг Сўзига бўйсуниб, ҳеч нима демай, бунинг ўрнига дуо қилишни афзал кўрасиз. Ажойиб – сиз 65 килоли синовни кўтардингиз! Энди сиз кейинги даражага – 70 килога кўтарилишингиз керак! Агар сиз Худого кейин ҳам қийинчиликлар орқали бўйсунсангиз, сизнинг машғулотингиз, сиз то 80 кило даражасига эришмагунингизча давом этади. Энди сиз, Худо Ўзининг шоҳлидаги ҳаётингиз учун режалаштирган янада юқорироқ режага ёки мансабга тайёрсиз.

Агар сиз ғийбат ҳақида билиб қолиб, хафа бўлсангиз ва у инсонга жавоб қайтарсангиз, ўзингиз пайқаганингиздек, Раббий кўз ёши билан сизга: «Мен сенга ачинаман, лекин сен 60 килолик руҳий қаршилиққа қайтишинг керак» дейди. Сиз ҳали ҳануз «машғулот залидасиз» лекин бундан фойда олмаяпсиз.

Машғулот давом этипти, бироқ у ўша илгариги даражада турибди. Кейинги синов, У ҳаётингизда молиявий муаммоларга йўл қўяди – бу ҳам 65 килоли яна битта синов бўлади. Аммо Худонинг таъминотини излашнинг ўрнига сиз бирданига шундай дейсиз: “Бу муаммо эмас! Бизнинг кредит тарихимиз ҳали тугагани йўқ!” Шунда Худо қўшимча оғирликни олиб ташлаб: “60 килога қайт” дейди.

Лекин шундай вақт келадики, сиз Худого Унинг шоҳлигидаги 80 килоли қаршилиққа мўлжалланган муайян вазифа ёки муайян

мансаб учун керак бўласиз. Агар сизнинг чўлдаги синовларингиз – куч машғулотларингиз нуқул муваффақиятсиз бўлган бўлса, У сизни янги поғонага олиб киролмайди, чунки сизда бундай вазифадаги ёки мансабдаги қаршиликларни кўтариш учун руҳий мушаклар йўқ. Бундай ҳолда У бу вазифани уддалай оладиган ёки бу мансабни эгаллай оладиган бошқа кишини топишга мажбур бўлади.

Кўпроқ ҳокимият ва куч

Мана нима учун чўл жуда муҳим; у бизнинг кучимизни кўпайтиради.

Яхё Чўмдирувчи айнан чўлда руҳан кучли бўлди.

Исо айнан чўлда руҳан мустаҳкам бўлди.

Уларнинг руҳий мушаклари енгил даврларда эмас, балки қийин даврларда, уларнинг имони синалган пайтда ривожланди.

Ёқуб бизга яхши хабарни маълум қилади: сиз қийинчиликлардан Худого маъқул тарзда ўтганингизда, тўлиқ тайёр бўласиз – Худо сизни тайёрлаган ҳамма нарса учун сизда куч бўлади:

«Шуни билинглари, имонингизнинг синалиши сабр-тоқат ҳосил қилади. Сабр-тоқатингиз эса амалда мукамал бўлсин, токи сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз, етук ва комил бўлинглар» (Ёқуб 1:3-4).

Ёқуб бизнинг қобилиятимиз ва чидамлилигимиз ўсиши кераклигини назарда тутяпти. Ёқуб шунингдек, агарда биз чўлда тўғри ҳаракат қилсақ, бизда кутиш маҳорати ҳосил бўлиши ҳақида айтяпти: «Васвасага бардош берган одам бахтлидир. Чунки у синовдан ўтгач, Раббийни севадиганларга ваъда қилинган ҳаёт тожини олади» (Ёқуб 1:12).

«Тож» сўзи ҳомиятнинг тимсолидир, ҳокимият ортидан куч келади. Исо шайтон томонидан васваса қилиниш учун чўлга

юборилгани, Ўзининг итоати ва Ўзининг турғунлиги туфайли чўлдан катта ҳокимият ва куч билан чиққани каби, биз ҳам ўзимизнинг чўл мавсумимиздан катта ҳокимият ва куч билан чиқа оламиз.

Сизни билмадиму, лекин мен Худо тайёрлаб қўйган нарсалар учун менинг руҳим кучим борлигига амин бўлишни истайман.

Бирор киши машқ қилишни истайдими?

10

ЧҮЛДА СУВ

“Вазиятлар бизга қарши бўлганида Худога ишона олмасак, демак биз умуман Унга ишонмаймиз”.

– Чарльз Х. Спержен

“Исо унга жавобан деди: – Бу сувдан ичаётган ҳар бир одам яна ташна бўлади. Мен унга берадиган сувни ичадиган эса абадий ташна бўлмайди. Аммо Мен унга берадиган сув унинг ичида абадий ҳаёт томон оқаётган сув манбаига айланади”.

– Юҳанно 4:13-14



Чўлда ёмғир кам бўлади. У ерда сув топиш мушкул ва агарда сув топиш мумкин бўлса, уни қудуқ ёки булоқдан қазиб чиқариш керак бўлади. Чўл – бу қуруқ ва ташна ер ҳисобланади (Санолар 62:2). Шунинг учун, Исо бизни шундай сўзлар билан чорляпти:

“Улуғ байрамнинг охирги кунда Исо тик туриб, баланд овоз билан шундай хитоб қилди: “Ким ташна бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин” (Юҳанно 7:37).

Ўзим чўлда бўлган пайтларимни эслайман, мен ибодат қилишга уринганимда, тирик сув билан тўлишиш қийин бўлар эди. Бир кун мен мана шундай ҳолатдалигимда, Раббийни излаган пайтим, чодиримни олдим ва давлат боғига кетдим. У ерда бутун кеча давомида эрталабгача ибодат қилишга қарор қилдим. Ўша кеча, аввал ибодат қилдим, сўнг Ёзувни ўқидим, сўнг ҳамду-сано кўйладим. Бу уч соатлар давом этди ва менга ҳеч нарса содир бўлмаётгандек туюлди. Мен янгиланишни эмас, балки батамом қуруқликни ҳис этар эдим. Кучли умидсизликка тушиб, охири, ётоқ қопимга кириб, уйқуга кетишга ҳаракат қилдим.

Ўша кеча барча жинлар байрам уюштирганга ўхшар эди; мен умуман ухлай олмадим. Мен нега мени Худо тўлдирмади деб ўзимдан сўраб, у ёнбошдан, бу ёнбошга ағдарилиб ётдим. Эртаси кун чодиримдан чиқиб, руҳда ибодат қилдим, лекин ўзимни бўм-

бўш ҳис этган ҳолда, хиёбонлар бўйлаб юра бошладим. Бу ҳолат яна бир ярим соат давом этди. Ниҳоят, мен бошимни кўтариб: “Раббий, мен чўлга келганга ўхшайман” – дедим. Мен: “Яхшиси, мен уйга бориб, Уни излашни тўхтатишим керак; бу қуруқ жойга мени Худонинг Ўзи олиб келди, шу боис, Унинг Ўзи мени бу ердан олиб чиқмагунча, ҳеч нарса ўзгармайди” – деб ўйладим.

Бу нотўғри тафаккур эди! Худо Ўз ихтиёри билан вазиятимизни ўзгартирмагунча, умидсизликка тушуриш ёки таслим бўлишга мажбурлаш учун бизни чўлга олиб келмайди! Чўл муваффақиятсизлик эмас, ғалаба жойидир! Тўсатдан, ичимда майин овоз: “Қураш!” – деганини эшитдим. Манашу кичик сўз мен муҳтож бўлган олов учқуни ва ҳаёт эди. Мен шу заҳоти дедим:

Худонинг инъоми менда ёнди! Тирик сув дарёлари, қуйилинлар!
Юрагимнинг чашмаси, тўлиб-тошгин!

Мен исроилликлар билан чўлда содир бўлган бир воқеани эсладим:

“Улар бу ердан Беерга жўнаб кетдилар. Бу Раббий Мусога:
“Халқни йиққин ва Мен уларга сув бераман”, — деб айтган
ўша қудуқдир. Ўшанда Исроил ушбу қўшиқни куйлади:
“Қудуқ, тўлгин; унга куйланг” (Сонлар 21:16-17).

Мен Худонинг Каломидаги бу сўзни такрорлайвердим ва менинг ибодатим янада кучайиб борди ва мен боғнинг хиёбонларининг бирида у ёқдан бу ёққа юриб, Худонинг Сўзини катта куч ва олов билан эътироф этдим ва ибодат қилишни бошладим. Янгиланиш келди ва мен умуман бошқа одамга айланиб қолгандек бўлдим! Мен Унинг кучли ҳузурини ҳис этдим. Бундан бир неча дақиқа аввал, мен оғирлик ва заифликни сезиб турган эдим; энди эса Раббийнинг Сўзи ёрдамида ҳар қандай душман билан тўқнашишга ҳам тайёр эдим!

Бу ҳолат йигирма беш дақиқа давом этди, аммо бу менга беш дақиқада бўлиб ўтгандек туюлди. Мен янгиланиш билан тўлдим ва

дунёни забт этишга тайёр эдим!

Исо Унинг олдига келган ва Ундан ичган кишининг юрагидан тирик сувлар манбаси ёки дарёлар оқиб чиқади деган. Биз чўлда Муқаддас Рухнинг (ёмғир) ёғилишини кўрмаймиз. Ушбу қуруқ ерда янгилайдиган сувни биз ўз юрагимиздан – Худонинг манбасидан ёки қудуғидан қазиб чиқаришимиз зарур.

Эътибор беринг, Исо қудуқ ёки чашма – бу Муқаддас Рух эканини ва имонлининг юрагидан (бирликдаги) дарё эмас, балки (кўпликдаги) дарёлар оқиб чиқишини кўрсатган.

Қай тарзда бизнинг юрагимиздан Раббийнинг Рухи дарёлар каби оқиб чиқади? Ишаъё пайғамбар Рух ҳаракатининг табиатини тушунтириб, дейди: “Унинг устида Раббийнинг Рухи, донолик ва англаш руҳи, маслаҳат ва қувват руҳи, билим ва Раббийдан қўрқиш руҳи бўлади” (Ишаъё 11:2).

Муқаддас Рух Донолик Рухи, Онг Рухи, Маслаҳат Рухи, Куч Рухи, Билим Рухи ва Раббийнинг Қўрқуви Рухи деб аталади. Исо Рухни дарёлар деб атаётган бўлса, бу Донолик дарёси, Онг дарёси, Маслаҳат дарёси, Куч дарёси, Билим дарёси ва Раббийнинг Қўрқуви дарёси борлигини англатади. Мен чодиримнинг олдида турганимда, юрагим алангаланиб кетгани бежиз эмас!

Мен ушбу фикрни тасдиқлайдиган бир нечта ҳақиқатларни келтириб ўтаман:

- Ҳикматлар 18:4 да ёзилган: “Инсон оғзининг сўзлари – чуқур сувлардир, донолик булоғи эса оқаётган ирмоқдир”.
- Ҳикматлар 16:22 да ёзилган: “Идрок ўзининг эгаси учун ҳаёт булоғидир, аҳмоқларнинг насиҳати эса аҳмоқликдир”.
- Ҳикматлар 20:5 да ёзилган: “Инсоннинг юрагидаги ниятлари – чуқур сувлардир, аммо ақлли одам уларни сузиб олади”.

Бу чуқур сувларга тўла қудуқ имонлининг юрагида жойлашган, негаки айнан ўша ерда Рух яшайди. Бироқ Худонинг йўлларини тушунадиган инсонгина ундан сув чиқара олади. Бу ердаги энг

муҳим сўз – бу “сузиб олиш». Қайтараман, чўлда Рухнинг ёмғири кўринишидаги тоза сув бўлмаслигини унутмаслигимиз зарур. Уни юракдан сузиб чиқариш керак.

Ҳикматлар 10:11 да ёзилган: “Ҳақ одамнинг оғзи – ҳаёт манбаи”.

Ҳикматлар 15:23 да ёзилган: “Инсон ўз оғзининг жавобидан қувонч топади”.

Борди-ю, мен: “Яхшиси, мен уйга бориб, Уни излашни тўхтатишим керак; бу қуруқ жойга У мени олиб келди, шу боис, Унинг ўзи мени бу ердан олиб чиқмагунча, ҳеч нарса ўзгармайди” – деб ўйлаб, чодиримни йиғиштириб, уйимга кетганимда, мен ичимдаги оғирлик билан кетган бўлар эдим. Лекин Худо юрагимга жойлаган сўзни эътироф этганим учун, чуқур қудуқдан сув чиқариб олишга муваффақ бўлдим. Мен ер ости нажот манбаларигача етиб бордим ва янгилайдиган сувни қазиб чиқардим. Бу чиндан ҳам чўлнинг ўртасида салқин сув ичишга ўхшади!

Кўпчилик қурғоқчилик мавсумида таслим бўладилар, бироқ Худо дейди: “Олдинга боришда давом эт! Тўхтама!” Бизнинг ичимизда Унинг иродаси амалга ошмагунча, бизга мағлуб бўлишга йўл қўймайдиган қатъий ва саботли интилиш бўлиши зарур.

Аксарият кишилар қуруқликни ҳис этганларида, ибодат қилишни тўхтатиб қўядилар; улар буни қудуқдан сув келмай қолгани учун тўхтатадилар ва сувни чиқариш уларга ўта мушкулдек туюлади. Улар заифлашадилар, Худо эса келажақда уларни кутиб турган жанг учун ўз кучини кўпайтиришини истайди.

Бу сувни чиқариб олиш учун қаердан куч олиш керак? Бу куч қувончда! Ишаъё 12:3 да ёзилган: “Сизлар нажот булоқларидан қувонч билан сув тортасизлар”, чунки “Раббийнинг қаршисидаги қувонч – бизни қувватлайди” (Неҳемияҳ 8:10). Қувонч – бу бизни мустаҳкамлайдиган руҳий куч саналади.

Раббийнинг қаршисидаги қувонч бу нима? Кўп йиллар мобайнида, мен Раббийнинг қаршисидаги қувонч, У эга бўлган қувончга эга бўлиш деб ҳисоблар эдим ва буни тушуниш мен

учун қийин эди. Бироқ ушбу оятда бу ҳақда ёзилмаган. Сиз бирор марта: “Овқат тайёрлашдан келадиган қувонч” – деган иборани эшитганмисиз? Овқат тайёрлаш ўз-ўзича қувончга эга эмас. Бу овқат тайёрлаш жараёнида қувончни ҳис этишни билдиради. “Раббийнинг қаршисидаги қувонч” – бу У билан мулоқатдан келадиган қувончни туйишдир. У бизга қувонч беради!

Ибодат қилаётганимизда Унинг ҳузурини ҳис этмаслик, У биздан юз бураётганини билдирмайди. Шу боис, бизнинг қувончимиз ҳис этаётганларимизга боғлиқ эмас. У Худонинг Шахсиятига ва У билан мулоқот имтиёзига эга эканимизга боғлиқ. Хуллас, биз У бизни ташлаб кетганлиги ҳақидаги ёлғондан анча юқорироқни кўряпмиз ва У аслида, бизни янада чуқурроқ манбалар томон чорлаётганини тушунапмиз!

Чўлдан қандай ўтиш керак

#10 Қувончининг сирли воситаси

Чўлда бўлганингизда диққатингизни вазиятларга қаратиш жуда осон. Мен чўл мавсумларида тирик қолишимга ва фаровон ҳаёт кечиришимга ёрдам берган кичкина сир ҳақида сиз билан бўлишмоқчиман. Мен буни қувончининг Сирли воситаси деб атайман.

Ҳаётда мени деярли ҳеч нарса руҳлантирмаганда, ҳеч нима содир бўлмаётгандек туюлганда, мен қайта ва қайта ибодат қиламан-у, лекин натижаларни кўрмаганимда, мен фикримни Исо амалга оширган нарсаларга қаратаман.

У мени олови ҳеч қачон ўчмайдиган ва олтингугурт ҳиди тугамайдиган дўзахдан қутқаргани эсимда.

Кўмиб ташланган қудуқларни очиш

Иброҳимнинг мўъжизавий туғилган ўғли Исҳоқ – бир куни қурғоқчиликни бошдан кечирди:

“Ер юзида Иброҳимнинг кунларидаги очарчиликдан ташқари яна очарчилик бўлди... Раббий унга зоҳир бўлиб деди: “Мисрга борма, Мен сенга айтадиган ерда яша. Шу ерда мусофирдек яша ва Мен сен билан бирга бўлиб, сени дуо қиламан. Чунки Мен барча бу ерларни сенга ва сенинг авлодинга бериб, отанг Иброҳимга берган қасамимни бажо келтираман” (Ибтидо 26:1-3).

Худо хусусан, Исҳоққа, қулай шароитни излаб – Мисрга қочиб кетмаслигини, балки У қўйган жойда қолиши кераклигини айтди. Аксарият ҳолларда, биз саҳрода бўлганимизда, ҳаёлимизга келадиган биринчи нарса бу “Мен бу ердан кетаман!” Агарда эрталабги ибодатимизда Худонинг ҳузурини сезмасак, кун давомида

У ерда азоб ҳеч қачон тугамайди. Дўзах мен учун эмас, балки шайтон учун яратилган. Лекин шайтон инсониятни алдади ва энди у инсонларни ўзининг кетидан тортиб кетяпти. Бироқ, Исо Ўзининг ҳаётини қурбон қилди – менинг Яратувчим мени бундан қутқариш учун Ўз ҳаётини қурбон қилди.

Мен бу ҳақда ўйлашни бошлаганимда, ўз нигоҳимни Унга қаратганимда, ҳаётга шукр билан қараганимда ва ҳаётга абадият нуқтаи назари билан қараганимда, менинг вазиятим аҳамиятли бўлиб кўринишдан тўхтади. Бу менинг қувончимнинг Сирли воситасидир – мен миннатдор бўлишим учун қилинган ҳамма нарсаларни эслайман ва ўз нигоҳимни Исога қадаيمان.

биз нималар қилишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб, фикрларимиз тўзишни бошлайди. Биз тезда ибодат вақтини тугатиб, онгимизда ишларимизнинг рўйхатига ўтиб кетамиз.

Борди-ю, жамоатда қурғоқчиликни ҳис этсак, биз Худодан ҳам сўраб ўтирмай: “Руҳий илҳом ва руҳланган воизликлар бор жойга кетаман!” – деб қарор қиламиз.

Шунингдек, ижтимоий ёки бизнес соҳасида қурғоқчиликни сезсак, иқтисодиёти тараққий этаётган шаҳарни топиб, ўша ерга кетишни ўйлаймиз. Биз: “Агарда мен бу ерда қолсам, қуриб қоламан ва Худонинг менинг ҳаётим учун белгилаган режалари амалга ошмай, қолиб кетади” – деб ўйлаймиз.

Америкадаги кўп масиҳийлар шундай деб ўйлайдилар. Улар қурғоқчилик йўқ жойни топишга уриниб, бир ижтимоий тармоқлардан, бошқасига, бир фаолиятдан иккинчисига, бир жамоатдан бошқа жамоатга, бир шаҳардан иккинчисига чопадилар. Худо уларнинг чўлига янгилайдиган сув олиб келиши учун улардан фойдаланишига имкон беришнинг ва қудуқ қовлашнинг ўрнига, тимсолан айтадиган бўлсак, енгилроқ ва тинчроқ ҳаётни излаб, “Мисрга жўнайдилар”. Улар бу қуруқ мавсумларнинг аксарият қисмида Худо уларга берган мақсадни амалга оширишга бел боғлаганини чиндан ҳам тушунмайдилар. Тўғри, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди, чунки баъзида Худо биз учун янги жой тайёрлайди ва эскиси қуриб кетишига йўл қўяди. Бунинг калити, Худонинг Руҳи томонидан бошқарилишдир! Агарда У сенга ҳеч нима демаётган бўлса, ўз жойингда қол ва кураш!

Исҳоқ Худога бўйсуниб, очарчилик бўлган жойда қолгани учун қўйидагилар содир бўлди:

“Исҳоқ ўша ерда экин экиб, ўша йили юз карра ҳосил олди. Раббий уни шундай дуо қилди. У улуғ одам бўлди. У янада юксалиб, ўта улуғвор одам бўлди. Унинг қўй-эчкилари, мол подалари, хизматкорлари кўп эди. Шунинг учун филистинликлар

унга ҳасад қила бошладилар. Отаси Иброҳимнинг ҳаётлик пайтида отасининг қуллари қазиган барча қудуқларни филистинликлар кўмиб, тупроққа тўлдирдилар. Исҳоқ отаси Иброҳимнинг кунларида қазилган, Иброҳимнинг ўлимидан сўнг филистинликлар кўмган сув қудуқларини қайтадан қазиди ва уларни отаси атаган ўша номлар билан атади” (Ибтидо 26:12-15, 18).

Исҳоқ отасининг филистинликлар кўмиб ташлаган қудуқларини қайта қазиб, ўзининг ҳосилини ўстириш учун зарур бўлган сувни қўлга киритди. Исҳоқ билан содир бўлгани каби, биз ҳам Худонинг чиримас уруғи ўсиши ва юракларимизда етилиши учун зарур бўлган сувни, одатда кўмиб ташланган қудуқлардан чиқариб олишимиз талаб этилади. Филистинликлар бу дунёга ва унинг тизимига тегишли эдилар. Кўпинча, бу дунёнинг тизими билан ўта яқиндан мулоқотда бўлишни бошлаганимизда, бизнинг қудуқларимиз кўмилиб кетаётганини сезмай қоламиз. Бизнинг қалбимиз зарур бўлган суғорилишни олиши учун, қудуқларимизни очишимиз жуда муҳим.

Бугунги кунда Масиҳнинг танасига маданий қадриятларнинг кириб келиши, кўплаб қудуқларни “кўмиб” ташлаётганига ишончим комил. Жамоат душманнинг ёлғонига учиб, ўз қудуқларини кўмилиб қолишига йўл қўйгани учун, у оқар сувлар манбаи бўлишнинг ўрнига, қуруқ ерга айланиб қолди, дейишимиз мумкинми?

Биз навбатдаги саволни беришимиз лозим: “Худо жамоатини тоза сув билан тиклай оладими?” Албатта, тиклай олади! Ишаъё бу ҳақда ҳайратли тарзда дейди:

“Раббий доимо сенинг етакловчинг бўлади, қурғоқчилик вақтида У сенинг жонингни тўйғазади ва суюқларингни бақувват қилади. Сен мўл-кўл суғорилган боғ ва сувлари ҳеч қуримайдиган бўлоқ каби бўласан. Сенинг авлодинг азалий саҳроларни обод қилади, сен кўп авлодларнинг пойдеворини

қайта тиклайсан. Сени харобаларни қайта тикловчи ва яшаш учун йўлларни қайта солувчи, деб атайдилар” (Ишаъё 58:11-12).

Исҳоқ ўзича йўл изламасликка ва аълороқ шароитлари бор давлатга жўнаб, роҳатга интилмасликка қарор қилди. Агарда биз ҳам ўзимизча йўл излашни, роҳатга интилишни ва ўзимиз билганимизча яшашни бас қилиб, аксинча Раббийни ҳурмат қилсак, суғорилган боғдек ва тирик сув чашмасидек бўламиз, шунда биздаги сувлар оқишдан тўхтамайди. Биз Худо истагандек ҳаракат қилсак, У биз орқали қуриб қолган ва ташна одамларга Ўзининг тирик сувини беради.

Худо бизни бу дунё томонидан кўмиб ташланган қудуқларни қайта қовлашга ундамоқда. Бу ўз навбатида матонатни талаб этади ва бу бир неча соат, кун, ҳафта, ой ёки ҳатто йилдан ҳам кўпроқ вақтни талаб этиши мумкин.

Интилишни йўқотиш

Аминманки, ушбу китобда чўл – бу кўпгина турли хил вазиятларни таърифловчи киноя эканини аниқ-равшан айтиб ўтдим. Уларнинг умумий мувофиқлиги шундаки, биз ўз вазиятларимизда нимадандир маҳрумликни ёки қурғоқчиликни ҳис этамиз. Аксарият ҳолларда, даъватимизга ёки Худо билан муносабатларга интилиш ва илҳомнинг сустиги ёки батамом тугаганлиги чўлнинг аломатидир.

Мен ёшлар чўпони бўлиб хизмат қилган пайтим кечирган иккинчи чўлдаги аҳамиятли тажрибам ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат беринг.

Флорида жамоатидаги биринчи тўққиз ой шунчаки ақл бовар қилмас даражада эди – хизмат кенгайиб, ёшлар жамоаси ўсиб борар эди. Мен руҳланган, кучга ва интилишга тўла эдим. Кейинчалик, худди куч келмаётгандек ва менинг барча уринишларим ҳамда заҳматларим тугагандек туюларди.

Мен ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ вақтимни ибодатда ўтказар эдим, бироқ ҳеч нарса содир бўлмаётгандек бўлиб кўринарди. Бундан ташқари, менга ёшлар хизмати учун берилган мақсад аста-секинлик билан сушлашиб борарди (эски шароб тўкилаётган эди). Мен қанча ибодат қилсам, у шунча сўниб борарди. Ташқаридан ҳаммаси аввалгидек эди, аммо ичимда нимадир ўзгарган эди.

Устига-устига биз ташқи томондан келган синовлардан ҳам ўтишимизга тўғри келди, бундай турдагиларига ҳали ҳеч қачон дуч келмаган эдик. Энг оғир синов бу менинг бевосита раҳбарим менинг кетишим учун, менга қарши иш тайёрлаб қўйгани эди. Унинг ўғли ёшлар хизматининг аъзоси эди ва бир куни хизматдан сўнг, у рафиқамнинг ёнига келиб, деди:

Лиза хоним, менинг ота-онам ўйда мана шундай ишларни қилса, қандай қилиб, Жоннинг воизликларига риоя қилиб, яшай олишим мумкин? (уларнинг нима қилганини айтишнинг ҳожати йўқ; фақат улар яхши нарса қилмаганини айтишим мумкин).

Рафиқам ҳайратда қолган эди, шундай бўлса ҳам, унга доно маслаҳат берди:

Худонинг Сўзига содиқ қол ва Худога ота-онанг билан ишлашига имкон бер.

Ўша кундан бошлаб, раҳбарим менинг обрўимни тўкиш ва мендан қутулишга қарор қилди. У сездирмасдан, бироқ кескин ҳужум қилишни бошлади. У катта чўпон билан менинг орамга совуқчилик солишга муваффақ бўлди. Ўн олти ҳафта давомида мен чўпоним билан бирор марта учрашмадим ва гаплашмадим.

Бу одамнинг бир неча ойлик фитналаридан сўнг катта чўпон мени хизматдан четлаштиришга қарор қилди. У якшанба куни эрталабги хизматда, ёшлар хизматида ажойиб ўзгаришлар содир бўлишини эълон қилди.

Лекин Худо мўъжиза қилди ва катта чўпонимиз ўз шахтидан тушди. Ушбу якшанба кун эрталабги хизмат вақтидаги эълон ва душанба куни эрталабга белгиланган учрашувимиз ўртасида Худо

унга гапирди. Биз у билан учрашганимизда, у деди:

Жон, сени бизга Худо юборди, Унинг Ўзи сени кетишинг керак демагунича, сен ҳеч қаерга кетмайсан.

Олти ойдан сўнг, раҳбаримнинг фитналари ошкор бўлди ва у зудлик билан ўз ўрнидан бўшатилади. Унинг қилган ишлари, бизнинг онгимизга келиши мумкин бўлган нарсалардан ҳам анча жиддийроқ бўлиб чиқди.

Бу мавсум давомида, мен нафақат манашу ва бошқа ташқи ҳужумларга дуч келдим, шунингдек, олдин ҳеч қачон бошдан кечирмаган кўплаб ички ҳужумлар билан ҳам тўқнашдим. Шунда мен, эҳтимол, муаммо менда бўлса керак деб ўйладим ва ёдимга тушган барча гуноҳларим учун тавба қилишни бошладим, лекин ҳаётимдаги ҳужумлардан ва қурғоқчиликдан енгилликни сезмадим.

Мен бир куни гуноҳларим учун қайтадан тавба қилишга уринганимда, Раббий менга деди: “Сен бу чўлга гуноҳ қилганинг учун келганинг йўқ. Мен сени келажакдаги ўзгаришларга тайёрлаяпман”. Бу бешинчи бобда айтилган “янги шароб” эди.

Ушбу чўлнинг бир йили ўтгач, Раббий мени овқатдан рўза олишга ундади. Рўзанинг бир неча куни ўтгач, менинг оғзимдан қуйидагича ибодат сўзлари чиқди. Уларни мен ўз оғзим билан айтганимдан сўнг қулоқларим билан эшитдим. Юрагимдан чиққан бу фарёд онгимни четлаб ўтган эди. Мен бор юрагим билан ҳайқирдим: “Раббий, мен ҳеч ким йўқ саҳрода бўламанми ёки миллионлаб одамларга воизлик қиламанми, бунинг аҳамияти йўқ. Мен бу иккала жойда ҳам бир хил йўл тутаман. Мен Сенинг юрагинга интиламан!”

Тўсатдан менинг ичимда қўнғироқлар чалингандек бўлди ва У менда нималарни амалга оширганини англаб етдим! “Художон, Сен юрагимда айнан шу нарсани амалга оширдинг”, - дедим мен. – “Сен мени шундай ҳолатга олиб келдингки, менинг меросим ва биринчи севгим – бу хизмат ёки бошқа нарса эмас, балки Сен бўлиб қолдинг. Шу боис, ўзгаришлар келганида, мен уни бутимга айлантирмайман. Мен Сени – биринчи севгимни ҳеч қачон қолдирмайман ва Сенинг

Ўрнингга хизматни севмайман. Менинг юрагим доим тўғри ҳолатда қолади”.

Кутилмаганда, Худо Довудга айтган гапларини эсладим:

“Уни рад этиб, Худо уларга Довудни подшоҳ қилиб кўтарди ва у ҳақида гувоҳлик бериб, шундай деди: “Мен юрагимдагидек бир эркакни – Йессей ўғли Довудни топдим. У Менинг барча истакларимни бажо келтиради” (Ҳаворийлар 13:22).

Сизга муҳим бир ҳақиқатни – Шоҳ Шоул ҳеч қачон чўлдан ўтмаганини яна бир бор эслатиб ўтишга ижозат беринг. У бошида, шоҳ деб эълон қилиш учун пайғамбар уни излаган пайт араванинг ичига яширинганда, камтар инсондек бўлиб туюлган эди. Бироқ бир неча муваффақиятларни қўлга киритгач, ундаги аралашмалар юзага чиқишни бошлади. У улкан жангда ғалаба қозонди, аммо бунини ўзи билганича амалга оширди ва Худонинг буйруғига итоат этмади. Бу ҳам етмагандек, шу ишидан сўнг ўзига ҳайкал қўрдирди. Бу унинг аста-секин юзага чиқаётган бетавфиқ ишларининг бошланиши эди. Охир-оқибат, у умрининг охиригача бир ёқлик қилишни истамаган аралашмалари ёки камчиликлари туфайли ўз ҳаётини йўқотди.

Сизнинг ичингиздаги нарсани юзага чиқарадиган иккита ҳолат бор. Улардан бири, юқорида айтиб ўтганимиздек, тозаловчи олов. Иккинчиси—бу муваффақият. Муваффақият сиздаги аралашмаларни атрофингиздаги барчага очиб беради, лекин ўзингиз эса уларга нисбатан кўр бўлиб қолаверасиз. Кўпчилик хизматчилар уларни тозаловчи олов поклашига имкон бермадилар. Шунга қарамай, улар кейинчалик Шоулга ўхшаб, ўз даъватига киришга чақирилган эдилар. Бироқ, афсуски, улар зарур бўлган тайёргарликдан ўтмаган эдилар. Муваффақият уларнинг ичидаги аралашмаларни юзага чиқарганида, бу улар даъват этилган ишни барбод қилди.

Шоул ўз “хизматини” шу қадар севардики, уни сақлаб қолиш учун одамларни ўлдирар эди. Довуд ҳеч қачон тахтни қўлга

киритишга уринмаган; у Худонинг юрагига интилган. Довуд чўлда ўзининг ҳақиқий қувонч манбаини топди ва бу манба Худодан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Довуд тахтни қўлга киритиш учун икки марта Шоулни ўлдириш имконига эга бўлган эди ва атрофидаги одамлар ҳам уни бунга ундар эдилар. Довудда ҳам Шоулдагидек ниятлар бўлганида, Худо унга пайғамбар орқали ваъда берган нарсани қўлга киритиш учун уни ўлдирган бўлар эди.

Бугун Худо уларга ваъда берган нарсани қўлга киритиш учун бошқаларни қарғайдиган, ғийбат қиладиган ёки алдайдиган эркаклар ва аёллар бор; бунинг нақадар истехзоли экани ҳақида ўйлаб кўринг! Улар Шоулга ўхшайдилар; улар ўз меросига эга бўлиш ёки уни сақлаб қолиш учун қарийб ҳамма нарсага тайёр. Худо юраги мансаб, нуфуз, пул ёки шарафга эмас, Унга интиладиган “Довудларни” изламоқда. Эски мешнинг тикланиши – бу бизнинг ичимизда Худо табиатинининг илдиз отиши ҳисобланади. Айнан Худонинг табиати Рухнинг янги шаробининг (мойланиш ва Унинг ҳузурининг) босимига дош бера олади. Биз Худонинг ортидан бориш учун Уни излаганимизда, хулқ-атворимиз ривожланиб боради.

Сиз: “Бунинг учун қанча вақт керак бўлади?” – деб сўрашингиз мумкин.

Менинг жавобим қўйидагича: “Вақт сизни ўйлантормасин; шунчаки сув оқмагунча ковлашда давом этинг”. Кўпинча жавоб битта ибодатдан сўнг келмайди. Сиз кейинги ибодатингизда, аввал тўхтаган жойингиздан бошлашингиз лозим ва эҳтимол, узоқ вақт довомида шундай ҳаракат қилишингизга тўғри келади.

Мен Далласда яшаб, катта чўпонга ва унинг хотинига хизмат қилган пайтларим, менинг яқин дўстларимдан бири – чўпоннинг ёрдамчиси ва жамоат ходимларининг раҳбари билан қарийб ҳар эрталаб ибодат қилардим. Биз соат 07:00 да ибодат хонасига келиб, ибодат қилишни бошлар эдик, у ерда кўп марта Худонинг ҳузурини ва биз учун амалга ошираётган ҳаракатини ҳис этар эдик. Бироқ, аксарият ҳолларда соат 08:30 бўлиб, биз ўз иш жойимизга

боришимиз керак бўлган пайти, деярли ҳафсаламиз пир бўлар эди, чунки умуман ҳеч қандан ёриб ўтиш содир бўлмас эди... ҳеч қандай янгилайдиган сув келмас эди. Қудуқлар ҳали очилмаган эди!

Эртаси куни ибодатга қайтиб келганимизда ўша тўхтаган жойимиздан давом эттирар эдик. Бу баъзида икки кун, баъзида уч кун давом этар эди, бир марта эса ёдимда, биз бир ҳафта давомида янгилайдиган сувсиз ибодат қилдик! Лекин, ёриб ўтиш келганида, биз куч ва янгилаиш билан тўлар эдик.

Америка бўйлаб жамоатларда бўлиб, қудуқлари кўмилиб қолишига йўл қўйган кўпчилик масиҳийларни учратдим. Улар мана шундай аҳволда яшашга қулай тарзда ўрганиб олган эдилар. Хавотирга соладиган жиҳат шундаки, бундай аҳволдаги кишилар камчиликни эмас, аксинча жуда кўпчиликни ташкил этади, деб ўйлайман. Агар бу одамлар ўзларидаги самовий инъомни қиздириб турсалар ва бу улар орқали ҳаракат қилишига имкон берсалар, нималар содир бўлиши мумкин эди? Одамлар, оилалар, жамоатлар – бутун Америка ўзгарган бўлар эди!

Худонинг инъоми жуда кўпларнинг ҳаётида ҳаракатсиз қолиб кетмоқда. Қудуқлар кўмиб ташланган бўлса ҳам, Рух кутаётган бўлади.

Қазишни давом эттиринг! Чўлда тоза сув топасиз!

РАББИЙ ЙЎЛИНИ ТАЙЁРЛАНГ

“Қийинчилик ҳар доим кутилмаганда ва исталмаганда келади. Қийинчилик – ёвуз ниятли ва ўғри, бироқ у Худонинг қўлларида, Унинг ғайритабиий кучи намоён бўлиши учун қуролга айланади”.

– Чарльз Стенли

“Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қилади”.

– Юҳанно 5:19



Чўл – Раббийнинг йўли тайёрланадиган жой, у ердаги ҳар битта тоғ пасаяди ва ҳар битта водий тўлади. Ишаъё буни бизга таниш матнда эсда қоларли тарзда таърифлаган:

“Мана, саҳрода хитоб қилаётганнинг овози: “Раббийга йўл тайёрланглар, Худойимизга чўлда йўлни текисланглар. Ҳар қандай водий кўтарилсин, ҳар қандай тоғ ва қўрғон пасайсин, қийшиқликлар тўғрилансин ва ғадир-будур ерлар текислансин. Шунда Раббийнинг шухрати намоён бўлади ва ҳар қандай башар буни кўради, зеро буни Раббийнинг оғзи айтди.

Овоз: “Хитоб қил!” – деб айтаяпти. Мен эса: “Нимани хитоб қилай?” – дедим. «Ҳар қандай башар – ўт, унинг бутун кўрки – дала гули кабидир. Раббий нафасини пуфлаганида, ўт қуриб қолади ва унинг гули сўлиб қолади; ҳақиқатан ҳам халқ – ўтдир. Ўт қуриб қолади ва гули сўлиб қолади, Худойимизнинг сўзи эса абадий туради” (Ишаъё 40:3:8).

Ҳозирги кунда чўл мавсумида бўлган кишилар учун ушбу матн нимани англатади?

Масиҳнинг танасида ҳаммамиз Раббий бизга юклаган мажбуриятларга эгамиз. Бироқ, Худо уларни амалга оширишимизга

рухсат беришидан аввал, биз танамиз хочга миҳланиши учун саҳрода синов ва машқлардан ўтишимиз зарур. У ерда биз Раббийни кутишни ва Унинг иродасини итоаткорлик билан амалга ошириш учун У нима қилаётганини тушунмагунимизча ва Унинг овозини эшитмагунимизча, жим туришни ўрганамиз.

Чўлдаги жўнаш нуқтаси, етиб бориш нуқтасигача ҳар доим ҳам текис йўл эмаслигини сизга кўрсатиш учун, кўпроқ ўз ҳаётимдан сўзлаб беришни истайман. Шунингдек, у ерда мўлжалдан чалғитадиган айланма йўллар ва режалаштирилмаган бекатлар ҳам бўлиши мумкин.

Мен 1979-йил, “Пердью” олийгоҳининг талабаси бўлган чоғларим, олийгоҳимизнинг эркалар ётоқхонасида юқоридан тўғилдим. Бундан тўрт ой ўтиб, Муқаддас Рухга тўлишдим ва Худо мени Унга хизмат қилишга ундашни бошлади. Ишонинг, хизмат қилиш умуман менинг режаларимга кирмас эди; мен бунга ўхшаш нарсаларга яқин юришни умуман истамас эдим. Мен ёшлигимдан билган хизматкорлар мен учун намуна эмас эдилар. Биламан, менинг бундай фикрим асоссиз бўлган, аммо ўша хизматкорлар мен учун жулдур уйларда яшайдиган ва болалари ғалати бўлган, “ғайритабиий одамлар” турига кирар эдилар. Албатта, кейинроқ, менинг улар ҳақидаги таассуротларим нотўғри бўлганини – аслида, яхши уйларда яшайдиган ва ажойиб болаларга эга бўлган хизматкорлар кўплигини билиб олдим! Ёш имонли сифатида мен хизматкор бўлиш, тўлақонли ҳаётда яшашдан воз кечиш ёки Африкага бориб, чайлада яшаш ва битта ҳам оёқ кийимсиз ўлиб кетиш деб ўйлар эдим.

Мен уч минг кишидан иборат кичик шаҳарда катта бўлганман. Мен билган хизматкорлар, атиги католик руҳонийси (руҳоний бўлиш мен учун тўғри келмас эди, чунки уларга уйланиш таъқиқланган эди) ва кичик жамоатнинг чўпони эди. Бу чўпоннинг мен қатори иккита ғалати фарзандлари бор эди ва мен уларнинг уйига келганимда, доим аллақандай бадбўй ҳидни сезар эдим! Бир куни уларнинг

уйига яна бир бор келганимда, бу ҳид шу қадар кучли эдики, мен у ердан кетишга баҳона топмагунимча, нафас олмай ўтирдим! Шу боис, нега мен хизмат қилишни кучли истамаганимнинг сабабини тушундиргимиз деб ўйлайман. Мен руҳоний бўлишни ёки болаларим ғалати ва уйимдан бадбўй ҳид келишини истамас эдим. Қолаверса, мен Африкага миссионер бўлиб кетишни ва чодирларда бу дунёдан кўз юмишни ҳам хоҳламас эдим.

Ўша пайтлари мен “Пердью” олийгоҳида машинасозлик таълимини тугаллашни, ундан сўнг “Гарвардда” тадбиркорликни юритиш бўйича магистр даражасини қўлга киритишни режалаштириб қўйган эдим. Кейинчалик американинг ширкатларидан бирига ишга кириб, хизмат зинасидан кўтарилишни, кўп пул топишни ва жамоатни ўз қўрбонликларим билан қўллаб-қувватлашни ўйлаган эдим. Тўрт ой ўтиб, якшанба кунини эрталаб, жамоат чўпонининг воизлигини тинглаётган пайтим, Муқаддас Рух менга ўта жиддий тарзда мурожаат қилди: “Мен сени воизлик қилиш учун чақиряпман! Сенинг режаларинг қандай?”

Бу гал мен бунини аниқ эшитдим ва шу заҳоти: “Раббий, ҳатто Африкага бориб, оёқ кийимсиз юришга ва сомондан ясалган чодирда яшашга тўғри келса ҳам, мен воизхон бўламан ва Сенга итоат этаман!”- дедим (Худо бизнинг эътиборимизни қандай йўл билан тортишни билади. У бундан олдин менга секин гапирган пайтлари, аллақачон ҳаражатларни ҳисоблаб юрган эдим). Энди эса нимага рози бўлганимни тўла-тўқис англаган ҳолда, қандай нарх тўлаш кераклигидан қатъий назар, Унинг истакларини бажаришга тайёр эдим!

Раббий мени тайёрлашга киришди. Ичимдаги олов ёнишни бошлади; мен ётоқхонамиздаги талабаларга Исо Масиҳ ҳақида айтиб беришга жазм қилдим ва кўпчилик нажотга келди. Тахминан бир ярим йилча ўтгач, ётоқхонамизда Муқаддас Китобни ўрганиш дарсларига қўл урдим, бу йиғинга олийгоҳимизнинг барча бўлимларидан талабалар келар эди. Ҳар ҳафта янги одамлар ўз

ҳаётини Масихға топширар, шифо топар ва озодликка эришар эди.

Мен ўз қадриятларимни бутунлай ўзгартирдим! Энди мендаги воизлик қилиш истаги шу қадар кучли эдики, машинасозлик факультетини охирги йили, ўқишни ташлаш ва Муқаддас Китобни ўрганиш мактабига кетиш хоҳиши келди. Мен қуйидагича фикрлар эдим: мен воизлик қилишга чақирилган бўлсам, одамлар эса ўлиб, дўзахга кетаётган бўлса, ҳисобот ва физикани ўрганиб нима қилдим? Исо яқинда қайтиб келади, шунинг учун мен ўрим-терим даласига эртароқ боришим керак.

Бир куни кечга, аллақачон ёмон кўриб қолишга улгурган уйга вазифаларимни қила туриб, жавонда турган Муқаддас Китобга кўзим тушди. Мен бу ҳолатдан бўғзимгача тўйиб бўлган эдим! Шунда термодинамика бўйича дарсликни деворга улоқтирдим. Мен бошқа кутмайман деб қарор қилдим; мен олийгоҳни қолдираман ва Муқаддас Китобни ўрганиш мактабига кираман.

Мен устозимга қўнғироқ қилдим. У “Пердью” олийгоҳининг тадқиқотчиси ва менинг жуда яқин дўстим эди. Мен баралла дедим:

Дон, мен Муқаддас Китобни ўрганиш мактабига кириш учун, ўқишимдан кетаман!

У менга доно жавоб берди:

Кел бугун кечга очиқ ҳавода бироз айланамиз ва бу ҳақда ибодат қиламиз?

Биз шундай қилдик ва Худо менга гапирди: “Белгиланган вақт келганида, Менга хизмат қиласан... Машинасозлик соҳасидаги таълимнинг охирига етказ”.

Кейинчалик, Раббий қай тарзда кичик шаҳардан бўлган болакайни бутун дунё халқларига хизмат қилиш учун юборар экан деган фикрлар билан олишганимда, У менга шундай деганини эшитдим: “Сен даъват этилган хизматнинг асосчиси ва ўрнатувчиси ким, сенми ёки Менми?”

“Сен”, - дедим мен.

“Бу хизмат дунёга келиши сендан кўра кўпроқ Мени

ташвишлантиради деб ўйламайсанми?” Унинг сўзлари менинг диққатимни тортди.

Хуллас, мен тинчландим ва машинасозлик факультетини тамомладим. Таълимнинг якунида, мен “Роквэлл Интернейшнл” ширкатига АҚШ денгиз кучлари лойиҳаси учун муҳандис-технолог сифатида ишга қабул қилиндим. Мен бу мансабни эгаллагач, яхши бир жамоатга боришни бошладим. Бир йилдан сўнг биз Лиза билан турмуш қурдик.

Мен бу жамоатга ўйланишимдан аввал келган эдим ва қаерга керак бўлса, ҳамма жойга хизматга борар эдим. Бу уйланганимдан сўнг ҳам давом этди. Мен тартибни сақлаш хизматида эдим, қамоқхонага хизматга борар, чўпоннинг болаларига теннис ўргатар ва кўпгина бошқа соҳаларда ёрдамчи сифатида хизмат қилар эдим. Шунингдек, жамоатимизда Муқаддас Китобни ўрганиш мактаби ҳам бор эди, мен у ердаги кечги дарсларда қатнашар эдим.

Икки йилдан сўнг жамоат мени чўпон ва унинг рафиқаси учун ёрдамчи қилиб сайлади. Мен чўпонга ва бошқа раҳбарларга, фақат бир йилга қола олишимни, чунки воизлик қилиш учун чақирилганимни айтдим. Менинг ишим уларнинг машинасини ювиш, унга ёқилғи қўйиш, чўпоннинг оёқ кийимларини тозалаш, турли хил топшириқларни бажариш, уларнинг мактабгача ёшда бўлган болаларига сузишни ўргатиш, жамоатимизга келадиган меҳмон хизматчиларни қабул қилиш ва бошқа кўплаб юмушлардан иборат эди.

Ўша пайти Худонинг чорловига рози бўлганимга етти йил ўтган эди. Мен олийгоҳда талабаларнинг нажот топгани, шифолангани ва озод бўлганини кўриб, даъватимга киришим учун бир баҳя қолган деб ўйлардим. Лекин Худо мени олиб бораётган йўл ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эдим.

Манашу вақт ичида, жамоатда хизмат қилган чоғларим, мен уч марта тўлиқ хизматга киришга уриндим, лекин ҳаммаси муваффақиятсизлик билан тугади. Мен Осиёдан Далласга учиб

келиб (Худо менга белгилаган жой шу ерми ёки йўқлигини билишга учинчи марта уринишимдан сўнг), Юҳанно Хушхабарини ўқидим ва китобнинг бетидан отилиб чиққандек кўринган оятга дуч келдим: “Худо томонидан юборилган бир одам бор эди, унинг исми Яҳё эди” (Юҳанно 1:6). Мен Худонинг овозини эшитдим: “Сен Жон Бивер томонидан юборилишни истайсанми ёки Мен томонимданми?”

“Мен Сен томонингдан юборилишни истайман” – дедим.

Раббий жавоб бериб, деди: “Яхши, чунки сен Жон Бивер томонидан юборилсанг, сен Жоннинг ҳоқимияти билан борасан, агарда Мен томонимдан юборилсанг, сен Менинг ҳоқимиятим билан борасан!”

Шундан сўнг мен ўзимни босиб олдим ва Худо мени қўйган жойга диққатимни қаратишга жазм қилдим. Бироқ бир неча вақтдан кейин хавотирланиш яна қайтиб келди. Менинг чўлдаги таълим олиш даврим ҳали тугамаган эди; мен ҳали ҳамон тайёргарлик жараёнида эдим.

Хизматда қандайдир иш жойи пайдо бўлгунича, Худо мени манашу етти йил давомида жавонга қўйиб қўйди деб айтиш мумкинми? Йўқ ва минг маротаба айтаман, йўқ! Мен бу саҳрога Унинг йўли тайёрланиши учун... менда тўғри феъл ривожланиши мақсадида олиб келиндим. Мен даъват этилган хизматимда маҳсулдор бўлишим учун менинг феълим етилиши зарур эди. Натижада, шуни англадимки, ҳар битта янги руҳий даража учун тайёргарлик талаб этилар экан.

Ўз кучингиз билан хизмат қилиш фикрини унутинг

Бизнинг мақсадларимиз қанчалик эзгу бўлмасин, биз Худонинг иштирокисиз, абадият учун бирор бир қимматли нарсани амалга ошира олмаймиз, ҳатто Исо Масиҳ номи билан ҳам! Раббийнинг Ўзи

айтган: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қилади” (Юҳанно 5:19). Қандай буюк фикр! Исо – танада келган ва Худонинг мойланган Ўғли бўла туриб, У ростдан ҳам Ўз-Ўзича ҳеч нарса қила олмаслигини айтган. Мен нимани назарда тутаётганимни бир нечта мисоллар билан тушунтираман.

Исо Бетанияда яшайдиган Лазарни ва унинг иккита синглиси бўлмиш, Марта ва Марямни яхши кўрар эди. Аммо Лазар кучли бетоб бўлиб қолганида, мана нима содир бўлди:

“Опа-сингил Исога: “Ҳазрат! Мана, Сен севган одам касал бўлиб ётибди”, – деган хабарни етказдилар. Исо бунини эшитиб: “Бу касаллик ўлимга эмас, лекин Худонинг шарафигадир, токи бу орқали Худонинг Ўғли шарафлансин”, – деди. Исо Мартани, унинг синглисини ва Лазарни севар эди. Исо Лазарнинг касал эканлигини эшитганида, ўша жойда яна икки кун қолди” (Юҳанно 11:3-6).

Исо Масих эканига қарамай, Унинг яқин дўстлари бор эди. У Лазарни яхши кўрар ва бажонидил унинг оиласи даврасида вақт ўтказар эди. Лекин дўстининг бетоблигини эшитгач, Исо икки кун давомида ҳеч нарса қилмаганини кўрамиз. Нега У шу заҳоти Битанияга жўнаб кетмади? Гап шундаки, У Худодан бунақа топшириқни олмаган эди. Исо Худонинг Руҳи Унга боришни буюрмагунича, итоаткорлик билан кутиб турди. У буйруқни олган заҳоти, йўлга чиқди.

Бир куни Раббий менга шуни очдики, борди-ю Лазар менинг дўстларимдан бири бўлганида, мен тезлик билан машинамга ўтириб, унинг ўйига борар ва Руҳнинг бошқарувини сўрашни ҳам ўйлаб ўтирмай, унга қўлимни қўйиб, ибодат қилган бўлар эдим. Афсуски, кўпларимиз шундай тафаккурга эгамиз. Худо доим биз биланлиги учун, шунга ўхшаш вазиятларда Унинг бошқарувини

сўрашнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблаймиз. Бироқ биз тўхташимиз ва Худонинг Руҳига қулоқ тутишимиз лозим. Худо Унинг Ўзи нимани исташини яхши билади ва агарда биз Ундан топшириқ олишни кутиб турсак ёки Унинг юрагидаги истакни билишга интилсак, У бизга нима қилиш зарурлигини айтади.

Эҳтимол, беморларга Руҳнинг бошқарувисиз ҳам қўлимизни қўйсак, Худо уларни шифолашга мажбур деб ўйлармиз. Борди-ю, бу шундай бўлса, биз барча касалхоналарга боришимиз ва уларни бўшатиб ташлашимиз керак эмасмиди?

Муқаддас Китобнинг айрим жойларида, Исо “келганларнинг ҳаммасини шифолагани” ҳақида ёзилган (Матто 15:30), бироқ ҳар доим ҳам бундай бўлавермаган. Жумладан, Исо нега Бефездадаги ҳовуз ёнидаги барча беморларни, кўр, чўлоқ ва шолларни шифоламади, лекин фақат ўттиз саккиз йилдан бери ётоғига михланиб ётган одамга шифо берди (Юҳанно 5:1-9)? Эҳтимол, Муқаддас Руҳ Уни бошқаларни шифолаш учун юбормагандир?

Яна бир мисол тариқасида, онасининг қорнидан чўлоқ бўлиб туғилган одамни олайлик, уни ҳар куни маъбад дарвозасининг олдига олиб келиб қўйишар эди. Албатта, Исо ҳар куни маъбадга кираётганида, унинг ёнидан ўтган. Нега Исо уни шифоламади? Чунки У Отасидан бу ҳақда буйруқ олмаган эди.

Кейинроқ, Исо самога кўтарилиб кетганидан сўнг, Петъор ва Юҳанно маъбадга бордилар ва Руҳнинг бошқаруви билан, ўша одамни соғайтирдилар, бунинг шарофатида руҳий уйғониш барқ урди (Ҳаворийлар 3).

Исонинг хизматида олдиндан белгиланган формула бўлмаган; У айримларга тупурган, айримларнинг бошига қўл қўйган, бошқаларига эса фақат сўз айтган. Бир киши учун У лой тайёрлаб, лойни унинг кўзларига суртган. Баъзиларни У руҳонийга кўриниш учун юборган ва ҳоказо. Ушбу ҳайратланарли ранг-баранглик, У фақат Отасида кўрганини яратиши билан тушунтирилади! Худо ҳар бир кишининг шифоси учун энг тўғри вақтни ва услубни билган.

Худо Ўз хизматчиларида айнан шу нарса бўлишини истайди... У бизни ҳар бир ишни Исо қандай қилганига қараб, амалга оширадиган ва Унинг бошқаруви бўйича ҳаракатланадиган кишилар қилишни истайди, биз ўзимиз ўйлаган ёки истагандек эмас. Юҳанно Хушхабари 20:21 га кўра Исо шундай деган: “Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юбораяпман”. Исо Отасининг бошқарувисиз ҳеч нарса қилмаган. Худди шундай, биз ҳам Исодан намуна олишимиз зарур. Биз Ундек яшашимиз – Худонинг Рухи билан бошқарилишимиз ва фақат У бизни бошлагани бўйича ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун бизнинг танамиз Муқаддас Рухга – Масихнинг Рухига бўйсунуши керак. Рухнинг бошқарувида яшашни ўрганиш учун чўл энг маъқул жой саналади. Чўл чорловларга тўла бўлган ва Раббийнинг йўли тайёрланадиган жойдир.

Чўлдаги қирқ йиллик тайёргарликдан сўнг Худо Мусога деди:

“Шунинг учун боргин, Мен сени Миср фиръавнининг ҳузурига юбораман. Сен Исроил ўғилларини Мисрдан олиб чиққин. Шунда Мусо Худого: – Мен ким бўлибманки, фиръавннинг ҳузурига бориб, Исроил ўғилларини Мисрдан олиб чиқсам?! – деб жавоб берди. Худо эса шундай деди: – Мен Сен билан бирга бўламан ва мана бу Мен сени юборганимнинг аломати бўлади: Сен халқни Мисрдан олиб чиққанингдан кейин, шу тоғда Худого сажда қиласизлар” (Чиқиш 3:10-12).

Нақадар шафқатсизлик! Ҳеч биримиз Раббийдан бундай мактуб олишни истамас эдик.

Мусо қирқ ёшга кирганида, биринчи марта исроилликларни озод қилишга уринди, лекин у уларга ёрдам бера олмади ёки фойда келтира олмади, чунки Худо уни ҳали юбормаган эди. Ҳатто, У Мисрда қўлга киритган мақтовга лойиқ билими, раҳбарлик сифатлари ва донолиги бўлса ҳам, Худонинг қўллаб-қувватловисиз ва У белгилаган вақтсиз, Мусо Худо уни даъват этган ишни амалга ошира олмади. Унинг жонбозликлари атиги битта мисрлик золимни

Ўлимига олиб келди холос. Унинг нияти эзгулик бўлган бўлса-да, манашу шахсий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги дастлабки уринишлари фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтирди.

Ҳеч ким боришни истамайдиган чўлда қирқ йил тайёргарликдан сўнг, Худонинг буйруғисиз ҳеч нарса қилишни бўйнига олмайди-ган янги Мусо пайдо бўлди. Хуллас, Худо томонидан тайёрланган вақт, Мусонинг раҳбарлигида бутун миср қўшини Қизил денгизнинг тубига фарқ бўлишига олиб келди. Мана, ўзимизнинг кучимиз ва Худонинг кучининг ўртасидаги фарқ – Мусо битта аскарни ўлдирди, Худо эса бир бошли қўшинни.

Яхё чўмдирувчи олти ой давом этган хизматига ўттиз йил давомида тайёрланди, аммо Исо аёл кишидан туғилганларнинг орасида, Яхё энг буюк пайғамбар эканини айтган.

Бу ҳақиқат! Худо ўз кучи билан олти йил давомида шиддат ила ишлайдиган кишидан кўра, Ўзи юборган киши орқали олти ойнинг ичида кўпроқ нарсаларни амалга ошириши мумкин.

Исо: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз-ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қилади” – деганида, айнан юқорида айтиб ўтганларимизни назарда тутган.

Келинг, Ишаъёнинг сўзларини такроран ўқиймиз:

“Мана, саҳрода хитоб қилаётганнинг овози: “Раббийга йўл тайёрланглар, Худойимизга чўлда йўлни текисланглар. Ҳар қандай водий кўтарилсин, ҳар қандай тоғ ва қўрғон пасайсин, қийшиқликлар тўғрилансин ва ғадир-будур ерлар текислансин. Шунда Раббийнинг шўҳрати намоён бўлади ва ҳар қандай башар буни кўради, зеро буни Раббийнинг оғзи айтди.

Овоз: “Хитоб қил!” – деб айтаяпти. Мен эса: “Нимани хитоб қилай?” – дедим. «Ҳар қандай башар – ўт, унинг бутун кўрки – дала гули кабидир. Раббий нафасини пуфлаганида, ўт қуриб қолади ва унинг гули сўлиб қолади; ҳақиқатан ҳам халқ –

Ўтдир. Ўт қуриб қолади ва гули сўлиб қолади, Худойимизнинг сўзи эса абадий туради” (Ишаъё 40:3-8).

Худо чўлни – Раббийнинг йўли тайёрланадиган жой демоқда. Раббийнинг йўли инсоний кучда эмас. Бу ерда тананинг мағрурлиги пасайиши кераклигини, камтарлар (Раббийни излайдиганлар) эса – кўтарилишини, эгриликлар (ёлғон, адолитсизлик ва риёкорлик бор соҳалар) тўғирланиши ва нотекис (ёқтирмайдиган, қупол, кескин) жойлар – текисланиши зурурлигини айтган.

Чўлдан қандай ўтиш керак

#11 Жамадонларингизни йиғиштирилган ҳолда сақланг

Чўлдаги вақт чўзилиб кетгандек ва абадий шу ерда қоладигандек туюлган пайтда ҳам, жамадонларингизни очишга ва ўша ерга ўрнашишга қарор қилишингиз мумкин деб ҳеч қачон маслаҳат бермаган бўлар эдим. Ишонаверинг, Худо кетиш вақти бўлди деганида, У бунни жуда тезлик билан амалга оширади. Юсуф ҳақида фикр юритиб кўринг: у умрининг охиригача зиндонда қолиши керак эди, аммо тўсатдан, огоҳлантиришсиз, бир куннинг ўзида Худодан олган орзуси томон ҳаракат бошланиб кетди!

Мен ўтган чўллардан бирида, ўша ерда қирқ йил қолиб кетсам керак деб ўйлаган эдим. Лекин кутилмаганда Раббий менга ўша вақтдаги хизматимни қолдиришимни ва воизлик қилиш учун турли сафарларга боришим кераклигини айтди. Бу ўзгариш бир соатда содир бўлмади, бироқ у содир бўлганида, бу худди қуюндек келди. Лекин мен ўша пайти даъватимнинг кейинги мавсумига ўтишга тайёр эдим. Менинг жамадонларим йиғилган эди.

Олийгоҳда талаба бўлиб, Исонинг янги издошига айланган пайтларим, мен бошқаларга хизмат қилиб, бир дунё марҳаматларни қўлга киритдим ва “омад”га эришдим, бироқ ўзимнинг ҳаётимда пасайиши керак бўлган тоғлар бор эди, шунингдек, тўғирланиши ва текисланиши зурур бўлган эгри ва нотекис жойлар ҳам бор эди. Худо менинг айрим камчиликларим текисланиши учун чўлда бироз вақт ўтказишим муҳимлигини билган.

Ҳар қандай чўл мавсумида Худо Ўзи истагандек ҳаракатланиши учун Унга имкон бериш ўта муҳим. Бир куни мен Далласдаги чўпонимга хизмат қилганимда, Раббий менга деди: “Жон, эртага келадиган воизхоннинг хизматини кутиб, сенга Мен бугун нима демоқчилигимни ўтказиб юборма”. Очиғини айтсам, ўша чўл мавсуми мен учун беҳудага сарфланаётган вақтдек туюлар эди, чунки воизлик қилишни ўта даражада хоҳлар эдим.

Сиз бу тузоққа тушиб қолманг! Билиб қўйинг, Худо вақтни беҳуда сарфламайди! У вақтни ўрнини тўлдиради! Тушунинг, ҳозир сиз турган жой, етиб бормоқчи бўлган жойнинг ажралмас қисми ҳисобланади! Бу жой сизнинг тайёргарлик кўрадиган саҳнангиз. Бу ваъдадан ҳаракатга ўтадиган жараён, яъни ваъдани амалга ошиш жараёни. Худо ҳаммасини йиғиб, бир бутун қилишига имкон беринг... шунчаки У билан бирга боринг! Худо – Бошловчи ва Яқунловчи. Биздан эса Унга ишониш ва У бугун кўрсатаётган нарсаларга итоат этиш талаб этилади!

Ҳар сафар У мени воизхонлик хизматига қўйди деб ўйлаганимда, У севги билан дер эди: “Жон, сен бу нарса амалга ошиши учун яна битта нотўғри йўлни топдинг!” Бу ҳақиқат эди; У бу хизматни менга бутунлай кутилмаган тарзда берди. Биз кундалик ҳаётимизда тўлақонли равишда яшашимиз учун Худо бизни (ўзига бино қўйган эмас) миннатдор бўлишга ўргатади.

Худога маъқул тарзда ҳаракат қилинг

Худо инсонга Ўз ҳокимиятини ва кучини ато этганида, инсонга берилган куч ва ҳокимият қанчалик кучли бўлса, Раббийнинг Руҳига итоатсизликнинг оқибати ҳам шунчалик оғир бўлади. Мусо қирқ ёшида ўзи билганича яшаганида, Худо уни жазоламади, негаки унга ҳали куч ва ҳокимият берилмаган эди. Халқ Син чўлида Мусога қаршилик кўрсатди ва У уларни бошлаб келган ердан нолидилар. Улар чанқаган эдилар ва сув ичишни истардилар. Шунда Худо Мусога нима қилиш зарурлигини айтди:

“Раббий Мусога сўзлаб деди: “Таёқни олиб, сен ва сенинг биродаринг Аҳарон жамоани йиққин ҳамда уларнинг кўз олдиларида қояга гапиргин ва у ўзидан сув чиқариб беради. Сен уларга қоядан сув чиқариб берасан ва жамоага ҳамда унинг чорвасига сув ичирасан” (Сонлар 20:7-8).

Худо Мусога қояга сув беришини айтишни буюрди. Бироқ кўйидаги оятларда Мусо нима қилганини ўқинг:

“Мусо қўлини кўтариб, таёғи билан қояга икки марта урди ва жуда ҳам кўп сув оқиб чиқди. Жамоа ва унинг чорваси сувдан ичдилар. Раббий Мусога ва Аҳаронга деди: “Менинг муқаддаслигимни Исроил ўғилларининг нигоҳи қаршисида намоён қилиш учун Менга ишонмаганликларингиз учун сизлар бу халқни Мен унга берадиган ерга олиб бормайсизлар” (Сонлар 20:11-12).

Эътибор беринг, Худо буларни кузатиб турган миллион халққа сув берди. Қизиқ! Қоядан сув чиқди – йигирма биринчи асрда шунга ўхшаш қудратли мўъжиза ҳақида кимдир эшитганми? Хуллас, Мусо қоядан сувни қай тарзда чиқариш борасида Худога итоат этмаган бўлса ҳам, ушбу буюк мўъжиза барибир амалга ошди. Сув

одамларнинг эҳтиёжини қондириш учун берилган эди. Худо Мусони жазолаш учун одамлардан сувни ушлаб қолмади. Аммо Мусонинг итоатсизлиги ўз оқибатларига эга эди; Худо Мусога одамларни ваъда қилинган Ерга олиб киришга рухсат бермади.

Бу Худонинг ғайритабиий мойланиши, бунга эга бўлган кишининг мақтаниши учун эмас, балки одамларнинг муҳтожликларини қондириш учун белгиланганининг яққол мисоли! Эҳтимол, Мусонинг халқдан кўнгли қолгандир ва мана шунақа қайсар халқнинг раҳбари бўлишга мажбурлиги учун Худодан ҳам бироз хафа бўлгандир. Мусо биринчи марта Син чўлида содир бўлганидек, бу сафар ҳам қояга урди (Чиқиш 17:1-7). Ёки Мусо ўз мавқеига унчалик жиддий муносабатда бўлмай қўйгандир; балки у тўғри деб ҳисоблаган ҳамма нарсани Худо маъқуллайди деб ўйлагандир. У қирқ ёшида бўлганидек, ўз билганича иш тутди, бироқ бу сафар бунинг оқибати сезиларли даражада жиддий эди. Мусо Худонинг кучи ва қудратида юрар эди; ундаги бор куч унинг Худого боғлиқлигидан келиб чиқар эди. Энди эса халқнинг олдида Худодан мустақил равишда ҳаракат қилиб, у ўзига маҳкумликини орттирди.

Айнан шунинг учун Ёқуб 3:1 да ёзилган: “Биродарларим, ўқитувчилар кўпроқ ҳукмга дучор бўлишларини билиб, кўпларингиз ўқитувчи бўлаверманглар”. Масъулият ва шараф қанчалик кўп бўлса, ҳукм ҳам шунчалик кўп бўлади.

Раббийнинг ҳокимияти ва шарафида юриб, итоатсизлик туфайли ҳукмга йўлиқмаслигимиз учун чўл бизни тайёрлайди. Қуриб қолган саҳронинг йўлида мағрурлик пасаяди, камтарлик эса ўсади. Ҳақиқий камтар инсон Исодек, шундай дея олади: “Раббийнинг Руҳи амалга ошираётганини кўрмасам, ҳеч нарсага қўл урмайман. Мен шахсий кучим ва қобилиятларим билан ҳеч нарса эмасман”.

Худо бугун кўплаб замонавий жамоатларга Ўз шарафи ва кучини бермай турганининг сабаби, балки У бизни улкан ҳукмдан асраётгандир. Мен ишонаманки, айнан чўлда У танавий хулқни

руҳниқидан ажратиб олади ва Унинг шарафи намоён бўлганида, биз фақат У истаганидек йўл тутишимиз ва фақат Унга ҳурмат билдиришимиз учун, бизни Унга фарёд қилишга, Унга қулоқ солишга ундайди.

Рухнинг овозига қулоқ солинг. У биз учун тайёрлаб қўйган ишни Ўзи истаганидек амалга оширишни бизга кўрсатсин. Раббий нима деб гапираётганини ва нимани амалга ошираётганини кўринг ва эшитинг:

“Мен соқчилигимда тураман ва У менинг ичимда нима дейишини ҳамда шикоятимга кўра нима жавоб беришини билиш учун минорада туриб, кузатаман. Раббий эса менга жавоб бериб деди: Сен кўрадиган ваҳийни ёзиб қўйгин ва ўқиётган осон ўқий олиши учун лавҳаларга яққол чизгин. Чунки ваҳий тайинланган вақтга тегишлидир ва охират ҳақида сўзлаб алдамайди. У кечиктирилса ҳам, уни кутгин, чунки албатта амалга ошади ва бекор қилинмайди. Мана, кеккайганнинг ичида жони тўғри эмас, ҳақ одам эса ўз имони билан яшайди” (Ҳабақуқ 2:1-4).

Пайғамбар: “У менинг ичимда нима дейишини кузатаман” – дейди. Худо Рухи турли йўллар билан гапиради, шулардан бири бу ваҳий. Исо Отанинг ишларини кўргандагина, Ўзи ҳам нимадир қилганини айтган. Ҳабақуқ кўрган нарсаларини ёзишини ва белгиланган вақтда кўрганларини сўзлашини айтяпти. У давом этиб, кеккайганнинг (мағрурнинг) жони тўғри эмас дейди (бу ерда Раббидан Сўз кутмай, Худо айтаётган ваҳийларсиз югуриб кетаётган инсон ҳақида ёзилган). Лекин ҳақ киши бировнинг эмас, балки ўз имони билан яшайди!

Биз Худонинг сўзини эшитиб, унга итоат этганимизда имон келади. Мана нима учун Худо исроилликларни чўлга олиб келди: “У сени бўйсундирар эди, очликдан тинкангни қуритар эди ва сен ҳам, сенинг оталаринг ҳам билмаган манна билан сени боқар эди,

токи сенга инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқадиған ҳар бир сўз билан тирик эканлигини кўрсатсин” (Қонун так. 8:3). Эътибор беринг, Худонинг оғзидан “чиқаётган” деганида, у Худо олдин гапирган гапларини эмас, ҳозир айтаётган гапларни назарда тутган.

Худонинг Каломи бизга шундай деб таълим беради: “Эҳтиёт бўлинглар, (ҳозирги кунда) Сўзлаётгандан юз ўгирманглар! Агар улар ер юзида сўзлаганни рад этиб, қутулмаган бўлсалар, боз устига, биз осмондан Сўзлаётгандан юз ўгирсак, қутула олмаймиз” (Ибронийларга 12:25). Шундай бўлишига қарамай, унутманг, Худо нима деса ҳам, доим Ёзувга мос равишда гапиради.

Агарда сиз ўз фикрингизни тасдиқлаш учун Муқаддас Китобдан матнларни излайдиган бўлсангиз, бу Худонинг йўли эмас. Исо Ўзича: “Мен касалларни шифолашга чақирилганман; шу боис, Мен бориб, ҳар доимгидек қўлимни қўйиб, ибодат қиламан” – дейиши мумкин эди. Бунинг ўрнига, У Худонинг Руҳи ҳаракатланишини кутиб турди ва фақат шундан сўнг йўлга чиқди.

Чўл – бу Худонинг бошқарувисиз ва Ундан келадиган қобилиятларсиз бирор нарсага қўл уриш беҳуда эканини ўргатиш учун, Унинг Ўзи бизни олиб келадиган жой. Биз тана абадийлик учун бирор бир қимматли бўлган нарсани амалга ошира олмаслигини чиндан ҳам тушунганимизда, Худо бизга топширган орзу ва режаларни амалга оширишга тайёр бўламиз. Чўл – ваъданинг амалга ошиш жараёни учун тайёргарлик жойидир. Келинг, Исодан ўрнак оламиз ва ўзбошимчалик билан эмас, Худо истаганидек ҳаракат қилиш учун Руҳ билан бошқариламиз.

ЧЎЛДАГИ ҒАЛАБА

«Бизнинг азоб-уқубатларимиз бизга ўхшаб фонийдир. Фоний инсонлар учун фоний бўлмаган азоб-уқубатлар мавжуд эмас. Улар келади, лекин Худога шукурки, улар кетади ҳам. Улар осмондаги қушлар сингари бошимиз устидан парвоз қилишади-ю, лекин бизнинг жонимизга кириб маскан қуришолмайди. Биз бугун азоб чекапмиз, аммо эртага қувонамиз».

– **Чарльз Сперджен**

«Юқоридан келадиган ваҳийсиз халқ бебошдир, қонунга риоя қиладиган эса бахтлидир».

– **Ҳикматлар 29:18**



Чўл - бу биз ташриф буюрадиган жой, лекин мўлжал жойи эмас. Агар сиз тўғри иш қилаётган бўлсангиз, сиз чўлда ғалаба қозонасиз ва унинг сарҳадларидан чиқасиз!

Чўлларимнинг бирида менинг интилишим тугади. Ўшанда мен ёшлар чўпони эдим, бу чўл мен учун ҳаддан зиёд узундек туюларди. Мен вазиятим қачон бўлса ҳам ўзгарармикан деб ўйлашни бошладим. Лекин бир марта, менинг бевосита раҳбарим билан кўнгилсизликлар бошланишидан бироз аввал, Муқаддас Рух менинг ҳаётимда ўзгаришлар содир бўлишини кўрсатди. Айнан ўша пайти Худо менга «Американинг шарқий қирғоғидан ғарбий қирғоғигача, Канаданинг чегарасидан то Мексиканинг чегарасигача, Аляскага ва Гавайидаги шаҳарларга ва жамоатларга юборилишимни очди...».

Лекин мен айтганимдек, бу кейинги кўни ва ҳатто кейинги ҳафта ичида ҳам содир бўлмади! Аслида, кейинги олти ой мобайнида мен бунинг бирор бир қўшимча тасдиғини ҳам олмадим. Сўнг менинг катта чўпоним, Раббий унга чўпонлардан бири (жамоатимизда ўн бир киши тўлиқ хизматда эди) тез орада тўлиқ вақтли сафарда юрадиган воиз бўлишини ва бизнинг жамоатимизда бошқа хизмат қилмаслиги ҳақида ваҳий берганини айтди.

- Жон Бивер, ўша одам – сен бўласан, - деди у.

Яна вақт ўтди (аниқ қилиб айтадиган бўлсам, яна олти ой ўтди) – чўлда яна кўп вақт саргардон бўлдим. Қўққисдан атиги уч ҳафта ичида мен воизлик қилиш учун еттита таклиф олдим. Битта жамоат

Канада чегарасидан машинада бир соатлик йўл масофада эди, бошқаси шарқий қирғоқ, Флоридада эди, учинчиси – Тинчокеанидан машинадан бир соатлик йўл эди, тўртинчиси - Мексика чегарасида эди! Мен чўпонимнинг офисига кириб, бу таклифномалар билан нима қилай деб сўраганимда, у табассум билан деди:

- Жон, Раббий буни менга кўрсатганини сенга айтган эдим. Афтидан, сенинг бу ердаги вақтинг ўз ниҳоясига етди.

Тез орада (1990 йилнинг январь ойида) чўпоним бағишлов хизматида Лиза билан менга ўз қўлини қўйди ва ўша вақтдан бошлаб биз бирга тўлиқ вақт хизмат сафарларига борамиз! Мен аминлик билан айта оламанки, мен тайёрман деб ўйлаган пайтда, ўзимиз хизмат қилишни бошлашимизнинг ўрнига, Худонинг вақтини кутганимиз туфайли ҳаётимизда анча кўпроқ (мен «анча кўпроқ» иборасини бундан ҳам ёрқинроқ ифода этолмайман) ҳосилларни кўрдик.

Мен бутун юрагим билан сизнинг даъватингизда ҳам шундай натижалар бўлишини истардим. Шу боис, мен қарийб олтмиш ёшли ва Худони жуда севадиган одам сифатида, сиз билан имкон қадар самимий, ростгўй ва очиқ бўлдим. Мен сизни ўзингизнинг даъватингизда муваффақиятли бўлишингизни истайман! Шунинг учун сизга бир неча муҳим фикрларни тақдим этишимга ижозат беринг.

Тўғри мақсад ва мўлжал

Бизнинг диққатимиз, қаршиликларга эмас, балки Худонинг мақсадига қаратилган бўлиши керак. Бу қаршиликлар бизни тўғри мақсаддан ушлаб қолишга уринади. Агар биз тўғри мўлжалга етиб боришни истасак, бизда тўғри мақсад бўлиши керак. Масофани босиб ўтиб нотўғри марра чизиғини босиб ўтиш даҳшатли нарса! Қуролни нотўғри мақсадга йўналтириб, бирор жойни қирғин қилиш фожеа бўлган бўлар эди!

Фарзийлар жудаям рашкли ва тиришқоқ бўлишган, лекин

уларнинг мақсади худбинлик эди. Уларда тўғри мақсад бўлмаган; шунинг учун улар нишонга теккиза олмадилар.

Худонинг биз учун, яъни Ўзининг халқи учун бўлган мақсади нимадан иборат?

Эфесликларга 1:11 да ёзилган «Ҳамма нарсани Ўз иродасининг нияти бўйича амалга оширган Худо Ўзининг мақсадларига биноан бизни азалдан ана шу учун тайинлаган».

Кўпчилик одамлар «тайинланган» ёки «тайинланиш» сўзини эшитиб ноаниқликни ҳис этадилар. Бу ғояни тушуниш учун, келинг бу илдиз билан олд қўшимчани таҳлил қилиб ўтамиз. Олд қўшимча «азалдан» сўзи «олдиндан» ёки «бошидан» деган маънони билдиради. Уларни қўшсак «марра чизиғини бошланишдан аввал ўрнатиш» деган маъно келиб чиқади. Демак, Эфесликларга 1:11 да бизга Худо Ўзининг мақсадини амалга ошириш учун, У бизни яратишидан аввал бутун инсоаният учун мақсад тайинлаганини кўрсатмоқда.

Римликларга 8:28-29 да ёзилган:

«Шуни биламизки, Худони севганларга, Унинг мурод-мақсади бўйича даъват қилинганларга ҳамма нарса биргаликда эзгуликка хизмат қилади. Чунки Худо кимларни азалдан билган бўлса, ўшаларни Ўз Ўғлининг тасвирига ўхшаш бўлишларини олдиндан тайинлади, токи У кўп биродарларининг орасида тўнғичи бўлсин».

Худо биз учун дунё яралишидан аввал тайинлаган мақсад – бу Худони севиш ва Исо Масихнинг суратига ўхшашдир. Ҳаётимизда ёки хизматимизда қилинган ҳамма нарса, манашу мақсадга эришишга қаратилган бўлиши шарт! Худо сизни яратганидан биринчи мақсад, сиз муваффақиятли хизматга қўшилишингиз, Худо шоҳлигига

миллионлаб долларлар қурбон қилишингиз, машҳур рассом бўлишингиз ёки бошқа ҳар қандай мансабга эришингиз бўлмаган. Унинг мақсади ҳаттоки касалларни шифолаш, мурувват ёрдами кўрсатиш, фаҳшбозлик мақсадидаги одам савдоси қурбонларини қутқариш, тобе инсонларни озод қилиш ва дарбадар одамларни Исога олиб келиш ҳам бўлмаган. Буларнинг барчаси қанчалик олийжаноблик ва художўйлик бўлмасин, биз бундай ишларни қилган кўпгина одамлар марра чизиғини босиб ўтмаганини билишимиз керак. Улар ўзларининг йўлини муваффақиятсиз тугаллаганининг сабаби шундаки, улар ўз диққатини ушбу хизматнинг асл мақсадига эмас, балки хизматнинг ўзига қаратишган.

Энди эса навбатдаги саволга жавоб бериш керак: «Худо бизни Исо Масиҳ суратига ўхшаш бўлишимизни олдиндан тайинлаганидан мақсад нима?» Жавоб осон – чунки У бизни севди ва биз билан мулоқотни истади,

«...токи келажак асрларда Худо бизларга нисбатан бўлган
Ўзининг эзгулигида Ўз иноятининг беҳад бойлигини Исо
Масиҳда намоён қилсин» (Эфесликларга 2:7).

Лиза иккимизнинг Лекси номли итимиз бор. У ажойиб, ўйинқароқ ва қувноқ. Шундай бўлса-да, бизнинг мулоқотимиз чекланган. Баъзан у билан оғзаки суҳбат қила олмаганимдан аламим келади. Лекин ўғилларимиз билан ҳаммаси бошқача. Улар улғайган сари биз улар билан суҳбат қилиб баҳра олганмиз. Улар бизнинг ҳаётимизни нақадар безадилар. Худо бизни айнан шунинг учун яратган. Мен Лекси билан бўлган мулоқотимда чидаганимдек, Худо паст даражада бўлган суҳбатни истамайди. Худо Унинг ўғиллари ва қизлари У билан Унинг юрагига маъқул тарзда суҳбат қилишларини истаydi.

Бу Унинг азалдан бўлган мақсади эди. Раббий инсонни яратганда, уни Адан боғига жойлаштирди ва У Одамни севгани учун

у билан сұхбат қилган, сайр қилган. Одамнинг авлодидан бир киши Худонинг режасини маҳкам тутди, у ҳақда шундай деб ёзилган: «У Худо билан бирга юриб, тўсатдан йўқ бўлиб қолди, чунки Худо уни олиб кетди» (Ибтидо 5:24). Ибронийларга мактубнинг муаллифи «Ҳанўх Худога маъқул бўлганлиги ҳақида гувоҳлик олди» деяпти (Ибронийларга 11:5). Ҳанўх нима сабабга кўра Худога маъқул бўлди? Унинг махсус хизмати бор бўлгани сабаблими? Йўқ, чунки у Худо билан юрар эди ва У билан яқин мулоқотга эга эди.

Худо ўтмишда нимаики қилган бўлса, ҳозир нима қилаётган бўлса ва келажакда нима қиладиган бўлса, шу сабабдан қилади. Шундай қилиб, чўлнинг мақсади – биз қандай қилиб Исо Масиҳнинг суратига ўхшашимизни кўрсатишдан иборат.

Агар биз Худонинг биз ҳақимизда бўлган режасини кўздан қочирсак, биз бебош бўлиб қоламиз ва руҳий инқирозга учраймиз. Агар биз жамоат сифатида Худонинг мақсадини кўздан қочирсак, биз сўлиб қолиб, бу дунё томонидан бошқариладиган иншоатга айланиб қоламиз. Биз натижаларга урғу беряпмиз, яъни Исо Масиҳнинг сурати бўйича бўлган шогирдликнинг ўрнига – жамоат аъзоларининг кўплигига ёки катта биноларга урғу беряпмиз (Матто 28:19)

Келинг, яна бир бор Ҳикматлар 28:19 ни ўқиймиз:

«Ўз ерига ишлов берадиган одам нонга тўяди, бекорчиларга эргашадиган одам эса қашшоқ бўлади».

Ушбу оятда Худо бизда ваҳий бўлганда, у бизга паст даражадаги даъват билан қаноатланишимизга йўл қўймаслигини назарда тутяпти, чунки аксинча бўлса биз Унинг суратига ва сийратига ўхшаш бўлолмаймиз. Ваҳий токи биз Унинг суратига мувофиқ бўлмагунимизча ва Унинг зоҳир бўлган шухратини кўриб, У билан юзма-юз кўришмагунимизча қаноатланишимизга йўл қўймайди. Ваҳий, бизни Унинг комил иродасидан паст бўлган ҳар қандай нарсани қабул қилишдан асрайди. У бизни беғам бўлишимизга ва

бу дунёга ўхшаб танавий йўл тутишимизга изн бермайди.

Исо ваҳий ҳақида гапириб деди: «Кўз – тананинг чироғидир. Агар кўзинг тоза бўлса, бутун тананг ёруғ бўлади. Агар кўзинг ёмон бўлса, бутун тананг қоронғиликка тўлади. Шунинг учун сенинг ичингдаги нур қоронғи бўлса, қоронғилик нақадар буюқдир» (Матто 6:22-23). У бизнинг жисмоний кўзларимиз ҳақида айтмаяпти, балки юрагимизнинг кўзлари ҳақида ёки бизнинг вазиятларга бўлган муносабитимиз ҳақида айтаяпти.

Сиз реал вазиятларни юрагингизда қандай қабул қилсангиз, ўзингиз шунақа бўлиб қоласиз «...чунки унинг кўнглидаги фикрлари қандай бўлса, ўзи ҳам шундайдир» (Ҳикматлар 23:7).

Сиз тушиб қолган вазиятни қандай қабул қилишингиз, улардан қандай ўтишингизни белгилайди. Ваъда қилинган ерни кўришга борган ўн иккита айғоқчи бир хил нарсани кўрдилар – бир хил мустаҳкам шаҳарларни, бир хил паҳлавонларни ва канъан халқларининг қўшинларини кўрдилар. Бироқ, уларнинг иккитаси – Нуннинг ўғли Йошуа ва Калев бу нарсаларни, қолган ўн кишига қараганда умуман бошқача тарзда кўрдилар. Бу иккови бу вазиятга Худо қарагандек қарадилар, қолган ўн киши эса ваъда қилинган Ерни ўзларининг тажрибасига ва қобилиятига асосланиб баҳоладилар. Уларнинг кўзлари ёмон бўлгани сабабли, уларнинг хулқи (ёки Исо айтгандек “бутун танаси”) ҳам ёмон бўлган. Уларнинг сўзлари ва ҳаракатлари Худонинг иродасига тескари эди, улар келтирган хабар “ёмон” ёки “ёвуз” хабар эди.

«Уларга айтгин: “Мен тирикман, – дейди Раббий, — сизлар Менга эшиттириб нима деган бўлсангизлар, сизларга худди шуни қиламан: сизларнинг таналарингиз мана шу саҳрода қулайди. Ҳисобга олинганларнинг ҳаммасининг тўлиқ сони, йигирма ёш ва ундан катта Мендан нолиганлар — Мен қўлимни кўтариб сизларни жойлаштиришга қасам ичган ерга кирмайсизлар. Фақат Йефуннеҳнинг ўғли Калев ва Нуннинг ўғли Йошуа киради» (Сонлар 14:28-30).

Ўнта айғоқчи олиб келган ёмон хабари учун Худо ваъда қилган Ерни ҳеч қачон бошқа кўрмадилар, уларни шундай хабарни олиб келишга нима мажбурлади? Бунинг сабаби, улар вазиятни қандай қабул қилишларида эди: улар кўрган нарсаларга башорат кўзи билан эмас, табиий кўз билан қарадилар; Улар фақат кўзи билан кўрган нарсаларини айтиб бердилар холос.

Чўлдан ғолиб бўлиб чиқиш учун, биз Худонинг кўзлари билан қарашимиз керак. Худо айғоқчиларни ваъда қилинган Ерга жўнатишидан аввал Исроилликлар бир йил давомида шикоят қилиб яшаган эдилар. Улар вазиятни аллақачон салбий қабул қилишган эди. Шу боис, Худо уларга сут ва асал оқаётган ерни кўришига йўл қўйганида, улар кўрган барча яхши нарсаларни рад этдилар. Улар бунинг ўрнига ўз диққатини ўша мамлакатдаги паҳлавонларга қаратдилар.

Фақат чўлни (у билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни) кўрадиган одамлар ўз чўлида ҳалок бўладилар. Ваъда қилган Худодан ва У берган мақсаддан ўз нигоҳини узмайдиган одамлар, чўлдан муқаддасланган аскар бўлиб ўтадилар ҳамда ваъда қилинган Ерни забт этишга ва у ерда Худонинг шўҳрати учун яшашга тайёр бўладилар.

«Шунинг учун биз тушкунликка тушмаймиз (заифлашмаймиз ва бебош бўлмаймиз). Чунки ташқи инсонимиз барбод бўлиб бораётган бўлса ҳам, бизнинг ички инсонимиз кундан-кунга янгиланмоқда. Чунки бу қисқа муддатли енгил қайғуларимиз бизга беҳад мўл-кўл абадий шўҳрат вазнини келтиради; фақатгина биз кўринадиган нарсаларга эмас, кўринмайдиган нарсаларга қарасак (ҳамма нарсага Худо қарагандек қарасак): чунки кўринадиган нарсалар ўткинчи, кўринмайдиганлари эса абадийдир» (Коринфликларга 2-мактуб 4:16-18).

Чўлда ўтган вақт ва у ердаги бошимиздан кечирган азоблар биз келажакда эга бўладиган нарсалар билан солиштирганда қисқа ва

енгил ҳисобланади. Албатта, чўлда бўлганингизда, агар сиз чўлдан ўтганингиздан сўнг сизни нима кутаётгани ҳақида ваҳийга эга бўлмасангиз кечинмаларингизни енгил деб айтиш қийин.

Илгари мен қурғоқчилик даврларида бўлганимда, улар албатта, менга енгил қисқа муддатли бўлиб кўринмаган. Баъзан мен: «Бу қачондир тугайдими? Худо ваъда қилган нарсалар амалга ошадими?» деб ўйлардим. Бундай пайтларда мен зудлик билан бундай фикрларни улоқтириб юборишим ва ўзимни Раббийда мустаҳкамлашим кераклигини билар эдим. Менга берилган башоратларни эсга олар ва улар ёрдамида жанг қилишни бошлардим (Тимотийга 1:18). Бу башоратлар Худо менинг ҳаётим учун берган ваҳийлар эди, чунки Худо уларни менга Муқаддас Рухи билан Ўзининг Сўзи орқали очган эди.

Чўлдаги жанг майдони – бу сизнинг жонингиздир. Сизнинг жонингиз ақл, ҳиссиёт ва иродадан ташкил топган. Ирода – бу сизнинг жонингизнинг қисмидир, у сиз Худонинг ёки тананинг йўлини танлашингизни ҳал қилади, яъни вазиятларга сиз Худонинг кўзлари билан қарашингизни ёки чўлдаги қийинчиликларга қарашингизни ҳал қилади. Петъор шундай деб ёзаяпти:

«Севганларим, бу дунёда ғарибу мусофирдай бўлганингиз учун, сизлардан ўтиниб сўрайманки, жонга қарши жанг қилаётган танавий ҳирслардан ўзингизни тийинглар»
(Петъорнинг 1-мактуби 2:11).

Ҳамма гап сизнинг диққат марказингизда ким тургани ҳақида кетаяпти – Раббийми ёки сизми? Сизнинг онгингизда ва ҳиссиётларингизда жанг қилаётган танавий истаклар ўз диққатини худбин манфаатларга қаратади. Улар сизни Худо берган мақсаддан чалғитади, чунки Худонинг йўли - худбинлик эмас, балки ўзидан воз кечишдир.

Бугун кўпчилик томонидан воизлик қилинаётган ва қабул

қилинаётган хушxabар, беғам танавий ҳаёт хушxabаридир. Бугунги кунда ҳамма қабул қилган мактублар бизни ўз танамизни хочга михлашга ундамайди; ҳойнаҳой, улар ўз танамизни эркалатишга ва бизнинг якуний бўлган мақсадимиз – Исо Масихнинг суратига ўхшашимизга қарши курашадиган истакларга эрк беради.

Ушбу мактубларнинг асосий фикри кўпинча: «Худо мендан нимани истайди?» эмас, балки «Худо мен учун нима қила олади?» - деб жаранглайди. Бунақа беғам хушxabар биз Масих ортидан эргашиб қувғинларга дуч келашимиз ҳақидаги ҳақиқатни таъкидламайди. Бунақанги хушxabар туфайли кўпчилик мағрурона ҳаёт кечиришни бошлайди. Бу имонлиларни Худонинг аскарлари бўлиши учун қуроллантирмайди.

Ҳаворий Повул ўзининг шогирди Тимотийга ёзган мактубида ушбу мавзуга тўхталиб ўтган:

«Шундай қилиб, Исо Масихнинг яхши бир аскари сифатида қийинчиликларга бардош бергин. Ҳарбий хизматдаги ҳеч қандай аскар ўз қўмондонини мамнун қилиш учун ўзини тирикчилик ишлари билан боғламайди» (Тимотийга 2-мактуби 2:3-4).

Анашу «беғам хушxabар» туфайли, биз қаршиликка ёки қийинчиликларга дуч келиб, уларни қарши олиб, енгиб ўтишнинг ўрнига, чекиниш йўлини қидирамиз. «Беғам хушxabар» таълимотидан туғиладиган ваҳий – бу самовий эмас, у башорат орқали келмаган, аксинча худбинлик ваҳийидир.

Повул шундай дейди:

«Шунинг учун, подшоҳ Агриппа, мен самовий ваҳийга итоатсизлик қилмадим. Лекин аввал Дамашқ ва Йерусалим аҳолисига, кейин бутун Яҳудия юртига ва мажусийларга воизлик қилиб юрдим, токи улар тавба қилиб ва Худого ўгирилиб, тавбага лойиқ ишларни қилсинлар. Шу сабабдан, яҳудийлар мени маъбадда тутиб, ўлдиришга ҳаракат қилдилар» (Ҳаворийлар 26:19-21).

Чўлдан қандай ўтиш керак

#12 Эътибор билан белги қўйинг

Ҳозир бу сатрларни ёзар эканман, мен эллик тўққиз ёшдаман. Ҳаммаси қандай содир бўлди?

Орқамга қарасам, менинг чўлдаги мавсумларим умримнинг энг улуғвор ўсиш даври бўлганини англаяпман, гарчи ора-орада, мен олдинга эмас, орқага чекинаётгандек туюлган бўлсада. Шу боис, бизнинг эски дўстимиз Аюб шундай дейди: «Бироқ У менинг йўлимни билади, майли мени синасин: олтин каби чиқаман» (Аюб 23:10).

Ишонч билан айта оламани, китобларимдаги материалларнинг 90 фоизини (мен аллақачон йигирмата китоб ёздим) мен тўкинчилик даврларида эмас, балки чўлда ўтказган қурғоқчилик даврларида билиб олдим. Шунинг учун, сизга маслаҳатим – чўлда бўлганингизда диққат билан белги қўйиб боринг. Ушбу мавсумларда билиб оладиган нарсалар кўпларга (йиллар ўтиб сизга ҳам) куч беради. Ким билади...балки вақти келиб, сиз ҳам ўз кечинмаларингиз ҳақида китоб ёзарсиз!

Дўстим, мен сизга ҳозирнинг ўзида башорат қилмоқчиман! Мен айтмоқчи бўлган гапларимга иложи борича диққат қилинг. Худо белгилаган вақтда У ҳаётингизда кўпларга таъсир ўтказадиган қандайдир аҳамиятли нарсани амалга оширади. У амалга оширган нарса, кўплаб одамларга таъсир ўтказади ва сиз ўз итоатингизнинг ҳосилини кўриб, бутун абадият мобайнида қувонасиз. Дўстим, сиз синалган олтиндек, кучли ва содиқ бўлиб чиқасиз.

Бу дунёда кўплаб ваҳийлар бор, лекин фақатгина биттаси «осмондан келган ваҳийдир» ва бу Отанинг иродаси ҳисобланади. Повулнинг сўзларига эътибор беринг: «Баъзи яҳудийлар мен бу ҳақда маъбадда воизлик қилганим учун мени ҳибсга олишди». Повул самовий ваҳийга интилган ва бу йўлда катта қаршиликка дуч келган. Борди-ю бугун кўплаб одамлар воизлик қилаётган ва ишонадиган беғам хушxabарга у ҳам ишонганида эди, у ўз мақсадини ҳеч қачон амалга ошира олмаган бўлар эди. У ҳаттоки Агриппа шоҳининг олдиғача етиб бора олмас эди, чунки у тўқнаш келган қаршиликлардан чекиниш учун йўл топган бўлар эди.

Йермияҳ – Муқаддас Китобдаги самовий ваҳийга эргашган яна бир киши бўлади ва у ўз итоатининг натижасида кўплаб оғзаки ва фикрий қувғинларни бошидан ўтказди. Бир марта у бундан чарчади ва бироз нолишни бошлади. У деди:

«Нима учун бетафиқларнинг йўллари муваффақиятли ва барча хоинлар ҳузур-ҳаловатда яшайдилар? (Йермияҳ 12:1).

Худо унга ачиниш билан жавоб бермади. У деди: «Агар сен пиёдалар билан югурган бўлсанг ва улар сени толиқтирган бўлсалар, қандай қилиб, сен отлиқлар билан мусобақалашсан?» (Йермияҳ 12:5). Бошқача сўзлар билан айтганда, «Йермияҳ, агар сен иблисининг пиёда аскарларидан чарчаётган бўлсанг, унинг отлиқлари билан тўқнаш келганингда нима қиласан?

Уруш жанглardan иборат

Биз буюк ғалабалар буюк жангларсиз келмаслигини ёдда тутишимиз керак. Йермияҳнинг аҳволи янада оғирлашди. Оғзаки ҳақоратлар ортидан, уни зиндонга ташладилар, яна сал ўтиб, у ўлиши учун уни қувурга туширдилар. Шундай бўлса-да, Худо уни барча қийинчиликлардан ва қувғинлардан халос қилди.

Бугун Масиҳ Танасида кўпчилик бошидан ўтказаетган жанглар Повул бошидан ўтказган жисмоний қувғинлар эмас, балки ақлий ҳужумлардир. Агар қаршилиқ тури ўзгарса биз ўзимизни қандай тутамиз? Биз келажакдаги катта жангларни уддалай олишимиз учун, ҳозир бошимиздан кечираётган қийинчиликлар бизни мустаҳкамлаши керак.

Чўл – бу ҳарбий ўқув лагери ва келажакдаги жангларнинг машғулот майдончасидир. Биз аскарларни урушга тайёрлаш учун ўқув лагерига юборганимиздек, Худо Ўзининг жангчиларини, Ўз шоҳлигининг қурилишида даъват қилинган нарсаларга тайёрлаш учун чўлга жўнатади.

Аскарлар ўқув лагерида енгиб ўтиши керак бўлган энг катта тўсиқлар, бу уларнинг қўрқуви, заифликлари ва ғамгинлигидир. Қолаверса, биз чўлда тўқнаш келадиган улуғ жанглар жонимиз соҳасида жойлашган.

Из чўлда тўқнаш келадиган катта тўсиқлардан бири бу ғамгинликдир. Бир марта мен ибодат қилганимда, Раббий мендан дадилликнинг тескариси нима деб сўради.

Мен: «Албатта, қўрқув-да» деб жавоб бердим.

У пичирлаб деди: “Ғамгинлик”. Мен “дадиллик” сўзини ҳеч қачон бундай маънода кўрмаган эдим. Мен бирданига Нуннинг ўғли Йошуага саккиз марта дадил, мустаҳкам ва мард бўлиши ҳақида айтилганини тушундим (Сонлар 13:20; Қонуннинг Қайтарилиши 31:6, 7, 23; Йошуа Нун ўғли 1:6, 7, 9, 18), бу оятдаги сўлар ғамгин бўлмаслик ҳақида насиҳат ҳам эди. Раббий бу жанг катта курашлардан бири бўлишини биларди. Биз чўлдаги жангларимизда диққатимизни Худога ва ўз вазифамизга эмас, балки ўзимизга қаратганимизда ғамгинлик келади.

Душманнинг мақсади сизни ўз диққатингизни ўзингизга қаратишга мажбурлашдир; у чўлда айнан шу нарсани қилмоқчи эди. Исо оч қолди, чунки қирқ кун овқат емади ва иблис келиб деди: «Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, буюргин, бу тошлар

нонга айлансин» (Матто 4:3). Васваса Худонинг кучини, Худонинг таъминот режасига зид тарзда, Унинг танасининг истакларини бажо қилиш учун ишлатишдан иборат эди. Худо бизга инъом берганида, инъом билан бирга жиддий масъулият ҳам келишини ёдда сақлашимиз зарур: биз уни нотўғри ишлатмаслигимиз керак, аммо уни Худо истагандек бошқаришимиз зарур. Худо Исонинг эҳтиёжларини қондирмоқчи эди, лекин бу Унинг ихтиёри билан содир бўлиши керак эди. Иблис кетганидан сўнг, фаришталар келиб Исога хизмат қилдилар.

Исо Ўзининг хизмати ҳақида нима деганини яна бир бор ўқиймиз:

«Бунга Исо жавоб бериб деди: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қилади» (Юҳанно 5:19).

“Кўриш” сўзига эътибор беринг. Исо ҳеч нарсани Худонинг иродасидан ташқарида қилмаган.

Қурғоқчилик келган пайтда ҳамма нарсани Худонинг кўрсатмасини кутмасдан, ўзбошимчалик билан қилиш васвасаси келади. Бу Худо белгилаган вақтдан олдин ниманидир олиш учун Худонинг кучидан фойдаланишни билдиради.

Жанг вақтида зобитнинг буйруғига асосан курашмаётган аскарни тасаввур қила оласизми? Бу унинг ўзига ва у билан бирга жанг қилаётганларга жиддий зарар олиб келиши мумкин. Аскар ўзининг ва ўртоқларининг ҳаётини жанг вақтида беъмани хавфга қўймаслик учун ўқув лагерида ва бутун тайёргарлик вақти мобайнида буйруқларни бажаришни ўрганади.

Осмон бизга очиб берган нарсаларни унутмаслигимиз жуда муҳим. Шундай вазиятлар бўладики биз қуйидагича ўйлаймиз: «Мен ҳозир жавоб беришим керак!» ёки «Мен ҳозир қадам

қўйишим керак, акс ҳолда ҳаммаси вайрон бўлади!» Агар Худо сизга ҳеч қанақа жавоб бермаётган бўлса, бу У сиз билан гаплашмаяпти дегани эмас! Худо бизнинг ҳаётимизда жиддий тарзда иштирок этади. Бундай ҳолда У қўйидаги «xabарни беради»: «Ҳозир сен ҳеч нима қилмаслигинг керак». Бундай вазиятларда биз Раббийдан сўз кутишимиз керак ва вазиятни ўз кучимиз билан ўзгартиришга уринмаслигимиз лозим:

«Раббийни кутгин, дадил бўлгин, юрагинг мустаҳкамлансин!
Раббийни кутгин!» (Санолар 26:14).

Агар биз диққатимизни Унга эмас, балки ўз муҳтожликларимизга қаратсак, бизнинг юрагимизга ғамгинлик ва оғирлик келади. Биз ўзимизни чалғиб қолишга ва диққатимизни “енгил азобларга” қаратишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бунинг ўрнига, биз бугунги қийинчиликлар орқали келадиган беҳад мўл-кўл абадий шўҳратдан ўз нигоҳимизни олмаслигимиз зазур (Коринфликларга 2-мактуб 4:17)

Бу бизни кутаётган қувончдир ва у бизнинг мақсадимиз бўлиши шарт.

Бизни кутаётган қувонч

«Биродарларим, сизлар турли васвасаларга тушиб қолганингизда ҳам, буни бутун қувонч билан қабул қилинглар. Шўни билингларки, имонингизнинг синалиши сабр-тоқат ҳосил қилади. Сабр-тоқатингиз эса амалда мукамал бўлсин, токи сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз, етук ва комил бўлинглар» (Ёқуб 1:2-4).

Қувонч – бу руҳий куч, у бизга азобларни ва синовларни кўтариб ўтишимизга ёрдам беради. Нима деб ёзилганига эътибор беринг: “Буюк қувонч билан қабул қилинглар”, буни “Қисман қувончли,

қисман ғамгин” деб ҳисобламанглар. Биз юрагимизда ҳам қувонч ҳам ғамгинлик бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Бунга қўйидагича қаранг. Сизнинг тўқсон тўққизта халқаси қувончдан ва фақат биттаси ғамгинликдан ташкил топган занжирингиз бўлса, унда занжирингизнинг мустаҳкамлиги айнан манашу заиф халқа орқали баҳоланади. Сизнинг занжирингиз юзта қувонч халқасидан иборат бўлиши шарт, токи сизда ҳаётингиздаги вазиятларда керак бўладиган қувват бўлсин.

Биз ҳамма нарса яхши бўлганида буюк қувончга эга бўлиш қанчалик осонлигини биламиз. Лекин ушбу оятда бу ҳақда айтилмаяпти. «Буюк қувонч билан қабул қилиш» вақти – бу синовлар вақти, яъни чўл, қувғинлар, қийинчиликлар, азоблар ва бошқа мусибатлардир. Худо «Раббий олдидаги қувончингиз сиз учун қувватдир» (Неҳемиаҳ 8:10) деб, шу ҳақда айтаяпти. Биз У билан яқин муносабатга эгалигимиз натижасида келадиган қувонч бизни мустаҳкамлайди.

Менинг рафиқам ва бутун оилам – ўғилларим, келинларим ва набираларим менга қувонч келтиришади! Мен уйимдан узоқда бўлганимда, уларнинг суръатини очиб томоша қиламан ва ҳар сафар бу менга қувонч баҳшида этади. Шунингдек, бу менга куч беради.

Неҳемиаҳ ўзининг одамларига шу нарса ҳақида айтаяпти. Улар қийин даврлардан ўтишган, Неҳемиаҳ ҳайқириб дейди: «Қийинчиликлар туфайли ғам чекманглар; ўз нигоҳингизни Раббийга қаратинглар. Чунки Унга яқинлашганингизда, сизнинг юрагингиз қувончга тўлади ва сизга куч келади» (бу менинг ўз сўзларим билан айтган гапларим).

Мақтов сизнинг диққатингизни ўзингиздан чалғитиб Раббийга қаратади. Синовлар авжига чиққан чоғда, биз тўқнаш келган кучли босим туфайли Худонинг қудратини унутиб юборишимиз осон. Довуд ўз саноларининг аксариятини синовлар орасида ёзди. Худони улуғлаб, у ўта ноқулай вазиятларда кучли бўлиб қолишга муваффақ бўлди.

Ишаъё 61:3 да Худо бизга: «...кулнинг ўрнига зеб-зийнат, йиғининг ўрнига қувонч мойи, тушкунлик руҳининг ўрнига шухрат кийими ...» берилиши ҳақида айтмоқда.

Мен кучли қурфоқчиликни бошимдан ўтказганим эсимда, шунда бу оятни янгича тушундим. Мен ўйимда бир ўзим бўлганимда ўта даражада кучли оғирликни ҳис қилдим. Мен Муқаддас Китобни қўлимга олганимда уни аранг ўқидим. Мен ибодат қилишни бошлаганимда, аҳвол янада оғирлашди. Ичимда Муқаддас Рух менга: «Ҳамду-сано ёзилган дисклардан бирини қўш» деганини ҳис қилдим. Мен магнитофонимиз турган хонага кириб ҳамду-санони қўшдим ва бироз кўйлашни бошладим. Бу етарли эмас эди ва мен Раббийнинг олдида рақсга тушишни бошладим. Менинг юрагимда шуқадар оғирлик бор эдики, ўзимга худди суюқ қўрғошиннинг устида рақсга тушаётгандек туюларди. Мен курашганимни айтишнинг ҳожати йўқ.

Қўшиқлар тугаганидан сўнг уларни қайтадан қўшиш кераклигини ҳис қилдим. Иккинчи марта мен нима кўйлаётганимни эшитишни бошладим. Тўсатдан бир зумга, мен ўз юрагимда тахтда ўтирган Исони чақнаганини ва Унинг буюк севгисининг шулъасини кўрдим. Менинг юрагим қувонч билан тўлди ва бемалол рақсга тушишни бошладим. Мен нигоҳимни ўзимдан олиб, Исонинг буюклигига қадаганимни сездим. Кейинги ўттиз дақиқа давомида мен кўйладим, рақсга тушдим ва кичкина ўйимизнинг ичида ёввойига ўхшаб югурдим. Оғирлик кетди ва менда атиги ўттиз дақиқа олдин бўлмаган ҳаётга ва кучга тўлдим.

Уни улуғлаган пайтдим, мен яна ўз диққатимни Унга қаратдим. Мен Ишаъё пайғамбар ёзган нарсани бошимдан ўтказдим: «Сизлар нажот булоқларидан қувонч билан сув тортасизлар» (Ишаъё 12:3), Раббийнинг қувончи орқали мен нажот булоқларидан куч олишни бошладим.

Мақтов бизга ўз нигоҳимизни, бизни ўраб турган вазиятларга эмас, балки олдимизда турган қувончга қаратишимизга ёрдам беради.

«Шунинг учун бизлар атрофимизда гувоҳларнинг шундай буюк булутига эга бўлиб, ҳар бир оғирликни ҳамда бизларни осон қуршаб олаётган гуноҳни ағдариб ташлайлик ва тайинланган мусобақада сабр-тоқат билан югурайлик. Имоннинг асосчиси ҳамда тугатувчиси бўлган Исога кўз тикайлик. У шармандаликни менсимай, Ўзига тайинланган қувончнинг ўрнига хоч азоб-уқубатига чидади ва Худо тахтининг ўнг томонида ўтирди. Сизлар дармонсизланиб, жонингиз ҳолсизланиб қолмаслиги учун гуноҳкорларнинг Унга қарши ҳақоратларига чидаган Исо ҳақида фикр юритинглар. Сизлар гуноҳга қарши жанг қилиб, ҳали қонингиз тўкилишига қадар курашмадингизлар» (Ибронийларга 12:1-4).

Исо кимдир қачондир тўқнаш келган ёки тўқнаш келадиган синовни, олдинда турган қувонч – хочга миҳланиш ортидан келган тирилишга қараб, буюк синовни бошидан ўтказди. Бу Унинг азобларида кўрсатган итоат ортидан келган шўҳрат эди ва натижада, кўплаб ўғил ва қизларни Худонинг шоҳлигига олиб келди, уларнинг орасида сиз ва мен ҳам бормиз!

Биз шу йўсинда Унинг изидан боряпмиз. Ўзимизни рад этганимизнинг ва танамизни хочга миҳлашимизнинг ортида, бизни тирилиш ҳаёти кутмоқда. Танамизнинг азоблари ортида бизга керак бўлган етуклик турибди, унинг ёрдамида биз Исо билан янада яқинроқ муносабатлар қўряпмиз. Чўлнинг қийинчиликлари ортидан улкан шўҳрат юради. Повул шундай деб ёзган:

«Чунки ўйлайманки, ҳозирги азоблар келажакда бизларда очиладиган шўҳрат билан таққосланганда, ҳеч нарсага арзимайди» (Римликларга 8:18).

Худонинг шўҳрати Унинг қайтиб келишидан аввал жамоатда намоён бўлади. Бу шўҳрат шуқадар кенг миқёсда бўладики, у шаҳарларни ва мамлакатларни қутқаради. Ер Унинг буқадар

қудратини илгари кўрмаган. Бу қудрат Худога ўзини тозалашига имкон берган Масих издошлари орқали намоён бўлади. Худо Ўзининг Руҳини қуяди, бу буюк ҳосилга олиб келади, бу ҳосил инсон ёрдамига муҳтож бўлмайди. Худонинг қудрати ва шуҳрати уни қўллайди!

«Севганларим! Сизларни васваса қилиш учун бошингизга тушаётган алангали синовни ғалати воқеа деб ҳайрон бўлманглар. Аксинча, Масихнинг азобларига шерик бўлаётганингиз учун қувонинглар. Унинг шуҳрати зоҳир бўлганида, сизлар янада кўпроқ қувониб, тантана қиласизлар» (Петъорнинг 1-мактуби 4:12-13).

Яна айтадиган бўлсак, олдинда турган қувонч нима? Бу Масихга бўйсунган ҳолда азоб чеккан одамлар орқали намоён бўладиган Унинг шуҳратидир. Эътибор беринг, сизнинг азоб меъёрингиз қувонч меъёрингиз билан баробар бўлади; билинги, қаршилиқ қанчалик кўп бўлса, шуҳрат ҳам шунчалик кўп бўлади!

Ўз ҳаётингизни йўқотинг

Дўстим, қаршилиқ келганида Худонинг ортидан боришдан тўхтаманг! У сизни ҳаётдаги қийин вазиятлар аро олиб боради, чунки қанчалик кўп жанг бўлса, Худонинг шоҳлиги учун ва сиз учун шунчалик кўп ғалаба келади. Лекин бу жангларнинг авжида ушбу ваъдаларни эсда сақланг:

«Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келган эмас. Худо эса содиқдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос бўлиш йўлини ҳам беради» (Коринфликларга 1-мактуб 10:13).

Синов сизга қанақа бўлиб кўринмасин, уни муваффақият ва шуҳрат билан кўтариб ўтиш учун сизда куч бор. Акс ҳолда сиз бу синовлар билан тўқнаш келмаган бўлар эдингиз; Худо бунга йўл қўймаган бўларди!

Агар сиз ўз ҳаётингизни севсангиз, сиз қийин дақиқада таслим бўласиз. Сиз Унинг ортидан боришдан тўхтайсиз ва сизнинг ҳаётингизда ҳосил бўлмайди.

Ваҳий 12:11 да ёзилган: «Улар Қўзининг қони ва ўзларининг гувоҳлик сўзи билан уни енгдилар. Улар то ўлгунча ўз ҳаётларини севмаган эдилар».

Худонинг иродасидан кўра ўзи ҳақида кўпроқ қайғурадиган одамлар ўзини севадилар, лекин Исо шундай деяпти: «Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен учун жонини йўқотса, уни топади» (Матто 16:25).

Бизни олдинда кутиб турган нарсага бардош бера олишимизнинг ягона йўли бу ўз жонимизни ёки ҳаётимизни йўқотишдир. Мен сизни олдинга интилишда давом эттиришга чақирмоқчиман, «Бизнинг устимизга юқоридан Рух қуйилмагунича, сахро боққа айланмагунича, боғни эса ўрмон деб ҳисобламагунларича шундай бўлади» (Ишаъё 32:15).

Чўл – бу биз қуролларимизни йиғиштириб, таслим бўлишимиз керак бўлган жой эмас. Биз Худонинг иродасини бажаришимиз учун, чўлда кучли, дадил ва довюрак бўлишимиз шарт. Бу биз Худога қатъият билан бўйсунимиз ва иблисга қарши туришимиз керак бўлган жойдир.

Агар сиз ҳозир чўлда бўлсангиз, Худо сизнинг юрагингизда нима борлигини ўзингиз билишингиз учун бу жойга олиб келди. Кўпинча мен иблиснинг васвасаси деб ҳисоблаган нарсалар, аслида Масихга бўйсундиришим лозим бўлган ҳаётимининг сирли соҳалари экан.

Самовий мукофотга интилиб қуйидаги оятларни эсда сақланг:

«Лекин Худога шукроналар бўлсинки, У бизни Масихда ҳамиша зафарона тантанада олиб юрмоқда ...»
(Коринфликларга 2-мактуб 2:14).

«Ким бизни Масихнинг севгисидан ажратар экан: қайғуми ё тангликми, ё қувғинми, ё очликми, ё яланғочликми, ё хавф-хатарми ёки қиличми? Аммо бизни Севган орқали буларнинг ҳаммасидан биз ғолибдан кўра устунроқмиз»
(Римликларга 8:35, 37).

«Лекин Худога шукурки, У бизга Раббимиз Исо Масих орқали ғалаба берди!» (Коринфликларга 1-мактуб 15:57).

Худонинг ортидан боришдан тўхтаманг. Вазиятларга қарамасдан, У сизга берган мақсадни сақланг.

Юсуфнинг вазияти умидсиз туюлар эди, у қувурга ташланди, сўнг бегона юртда зиндонбанд қилинди. Унинг ҳаёти тамом бўлгандек кўринарди. Уни қанақа келажак кутаётган эди? Ёдингизда бўлсин, «Одамлар учун бу имконсиздир, аммо Худо учун эмас, чунки Худо учун ҳамма нарсанинг имкони бор...» (Марк 10:27).

Бу сизга ҳам тааллуқли – вазиятлар қанчалик оғирлашишидан қатъи назар, эсда сақланг: "...ишонган одамга ҳамма нарсанинг имкони бор..." (Марк 9:23).

Сизни олдинда кутаётган қувончга – сиз орқали намоён бўладиган Унинг шухратига қаранг. Бу сиз тўқнаш келадиган барча синовларни енгиб ўтишга куч беради. Уни бутун қалбингиз билан излашда давом этинг ва У сизга Ўзининг Руҳи билан, Ўзининг Сўзи орқали гапиришига ишонинг. Агар шундай қилсангиз чўлда ғалаба қозонасиз.

«Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худого Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шуҳрат, улуғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин» (Яҳудо 1:24-25).

МУЛОҲАЗА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни “Чўл” номли ўқув дастури билан биргаликда ўқиётган бўлсангиз (бу жуда яхши фикр деб биламан), ҳафталик видео дарсларни кўриб боришни ва гуруҳдаги мулоҳаза учун саволларга мос равишда жавоб беришни маслаҳат бераман. Видео дарслар ушбу китобдаги асосий ғояларни такрорлайди ва янада кенгайтиради. Шу боис, гуруҳнинг ҳамма аъзолари китобни ўқиш билан биргаликда видео ўқув дастурларни кўриб борса, нур устига аъло нур бўлади.

Вақтингиз мароқли ўтсин!

1-дарс

Биринчи бобни ўқинг

1. Худонинг ҳамма жойда мавжуд табиати билан яққол ҳузурининг ўртасида қандай фарқ бор? Биз бу фарқни тушунишимиз нима учун муҳим?
2. Нега биз бугун яшаётган мавсумимизни фарқлай олиш ва чўлдамизми ёки йўқлигимизни билиш муҳим ҳисобланади?
3. Нима деб ўйлайсиз, нега шайтон, биз атайин гуноҳ қилишимизни ёки ўз имонимиздан кечишимизни кўзлаб, васвасага солиш учун чўл мавсумидан фойдаланади?
4. Нега Худо, биз чўлдаги вақтимизни ўзимиз узайтиришимизга йўл қўяди?

2-дарс

Иккинчи ва учинчи бобларни ўқинг

1. Чўл даври бир нечта мақсадга эга. Ушбу дарсда тилга олинган чўлнинг еттита мақсадидан қайси бири сизда кўпроқ таассурот қолдирди ва нима учун?
2. Нима деб ўйлайсиз, нега чўл мавсумида Худога итоат этиш руҳий ўсишга олиб келади?
3. Чўл – бу ўз-ўзини таниб-билиш вақти. Ўзингиз ҳақида ва чўлда Худо билан ўтказган вақт тўғрисида билиб олган нарсалардан айримларини санаб ўтинг.
4. Ушбу кўникиш даврида Худога қай тарзда мустаҳкамландингиз?

3-дарс

Тўртинчи бобни ўқинг

1. Ваъда ва унинг амалга ошишининг ўртасида доим жараён бор. Нега бу муҳим жараён ҳисобланади?
2. Тайёргарлик жараёни сизнинг ҳаётингизда амалга оширган ишни кузатганмисиз?
3. Нима деб ўйлайсиз, нега Худо сиз тайёргарлик жараёнидан ўтишингиздан олдин ваъдаларни беради?
4. Нега ҳаётингиз учун ўзингиз тузган беш йиллик режадан кўра Худонинг ваъдасига эга бўлиш муҳим?

4-дарс

Бешинчи ва олтинчи бобларни ўқинг

1. Шоул ва Довуднинг қиёси Худо чўл орқали тозалашининг муҳимлигини тушунишга бизга қай тарзда ёрдам беради?
2. Олтин тозаланганда янада эгилувчан бўлади ва Худо бизни тозалаганда ҳам биз Унга нисбатан эгилувчан бўлаемиз. Худога нисбатан юмшоқ ёки эгилувчан бўлиш нимани англатишини таърифланг.
3. Худонинг поклаш жараёни яширин гуноҳни ёки заифликни юзага чиқарганида бизнинг бунга муносабатимиз қандай бўлиши лозим?
4. Тозаланиш жараёни қай тарзда биз Исони аниқроқ намоён этишимизда ёрдам беради?

5-дарс

Еттинчи бобни ўқинг

1. Худо нега норозилиқдан нафратланади? Сизнинг ҳаётингизда нолиш қандай ўринни эгаллайди?
2. Малахи китобидаги одамларнинг норозилиги ва Йермияҳнинг шикоятини ўртасида қандай фарқ бор? Худо нега биринчи гуруҳга нисбатан ғазабланди, лекин Йермияҳнинг шикоятига жавоб берди?
3. Ҳукм маҳкумлиқни эмас, балки қарорни билдиради. Ҳукм Худонинг уйдан бошланганида, Худо ким Унга хизмат қилишга лойиқлигини ҳал қилади. Сизнингча Худо ушбу қарорни қабул қила туриб, қайси сифатларга эътибор беради?

4. Худо хизмат учун яроқли идишларни излайди. Даъват ва сайловнинг ўртасидаги фарқни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

6-дарс

Саккизинчи бобни ўқинг

1. Сиз азоблар – бу инъом эканини илк бор эшитганингизда онгингизга қандай фикрлар келди? Дарснинг охирига келиб, дунё қарашингиз қай тарзда ўзгарди?
2. Худо сиз кўтара оладиган синовдан ортиғига йўл қўймайди. Бу ҳақиқат сизни руҳлантирадими ва қай тарзда руҳлантиради?
3. Худо сиздаги куч ҳозирги даражада қолиб кетишига йўл қўймайди. Бу Худонинг ҳаётингиздаги режаларини қандай ифодалайди?
4. Биз келажакда дуч келадиган босим мавжуд. Энди эса Худо манашу босимга ўхшаган синовдан ўтишимизга йўл қўяди. Худо сизнинг келажагингиз ҳақида нима деган ва сиз ҳозир бошдан кечираётган босимни англаб етишга қай тарзда ёрдам бермоқда?

7-дарс

Тўққизинчи бобни ўқинг

1. Худонинг ортидан бориш ҳар доим ҳам мантиқий эмас. Нега Худо бизнинг одатий ҳатти-ҳаракатларимизни “бузганида”, Унга ишониш қийин кечади?
2. Худо сиз истаган пайтда ҳаракат қилмаганида, нималарни ҳис этасиз? Худонинг ваъдалари кечиктирилгандек туюлганида

қандай босимни ва васвасаларни бошдан кечирасиз?

3. Ҳаётингизда қўйидаги ҳақиқатга амин бўлдим деб айта оласизми: “Тана ниманидир туғса, айнан тана уни ўстириши керак бўлади”? Худодан туғилган нарса, танадан туғилган нарса билан нимаси билан фарқ қилади?
4. Нима сизга ўз ҳаётингизда Худонинг йўлидан бораётганингизга аминлик беради?

8-дарс

Ўнинчи бобни ўқинг

1. Чўл – бу Худо Ўзини намоён қиладиган жой. Шундай бўлса, нега Худо чўлда биздан узоқдадек туюлади?
2. Биринчи навбатда марҳаматларга эмас, балки Худога интилиш нимани билдиради?
3. Сизнинг даъватингиз ёки Худодан олган ваъдаларингиз, Унинг Ўзидан муҳимроқ бўлиб қолиши нимаси билан хавфли?
4. Худо Муқаддас Китобдаги қаҳрамонларга Ўзини намоён қилганини кўрганингизда, бу сизнинг чўл мавсумидаги кутиш вақтингизни қай тарзда ўзгартиради?

9-дарс

Ўн биринчи бобни ўқинг

1. Нима учун, айниқса, руҳий қурғоқчилик пайти тасалли келадиган манбага эҳтиёткорлик билан ёндошимиз ўта муҳим?
2. Биз истамаган пайтларимизда ҳам, ибодатни ва Худонинг Сўзини чуқур ўрганганимизда, қай тарзда руҳий

томирларимиз мустаҳкамланади?

3. Айнан ҳосил келишидан сал аввал улкан ҳужумлар вужудга келишини билиш сизни руҳлантирадимиз?
4. Нима учун Худонинг садоқати тўғрисида мулоҳаза юритиш чўлдаги ҳаётингизни ўзгача тусга ўзгартиради?

10-дарс

Ўн иккинчи бобни ўқинг

1. Қандай қилиб, сиз ўтган чўлларнинг бири, қай тарзда сизни ҳаётингиздаги янги даражага тайёрлади?
2. Нега ўзгариш қийин? Кўпинча ўзгаришларга мослашиш учун нима тўсиқ бўлади?
3. Мешларнинг янгиланиш жараёнида сизда кўпроқ нима таассурот қолдирди? Нима учун бу сизнинг эътиборингизни тортди?
4. Биз янги нарсага эга бўлишимиз учун эскисидан воз кечишимиз зарур. Янги нарсаларни қабул қилишингиз учун, сиз нималардан воз кечишингиз зарур?

ИЛОВА

Ҳар бир инсон учун нажот мавжуд

“Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади”.

– Римликларга 10:9, 10

Худо сизнинг ҳаётингизда абадий муваффақиятни кўришни истайди. У сизни оташин севади ва сизнинг ҳаётингизда Унинг режаси бор. Лекин сизни ўз тақдирингизга элтадиган фақат битта йўл бор – бу Худонинг Ўғли, Исо Масих орқали нажотни қабул қилиш.

Исонинг ўлими ва тирилиши орқали Худо Ўзининг севикли ўғли ва қизи учун Ўз Шоҳлигига томон йўл ҳозирлаган. Масихнинг хочдаги қурбонлиги туфайли сиз учун абадий тўкин ҳаёт берилган. Нажот – Худонинг сиз учун бўлган инъомидир, уни ишлаб қўлга киритишнинг, унга сазавор бўлишнинг имкони йўқ.

Ушбу қимматли инъомни олиш учун, ўзингизнинг гуноҳларингизни ва сиз Яратувчисиз яшаганингизни (чунки бу барча қилинган гуноҳларнинг негизидир) тан олишингиз керак. Тавба – нажотни қабул қилишнинг энг асосий қисми. Петъор Ҳаворийлар китобида, беш минг киши нажот топган вақти бу ҳақда аниқ айтган: “Шунинг учун гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглр ва Худога ўгирилинглр...” (Ҳаворийлар 3:19). Ёзув ҳар биримиз гуноҳнинг қули бўлиб туғилганимиз ҳақида айтади. Бу қул-

лик Одам Атонинг ўзбошимчалик ва итоатсизлик қилган гуноҳидан келиб чиққан. Тавба – бу танлов, бу ўзингизга ва ёлғоннинг отаси бўлмиш шайтонга бўйсуншни бас қилганингизни ҳамда сиз учун Ўз ҳаётини қурбон қилган, янги Хўжайинингиз Исо Масихга итоат қилишни бошлашингизни билдиради.

Сиз ўзингизни Масихга бўйсундиришингиз, Уни ўз Хўжайинингизга айлантиришингиз, Унга ҳаётингиз (руҳингизни, жонингизни ва танангизни) топширишингиз, Унга бутунлай ўзингиз ва сизда бор бўлган нарса устидан ҳокимиятни беришингиз керак. У ҳаётингиз устидан тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиши лозим. Сиз шундй қилганингиздан сўнг, ўша заҳотиёқ Худо сизни зулматдан қутқаради ва сизни Ўз Шоҳлигининг нурига ва шухратига олиб киради. Сиз ўлимдан ҳаётга ўтасиз ва Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Исо орқали нажотни қабул қилишни истасангиз, мана шундай сўзлар билан ибодат қилинг:

“Осмондаги Худо, мен гуноҳкор эканимни ва Сенинг ҳақлик ўлчамларинг билан яшай олмаслигимни тан оламан. Қилган гуноҳларим учун абадий жазога лойиқман. Мени шундай аҳволда қолдирмаётганинг учун Ўзингга шукур, чунки мен ишонаман, мен ўлмаслигим учун ва менинг жазойимни хочга олиш учун, Сен бокира Марям орқали туғилган Ягона Ўғлинг Исо Масихни юбординг. Унинг учинчи кун тирилганига ва ҳозир Сенинг ўнг томонингда ўтирганига ишонаман. У менинг Раббим ва Нажоткорим. Бугун мен Сендан мустақил равишда яшаганим учун тавба қиламан ва ҳаётимни тўлиқлигича Раббий Исога бағишлайман.

Исо мен Сени ўзимнинг Раббим ва Нажоткорим деб эътироф этаман. Менинг ҳаётимга Ўз Руҳинг билан келгин ва мени ўзгартириб, Худонинг фарзандига айлантиргин. Мен шу пайтгача юрган зулматдан воз кечаман ва шу кундан эътиборан ўзим учун яшайман, балки Сенинг иноятинг билан Сен учун яшайман, чунки мен абадий ҳаётга эга

бўлишим учун Сен Ўзингни қурбон қилдинг.

Раббий Ўзингга шукур. Энди менинг ҳаётим Сенинг қўлларингда ва Сенинг Сўзингда айтилганидек, мен уятда қолмайман. Исо Масих номи билан, омин”.

Худонинг оиласига хуш келибсиз! Мен сизни ўзингиз билан содир бўлган воқеа ҳақида бошқа имонлилар билан бўлишишга чорлайман. Муқаддас Китобга ишонадиган бирор бир маҳаллий жамоатга боришни бошланг, чунки сизни имонда қўллаб-қувватлайдиган имонлилар билан мулоқотда бўлиш жуда ҳам муҳим.

Сиз энг ғаройиб саёҳатни бошладингиз. Худо сизни марҳаматласин, токи сиз ҳар куни Уни таниб-билишда, иноятда ва дўстликда ўсиб боринг!



«Мессенжер Интернэшнл» одамларга, оилаларга, жамоатларга ва халқларга Худо Сўзининг ўзгартирадиган кучини англашга ва бошдан кечиришга ёрдам бериш учун яшайди. Бу ўзгаришлар орқали одамларнинг ҳаёти куч билан тўлади, жамият ўзгача тарзда шакллана бошлайди, дунёдаги адолатсизликларга баланд овоздаги жавоб келади.



Cloud Library – бу бутун дунёдаги хизматкорлар, ўз она тилида рақамли манбаларга эга бўлишига имкон яратадиган онлайн-платформа ҳисобланади.

CloudLibrary.org саҳифасида сиз Жон ва Лиза Биверларнинг **100 дан** ортиқ тиллардаги манбаларини топишингиз ва уларни осон юклаб олишингиз мумкин.


Электрон китоблар, видео ва аудио таълимотлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб...

Кўпроқ истайсизми? Сканер қилинг:
Cloud Library.org



АБАДИЯТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАЁТГАНЛАР

Бугун ва абадийликда аҳамиятга эга бўлган ҳаёт



Бу ердаги ҳаёт – бор-йўғи буғ кабидир, бироқ кўпчилигимиз худди у дунё йўқдек яшаймиз. Манашу ҳаётдаги яшаб ўтган умримиз, абадийликдаги тақдиримизни белгилайди. Худонинг Каломи, имонлилар турли даражадаги мукофотларга эришишини айтган. Бу мукофотлар инсоннинг барча ютуқлари унинг кўз ўнгида ёниб кетишидан тортиб, Масих билан биргаликда ҳукмронлик қилишигача боради.

Иккинчи Коринфликларга 5:9-11 да келтирилган қоидаларга асосланиб, Жон Бивер, ҳамма имонлилар, бу дунёда қўлга киритган нарсаларини олиш учун Масихнинг қаршисида туришини эслатиб ўтган. Кўпчилигимиз, умримизнинг катта қисмини, абадий мукофот берилмайдиган нарсаларга сарфлаганимизни тушуниб, ҳайратда қоламиз.

Шундай қилиб, ҳаётимизни қай тарзда маъноли ўтказишимиз мумкин? Абадиёт томонидан бошқарилаётганлар китобида, ўз даъватингизни қай тарзда билиб олишни ва Худо сизга берган нарсаларни кўпайтиришни ўрганасиз. Ҳаётга абадийлик нуқтаи назаридан қараб, сиз мангу турадиган нарсалар устида меҳнат қилиш учун куч оласиз.

Messenger хизматининг куйидаги саҳифасида ушбу китоб ҳамда Жон ва Лиза Биверларнинг бошқа таълимотлари мавжуд, у ердаги юкланмайдиган видеоларни томоша қилишингиз ва манбаларни бепул юклаб олишингиз мумкин:



CloudLibrary.org

ҲАЁТНИНГ ҚИЙИН ДАВРЛАРИДА ЎЗИНГИЗНИ ПАРИШОН ҲИС ЭТИБ: «ХУДО, ҚАЕРДАСАН?» ДЕБ САВОЛ БЕРАСИЗМИ?

Эҳтимол, сиз шу пайтгача Худонинг овозини эшитгандирсиз, бироқ ҳозир У сукут сақлаётгандек бўлиб кўриняпти. Эҳтимол, сиз шу пайтгача имонда ҳаракатланиб келгансиз, аммо ҳозир Унинг ҳузурини топа олмаяпсиз. Худодан ваъдани олиш ва уни амалга ошиши ўртасидаги жой бўлмиш – чўлга марҳабо.

Яхши хабар шундаки, чўл – бу мақсадсиз ва қуруқ ер эмас. Худо сизни даъватингизга тайёрлаш ва анжомлаш учун чўлдан фойдаланади. Аксарият кишилар нима деб ўйлашдан қатъий назар, биз Худони шунчаки кутиб ўтираверсак, бу даврдан ўта олмаймиз. Чўлдан ўтиш учун сизнинг иштирокингиз ҳам керак ва сизнинг иштирокингизнинг аҳамияти катта. Агар сиз вақтни беҳудага сарфлашни ва бир жойда айланиб юришни истамасангиз, чўл нималигини билиб олишингиз жоиз.

Ушбу ваҳийларга бой китобда, оммабоп китоблар муаллифи Жон Бивер, Худо сиз учун тайёрлаб қўйган барча нарсани қўлга киритишда ва ҳаётингизнинг қийин ва қуруқ мавсумидан ўтишда ёрдам берадиган Муқаддас Китобдаги муҳим билимлар ва сермазмун воқеалар билан отлантиради.



ЖОН БИВЕР – халқаро воизхон ва оммабоп китоблар муаллифи бўлиб, у Худонинг Сўзидан четга чиқмаслиги билан кенг танилган. Жон ва унинг рафиқаси Лиза «Мессенжер Интернэшнл» хизматининг асосчилари бўлиб, уларнинг мақсади Муқаддас Китобдан четга чиқмайдиган дунёни ўзгартирувчи Масихнинг издошларини кўтаришдир. Жон уйда, Колорадада бўлганида, ўзининг тўрт ўғли билан стол ўйинларини ўйнайди ёки Лизани у билан гольф ўйнаши учун кўндиришга ҳаракат қилади.



Бепул юклаш ва видео томоша қилиш учун
CloudLibrary.org саҳифасига ташриф буюринг.



Бу китоб – муаллифдан тўхфа.
Сотиш ман этилади.

Кўпроқ ўқийсизми?
Санаар кўлинг.

